

**МОЛИЯ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ВА БЮДЖЕТ
ТАШКИЛОТЛАРИ МОЛИЯ-ҲИСОБ БЎЛИНМАЛАРИ
ХОДИМЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ЎҚУВ МАРКАЗИ**

**Давлат бюджети
ижросининг ғазначилик
ТИЗИМИ**

ТОШКЕНТ-2009

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар миқёсида давлат молияси ислохотлари муҳим ўринни эгаллаган. Шулар қаторида Ғазначилик тизимини жорий этиш, унинг ташкилий ва меорий ҳуқуқий тизимини такомиллаштириш, унинг таррақий этишининг йўналишларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур ўқув курсида шу соҳага оид билим ва тажрибалар ўқитилади.

Ёритилган масалалар муракаб бўлганлиги учин, рисола кўпроқ шу соҳада ишловчи ва малакасини оширувчилар, илмий ходимлар, аспирантлар, магистрантлар учун мўлжалланган бўлсада, ундан олий ўқув юрт талабалари, иқтисодий ва банк-молия коледжлари ўқитувчилари ва ўқувчилари учин ҳам қўлланилиши тавфсия этилади

Ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг “Молия органлари ходимлари ва бюджет ташкилотлари молия ва бухгалтер ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш” Ўқув марказида тайёрланган. Уни чоп этиш ҳуқуқи ҳимояланган.

Тақризчилар:

Тошкент молия институти Проректори

и. ф. д., Профессор

Ё.А. Абдуллаев

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
Ғазначилигининг Молиявий макжбуриятларни
рўйхатга олиш бўлим бошлиғи и.ф.н.

Д. Пўлатов

Ўқув қўлланманинг кириш қисми

М.Т. Хайдаров

1 Қисм муаллифи - И.ф.н. доцент

М.Т. Хайдаров

2 Қисм муаллифи - И.ф.н.

А. Р. Сувонқулов

3 Қисм, 1 боб муаллифи

Б. Нурматов

3 Қисм 2,3 боблар муаллифи

Б. Сугирбоев

© **Мирёқуб Хайдаров; Алиасқар Сувонқулов;
Бахтбек Сугирбаев, Ботир Нурматов 2008.**

Мундарижа

КИРИШ

1 ҚИСМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ҒАЗНАЧИЛИК ИЖРОСИНИ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ ВА РИВОЖИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

- 1.1. Давлат бюджетининг ғазначилик ижросининг асосий тушунчалари
- 1.2. Давлат бюджетининг ғазначилик ижросининг халқаро тажрибаси
- 1.3 Давлат бюджетининг ғазначилик ижросининг асосий элементлари ва асосий фаолият тузилмалари
- 1.4 Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджетининг ғазначилик ижросини жорий этилиши
 - 1.4.1 Республикада ғазначилик тизимини жорий этилишининг объектив асослари
 - 1.4.2 Ғазначилик тизимини жорий этилиши билан боғлиқ ислохотлар
 - 1.4.3. Ўзбекистон Республикасида давлат бюджетининг ғазначилик ижросининг ҳуқуқий-меъёрий асослари

II ҚИСМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ҒАЗНАЧИЛИК ИЖРОСИНИНГ АМАЛИЁТИ

- 2.1.Ғазначилик тизимида юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш
- 2.2. Ғазначиликда молиявий мажбуриятларнинг қабул қилиниши ва тўловларнинг амалга оширилиши
- 2.3.Ғазначилик тизимида нарх наво мониторингини амалга ошириш
- 2.4. Давлат бюджетининг ғазначилик ижросида бюджет маблағлари харажатларининг касса ижроси ва назоратини амалга ошириш
- 2.5. Ғазначиликда бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларига ўзгартиришлар киритиш тартиби

III. ҚИСМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ

БЮДЖЕТИНИНГ ҒАЗНАЧИЛИК ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**3.1. Ғазначилик тизимини такомиллаштиришнинг ташкилий
- функционал асослари**

**3.2. Давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизимини
ташқил этиш ва ривожлантириш истиқболи**

**3.3. Давлат бюджетининг ғазначилик ижросининг
бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ягона тизимини ташқил
этишнинг хусусиятлари**

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг мисолида давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш соҳасидаги амалга оширилаётган

ютуқлар қаторида, Ғазначилик тизимининг жорий қилиниши, ва бу борада қўлга киритилаётган ютуқлар ислохотлар самарасининг далолатдир. Ғазначилик тизимининг жорий қилиниши бюджет ижросининг самарасини кескин оширишни таъминламоқда. Ўзбекистон юртбошиси - Президент И.А. Каримов айтганларидек: “Давлат бюджетини бажаришга қаратилган ғазначилик хизмати институтини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини анча оширади. Бу борада Молия вазирлиги ҳузурида янги ташкил этилган Ғазначилик тузилмасининг моддий-техник базасини барча поғоналарда мустаҳкамлаш, уни малакали кадрлар билан таъминлаш, халқ таълими ва соғлиғини сақлаш соҳасида бюджет ташкилотларини молиялаш механизмини янада такомиллаштириш бўйича кенг қўламли ишларни амалга ошириш лозим”.¹ Албатта давлатимизда жорий қилинаётган Ғазначилик тизими, юқорида келтирилган тамойиллар асосида ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган меёрларда амалга оширилмақда.

Ғазначиликни жорий қилишда қатор авзалликларга эришиш режалаштирилган, бўлиб бунда энг муҳимлари қуйдагича:

- Давлат молия маблағлари устидан назоратни кучайтириш, бюджет ижросидаги мумкин бўлган барча суистемолликларни олдини олишни таъминлаш;
- Давлат маблағларини Ғазначилик Ягона Ҳисобига йиғиш орқали, турли даражадаги бюджетлар ижросининг самарасини кескин ошириш;
- Бюджет маблағлари ажратилган ҳолда, ундан фойдаланувчилар олдидаги масъулият ошиши сабабли бюджет ижроси соҳасидаги сокинликни (стабилликни) орттириш;
- Давлат Молия Бошқаруви Автоматик Тизимини (ИСУГФ) жорий қилиниши бюджет тизимидаги ахборот алмашиш тезлиги ва ишончилигини ошириш оқибатида, назорат даражаси ва бошқарувга ойд қарор қабул қилиниши тезкорлигини ошириш;
- Бюджет ижроси тизимидаги малумотлар шаффофлиги ва ишончилиги ортиши натижасида, солиқ - бюджет сиёсатнинг самарасини юксалтирилиши борасида янги имкониятларни яратиш каби қатор истиқболга бошловчи омиллар кучга киради.

Юқорида келтирилган авзалликларга эришиш қатор масалаларни хал қилишни тақозо этади. Шу жумлада:

- Ғазначилик тизимининг муассасалар таркибини тузиш ва ташкил қилиш;
- Ғазначилик тимининг ҳаракатга келтирувчи меорий ва ҳуқуқий муҳитини яратиш ва кун сайн такомиллаштириб бориш;
- Ғазначилик тизимида амалга оширилаётган барча ишларнинг бухгалтерия ҳисобини ва ҳисоботини юритиш ва бу тизимни халқаро андозаларга мувофиқ инг илғор тажрибаларини жорий қилиш;

¹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimovning 2007 yilda mamlakatni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari va 2008 yilda iqtisodiy islohotlarni chuqurlashtirishning eng muhim ustuvor yo‘nalishlariga bag‘ishlangan Vazirlar Mahkamasi majlisidagi ma’ruzasi. <http://uza.uz/ru/politics/2084/>

- Амалга ошириладиган ишларнинг барчасининг тахлиллик назоратини жорий қилиш, бу назорат ғазначилик тизимини таррақийетини амалга оширишга муҳим дастак сифатида хизмат қилсин;

- Ва энг муҳими, ғазначилик тизимида ишлаётган мутахассисларни тўғри тақсимлаш, уларни энг илғор тажрибаларга ўргатиш-ки, улар на фақат зиммаларига юклатилган вазифаларини бажараолишлари, балки шаклланаётган ғазначилик тизимининг барча жавхаларининг узок мудат таррақийетига замин яратаолсинлар.

Келтирилган натижаларга эришишда яна бир муҳим омил бу жорий қилинаётган Ғазначилик органларида ахлоқий ва одобий муҳид бўлиб бу борада Ўзбекистон Республикаси ғазначилиги ходимининг кундалик қўлланмасининг жорий қилиниши алоҳида ўринга эга. Қўлланмада этироф этилишича “Ғазначилик ходимлари умумий мақсадлар билан бирлашган, ўз анъаналари ва ички маданиятига эга бўлган жипс жамоанинг аъзоси ҳисобланадилар. Ғазначилик – бу ҳамфикр профессионаллар жамоаси. Ғазначилик ривожланишда барқарорликка эришиш ва доимий равишда такомиллашишга интилиб, мазкур жамоада қабул қилинган ҳар бир мутахассис билан узок муддатда ҳамкорлик қилиш мақсадини кўзлайди. Ходимларга қўйиладиган энг асосий шарт – энг юқори даражада самарали ишлаш, давлат манфаатларига ўз шахсий манфаатлари сингари муносабатда бўлиш ва эришилган ютуқлар билан кифояланиб қолмаслик.

Ғазначиликнинг ҳар бир ходими ўзи яшаётган ва фаолият кўрсатаётган ҳаққонийликни айнан унинг ўзи яратишини тушунади. Ғазначилик ҳар бир ходимнинг индивидуаллиги ва кадр-қимматини ҳурмат қилади. Ишга ҳалол муносабатда бўлиш, ўз куч ва қобилиятларидан тўлиқ фойдаланиш Ғазначилик ходимига маънавий қониқиш берибгина қолмай, балки унинг касб малакасини оширади ҳамда Ғазначилик ўз функцияларини самарали бажаришининг гарови ҳисобланади.

Ғазначиликнинг самарали ишлаши бизларнинг ҳар биримиз учун шахсий касбий ўсишининг ишончли кафолатидир.

Биз – яқдил фикрловчилар ва ўз касбининг усталари жамоасимиз.

Биз бюджет жараёнининг бошқа қатнашчилари олдида ўз ишимиз учун жавоб берамиз.

Биз бир-биримиз билан муносабатларда хушмуомалали, илтифотли, хайрихоҳ, самимий, очиқ кўнгуллигимиз, бир-биримизга ёрдам берамиз ва бир-биримиз устидан замхўрлик қиламиз.

Комилликка доимий интилиш – ўз маданиятимизнинг асоси”².

Бу борада жуда муҳим тадбирлар ва ишлар амалга оширилмоқда, қатор қарорлар қабул қилиниб, йўриқномалар ишлаб чиқилмоқда. Шу жумлада

1. ² Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ғазначилиги ходимининг кундалик қўлланмаси. Тошкент. 2009

«Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида» ги қонуни³ Ғазначилик тизимини барча тамоилларини белгилаб тизим шаклланишига ва харакатини бошлашга асос солган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори⁴ - Ғазначилик тизимининг барча таркибий қисмлари ва тулишини белгиган энг муҳим қарор бўлди,

Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет ташкилотларини харажатларини молиялаштириш (тўлаш) тартиби” хаққидаги Қарори⁵ - бюджет ташкилотларининг барча харажатларининг амалга ошириш тартибининг асосини ташкил этди, ЎзР Молия вазирлигининг “Молия органларида бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш тартиби хақида” вақтинчалик низом⁶ - тизимдаги барча мажбуриятларни қабул қилиниши ва амалга оширилиши, назоратни ташкил қилиш тартибларини белгилади, ва хоказолар.

Бу қабул қилинган қарролар ва йўриқномалар қаторида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартдаги 54-сонли “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузурида молия органлари ҳамда бюджет ташкилотларининг молия-ҳисоб бўлинмалари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Ўқув марказини ташкил этиш тўғрисида” ги Қарори⁷ алоҳида этибор касб этади-ки, унинг ахамияти ғазначилик ва молия органларини кадрларини қайта ўқитиш ва бюджет ташкилотларининг ҳам мутахассисарини қайта тайёрлаш масалаларни хал қилишга қаратилган.

Бу борада Ўқув марказига Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси ва давлат молияларини бошқариш масалалари бўйича дарсликлар, ўқув дарсликлари ва илмий-методик ишланмаларни тайёрлаш ва тарқатиш юклатилган.

Мазкур қўлланма шу вазифани бажаришга қаратилган бўлиб, бунда Ғазначиликни жорий қилиш борасидаги қатор долзарб масалалар ёритилган.

Ўқув қўлланма уч қисмдан иборат бўлиб биринчи қисмида Ўзбекистон Республикасида давлат бюджетининг ғазначилик ижросини жорий этилиши ва ривожининг назарий асосларини ёритиш мақсадида, Давлат бюджетининг ғазначилик ижросининг асосий тушунчалари, Давлат бюджетининг ғазначилик ижросининг халқаро тажрибаси, Давлат бюджетининг ғазначилик ижросининг асосий элементлари ва асосий фаолият тузилмалари, Республикада ғазначилик тизимини жорий этилишининг объектив асослари, Ғазначилик тизимини жорий этилиши билан боғлиқ ислохотлар, Ўзбекистон Республикасида давлат бюджетининг ғазначилик ижросининг ҳуқуқий-меъёрий асослари келтирилган.

³26.08.2004 й. N 664-II

⁴ 28.02.2007 й. N ПҚ-594

⁵ 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарори ЎзР ВМ 19.07.2007 й. 148-сон

⁶ Молия вазирлиги 63-сон 05.05.2005. Буйруғи Билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 21.05.2005 й. N 1475 рўйхатга олинган

⁷ Постановление Кабинета министров Республики Узбекистан от 20.03.2007 г. № 54

Иккинчи қисмда Ўзбекистон Республикасида давлат бюджетининг ғазначилик ижросинининг амалётига доир масалалар келтирилган. Бунда: Ғазначилик тизимида юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш, Ғазначилик тизимида нарх наво мониторингини амалга ошириш, Ғазначиликда молиявий мажбуриятларнинг қабул қилиниши ва тўловларнинг амалга оширилиши, давлат бюджетининг ғазначилик ижросида бюджет маблағлари харажатларининг касса ижроси ва назоратини амалга ошириш, ва ғазначиликда бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларига ўзгартиришлар киритиш тартибига доир амалий масалалар ёритилган.

Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасида давлат бюджетининг ғазначилик тизимини такомиллаштиришнинг истиқболларига бағишланган бўлиб, бунда ғазначилик тизимини такомиллаштиришнинг ташкилий - функционал асослари, давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш истиқболи ва Давлат бюджетининг ғазначилик ижросининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ягона тизимини ташкил этиш каби долзарб масалалар ёритилган.

Ўқув қўлланма аввалам бор Молия вазирлиги Молия органлари ходимлари ва бюджет ташкилотлари молия-ҳисоб бўлинмалари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув марказининг тингловчиларига, молия тизимида фаолият юритаётган хизматчиларга, Давлат молияси, ва Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси ихтисослиги бўйича бакалавр ва магистр даражасини олиш мақсадида таълим олаётганлар, аспирантлар ва бошқа илмий изланиш билан машғул мутахасизларга мўлжалланган.

Мазкур ўқув қўлланмада ёритилган масалалар кенг миқёсдаги масалаларни ёритганлиги, ва ёритилган масалалар янги ва нисбатан мураккаб бўлганлиги учун, рисола кўпроқ шу соҳада ишловчи ва малакасини оширувчилар, илмий ходимлар, аспирантлар, магистрантлар учун мўлжалланган бўлсада, ундан олий ўқув юрт талабалари, иқтисодий ва банк-молия колледжлари ўқитувчилари ва ўқувчилари учин хам қўлланилиши тавфсия этилади.

I. ҚИСМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ҒАЗНАЧИЛИК ИЖРОСИНИ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Давлат бюджети ғазначилик ижросининг асосий тушунчалари

Ғазначилик тизими ҳақида баъзи назарий таърифлар.

Халқаро Валюта Фонди экспертлари Барри Поттер ва Жек Даймонт шуни этироф этадиларки, *“Иқтисодий ҳамкорлик ва таррақиёт ташкилоти⁸ таркибидаги кўпчилик мамлакатлар давлат молиясини бошқаришда ғазначилик тизимига суянишади ва бунда ғазначилик тизимининг Молия вазири томонидан бошқарилиши давлат маблағларини ишлатилиши самарадорлигини ва уларнинг ўз вақтида ва мақсадли ишлатилиши устидан назорат этиш сифатини ҳам сезиларли даражада оширади”⁹.*

Ғазначилик тизими давлатнинг марказий ҳукумати ва худудлардаги бошқарув органларининг асосий молиявий хизматларини таъминлайди. Бу хизматлар қаторида: давлат маблағлари тўловларини амалга ошириш, маблағлар ҳаракати ҳисоби ва ҳисоботини таъминлаши, фискал ҳисобот, ва хоказоларни марказлаштиради. Таррақий этган давлатлар молия вазирлиги ва бошқа тармоқ вазирликлари учун давлат молиясини шакллантириш, ижро қилиш ва назорати бўйича функционал боғлиқ тарзда компьютер тизимини тузади ва доимий равишда такомиллаштиради. Бу яхлит – интеграллашган тизим, шу билан бирга, ихтисослаштирилган компьютер дастурлари, бюджетнинг барча даражаларига, маҳаллий бюджетларга ишлов бериш учун, давлат қарзини бошқарув вазибаларини оптималлаштиришда, бюджетдан ташқари фондларни шакллантириш ва бирлаштириш, маҳаллий молия органлари ва бошқа ташкилотларининг молиясини бошқариш функциялари учун алоҳида ихтисослашган дастурларни ўз ичига олади.

Илмий адабиётларда Ғазначилик тизимининг турли изоҳлари учрайди. Шуни этиборга олиш керакки бу изоҳлар ҳар бир муаллиф ғазначиликнинг, амалга ошираётган фаолиятининг ўзи қизиқаётган, ҳусусиятлари ва қирраларига урғу ва аҳамиятини қаратади. Қуйида шу изоҳлардан бирини келтирамиз: *“ғазначилик тизимида бюджетдан маблағ олувчилар топширигига кўра тўлов мажбуриятларини ижрога қабул қилиб олиш, ва товарлар етказиб берилиши, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар*

⁸ Organization for Economic Cooperation and Development (OECD)

⁹ Barry Potter, Jack Diamond. Building Treasury Systems. 1999

*учун бевосита тўловларни амалга оширилишни газначилик амалга оширади ва, бунда бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишни таъминлайди.”*¹⁰

Яна бир изоҳга кўра Ғазначилик ижроси: *“давлат ҳокимиятининг, ёки маҳаллий бошқарув ихтисослашган ижроия органи тарафидан бюджет маблағларини жалб қилиш ва сарфланишини таъминлайдики, бунда, ушбу орган махсус ваколатларига кўра тушумлар рўйхати бўйича, ягона ҳисоб рақамидан амалга ошириладиган тўловлар ва зиммасидаги бюджет мажбуриятларининг вақти ва ҳажмини тартибга солади”*¹¹.

Халқаро Валюта Фонди экспертлари Барри Потер ва Жек Даймондларнинг тарифларишича: *“Давлат молиясининг бошқариш ахборот тизими – давлат молиясини бошқариш мақсадида интеграллашган ахборот тизими – ёки газначилик тизими – бу тўловлар, ҳисобот ва молия бошқарувини амалга оширувчи тизимки унга молия вазирлиги, газначилик, тармоқ вазирликлари ва бюджет ташкилотлари бевосита боғланиш ҳуқуқига эгадирлар”*¹².

Келтирилган ғазначилик тизимининг ифодаланишлари бу ташкилотнинг бюджет ижроси моҳиятини, ва шунга боғлиқ кўпқиррали ва кўп мақсадлик Ғазначилик тизимини муаллифлар кўзлаётган мақсадларига кўра уларнинг нуқтаи назарини акс эттирган.

Бизнинг изланишларимиз ва қарашимизга мувофиқ таъриф қуйдагича тақдим этилади: **давлат бюджетини ижросининг ғазначилик тизими бу - давлат бюджети ижросининг тўғри ва самарали бошқариш, ягона ғазна ҳисобига маблағларнинг тўғри ва вақтида келиб тушиши ва бюджетдан ташқари фондларга қиёсланган ва қатъий мақсадларда харажатларни амалга оширишни белгилашни, замонавий компьютер технологияларини илғор бухгалтерия тизими ҳисобини ва ҳужжатлар алмашивини ўз ичига олувчи ахборотлар тизимида ғазна бош китобида акс эттиришда, қўлловчи давлатнинг мақсадли мажмуасидир.**

Ғазначилик тизимининг таркибий қисмлари

Юқорида келтирилган таърифларга, асосланиб шуни ҳулоса қилиш мумкин: бюджет ижросининг ғазна тизимининг тузилиши қуйдаги асосий таркибий қисмлардан иборат.

- Ғазначиликнинг институционал тизими яратилиши. Яни, Молия вазирлиги ғазначилик муасасининг жорий қилиниши, унинг ҳудудий бўлинмаларининг тузилиши (вилоятлар ва туманларда), жойларда ўз бўлинмалари орқали унга юклатилган вазифаларни белгилаш;

- Марказий банк муассасида “Ягона Ғазна Ҳисоби” очилиб, у ерда давлатнинг барча молиявий ресурслари жамланади, ва давлат тарафидан

¹⁰ Иванова Н. Г., Маковник Т.Д., Казначейская система исполнения бюджетов. «Питер» Санкт-Петербург. 2001. стр.29

¹¹ Рудовол И. П. Правовое регулирование казначейского исполнения бюджета. Финансы. № 8, 2003. стр. 25.

1. ¹² Barry Potter, Jack Diamond. Building Treasury Systems. 1999

режалаштирилган ишларни амалга оширишда, тасдиқланган сметалар бўйича ундан тўловлар амалга оширилади ва шу ҳисоб орақали бюджет мажбуриятлари бажарилади.

- Бу мақсадлар бажарилиши учун меёрий-ҳуқуқий нормативлар ишлаб чиқилиши, жорий қилиниши ва шу меёрий-ҳуқуқий андозаларга мувофиқ ва уларнинг доирасида ғазначилик тизимининг фаолияти амалга оширилиши;

- Давлат бюджети маблағларининг ҳаракатланиши ҳисоб – китобини юритишнинг энг маъқул – оптимал вариантыни ишлаб чиқиш ва бу мақсадда Ғазна бош китобини жирий қилиш;

- Давлат бюджети молиявий маблағларини оптимал режалаштириш ва бошқаришда маълумотларни қайта ишлаш учун илғор ахборот тизимини жорий қилиш.

Давлат бюджети ижросининг банк тизими орқали амалга оширилиши ва ғазначилик тизими орқали бюджети ижросининг солиштируви.

Бюджетнинг даромадлар қисми ижроси жуда мураккаб жараён бўлиб қатор босқичлардан ўтиб амалга оширилади. Тижорий соҳада фаолият юритувчи солиқ тўловчиларнинг банк ҳисобларидан тўланадиган, ҳамда жисмоний шахсларнинг нақд пул шаклда амалга ошириладиган тўловлари солиқ органларининг Марказий банк бўлинмалари ёки тижорат банк бўлинмаларидаги ҳисобрақамларида жамланади. Давлат солиқ қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари солиқ тушумлари ва барча йиғимлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича маълумотларни тўплаб Молия Вазирлигига тақдим этади. Яъни солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги маълумотлар, солиқ тўлаш даври бошланишидан оқ йиғилиб борсада, Молия Вазирлигига ушбу ҳисобот даври якунида келиб тушади. Бундан ташқари, Марказий банк томонидан тақдим этиладиган ўтказмалар тўғрисидаги маълумотлар Давлат Солиқ Қўмитаси маълумотлари билан ҳар доим ҳам мос тушавермайди. Бу ҳол жойлардаги ўтказмаларнинг тушиш вақтидаги фарқи бўйича солиштирилишининг турли хиллиги ҳисобига содир бўлади.

Бюджет ижросининг касса ижроси жараёнида бюджет маблағлари харажатлари уч босқичга бўлинади:

1-босқич. Тармоқ, вазирликлар ва идоралар ҳисобрақамига тушадиган бюджет маблағларининг ҳажмини тасдиқлаш.

2-босқич. Солиқ органлари орақали бюджетнинг даромад қисмини амалга ошириш ва тасдиқланган ҳажмларига биноан бюджет олувчиларнинг тижорат банкларидаги ҳисоб рақамларига етказиб бериш.

3-босқич. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг касса харажатларини амалга оширилиши. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг тижорат банкларидаги ҳисобрақамига тушган маблағ Молия вазирлиги ва унинг жойлардаги молия

органларининг назорати доирасидан ташқарида амалга оширилади. Бу маблағларнинг назорати тижорат банкларининг ўзига юклатилади. Тижорат банкларининг ҳисобрақамларидаги шу давр ичида ишлатилмаган бюджет ташкилотларининг қолдиқ маблағлари тижорат банкларининг ресурс маблағлари вазифасини бажаради ҳамда тўлов муддати келгунга қадар ўша банк томонидан тижорат мақсадида ишлатилиши мумкин. Бунда тижорат тавақалчилиги билан боғлиқ хатарлар уш бу маблағлар зиммасига тушиши табиий.

Юқорида келтирилган муаммоларни, яни бюджет маблағларининг давлат назоратидан четда қолиш ва уларнинг тижорий тавақалчиликга дучор бўлиш каби муаммоларни ҳал қилиниши, ғазначилик тизими жорий қилиниши билан бу тизим ҳар бир босқичда пул маблағини аниқ назорат қилиш, миқдор ва харажатларнинг вақтида амалга оширилиши жараёнига анча аниқлик киритиш имконини яратиши билан боғлиқ. Яни бу тизим қуйдаги авзалликларни яратади:

-Ягона ғазна ҳисобрақамига пул маблағлари тушумининг ҳажми тушган захотиёқ бутун тизим қатнашчиларига аниқ ва равшан маълум бўлади;

-Маблағларнинг тушуми, уларнинг функционал қирқими ва бюджет олувчилари доирасидаги бюджет таснифининг категорияларига мувофиқ аниқ миқдорларда яққол кўринади;

-Бунда кўзланган мақсадларнинг молиялаш чегараланиши, яни қайсики бюджет маблағининг тақсимловчиси тушган маблағларга яраша харажат мажбуриятлари миқдорини аниқ оператив режалаштириши мумкин;

- имзоланган шартномалар рўйхатига кўра харажатлар суммаси ва тўлов ижро этилиши муддати кўрсатилган ҳолат таъминланади;

-имзоланган келишувлар бўйича аванс шаклида, ва келишувлар давомида амалга оширилган тўловлар ҳажми марказлашган ҳолда тизим қатнашчилари тарафидан кузатиб борилиши таъминланади;

-ягона ғазначилик ҳисобварағида пул маблағи тушумининг мавжудлиги ва миқдори реал вақда яққол кўринади;

- тасдиқланган харажатлар сметаси бўйича жорий кунда тўланиши лозим бўлган, аванс тўловлар ва бошқа тузатишларни ҳисобга олган ҳолда суммалар ҳисоби яққоллашади;

-Барча ҳисоблар амалга оширилгандан сўнг, охириги тўловдан кейинги қолдиқ маблағ миқдори кўринади;

-Ягона ғазначилик ҳисоб рақамида ҳақиқатда ўтказилган бюджет маблағи суммаси бўйича ҳар қандай жорий санага яққол ҳисобот тақдим этиш имкони ва давлат бюджетининг даромадлар қисми бўйича ҳар қандай жорий санага барча маблағ ҳаракатлари софлиги ва шаффовлигини таъминлаган ҳолда жорий аудиторлик текшируви ўтказишнинг кескин самарасини ошириш имкониятини беради.

Ўтказилган тақослашдан кўриниб турибдики, бюджетнинг банклар орқали ижроси шароитида бюджет маблағларининг бош тақсимловчиси - Молия Вазирлигининг бюджет маблағларининг тезкорлиги таъминлашда, давлат бюджетининг даромад қисмига тушадиган маблағларининг кузатаолиши

борасида ҳам, бюджет олувчи ташкилотларга тақсимлаб етказиш борасида ҳам чегараланган.

Бюджет ижросининг ғазна тизимида бош тақсимловчиси барча маблағлар Ягона Ҳисобга тушган вақтдан маблағ олувчига бу сумма тўлангунга қадар шаффофлигини таъминлаш имконини бу тизим кенгайтиради. Маблағларининг Ягона Ҳисобга тушишини тартибга солиб туради, улардан вақт тежаш буйича фойдаланишнинг энг кулай вариантини танлайди ва бунинг ҳисобига давлат бютжети ижроси самарадорлигини кескин оширади.

Эришилиши лозим бўлган натижалар.

Бюджет ижросини ғазначилик тизими орқали амалга ошириш қуйдаги натижаларга эришиш услубидир:

Бюджет маблағларини самарадорлигини ошириш , рационал сарфлаш, ўз вақтида ва мақсадли фойдаланишини таъминлашга эришиш;

-режалаштириш мақсадидаги башоратловчи ҳисоботларнинг имконларини кенгайтириш, маблағлар ҳаракати ҳисоби ва назоратини яхшилаш, маблағлар ҳаракати тезлигини ошириш, илғор технологиялардан фойдаланиш асосида ички қарзларнинг хизмат нархини пасайтириш ва куллайлигини ошириш, кутилаётган маблағ тушумлари шаффовлиги ва режалаштирилган харажатлар самарасини оширилиши;

-бюджет маблағлари тезлигини анчагина ошириш ягона ғазна ҳисобига тушумлар келиш вақтидан охириги олувчига тўлангунга қадар вақтни қисқартириш ҳисобига маблағлар тежалиши ва самарасининг оширилиши;

-давлат маблағларини мақсадли сарфланиши ва рационалиги буйича назорат самарадорлигини оширилиши.

Бюджет ижросининг функционал мажбуриятларини тақсимланиши¹³.

Бюджет жараёни цикли босқичлари.	Бюджет ижроси назорати ва тафтиш бўйича жавобгарлик.	
	Банк тизими орқали бюджет ижроси.	Ғазначилик тизими.
1.Бюджетнинг таёрланиши.	Таёрлаш; Бюджет бошқармаларини ҳудудий молиявий бошқармалар. Мақуллаш: Олий Мажлис	Таёрлаш; Бюджет бошқармаларини ҳудудий молиявий бошқармалар. Мақуллаш: Олий Мажлис (Лекин касса ижросининг шаффофлиги бу ишларнинг самарасини кескин ошириш учин

2. ¹³ «Давлат молясини бошқарувини ислоҳ қилиш» лоиҳасининг маълумотлари асосида, Февраль 2004 й.

		заъмин яратади)
2. Бюджет ажратмаларини йиллик, чораклик тақсимлаш лимитлари.	Бюджет бошқармаларини ҳудудий молиявий бошқармалар, вазирликлар ва қўмиталар.	Бюджет бошқармаларини ҳудудий молиявий бошқармалар, вазирликлар ва қўмиталар. (Йил давомидаги уларнинг фаолиятлари тезкорлик имконлари ошади)
3. Йил давомийлиги ва кварталлар давомидаги аниқлаш.	Бошқарма-ҳудудий молиявий бошқарма.	Бошқарма-ҳудудий молиявий бошқарма. (тезкорлик имконлари ошади)
4. Таклиф қилинган маблағларнинг, касса билан мослиги бошқаруви (бюджет тушум ва харажатларининг ойлик режалаштирилиши.)	Ҳудудий молиявий бошқармаларнинг Бюджет Бухгалтерия ва бошқармаси.	Ғазначилик (Республика, вилоят, район, шаҳар даражасидаги ғазначилик бошқармаси.)
5. Касса лимитини билдирилиши.	Бюджет бошқармаси берадиган сертификат	Ғазначилик сертификат беради, вазирлик ўзининг қарамоғидаги ташкилотларга суб сертификат беради.
6. Шартнома мажбуриятларини қабул қилиш.	Бюджет ташкилотлари	Бюджет ташкилотлари. ғазначилик назорати остида
7. Етказиб беришни тасдиқлаш (товар, хизмат ва ишлар)	Бюджет ташкилотлари	Бюджет ташкилотлари, ғазначилик назорати остида
8. Тўланадиган счётларни тайёрлаш.	Бюджет ташкилотлари	Бюджет ташкилотлари
9. Тўловларни таъминлаш бўйича рухсат бериш	Мавжуд эмас	Ғазначилик
10. Тўлов	Тижорат	Ғазначилик

топширикномаларининг назорати	банклари(системада бўлмаган)	
11. Пул маблағларини ўтказиш бўйича банк топширикномаси.	Бюджет ташкилотлари	Ғазначилик
12. Мажбурият шартномаларини олдиндан молиявий назорат.	Мавжуд эмас	Ғазначилик: Мажбурият шартномалари қилиниши (регистрацияси) ва устидан назорат. Қайд
13. Кундалик (жорий назорат) аудит	Назарий жихатдан КРУ. Амалиётда мавжуд эмас	Ғазначилик
14. Ташқи аудит	Ҳисобот палатаси	КРУ, Ҳисобот палатаси.

Ғазначилик тизимининг энг муҳим тамоиллари

Методик ва ташкилий нуқтаи назардан бюджет ижросининг Ғазначилик тизимининг фаолиятини тушуниш ҳамда ижросини амалга ошириш сезиларли даражада мураккаб жараён. Буни ўзлаштириш учин шуни назарда тутиш керакки, бюджетнинг ғазначилик ижросида турли малакага эга, давлат бошқарувининг, ва маҳаллий бошқарув тизимларининг турли поғоналарида ишлаётган мутахассислар фаол қатнашадилар. Уларнинг бу борадаги иборалар, атамалар ва жараёнларнинг тушунчалари ўзларининг малакалари, ҳаётий тажрибалари ва уш бу жараённи амалга оширишдаги тутган ўринларига яраша турлича. Шунинг учин, давлат бюджетининг ғазначилик ижросига доир асосий тамоилларни, у билан боғлиқ жараёнларни ва ҳаракатларни шу тизим қатнашчилари ўзаро келишиб олинмагунга қадар, бу тушунча ва ибораларга турлича ёндашилади ва натижада тизим фаолиятининг самараси юқори бўла олмайди.

Шу нуқтаи назардан бу тизимга умумий ва тушунарли ягона тамоиллар жорий қилинмаса турли муаммоларни олиб қилиши мумкин. Бу вазиятда бюджет ижроси ғазначилигининг қуйидаги принциплари келтирилади:

1. Бюджетнинг ғазначилик ижросига доир энг муҳим тамоил - даромадлар ва харажатлар *Ягона кассадан амалга оширилиши*. Бунда бюджет дефицитини ёпиш учун бюджет тушумлари ва бюджетнинг ҳамма даромадлари Ғазначиликнинг ягона ҳисобида ва/ёки унинг қўшимча ҳисобида ва ҳамма харажатлари ҳам Ғазначиликнинг Ягона ҳисобидан ва қўшимча ҳисобидан амалга оширилади. Бундан фақат Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги валюта харажатлари истисно.

Шунингдек ягона касса тамоили давлат бюджет тизимига кирувчи барча даражадаги бюджетларнинг, бюджетнинг узоқ муддатли программалари қатнашчиларининг, бюджет ташкилотларининг давлат бюджетидан тушмаганг

Ўзга маблағларининг барчаси Ягона Ғазначилик ҳисобидан ёки унга қўшимча ҳисобидан амалга оширилади.

2. Иккинчи муҳим тамоил - Давлат бюджети ижросининг ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисобини умумий (ягона) таснифга асосланган тизимини яратилиши. Бу тамоил Давлат Бюджети Ғазначилик ижроси тизимини ўзида мужассамлаштирган ҳисоботлар ва шу жараёнга тегишли ҳамма стандартларни жорий қилинишини билдиради. Бунга давлат бюджети ижроси бўйича ҳисоб ва ҳисоботлар, давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондлари, узок муддатли дастурлари, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жалб қилинган маблағлари киради. Бу борада ташкилотларнинг ягона бухгалтерия ҳисоби стандартлари ва ҳисоботлари фақатгина Ғазначиликда эмас балки бюджет ташкилотларида ҳам ягона бюджет таснифи, бухгалтерия ҳисоби план счётлари ва бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари билан амалга оширилиши кўзда тутилган.

Бу тамоил ғазначилик органлари ва бюджет органларидан ташқари, ягона таснифга асосланган ҳисоб ва бухгалтерия ҳисоби тизими солиқ ва божхона органларидан тушадиган давлат бюджети даромадлари ва бюджетдан ташқари фондлари даромадларига тушадиган маблағларга, ва даромадларни маҳсус йиғувчиларга ва давлатнинг мақсадли фондларини тақсимловчиларга қўлланилади.

3. Бюджет ижросининг банклар орақали амалга оширилувчи касса тизимидан фарқли ўлароқ, Ғазначилик тизимида бюджет ижросининг тушумларнинг ягона ҳисобига келиб тушишидан то охириги пул маблағларни олувчига етиб боргунга қадар назорат қилинишини таъминланади. Бу шаффофлик тамоилини амалга ошириш имконини яратади. Жамиятни демократиялаштириш, ва фуқаролик жамияти тарақиёти натижасида, сиёсий партиялар, турли ҳаракатлар ва нодавлат ташкилотлари давлат бюджетини режалаштириш жараёнида бир-бирлари билан муҳокама қилиши ва долзарб йўналишларни келишиш жараёнида тўқнашишлари тарақий этган давлатларда табиий ҳол. Бизнинг давлатда шаффофлик тамоилини амалга ошириш ана шу жараён учун асос бўлиб, ва натижада давлат бюджетининг самараси ошишига хизмат қилиш имконини беради.

Шу билан бирга, этиборга олиш керакки, алоҳида экспертлар ва бази халқаро ташкилотлари, шаффофлик принципи маъносида Давлат бюджети ижросини бошқа давлатлар бюджет ижроси билан солиштиришга уриниб, “ҳақоний” аниқликга уринадилар.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ислоҳотлари “шок терапиясини” ўзида мужассамлаштирмаган бўлиб, босқичма-босқич, олдинги босқични самарали амалга оширилишига қараб, аҳолини максимал ижтимоий ҳимоялаган ҳолда амалга ошириши тамоили асосида амалга оширилмоқда. Лекин, қатор ҳамдўстлик ва қўшни давлатларда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва булар билан боғлиқ ҳал қилинаётган масалалар, бизнинг давлатдаги давлат бюджети мақсадларидан сезиларли фарқ қилинишини инобатга олсак тўлиқ “ҳақоний” солиштиришга эришиш муракаблиги аниқ. Яна шуни инобатга олиш керакки,

хаттоки эркин ва демократик ҳисобланмиш давлатларда давлат бюджетининг бази “*backdoor Spending*”¹⁴ номланмиш ҳаражатлари мавжудки, уларнинг мақсад ва моҳиятининг маҳфийлиги ҳеч кимда қизиқиш, ва бу борада ҳалқаро ташкилотларда ва “малакали экспертлар” доираларида этироз ва ёки тушунмовчилик уйғотмайди.

Юқорида келтирилганларни инобатга олиб тасдиқласа бўладики, бюджет ижросининг шаффовлиги ва Ғазначилик тизимининг жорий қилиниши яратаётган имкониятлари Ғазначиликнинг энг муҳим тамоилларидан бўлиб у на фақат бевосита бюджет ижросида қатнашувчилари учун, банки жамиятнинг барча аъзолари, турли партиялар ва ҳаракатлар нодавлат ташкилотлари ва бошқалар учун йиғилаётган солиқлар ва давлатнинг бошқа даромадлари қаерга йўналтирилаётганлиги ва уларнинг самараси қайдаражадалиги ҳаққида аниқ ва тўла маълумотлар билан таъминлайди.

1.2. Давлат бюджети ғазначилик ижросининг ҳалқаро тажрибаси.

Ўзбекистонда ғазначилик тизимини жорий қилишда ҳалқаро ва чет-эл экспертларининг тажрибалари муҳим рол ўйнайса ҳам, бизнинг давлатнинг маданияти давлатнинг ташкилий бошқаруви, иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлари ўзига хос бўлганлиги учун Ўзбекистон шароитида уларнинг тажрибаларини оддий кўчириш ижобий натижа бермаслиги мумкин. Чет-эл экспертлари томонидан таёрланган бир қанча лойиҳаларнинг амалга ошишида, давлатнинг ўзига хос йўлини ҳисобга олмаслик ва бир-бирига яқин қонунларни тузиш ва чиқариш натижасида, кутилган юқори ижобий натижага эришилмади. Лекин бу ҳечам ғазначилик ташкилоти тизимининг ҳалқаро тажрибасини ўрганишга тўсқинлик қилмаслиги керак.

Молия вазирлигининг бюджет ва солиқ сиёсати маркази “АҚШнинг бюджет тизими: таёрланиши, муҳокама ва ижро жараёни” тўғрисидаги монографиясини нашр қилдирди. (Тошкент 2004 йил, Ўзбек тилида). У нафақат талабалар орасида қизиқиш уйғотиб қолмасдан, балки давлатнинг молия органларида ишловчи мутахасисларини ҳам эътиборсиз қолдирмади. Шунинг учун Ғазначилик тизимининг ташкил қилинишида бюджет ижроси ривожланган ва ривожланаётган давлатлар қатори бизнинг шароитимизга мос вариантни мунозара ва муҳокама қилиниши лозим. Бу параграфда, шу нуқтаи назардан бюджет ижроси бўйича Ғазначилик тизими қандай ташкил қилинганлиги ҳаққида бир қанча давлатлар тажрибаси келтирилган.

АҚШда ғазначиликнинг давлат бюджети ижросидаги роли

3. ¹⁴ Allen Schick, Robert Keith, Edward Davis. Manual on the Federal Budget Process. CRS Report for the Congress. 1991. Page 115

Дунёнинг ривожланган капиталистик давлати-АҚШда давлат бюджетига ишлов бериш ва ижросини ташкил этилишига мамлакат Президентининг Маъмуриятига кирувчи Бюджет Бошқаруви Идораси (**Office of Management and Budget**) (**ББИ**) жавоб беради. АҚШ Конгреси томонидан ажратмалар (ассигнациялар) харажатлари ҳаққидаги қарорлар Президент маъмуриятидаги тармоқлар департаментлари орқали назорат қилинади.

АҚШ ғазначилиги (**Treasure Department**) ҳамма давлат тушумлари ва тўловлар тизими устидан назоратни амалга оширади. Ғазначилик таркибига Солиқ бошқаруви ва Божхона бошқаруви киради. Шу бўлинмалар орқали Ғазначилик, ҳамма солиқ ва божхона йиғимлари ва давлат божлари, ҳамда айрим муассасалар хизматлари эвазига тушумларни йиғиб олади. Ғазначиликнинг бош ҳисоб рақами Федерал резерв тизимида (АҚШ Марказий банкида) юритилади. Шу билан бирга ғазначилик ҳукумат ҳисоб рақамини назорат қилади. Даромадлар ва тушумлар йиғими банк системаси орқали амалга оширилади.

Давлат маблағлари харажатини ҳисоби ва аудитини Бош Назоратчи бошчилигидаги Бош Ҳисоб Бошқармаси (**БХБ**) (**General Accounting Office**) таъминлайди. Бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари ва прогнози Интернет тизимида АҚШ Ғазначилигининг сайтида чоп этилади. Чоп этилган маълумотларнинг махсус бўлими касса операциялари ва мажбуриятларни бажариш операцияларига бағишланган.

Конгреснинг тақдимотига ва Президент тасдиқлаган ажратмаларга асосланган равишда бюджет маблағларини олувчилар Ғазначиликка расмий талабнома тақдим қилишади. Ғазначилик департаментларга ажратилган улушни Бюджет Бошқаруви Идораси билан биргаликда назорат қилади. Шу билан бирга, ББИ департаментлар харажатлари таркибига умумий ҳолда жавоб беради. Расмий тўлов талабномалари ва тўлов ҳужжатларига асосан ғазна тақдим қилинган талабномаларни тўлаб беради. Одатда тўлов воситалари сифатида чеклар ишлатилган. Лекин охириги йилларда уларнинг ўрнини электрон тўловлар эгалляпти. 2.1. жадвалда АҚШ давлат молия бошқармаси тизими бюджет жараёни қатнашчилари жавобгарлиги ва мажбуриятлари кўрсатилган.¹⁵

АҚШда давлат бюджети ижроси Ғазначилик ва Бюджет Бошқаруви Идораси билан изчил ҳамкорликга асосланган ҳолда амалга оширилади. Бюджет Бошқармаси Идораси ҳисобот йилидаги Бюджет ижроси қонунига асосан Президент маъмуриятининг турли департаментлар аро харажатлар сметаси, шунингдек харажатлар ҳисоби тақсимланишини амалга оширади. Ғазначилик макроиқтисодий ҳолат истиқболларининг белгиланганлигига асосан, давлат ғазначилигига даромадлар тушумининг ҳисобини таминлайди. Ғазначилик харажатлар оқимини ҳамда даромад тушумлари оқимини таъминлайди. Шу мақсадда Ғазначилик Департаменти ва тармоқлар департаментлари орасида доимий маслахатлар олиб борилади. Тушумлар билан белгиланган харажатлар қопланмаган тақдирда АҚШ Ғазначилиги, унга

¹⁵ Allen Schick, Robert Keith, Edward Davis. Manual on the Federal Budget Process. CRS Report for the Congress. 1991. Page 172.

берилган ваколатдан фойдаланиб, янги қарз мажбуриятларини чиқаришни ва ҳисобини ташкил этади.

2.1-жадвал

АҚШ давлат молияси бошқармасининг катнашчилари ва асосий роли.

	Бюджет ижроси/Бух.Хис.	Аудитор баҳоси	Молия бошқаруви тизими
Конгресс	Қўшимча, муддати узайтирилган, бекор қилинган харажатлар ва қайта дастурланган харажатлар тўғрисидаги қонун. Дастурлар мониторинги.	Молиявий ҳисоботларга сўралганларни аниқлаш.Назорат ўтқазилиши. ГУБУ(рус) ва башқаларда аудит ва кўриб чиқишлар талабномаси.	Ажратилган воситаларга ҳисобот таркибини тузиш. Молия ва бошқарув воситалари тўғрисидаги қонунни қабул қилиш.
Бюджет Бошқармаси ва Идораси (ББИ)	Бюджет ваколатини тақсимлаш. Муддати узайтирилган ва бекор қилинганлар бўйича таклифлар тайёрлаш. Таклиф қилинган қўшимча харажатларни қайта ишлаш. Агентлик фаолияти натижаларини кузатиш. Ҳисоботларни камчиликларини қайта ишлаш. Харажатлар истиқболини ҳисоблаш.	Бюджет инспекторлари томонидан назорат. Агентликнинг баҳоланиши.	Агентликнинг маъмурий воситалар назорати низомининг тасдиқланиши. Молиявий менежментнинг харид бўйича жорий муаммолари айланишини ишлаб чиқиш.
Департаментлар/Агентликлар	Бюджет ижроси. Ижро мониторинги. Марказий агентликнинг ҳисоботи. Марказий агентликларга ҳисоботлар. Кундалик операциялар бошқаруви.	Ички аудит ва баҳолашни ўтқазилиши. Ижро органлари ва Конгресс талабномаларига жавоблар тайёрлаш.	Молиявий бошқаруви тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш. Ички ва ташқи мақсадлар учун молиявий ҳисоботларни тайёрлаш.
Ғазначилик	Ҳукумат банкири. Касса ижроси ва мажбуриятларини бошқариш. Маблағлар бошқарувини амалга ошириш. Агентликнинг харажатларини уларнинг харажат ҳақуқлари билан таққослаш.	Ўтқазмаслик.	Умумдавлат ҳисоб тизимини қўллаб қуватлаш. Умумдавлат молиявий ҳисоботини тайёрлаш.

БХБ	Ҳисобот Маблағлар харажатларини ушлаб қилиниши ва бу ҳаққида ҳисобот бериш. Даволат ўтказилишини мувофиқлаштириш.	Федерал программаларни ва операцияларни кўриниши. Давлат корпорацияларининг молиявий ҳисоботи аудити ва Конгресснинг ишга доир фаоллиги аудити.	Ҳисоб тамойиллари ва стандартлари фармойиши. Агентликнинг учёт системасини тасдиқланиши. Федерал фискал, бюджет программаларига тегишли бўлган стандартлар ишловининг шароити.
------------	---	---	--

(1) Конгресс, ББИ, Ғазначилик Департаменти, ва БХБ харажатлар сиёсати учун умумдавлат олдида жавобгардир. Шунингдек агентлик ўзининг молиявий ресурсларини бошқарувида ҳам жавобгар ҳисобланади.

(2) Конгресс Федерал дастурлари назоратини олиб борадигана тез-тез БХББ ва бошқалардан баҳолашни талаб қилади.

(3) ББИ агентликлар аро маблағларни тақсимлайди, харажатлар ва фаолият натижаларини кузатади. Молиявий менежмент бўйича турли хил йўриқномаларни чиқаради. Агентликлар харажатлар режаларини ишлаб чиқадилар ва ўзларининг ресурсларини бошқарадилар. Улар ўзларининг молиявий операциялари бўйича ҳисоботлар тайёрлашади ва ички назорат тизимини меёрида сақлайдилар.

(4) Агентликлар ўзларининг харажатларини амалга оширадилар ва ўз ресурсларини бошқарадилар. Ўз операциялари бўйича ҳисобот тайёрлаб, ички назорат тизимини меёрида сақлайдилар.

(5) Ғазначилик Департаменти марказий ажратмалар ва счёт фондлари билан шуғулланиб, мажбуриятлари ва мавжудлиги бошқарувига жавоб беради.

(6) БХБ федерал дастурларга баҳо беради ва давлат корпорациялари молиявий ҳисоботи аудити ўтказилиб, стандарт ва бухгалтерия ҳисоби тамойиллари ва стандартларини ўрнатиб, агентликнинг бухгалтерия ҳисоби системасини тасдиқлаб беради.

Давлат харажатлари маблағларини ҳисоби ва аудити Бош Назоратчи бошчилигида таъминлаш Бош Ҳисоб Бошқармаси таъминлайди.¹⁶


Ғазначилик қимматли қоғозларнинг (T-Bills - Ғазначилик мажбуриятлари). чиқарилиши ва айланишини тўлиқ назоратини таъминлайди Бу ерда давлат мажбуриятлари қайси муддатда чиқарилиш ҳажми каби саволлар кўриб чиқилади. Давлатнинг узок муддатли мажбуриятларини эффектив ташкиллаштириш, ғазначилик қимматли қоғозларини иккиламчи бозорида ўрнатишга ёрдам беради.

АҚШ Федерал ҳукумати пул маблағларининг барча касса оқимларини Ғазначиликнинг АҚШ Федерал Резерв тизимида очилган ҳисобидан ўтади. Унинг вазифасига Ғазначиликнинг ҳисобини олиб бориш ва электрон тўлов тизими орқали тўловларни ўтказишни таъминлаш киради. Дунёдаги бошқа мамлакатларнинг марказий банкларидек, Федерал резерв тизими монетар сиёсатни ва банк фаолиятини бошқаришни амалга оширади, ҳамда иқтисодий статистикани олиб боради.

2.2-жадвал

АҚШ ҳукумати томонидан гарантияланган мавжуд заёмлар оқими чизмаси.

¹⁶ ¹⁶ Allen Schick, Robert Keith, Edward Davis. Manual on the Federal Budget Process. CRS Report for the Congress. 1991. Page 2.



(1) Бу графикда бюджетнинг 1992 молиявий йилидаги шаходатланган қарзларининг пул оқимлари кўрсатилган. У шаходатланган \$78.1 млрд пул маблағлари оқимларини фазначиликка, дастурлар ҳисобрақамига, молиялаштириш ҳисобрақамига, қарз ва хусусий қарз берувчилар ўртасида тақсимланган.

(2) Бу заёмлар ичида ҳисобланган субсидиялар харажатлари \$2.9млрдни ташкил қилган. Бу сўров 1992 молиявий йилида дастурлар ҳисобварағига қиритилган ва шаходатланган қарзлар бўйича мажбуриятлар тасдиқланганда молиялаштириш ҳисобварағига ўтказилган. Шу молиявий йилда \$1.5 миллиардни хусусий кредиторларнинг мажбуриятлари бўйича ҳисоб тўловларига ўтказилган.

(3) Программа ҳисобрақамларидан субсидияланган ажратмалардан ташқари қарз берувчилардан хизматлари (комиссион тўлов) учун ҳам (\$2.2млрд) олинган у резервда сақланган ва Фазначилик томонидан фондлар (\$0.1млрд.) ўтказилган. Резервлар хусусий кредиторларнинг тўловларига дефолт (вақтида тўланмаган) ҳолатида (\$0.4млрд.) фойдаланилган.

(4) Биринчи йили \$78.1 миллиарддан ажратилган субсидия \$1.5миллиардни ташкил қилса ҳам камроқ бўлишига қарамадан бюджет ваколатига етарли бўлган.

Манба: ББИ, “1992 молиявий йилининг бюджет бўйича техник брифинги” материаллари., 4.02.1991й.

Буюк Британияда давлат молияси бошқаруви.

Буюк Британия Фазначилигида ҳамма тушумлар давлатнинг ягона консолидациялашган (бирлаштирилган) фондига тушади ва Фазначиликнинг Ягона Ҳисобварағи функцияси шу орақали амалга оширилади.

Бюджет тушумларини таъминлайди: ички солиқ органлари, божхона органлари, ўзининг тармоқлари бўйича турли хил йиғим ва тўловлар йиғиладиган Вазирликлар (Департаменти). Фазначилик консолидацияланган фондга тушган тушумларни барчасини назорат қилади. Фазначилик бюджетдан амалга оширилиши кутилаётган харажатлар турлари бўйича ажратмаларни таъминлайди. Харажатлар қисмидан ташқари, даромадлар тушуми маълумотларини ишлаб чиқиб ҳисоботини юритади. Фазначилик консолидацияланган фондга тушумларнинг ўз вақтида тушишини таъминлаш

мақсадида, ҳар ойда молиявий режа ишлаб чиқиради. Давлат бюджети планидан фарқли ўлароқ бу қисқа муддатли режа тезкор эҳтиёжларни қисқа молиялаштиришни кузда тутади.

Ғазначилик давлат мажбуриятларининг бошқарувига ҳам жавобгар бўлиб, шу мақсадда миллий қарз олиш фондини ҳам юритади. Ички мажбуриятларни бажариш ва бошқариш учун, ҳар ҳафта консолидациялашган фонд ва миллий қарз олиш фонди ўртасида ўзаро маблағлар ўтказмасини таъминлайди. Давлат бюджети ижроси ва қисқа муддатли эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда ҳажми ва муддати бўйича Ғазначилик қимматли қоғозлар таркибини белгилаб беради. Ғазначиликнинг узоқ муддатли мажбуриятларини қабул қилиш ва қарзини тўлашда Англия Банки унинг агенти сифатида қатнашади.

Ғазначилик давлатнинг активларини сақловчиси бўлиб, ташқи мажбуриятларини ўзлаштириш, назоратини таъминлаш мақсадида, давлат корхоналарига лимитларни жорий қилади ва тақсимлаб беради.

Ғазначилик давлатнинг молиявий ахборотларини сақланиши ва ривожланишига жавобгардир. Ғазначиликнинг молиявий тузилмалари Ғазначиликнинг ахборот тизими билан бириктирилган. Маълум мақсадга йўналтиришга режалаштирилган ажратмалар борасида тармоқлар департаменти томонидан тўловлар талаб қилинишига асосланган ҳолда, тўловлар Бош Ғазначилик томонидан амалга оширилади. У харажатлар қайд қилиниши, уларнинг қайта ишлови, ҳамда ҳамма тўловларнинг ҳисобини таъминлайди.

Тармоқ Департаментлари мустақил ички аудитни ташкил қилишади, давлат харажатлари бўйича ажратилган харажатлар назоратини амалга оширадilar.¹⁷

Япониянинг Ғазначилик бошқармаси кўриниши.

Японияда бюджет ижроси Молия Вазирлигининг бир нечта бўлимларига бириктирилган:

- Ғазначилик бўлими;
- Мажбуриятлар бошқарув бўлими;
- Молиявий бўлим;
- Бюджет ва юридик бўлимлари.

Бу бўлимлар Япония Молия Вазирлигининг Молия ва Бюджетга қаршли бўлимлари бўлиб ҳисобланади. Молия Вазирлиги кўплаб тармоқларни ва иқтисодий сфералар назоратини таъсир этувчи давлат органи бўлиб ҳисобланади.

Молия Вазирлигининг Миллий солиқ хизмати ва Божхона Департаменти бўлинмалари бюджетнинг даромад қисмини назоратини амалга оширадilar. Улар даромадлар йиғимини ўзининг маҳаллий бўлимлари, шунинг билан бирга миллий почта хизмати ва тижорий банклар томонидан амалга оширади.

Ғазначилик молиявий режасини талабларга мувофиқ режалаштириб чиқади. Бюджет ижроси бўлими тўловлар таъминланиши муддатларини

¹⁷ Иванова Н.Г., Маковник Т. Д., Казначейская системаисполнения бюджетов. “Питер” Санкт-Петербург. 2001.стр.57.

тасдиқлайди. Ғазначилик билан бирга Давлат маблағларини сақловчи Япония банки тушимлаврни ва тўловларни назорат қилади. Бюджет Вазирлиги ва давлат агентликлари графикда тасдиқланган маблағларни сарфлайди.

Япония банки ҳисобларни юритишдан ташқари, вазирликларга ажратилган лимитлар бажарилишини ва пул оқимлари мақсадга мувофиқлигини назорат қилади. Япония банки давлат маблағларини ягона консолидацияланган ҳисобрақамида жамлайди. Тармоқ вазирликларининг махсус субсчётлари кредитланиб (молиялаштирилиб) харажатлари таъминланади ва давлат лимитлари бўйича ажратмалари назорат қилинади. Мажбуриятлар бошқарув бўлими қимматли қоғозлар ҳажми, муддати ва уларнинг таркиби борасидаги муаммоларнинг ечимини топади. Япония ҳукумати қисқа муддатли молиялаштириш билан баробар Япония банкидан касса ёпилишидаги етишмовчиликлар учун кредит ололмайди. Давлат томонидан узоқ муддатли мажбуриятлар бўйича умумий лимитлар белгиланиб, чиқарилади. Лекин бу мажбуриятлар йилнинг охиригача одатда қайтарилиши лозим.

Япония Молия вазирлиги давлат молияси ахборот системасини яхлит ҳолга келтиради. Молия вазирлиги давлат бюджетини амалга оширишда, бюджет маълумотларини нашр қилишда, бюджет ижроси маълумотлар ҳаракатида ва бухгалтерия ҳисобини таъминлашда ахборот тизимидан фойдаланилади. Бюджетнинг касса ижроси бўйича йиғма маълумот ҳар ҳафталик ҳисоботда кўрсатилади. Аниқ харажатлар сарфи билан тармоқлар вазирлиги жавобгарликни бўйнига олади.

Францияда бюджет ижроси тизими.

Францияда Бюджетини ғазначилик ижроси тизими чуқур ташкилий ўзгаришларни бошидан кечирди. Буларнинг тарихини қуйдагича келтириш мумкин:

-“Давлат бюджети тўғрисида”ги Конституцион Қонун 02.01.1959 й.

- Франция Президентининг 29.12.1962 йилдаги 62-1587-сонли “Давлат молия операцияларини рўйхатга олиш бўйича асосий низомлар тўғрисида”ги Декрети (30.12.1992 йилдаги ўзгартиришлари ва тўлдиришлари билан)

-Молия вазирлигининг “Давлат бухгалтерлари хизматини ташкил қилиш тўғрисида”ги инструкцияси (1966 йил)

-Молия вазирлигининг “Миллий счётлар тизими” тўғрисидаги инструкцияси (1999 йил)

- ва нихоят 1959 йилдаги Конституцион Қонун ўрнига 2001 йил 1 августда қабул қилинган “Давлат бюджети қонунлари тўғрисида”ги янги № 2001-692 Қонун чиқарилди. 2006 йил 1 январдан бошлаб бу қонун амал қила бошлади. Қонун қабул қилингандан уни амал қилиши ўртасидаги муддатнинг узоқлиги бюджет соҳаси муракаблиги ва соҳадаги ўзгаришлар ҳар тарафлама тайёргарли кўрилиши ва бу соҳа билан боғлиқ, яни деярли барча давлат соҳасидаги ислохотларни амалга оширилишини тақозо этилиши билан боғлиқ

Хорзирги кунда Францияда давлат бюджетини ташкил қилиш ва ижроси амалга оширадиган ташкилот “Иқтисодиёт, молия ва саноат вазирлигидир”. Унинг таркибига кирадиган қуйдаги ташкилотлар мавжуд:

- **Бюджет бошқармаси** (бюджетни тайёрлаш, тасдиқлаш ва ижро методологиясига жавобгар орган);
- **Давлат молиясини ҳисобга олиш Бош бошқармаси** (ёки Франция давлат ғазначилиги дейиш мумкин);
- **Ғазначилик дирекцияси** - «Франс-трезор» агентлиги (ФТА).

1. Давлат ғазначилигининг идоралари - ҳам Вазирлик аппарати, ҳам ҳудудлар.
2. «Франс-трезор» агентлиги.

Давлат ғазначилик идораларининг функциялари:

- Тушумларни назорат қилиш.
- Давлат харажатларини амалга ошириш ва назорат қилиш.
- Бюджет ва ҳисобот ахборотини тайёрлаш.
- Консалтинг
- Жамғармалар ва умумий маблағларни бошқариш

Давлат ғазначилик идораларининг вазифалари:

- Франция Ғазначилигининг фаолиятини координация қилиш.
- Давлат ҳисоби амалиётини қоидаларини модернизация қилиш - Давлат ҳисоби тизимини ислоҳ қилиш.
- Маҳаллий ҳокимият органларига ислоҳотларда ёрдам кўрсатиш.
- Франция Ғазначилиги кадрларини бошқариш.

«Франс-Трезор» агентлиги

Иқтисод, молия ва саноат вазирлигининг энг ёш ва тез ривожлаётган идораларидан бири бўлиб 2001 йилда ташкил топган ва 30 кишили штатга эга. ФТАни ташкил топишидан самара шундаки, 2001 йилнинг ўзида Франция бюджетига 500 млн.€ га яқин пул (асосан бўш бюджет маблағларни жойлаштиришдан тушган даромадлар кўринишида) тушди.

ЯҒҲ маблағларини бошқаришида ФТА ходимлари қўйидаги талабларни бажаришлари керак:

- Марказий ЯҒҲни доимий кредит сальдосини таъминлаш;
- Энг кам бюджет харажатларни сарф қилиб касса операцияларини ўтказиш учун бўлган эҳтиёжларни молиялаштириш;
- Ортиқча пул маблағларни фойдали зиёнсиз Ю балки фойдаси билан жойлаштириш;
- Франция давлат қарзини унумли бошқариш.

Ғазначилик Ғазначилик Ягона Ҳисобида йиғилувчи барча давлат маблағлари ҳаракати назорати билан шуғулланади. Бу ҳисобрақам Франциянинг Марказий банкида олиб борилади.

Бюджетнинг даромад маблағларини шакллантириш мақсадида Ғазначилик энг йирик 2000 та қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) тўловчиларидан Марказий банкдаги ғазна ҳисоб рақамига тўловларни туширади. Бошқа солиқ ва тушумларни Давлат ҳисоби бош дирекцияси, Тушумлар Директорати ва Франция Божхона хизмати ундиришади.

Ғазначилик томонидан таъминланган Ғазначилик Ягона Ҳисобидаги ҳамма тўловлар Бюджет директорати томонидан назорат қилинади. Бюджет ижроси бўйича барча босқичлар:

ажратилган мажбуриятлар бўйича мажбуриятларни қабул қилиниши,
тўлов талабномаларини тақдим қилиниши;
ва бевосита тўлов амалга оширилиши
назоратчилар томонидан назорат қилинади.

Ғазначиликнинг давлат ички ва ташқи мажбуриятлари бошқармаси мажбуриятларни амалга оширилиши билан шуғулланади. Булар қаторида давлатнинг қимматли қоғозлари муддати ҳажми ва таркибига доир масалалар кўрилади.

Давлатнинг молия бўйича ахборот тизими замон талабларига мувофиқ, самарали ҳаракат қилади. Бу ахборот тизимидаги Ғазначиликнинг Ягона Ҳисобида амалга оширилган барча бухгалтерия ҳисоби ҳаракатлари бўйича ҳафталик йиғма ҳисобот тақдим қилинади. Ҳафталик ахборот режаси тармоқ вазирликлар ва функционал масалалар учун хизмат қилади.

Юқорида қайд этилган бўлимлар (ФТАдан ташқари) вазирликнинг фискал органлари (Солиқлар бўйича Бош бошқарма, Божхона ва эгри солиқлар бўйича Бош бошқарма, Пенсия хизмати) билан биргаликда статуси бўйича Иқтисод, молия ва саноат вазирининг ўринбосари ҳисобланмиш бюджет ишлари бўйича Давлат котибига бўйсинади.

Австралия Ғазначилик тизимининг ўзига хос хусусиятлари.

Австралияда давлат бюджете борасида қатор ҳуқуқий меёрлар қабул қилинган бўлиб, бюджет мажбуриятларини бюджет олувчилар тарафидан қабул қилиниши тармоқлар вазирликларга юклатилган бўлиб, улар давлат ажратмалари мақсадли ва самарали ишлатишини назорат қиладилар.

Австралияда Ғазначилик ҳазиначилик амалиётидан ташқари Молия Департаменти фаолиятини вазифасини амалга оширади. Бу департамент молиявий активлар сиёсатини ишлаб чиқиш, бюджетни ишлаб чиқиш, харажатлар устидан назоратни таъминлаш, марказий қайд қилувчи тизимни ташкил қилиш, бюджет ҳисоби тизимини бошқариш каби вазифаларни амалга оширади. Австралиянинг давлат бюджет маблағлари тушиши ва сарфланиши Ғазначилик Ягона Ҳисобидан амалга оширилади. Шунинг билан бирга

Молиявий департамент вазифаларига Ғазначилик Ягона Ҳисоби ҳаракатга келтиришини такомиллаштириш, қайта ишлаш ва тасдиқлаш ҳам киради.

Ғазначиликнинг Вазирлик мақоми бор ва ғазначилик таркибига кирувчи Солиқ бошқармаси ҳамма солиқ тўловларни йиғилишини таъминлайди, лекин бюджет маблағини сарфланишига пассив ёндашади. Ғазначилик харажатларнинг бюджет ижросини бюджет олувчилар талабларига асосан амалга оширади. Ғазначилик ташқи тушумлар йиғилишига жавобгар эмас, бунга Божхона хизмати масъул ҳисобланади. Ғазначиликнинг асосий фаолияти макроиқтисодий сиёсатга йўналтирилган.

Макроиқтисодий ҳолат ва даромадлар тушуми тсыйқболидан келиб чиқиб, Ғазначилик қимматли қоғозлар ҳажми ва муддати ва уларнинг қайтарилиши масалалари ечимини топиб уларни назорат қилади.

Австралия давлати молия ахборот тизими реал ҳолатдаги вақт режими асосида Молиявий Департаменти бўлимлари орқали таъминланади. Давлатнинг молияв ахборот тизими бюджетни тайёрлаш, бюджет тушган маблағлар ҳисоби ва қайд қилиниши, харажатлар қисмининг ижроси борасидаги барча масалалар бўйича тармоқлар департаменти билан алоқада фаолият юритади. Давлат молия тизимининг бирлаштириш, молиявий активлар ва кутилаётган тўловлар йиғма ҳисоби маълумотларини тезкор олишни таъминлайди.

Бразилияда давлат молияси бошқаруви.

Лотин Америкасида ривожланган давлатлар каби мавжуд ғазначилик тизими маълум қизиқишларни уйғотади. Булар қаторида Бразилия маълум ютуқларга эришган. Бу ерда ғазначиликнинг асосий амалиётлари Молия вазирлигига юклатилган ва қуйдаги бўлимлари фаолиятни амалга оширадилар:

- Ғазначилик Котибияти,
- Солиқлар тушумини таъминловчи Федерал даромадлар Котибияти ва
- ғазначиликнинг назоратдан бошқа бир қанча функциялари юклатилган Федерал Назорат Котибияти.

Бюджет олувчилар ўртасида бириктирилган лимитларга мувофиқ маблағларни тақсимлаш тармоқлар вазирликларига юклатилган. Тармоқлар вазирликдари Ғазначиликнинг ташкилий ва ахборот тизими орқали тақсимланган ажратмалар бўйича мажбуриятларни бириктирилишини бошқарадилар, идораларнинг бюджет маблари бўйича талабларини ва бириктирилган мажбуриятлар бажарилиши, ва тўловларни таъминланишини назорат қиладилар. Вазирликлар Ғазначилик Котибияти билан биргаликда, бюджет ва молиявий лимитлар амал қилинишини назорат қилади. Яқуний жавобгарлик эса бюджет олувчиларнинг ўзларига юклатилади.

Ғазначилик Котибиятининг вазифаларига даромадлар тушумининг назорати ва Ягона ҳисобварақдан тўланиши киради. Бундан ташқари ҳар бир вазирлик бўйича лимитларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳам ғазначилик вазифаларига киради.

Бюджет тузишнинг бошланғич босқичида Ғазначилик Котибияти макроиқтисодий ҳолатлари муҳокама қилишида, бюджетга тушим

миқдорларини, кутилаётган бюджет етишмовчилигини ва шу билан боғлиқ қарз мажбуриятларини қабул қилинишини тузишда иштирок этади.

Ғазначилик Котибияти ўзининг ахборот тизими орқали харажатлар ҳолатини изчил ва қаттиқ қўзғаллик билан назоратини олиб боради. Ғазначилик Котибиятининг жорий харажатларга лимит қўйиш учун ваколоти мавжуд. Ғазначилик Котибияти ойлар бўйича эгилувчан ва ўзгарувчан харажатлар режасини ишлаб чиқадики, бу режа Ғазначилик Ягона Ҳисобрақамларига тушумларнинг келишига қараб ўта сезгирлик билан ўзгаради. Жорий ойда бу молиявий режалар хар кунлик миқдорда ишлаб чиқарилади.

Ғазначилик Котибиятига ташқи ва ички мажбуриятлар назорати, уларни ҳажмининг тасдиқлаш ва мувофиқлаштириш, муддатларини белгилаш ва таркибини мувофиқлаштириш юклатилган. Марказий банк ким ошди савдосини ташкил қилиш ва мажбуриятлари бажарилиши бўйича хизмат қилиш агентлиги сифатида қатнашади. Давлат томонидан бериладиган қарзлар Марказий банк томонидан назорат қилинади. Турли тармоқлардаги корхоналарга қўйилган давлат активлари назорати ҳам Марказий банк томонидан назорат қилинади.

Ғазначилик Котибияти бухгалтерия ҳисоби сиёсатини олиб бориш масалаларига ҳам жавобгар ҳисобланади. Котибият бухгалтерия меорларини ўрнатади, ҳисобот жараёнини белгилайди, ҳисобот қайд қилиш регистрларини таъминлайди, давлатнинг йиллик молиявий ҳисоботи мувофиқлаштиради ва тайёрлаш бўйича барча муаммоларни ҳал қилади.

Давлатнинг молиявий ахборот тизими замон талабларига жавоб берадиган, илғор ҳисобланади. Бу тизимда давлатнинг молиявий операциялари бўйича ҳамма ҳисоби юритилади, автоматик равишда қайд қилинади. Молия харакати бюджет ёки бюджетдан ташқари бўлишидан қатий назар барча молия харакатларини қайд этади ва қайта ишлашга йўналтириди. Бу тизим марказий ташкилотлар бошқармадарини, ижтимоий таъминот ташкилотлари, барча жамоат фондлар, бошқа корхона ва давлат мулклари мавжуд бўлган корхоналар, қонун чиқарувчи, маъмурий ва суд органлари ва давлат муассасаларини ўзида қамраб олган. Молия Ахборот Тизими бюджет операцияларини автоматик назорат қилиб боради ва бюджет лимитлардан ортиқча молия маблағларининг чиқишларига кеклов қўйиш орқали олдини олади. У жорий вақт мобайнида ёқилган сухбатий ҳолатда фаолиятини юритади. Зарур маълумотларни кераклича аниқлик ва икирғчикирларигача кўрсатган ҳолада хозорлик билан етказиб беришга қодир.

Туркия давлати бюджет ижросининг хусусиятлари.

Туркия давлати қадимдан, яний Усмонийлар давлатида яратилган ва фаолият юритиб келаётган ғазначил тизимига эга. Шундай бўлсада, бу тизим, замон талабларига кўра хамиша ислохотлар ўтказиб ривожланиб келмоқда. Охириги ислохотлар қаторида “5018 - Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва назорати қонунини”, “4749 – Давлат молияси ва қарзлари ҳақида қонуни” қабул қилиниши Туркия давлат бюджетини янги босқичга кўтарилишини ифодалайди¹⁸.

¹⁸ “5018 Sayili Kamu Mali yonetimi ve control Kanunu”. Agustus 2007, Ankara

Хозирги кунларга келиб Туркия Ғазначиликги Молия Вазирлиги билан паралел фаолият юритади. Бюджетнинг харажатлар қисмининг ижроси, Ғазначилик Ягона Ҳисоби юритилиши, давлат маблағлари мақсадли ижроси ва ўз вақтидалиги тўғрилигининг назорати Ғазначилик функцияларига киради. 19 80% давлат ташкилотларини ғазначилик молиялаштиради.

Бу ўлкада давлат молияси ва иқтисодий таррақиёт масалалари билан бир нечта вазирликлар шуғулланади. Шу жумлада, Давлат режалаштириш вазирлиги давлатнинг сармоя режаларини тузиш ва бу борадаги марказлашган маблағлани баҳолаш масалаларига масъул.

Молия вазирлигининг асосий вазифаси молия сиёсатини, бюджет-солиқ сиёсатини амалга ошириш. Бу йўналиш давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий вазифаларини амалга оширишни мақсад қилган. Бунинг асосини самарали бошқарув, аудит ва шаффофликни таъминлаш деб қаралади.²⁰ Молия вазирлиги вазифаларига давлат молияси ҳисобини (бухгалтерия ҳисобини) юритиш, давлат бюджетини сиёсатини шакллантириш ва давлат бюджетини тузиш, давлат мулкни бошқариш ва даромадларни таъминлаш юклатилган.

Бухгалтерия ҳисобини юрилишининг самарасини ошириш мақсадида вазирлик қошида “Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва назорати қонунини” ижроси доирасида Стандартлаштириш Кенгаши тузилан. Барча бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришга оид масалаларни хал қилиш шу Кенгашга юклатилган.

Давлат бюджет сиёсатини юритишда Туркия Молия вазирлиги халқаро тажрибани кенг миқёсда қўллайди ва бу борада халқаро молия ташкилотлари (Авропа Кенгаши, ХВФ ва хоказолар) билан ҳамкорлик қилган холда, чуқур молия соҳасидаги вазиятни таҳлил қилиб ва илмий изланишларни амалга оширган холда амалга оширади. Туркия бюджетчилигида ўрта муддатли бюджет қўлланилади. Бунда тузилаётган бюджетнинг биринчи йилининг параметрлари тасдиқтан ўтади. Кейинги икки йилги тақтим этилган ҳисоб-китоблар истиқбол тариқасида қабул қилинади ва тасдиқлангунга қадар 40% гача ўзгариши мумкин.

Хозирги кунда Туркия Молия вазирлиги кенг миқёсда ислохотларни давом этмоқда. Бу борада Мақсадга Қаратилган Бюджетлаштиришни жорий қилиш устида изчил ишлар олиб борилмоқда²¹.

“4749 – Давлат молияси ва қарзлари ҳақида қонуни”га кўра давлат бюджетининг харажати ижроси ва давлат қарзларини ўтовчи ягона ташкилот бу Давлат Ҳазиначилик Қўмитаси²². Мазкур ташкилот давлат бюджетига тушадиган барча маблағларни Ғазначиликнинг Ягона Ҳисобига йиғади ва бюджетниг ҳамма харажатларни ана шу ҳисобнад амлга оширади. Бунинг учун Ҳазинаи Мусташарлик (Туркия Ғазначилиги) ойма ой амалга ошириладиган режани қабул қилади. Ғазначиликнинг асосий вазифаси давлат харажатлари

¹⁹ Туркиянинг Ўзбекистондаги иқтисодий масалалар бўйича кўнсули жаноб Булент Демирбоғ маълумотлари.

²⁰ Т.С. Basbakanlik Hazine Mustasarligi Ташкил қилган семинар материаллари 15.04-23.04. 2008 йил. Halil Karatas, Туркия молия вазирлиги ходими.

²¹ Т.С. Basbakanlik Hazine Mustasarligi Ташкил қилган семинар материаллари 15.04-23.04. 2008 йил. Esin Nngir, Туркия молия вазирлиги ходими.

²² Т.С. Basbakanlik Hazine Mustasarligi Ташкил қилган семинар материаллари 15.04-23.04. 2008 йил. Н. Alper Memis, Туркия Давлат Ҳазиначилик Қўмитаси ходими.

билан боғлиқ харажатларни ва давлатнинг қарзларини узиш билан боғлиқ харажатларни узлуксиз таъминотини амалга ошириш. Бунинг учин Ғазначилик етишмайдиган маблағларни қоплаш учин ички ва ташқи молия бозорларида кенг миқёсда Марказий банк ва тижорий банклар орқали давлатнинг қимматли қарз қоғозларини, “ким ошти” савдоларни уюштириш орқали сотади, ва қозрган маблағларни ўз мажбуриятларини бажариш учун йўллайди.

Давлат ғазначилигини тузишда қўшни давлатларнинг ютуқлари.²³

Собиқ СССР таркибига кирган барча давлатлар Прибалтика давлатлари, Россия ва бошқалар илгари Ғазначилиги бўлмаган давлатлар, бу тизимни жорий қилишга қилишганлар.

Прибалтика, Россия олдинги иттифоқчи бошқа давлатлар ғазначиликни ташкиллаштиришда қатор ютуларга эришган бўлсаларда, уларнинг ютуқлари турли босқичларга етиб келган. Умумлашган холда қараганда, келтирилган барча давлатлар ғазначиликнинг тўлов тизимини жорий қилишда ва Ғазначиликнинг Ягона Ҳисобини жорий қилиш борасида ютуқларга эришганлар. Шу билан баробар, бу борадаги ислохотларни амалга ошираётганларнинг деярли кўпчилигининг давлат молиясини бошқариш ва Ғазначиликнинг бош китобини жорий қилиш борасида хали камтарона ютуқларга эришганлар.

Бу борада Латвия ва Қозоғистон ғазначилик соҳасида ривожланган тизимига эга бўлишди: Латвия компютерлаштиришни йўлга қўйди, шу вақтнинг ўзида назорат тизимини яхши йўлга қўйилган. Мухим ислохотлар Эстония, Литвия, Армения, Озорбажон, Гуржистон, Қирғизистон ва Туркманистонларда амалга оширилмоқда. Иккинчи гуруҳга тегишли қолган давлатлар икки компонентни ғазначилик департаментини ташкил қилишни ва Ғазначилик Ягона Ҳисобварағини ташкил қилишга мувафақ бўлмоқдалар. Молдавия ва Украинада шу жараён яхши йўлга қўйилган. Россия ва Беларусия юқоридаги икки компонентлари бир хил даражада шаклланмаган бўлса ҳам маълум этапни босиб ўтинган. (Бу жараён Россияда 1999 йилда ривожланган; Беларуссия жараёнлари ахборотлари чекланган). Тожикистон қолган давлатларга нисбатан ортда қолган бўлсада, охириги йилларда ислохотларни жадалаштиришда маълум ютуқларга эришган.

2.3 жадвал

Олдинги СССР давлатларида Ғазначилик тизимини ривожланиш ҳолати.²⁴

Энг ривожланган	Ривожланган	Яхши таракқиёт	Ўртача таракқиёт	Кам ривожланиш

²³ Barry Potter, Jack Diamond. Building Treasury Systems. Данные по состоянию на 1999 год.

²⁴ Barry Potter, Jack Diamond. Building Treasury Systems. Бу маълумотлар 1999 йилга таалукли.

Қозоқистон Латвия	Озорбажон Қирғизистон Арманистон Гуржистон	Литва Туркменистон	Россия Украина Молдавия	Тожикистон
----------------------	---	-----------------------	-------------------------------	------------

Россияда Ғазначилик тизимининг вужудга келиши.²⁵

Россия Президентининг 1992 йил 8 декабр №1556 фармони ва Россия ҳукумати томонидан 1993 йил № 864 Ғазначилик бўйича қарор Ғазначилик тизимини яратилишига асос солган²⁶ ва Молия вазирлиги таркибида Федерал ғазначилиги ташкил этилди. Россиянинг жуда катта ҳудудларда жойлашгани телекоммуникация тизимининг етарлича ривожланмаганлиги, Россия давлатининг федерал тузилганлиги ва федерация таркибига кирувчи субъектлари орасидаги кескин фарқлар мавжудлиги - Ғазначилик тизимини яратилишда катта қийинчиликларни туғдирди.

Шунинг учин қисқа муддатда бу давлат мутахассислари марказлашмаган бўлсада, етарли даражада самарали фаолият юритаётган ғазначилик ярата олганларига тан берса бўлади. Охириги йилларда Россия Федерал Ғазначилигининг маҳаллий органлари тизими ташкил қилинган бўлиб, улар хўжалик ва ташкилий-техника воситалари, шунингдек ҳисоблаш техникаси, ахборотларни етказувчи алоқа воситалари билан таъминлашни ташкил қилишган. Ғазначилик органлари ишларини тартибга солувчи меорий-ҳуқуқий услубияти қисқа вақт ичида тарақий этиб тизим динамик тарзда ривожланиб бормоқда.

Россия Федерацияси таркибида 89 та миллий ва маъмурий- ҳудудий тузилмалар мавжуд бўлиб, улар Федерация субъектлари шаклида жорий этилган. Давлатда 50 000 дан ортиқ бюджет ташкилотлари фаолият юритиб, уларнинг хар бирида 6-7 тадан банк ҳисоб рақамлари мавжуд бўлган. Натижада бюджет маблағлари тушириладиган банк ҳисобрақамлари 300000 та етиб, бу хол ўта муррақаб бошқариб бўлмайдиган пирамидал шаклда намоён бўлди. Бундай катта миқтордаги федерал бюджет маблағларини бошқарувчиларининг мавжудлиги аста секинлик билан ғазначилик тизимга ўтишни тақазо этди. Ғазначиликни яратилишининг илк йиллари (1993) Россия Федерациясининг атиги 17 та субъектларида ғазначилик органлари яратилган.²⁷

1994-1995 йилларда чет ва узоқ районларда ғазначилик тармоғи ишлаши йўлга қўйиш бошланди. Жойлардаги ғазначилик бўлимлари ўзаро боғланган тизим яратилиши, тизимнинг хамма босқичлари юқоридан қуйи занжирларига қадар федерал бюджет маблағларини бошқарувини таминлаши, ва бюджет ижросини тамъинланишини йўга қўйишга мувафакт бўлинди. Яратилган тизим

²⁵ Қатор давлатларнинг ғазначилик тизимларига доир маълумотлар Иванова Н.Г. ва Маковник Т.Д., ларнинг “Казначейская система исполнения бюджета,(Санкт-Петербург 2001), китобларидан олинган. Уш бу асарда Ғазначилик тизимининг чет эл давлатларида ташкил қилиниши услубларига алоҳида боб бағишланган.

²⁶ Келтирилган асар 33 бет.

²⁷ Келтирилган асар 35 бет.

Федерал бюджет даромадлари ва харажатлари ҳисобини, бюджет маблағлари ижросининг умумий назоратини таъминлаш имконига қодирлигини намоиш этди.

Лекин бу тизим ҳамма Федерал субъектларини хали қамраб олмаган эди. Фақатгина 2001 йилда Россия Федерациясининг ҳамма субъектлари ғазначилик органлари яратилди ва ягона марказлашган Федерал Бюджет ижроси жорий қилинди.

1999 йил чиққан Россия Федерацияси Хукуматининг қарори асосида 2000-2004 йилларда Федерал ғазначилик органларини ривожлантиришнинг Федерал мақсадли дастури қабул қилинган. Дастурнинг асосий мақсади – давлат молия ресурсларини бошқариш ва назорат қилишнинг самарасини оширувчи муҳим воситаси ҳисобланган ғазначилик тизимини ривожлантиришдир. 2000 йил 1 январидан бошлаб Россия Федерацияси Бюджет Кодекси ишга туширилиши сабабли Федерал ғазначилигининг ривожланиши янги босқичга ўтди. Янги Бюджет кодекси қуидаги ютуқлга асос солган:

- Россия Федерациясида бюджетнинг ғазначилик ижросини мустаҳкамлади;
- Касса харажатларини жорий молиявий йилнинг бюджети тўғрисидаги қонун билан белгиланган меёрларга мослигини таъминлади.
- Бюджет маблағлари ҳисобидан таъминланувчи мажбуриятлар ҳажми бюджет мажбуриятлари лимитларини бюджетдан маблағ олувчиларга етказилгани ҳажмига мос келишини тасдиқлади.
- Федерал бюджети маблағларини Бош идора қилувчилар ва олувчиларнинг уларга ажратилган маблағларни мақсадли ишлатиши бўйича масъулиятларини тасдиқлади.

2000 йилда Федерал ғазначилик тизими иеархик ташкил қилиниб, учта бўғинларни таркибига олган: Биринчи ўринда Бош Федерал Ғазначилик, иккинчи ўринда-Федерал Ғазначиликнинг РФ бошқармаси, учинчи ўринда – маъмурий-худудий бўлинмаларига мувофиқ равишда 2156 бўлимлари фаолият юритмоқда. Шу жумлада, пойтахтда Федерал бюджетдан молиялалаштириладиган Москванинг Федерал Ғазначилик Бошқармаси, мавжуд округлар бўйича 10 та махсус бўлинмалари, ва яна битта “хавфсизлик таъминловчи куч” вазилиликларини ҳизматини ўтовчи махсус бўлими таркибда фаолият юритадилар.

Кугинги йилларда Россия Федерал ғазначилик тизимининг ривожланиш қуидаги босқичлардан ўтди:

- 2000-2002 йиллар давомида 89 федерал ғазначилик бошқармалари тузилди ва федерал ғазначилик бўлимларни 2254 га етди. Мухими Федерал ғазначилик органларининг вертикал тузилмаси яратилди.
- 2002 йилга келиб барча Федерал бюджетидан молиянувчи ташкилотларга Федерал ғазначилик органлари томонидан хизмат кўрсатилиши таъминланди.
- Федерал ғазначилик органлари тузилмаси ривожланишида кегинги босқич “Ижроия хукуматининг федерал органлари тизими ва

тузилмаси тўғрисида”ги Россия Федерацияси Президентининг 2004 йил 9 мартда қабул қилинган 314-сонли Фармони бўлди Унинг асосида ўказилаётган маъмурий ислохотлар Ҳазначилик тарақиётини янада жадаллаштирди.

- Бу қарор натижасида Федерал ғазначилик алоҳида Федерал хизмат мақомига эга бўлди ва 2005 йил 1 январдан Россия Федерацияси Молия вазирлиги тизимидан чиқарилди. Шундай бўлсада бу хизмат Россия Федерацияси Молия вазирига бўйсунди.
- Бу ўзгаришлар натижасида федерал бюджет ижросини таъминлаш бўйича ҳуқуқий вазифалар Федерал ғазначилигига юклатилди (аввал Молия вазирлигига юклатилган эди). Ҳазначилик хизматида федерал бюджетни ижроси ва Россия Федерацияси бирлашган (консолидациялашган) бюджетини ижроси бўйича ҳисоботларни таъминлаш юклатилди.
- Федерал ғазначилик ҳақидаги Низом 2004 йил 1 декабрдаги Россия Федерацияси ҳукуматининг “Федерал ғазначилик тўғрисида” 703-сонли Қарори билан тасдиқланди.
- Россия Федерацияси ҳукумати тарафидан 2004-2006 йилларда амалга оширилишига доир бюджет жараёнини ислох этиш концепцияси қабул қилинди.

Қабул қилинган концепциянинг асосий мақсади - давлат молиясини максимал даражада самарали бошқариш учун шарт-шароитларни яратиш. Бу мақсадда бюджет харажатлари ва уларнинг натижалари ўртасида тўғри боғлиқликни ўрнатиш, бюджет маблағларини давлатнинг мақсадлари, вазифалари ва функциялари бўйича устуворлигини ҳисобга олган ҳолда тақсимлаш режалаштирилган.

Ислохотни амалга ошириш учун харажатларни бошқаришнинг самарали технологиясини таъминловчи янги услублар қўлланилиши режалаштирилган. Булар қаторида Норматив Бюджетлаштириш, Дастурли Бюджетларни қўллаш ва Мақсадли Бюджетлаштириш (МБ). Мақсадли Бюджетлаштириш усули илк бор Америка Қўшма Штатларининг Мудофаа вазирлигининг дастурларини молиялалашда қўлланилиб, ўта самарадорлиги туфайли жаҳон амалиётида, кенг тарқалган.

Шу билан баробар қатор хал қилинмаган муаммолар ҳам мавжуд. Ҳазначилик таркибида кўплаб ҳудудий бошқармалар юритаётган ҳисоб рақамларининг мавжудлиги, мазкур ҳисоблар қолдиқлари ҳақида тезкор маълумот етказиб берилишини тақозо этади. Бў борадаги кундалик ҳудудий бўлинмалар билан ахборотлар алмашуви бу маслани хал қилсада, ҳисобларнинг хаддан ташқари кўплини, яни бу аслида Россия Федерациясининг барча ҳудудий тузулмаларидаги ғазначиликлар ҳисоб рақамлари бўлганлиги учун, Федерал бюджетни маблағларининг хаддан ташқари парчаланиши ва ёилиб кетишига сабаб бўлади.

Бу муаммони хал қилишда барча молиявий оқимлар ўтказилишини Ҳазначиликнинг Ягона Ҳисобидан амалга ошириш, шу билан баробар барча солиқ ва бошқа тушумларни шу Ягона Ҳисобга мужасамдаштириш йўли

Худудий ғазначилик бўлимлари томонидан очилган корсчётлари эса фақат жойларда нақд пулни олиш учун ишлатилиш учин қўлланилади. Россия бюджетнинг Ягона Ҳисоби фаолияти ана шу концепция асосида амалга оширилади. Ушбу услуб Москва вилоятида, Санкт Петербургда Ростов, ҳамда Федерациянинг кўплаб бошқа худудларида, вилоятлар ғазначиликдариди қўлланиламоқда ва бошқа худудларда жорий қилишини режалаштирилган.

Қозоғистоннинг Ғазначилик тизими.

Катта худудга эга бўлган Қозоқистонда бюджет маблағларини ажратиш ва бюджет ижроси назоратини вилоятлар бўйича муддатли жорий қилиниши қийинчиликларни тўғдирди. Шунинг учун, бу йўналишда ишни ташкил қилиш учун, ғазначилик тизимида бюджет ижроси марказлашмаган кўринишда вужудга келди. Қатор қийинчиликларга қарамасдан, олдинги СССР давлатлари ичиди Қозоқистон 1999 йилга келиб Ғазначилик тизими бўйича бюджет ижроси юқори даражаларга эришди.

Марказий Осиё бўйича Америкалик экспертлари Брюс Дж. Перльман ва Григорий Глисон Қозоқистоннинг мустақилликдан кейинги йилларда эришган ютуқларини қуйидагича тасвирлайди: “Қозоғистон мустақилликка эришгандан сўнг изчил ислохотларни амалга оширишга киришди, Россия рубл валютаси худудидан чиқиб, савдони таъминловчи муҳим бўлмиш янги валюта тизимини яратди, субсидияларни бекор қилди, нархлар эркинлаштирилиб, иқтисодиётнинг катта қисми хусусийлаштирилди. Қозоғистон жамият ва хусусий секторларни баланслаштириш давлат хизматчиларини қисқартириш ва давлат мулки мавжуд бўлган сохалари маблағларини хусусийлаштиришда ютуқларга эришди. Қозоғистон тижорий операцияларда ва эгалик ҳуқуқлари доирасида Фуқаролик кодекси қабул қилинди. Қозоғистон замонавий банк тизими, пул алмашиш жараёнларини, банкротлик бўйича қонунчиликни, комунал хизмат кўрсатиш бошқармасини ташкил қилди. Қозоғистонда давлатнинг мажбуриятларини бошқариш доирасида, янги замонавий давлат молияси тизимини, янги солиқ кодекси ва янги солиқ маъмурияти тизими яратилди.”²⁸

Қозоғистон Республикасининг Молия Вазирлиги Ғазначилик Қўмитаси фаолияти қатор ҳуқуқий ҳужжатлар билан расмилаштирилган. Шулардан энг муҳимлари қаторида - Қозоғистон Республикаси фуқаролик кодекси. Бу ҳужжатда барча бюджет маблағларини сарфланишига оид имзоланган шартномалар фақат Қозоғистон Республикаси Ғазначилигида рўйхатдан ўтгандан кейин қонуний кучга эга бўлиши қайд қилинган. ЯНий бундан истисно бирорта ҳам харажатлар, шу жумлада, бюлжетда тасдиқланмаган ва ёки ажратилган мақсадларга зид харажатлар олдиндан амалга оширилишига чек қўйилган.

Қозоғистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилик Қўмитасининг қуйидаги вазифалари энг муҳимлар қаторида бириктирилган:

- Республика бюджети ижросини ташкил қилиш;
- Давлат ташкилотларининг ҳисоб рақамлари хизматини ўташ;

²⁸ Bruce J. Perlman and Gregory Gleason. Comparative Perspectives on Third Generation Reform

- Маҳаллий бюджетларга хизмат кўрсатиш;
- Бюджет дастурлари маъмурияти ва давлат ташкилотлари раҳбарлари томонидан Ғазначилик қўмитасига тақдим этилаётган ҳужжатларни амалдаги бюджет қонунчилигига мос эканлигини назорат қилиш.

Ғазначиликни ҳудудий идораларининг асосий вазифаларига қуйдаги масалалар киради:

- Республика бюджети ижросини ва маҳаллий бюджетларни касса ижросини ташкил этиш ва назорат қилишни такомиллаштириш;
- Бюджет дастурларини молиялаштириш режаларини бажарилиш бўйича операцияларни ҳисобини таъминлаш;
- Давлат бюджети ижроси бўйича бухгалтерия ҳисобини ва ҳисоботларини амалга ошириш;
- Давлат бюджети ижросини таъминлаш масалаларида дастлабки ва жорий назоратни амалга ошириш;
- Бюджет тизимидаги бухгалтерия ҳисобини ва ҳисоботини ва Ғазначилик органлар тизимидаги ички назоратни ривожлантириш ва такомиллаштиришда қатнашиш;
- Ахборот ҳавфсизлиги соҳасида меъёрий-ҳуқуқий актлардаги талабларга риоя қилишини таъминлаш, ташкил этиш ва назорат қилиш;
- Ғазначиликдаги интеграциялаштирилган ахборот тизимини ишлаб туришини таъминлаш.

Қозоғистон Республикаси Ғазначилигини ўзига хос хусусиятлари қаторида шуни қайд этиш керак-ки, Ғазначиликнинг туман бўлимларда бухгалтерия ҳисоби олиб борилмайди. Қозоғистон Республикасини вилоятларидаги Ғазначилик Департаментларида марказлаштирилган бухгалтерия ҳисоби (шу жумладан, ўзини таъминлаш сметаси бўйича ҳам) олиб борилади ва у туман ғазначилиги ҳисотини ўзига қамраб олган.

Украина ғазина тизимини

Украина давлат тизимини бошқаришни такомиллаштириш борасида, бошқа ҳамдўстлик давлатлар қаторида, давлат бюджети ижросининг ғазна тизимини жорий қилишни режалаштирган. Унга юклатилган энг муҳим вазифалар қаторида Ғазина давлат маблағлари тўловларининг кечиктирмасликни таъминлаш, давлат бюджети ижросининг даромад ва харажат қисмлари ҳисоботларини амалга оширишда чалкашлик ва янглишларнинг олдини олиш. Умуман олганда бу давлат бюджети ижросини унумли ва самарали ижросини таъминлашини назарда тутди.

Олдинга қуйилган мақсадларни амалга оширилишида Украина Миллий (Марказий) банки ўзининг ҳисобларида Украина ғазначилигининг агенти сифатида барча давлат маблағларини бирлаштирилишини таъминлайди. Ғазначилик узининг адоҳида тулов тизимини ишлаб чиқмаган. Ғазначилик Миллий банктаги ўзининг корреспонд ҳисоби орқали, Миллий Электрон

Тўловлар Тизимига аъзо сифатида, барча туловларини шу тизим орқали амалга оширади. Шу мақсадда Миллий банкда махсус йуриқнома ишлаб чиқилган.

Украина Ғазначилиги бюджет таксимловчилар мажбуриятлари ҳисобини балансдан ташқари махсус ҳисобларда олиб боради. Ғазначилик ҳисоб тизимида барча ғазначиликда содир бўлган туловлар ва келиб тушган маблағларни ва сарфланиларни акс этиши таъминланади. Ғазина Ягона Ҳисоби Украинада 2001 йилдан амал қила бошлаган. Украина Ғазначилигининг узига ҳослиги давлат бюджетининг “Ғазначилик” ижроси ва “банклар орқали” ижросини бир-бирларини тўлдирган ҳолда амалга оширилиши тизимлигидир. Иш Ўринларининг Автоматлаштириш ва техник таъминоти Марказий банкнинг Электрон Тўлов Тизими Ғазначиликнинг марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлимларини ўз таркибидаги олади.

Шу билан бирга, Миллий банк Электрон Тизимдан фаркли, ғазначиликнинг ички тўлов тизими яратилмоқда ва у ғазначиликнинг туман ва шаҳар бўлимларида амал қилади. Кўпчилик туман ва шаҳар ғазначиликлари Миллий банкнинг Электрон тўлов Тизимига тўла ўтмаган.

Тожикистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий ғазначилик департаменти фаолиятининг хусусиятлари

Тожикистон Молия вазирлиги Марказий ғазначилик департаменти Тожикистон Молия вазирлиги тузилмасидаги таркибий бўлинмадир. Ғазначилик ягона марказлаштирилган тизим бўлиб, ҳудудий тамойил асосида ташкил этилган. У Марказий Ғазначилик ва унга бўйсинадиган маҳаллий органлардан иборат.

Тожикистон Ғазначилигинингнинг асосий функциялари қаторида қуйдаги вазифалар юклатилган:

- Давлат ресурслари ҳажмини қисқа муддатга прогнозлаштириш
- Давлат бюджетини даромадлар ва харажатлар бўйича касса ижросини амалга ошириш;
- Бюджетдан ташқари маблағларнинг даромадлари ва харажатларини назорат қилиш;
- Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари бўйича ҳисоботни юритиш ва ҳисоботларни тақдим этиш;
- Тожикистон ҳукуматининг Ғазначилик тизимидаги барча молиявий операцияларини тартибга солиб турувчи ҳисоб методи, шакллари, ҳужжатлар билан ишлаш тартибини аниқлаш, қоидаларни ўрнатиш ва инструкцияларни ишлаб чиқиш.
- Давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар ижроси борасида Тожикистон Миллий банки билан ҳамкорлик қилиш;
- Миллий ва хорижий валюталарда ғазначилик ва банк ҳисоб рақамларини очиш ва ёпиш;
- Давлат маблағларини ягона ғазначилик ҳисобварағида ҳаракатлар оқимини оптималлаштириш мақсадида бюджетдан ташқари маблағларнинг ва махсус ҳисобварағларини юритиш;

- Давлат бюджети ижросини бошқаришнинг автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий қилиш.

Тожикистон Молия вазирлигининг Марказий Ғазначилик бош бошқармаси мутахассислари томонидан “Тожикистон Республикаси Ғазначилиги тўғрисида”ги Қонунга қуйидаги ўзгартиришларни киритиш таклифи мавжуд: бюджет жараёнини барча қатнашчилари ўртасидаги электрон тўловларни ўтказишга бағишланган қисмида –

- бюджет ташкилотларининг бюджет маблағлари билан ўтказиладиган операциялар ўтказиш учун жавобгарлигини ошириш,
- ғазначиликнинг хўжалик судлари билан муносабатларини аниқлаштириш,
- электрон тўлов тизими бўйича инструкция лойиҳаси ишлаб чиқиш

Биз мазкур бўлимда давлат тузилиши турлича бўлган АҚШ, Япония, Франция, Австралия, Буюк Британия, Россия, Қозоқистон, Украина ва Тожикистон мамлакатлари мисолида ғазначиликнинг функцияларини қандай тақсимланиши тахлили келтирилди. Давлат бюджети ижроси ғазначилигининг хориж тажрибаси тахлили шуни курсатадики, қўпчилик давлатларда тизимнинг турли хил кўринишлари муваффақиятли амал қилиб келмоқда. Улар нафақат номланиши билан фарқ қилиши, балки департамент ёки котибият шаклида намоён бўлиши, иерархияси, бўйсиниш тизими ва уларга қўйилган вазифалар бўйича ҳам фарқ қилади. Бир қанча ғазначилик органлари Молия вазирлиги таркибидан чиқарилган (Япония) ва паралел равишда фаолият юритади (Туркия), бошқалари молия вазирлиги ҳукукида фаолият юритади (АҚШ), учинчилари, молия вазирлиги билан паралел равишда ёки бошқалари бир бирини иазифисини бажаради ва улар рақобатчи сифатида ўз вазифаларини бажаради. Айрим мамлакатларда ғазначилик давлат бюджетининг даромад қисмига жавобгар сифатида: солиқ, божлар ва бюджетга бошқа мажбурий туловлартушириш учин масъул. Яна бир бошқа тизимда солиқ бўйича ва божлар бўйича жавобгарлик алоҳида ташкилотларга юклатилган. Учинчи давлатларда ғазначилик давлат бюджетининг даромад қисмидан умуман озод қилинган яъни жавобгар эмас.

Шу билан бирга, шуни этороф этишимиз керрак-ки, барча давлат бюджети ижросини бажарувчи мутассади ташкилотлар тизими қуйидагиларга амал қилинади:

- Ғазначиликнинг Ягона Ҳисобини яратиш. Бунда давлат маблағларининг харажатлар қисми жамланади;

- Иерархик – марказлашган шаклида ташкил қилинган ғазначилик тизимини яратиш, давлатга бўйсинувчи бош ташкилотини, провинция ва шаҳарлардаги ғазначилик бўлимлари узининг координациялашган фаолиятини давлат бюджети ижроси бўйича бош ташкилотга бўйсиниши.

- Хўжалик жараёнлари бўйича даромад ва харажатларнинг ҳисобини ягона бухгалтерия тизими асосида олиб бориш. Ушбу тизимни ишлатишда Ғазначилик бош китоби яратилади, бюджет босқичлари ва тармоқлар

боскичлари буйича маълумотларни ҳаракатга келтиради. Унда йилик бюджет маблагларининг ажратмалари, ажратмалар буйича мажбуриятлар, тулов топшириқномаларни текшириш, ва касса туловлари акс этадиган ҳисоб киоблар ягона счетлар режасига асосан амалга оширилади.

-Бюджет яратишнинг ва бюджет ижросини, тушумлар ҳисоби, туловларни амалга ошириш, ўз вақтида бажарилишини ва ижросини назорати, маблагларнинг нотўғри сарфланишини тухтатиш, ва давлат бюджети ижросини оптималлаштириш ва мослаштиришнинг автоматлаштирилган тизимини яратадилар.

Юқорида келтирилган тамоиллар Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг давлат бюджетининг Ғазна тизимини яратишида изчил қўлланилиши, яратилаётган бу тизим, бизнинг шароитларимиз ва ўзимизга хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда, харқаро тажрибадан кенг мирқёсда фойдаланаётганимиздан далолат.

1.3. Давлат бюджетининг ғазначилик ижросининг асосий элементлари ва асосий фаолият тузилмалари

1.3.1. Ғазначилик тизими фаолиятининг ташкилий элементлари

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ғазначилик тизимининг энг муҳим авзалиларидан бири бу давлат молиясини бошқаришда ва давлат бюджетининг ижросида ошқораликка ва шаффофликга эришилади. Бунинг асосини Ғазначилик тизимида илғор ҳисоботлаш тизими, ва оддийлаштирилган ва соддалаштирилган ҳужжатларнинг юритилишига эришиш ташкил қилади. Аммо замонавий ғазначилик ўта мурракаб тизим бўлганлиги учин ана шу иккита эришиши муҳим бўлган нарсанинг асосини Ғазначилик фаолиятини бажарувчи унинг бешта асосий элементлари барпо бўлишлари ва самарали функционал бўлишлари шарт. Булар:

Ғазначиликнинг муассасавий таркиби ва ташкилий тузилмаси,
Ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами,
Ғазначиликнинг бош китоби ва ҳисоб-китоб олиб бориш тизими,
Ғазначиликнинг ахборот тизими,
Ғазначилик тизимининг фаолиятини тартибга солувчи меорий-ҳуқуқий қонунчилик.

1. **Ғазначиликнинг муассасавий таркиби ва ташкилий тузилмаси** мурракаб бўлиб, у қуйдагиларни ўз ичига қамраб олган: Молия вазирлиги, ғазначиликнинг бошқарув органлари – Ғазначиликнинг Бош Бошқармаси, Ғазначиликнинг Қорақалпоқистон Автоном Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги Бошқармалари, Ғазначиликнинг туманлардаги бўлимлари ва бу келтирилган муассасаларнинг ўзаро бир-бирилари билан боғлиқлиги, иерархик тузилиши, ва уларга юклатилган, олдиларига қўйилган мақсадларни амалга ошириши билан боғлиқ фаолиятларидан иборат. Албатта Ғазначиликнинг

ташкилий тузилмасига кўплаб оммилар ўз таъсирини кўрсатади. Булар қаторида ҳар бир вилоят ва туманларнинг ўзига хос хусусиятларини, буларнинг ўз-ўзини таъмирлашга қодир, ёки дотацион ва субвенциялардан фойдаланишлари, уларнинг ҳудудий жойлашганлиги, аҳолининг кўп ёки камлиги ва зичлиги, тармоқлар таркиби, иқлим ва бошқа хусусиятларнинг таъсир қилиши. Шунга қарамай, Ҳазначилик фаолияти ягона давлатчилик шароитида, умумий тамоиллар ва умумий қонунчиликга асосланган ҳолда фаолият юрутиши бу соҳанинг ташкилий тизиминин умумий ташкилий тузилмасига асос яратади.

Ҳазначиликнинг муассасавий таркибида унинг Бош Бошқармаси алоҳида ўринга эга. У Молия вазирлигининг муҳим таркибий қисми бўлса, унга бюджетнинг касса ижросига доир жуда кенг масъулиятлар ва ҳуқуқлар юклатилган. Ислоҳотлар жараёнида бюджет ташкилотлари, юридик шахс мақомини олган ташкилотлар аниқланади. Ҳазначиликнинг Бош Бошқармаси бюджетнинг касса ижросига доир барча ҳаракатларни шакллантиради ва барча бюджет ташкилотларининг молиявий фаолияти учин масъул ҳисобланади. Ҳазначиликнинг Бош Бошқармаси бюджетдан маблағ олувчилардан бошқариш функцияларини тортиб олмайди, бюджетнинг бажарилиш жараёнини яхшилаш учун уларни янада кенгроқ ахборотлар билан таъминлайди. Бюджет таснифи бўйича берилган харажатлар тўғрисидаги ахборотлар бутун йил бўйи харажатлар тенденциясини ва харажатларни амалга ошириш учун қўшимча керак бўладиган эҳтиёжларни аниқлашга ёрдам беради. Ҳазначиликнинг фаолият кўрсатиши нақд пулларни тўғри ва самарали бошқариш йўли билан бюджетга ишончни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Дармомадлар режаси бажарилмаган ҳолатда боқимандалик муаммосини ечишга ҳаракат қилади. Шу билан баробар, қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқнинг молиявий маблағларини янада самарали ишлатилишини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг номидан давлатнинг барча молиявий маблағларини башқарувига масъул ҳисобланади.

Булрадани ташқари Ҳазначиликнинг Бош Бошқармаси қуйидаги вазифаларни бажаради:

- Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга ошириш;

- Ўзида ва вилоят ва туманларда давлат бюджетидида белгиланган миқторда юридик ёки жисмоний шахслар номидан ва уларнинг топшириғига биноан тўловларни амалга оширилишини таъминлайди;

- Бюджет ташкилотларининг товарлар етказиб бериш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун тузадиган шартномаларини, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш учун тузадиган шартномаларини рўйхатга олишини таъминлайди;

- Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисобини юритади;

- Давлат бюджети ижросининг қандай бораётганлиги тўғрисидаги ахборотларни йиғади, қайта ишлайди ва таҳлилини мутасади ташкилотларга етказиб беради;

- Ўзбекистон Республикаси давлат ички ва ташқи қарзларига хизмат кўрсатади, Ўзбекистон Республикаси кафолатларини бажаришга оид фаолиятни амалга оширади ва хо казо.

Келтирилган мақсадларни амалга оширишга оид барча ташкилий, меорий-хуқуқий масалаларни хал қилишга масъул ҳисобланади.

2. Давлат бюджетининг даромадларини шакллантириш, маблағлари ҳисобини юритиш ва харажатларини самарали ижро этиш учун **ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамини** яратиш ва унинг фаолиятининг концепциясини такомиллаштириш устида қизғин ишлар олиб борилмоқда. Ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами фаолиятининг концепцияси компьютерлаштирилган ғазначилик тизимида ва Марказий банк муассасаларида пул ўтказишни электрон тўловлар орқали амалга оширилишига асосланган. Ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами давлат бюджети пул маблағлари тўпланадиган ва миллий валютада давлат бюджети ижроси операцияларини ифодаладиган Марказий ғазначиликнинг ҳисобрақамидир. Ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами Марказий банк ва унинг бўлинмаларида юритилади. Ягона ғазна ҳисобварағи Ғазначилик томонидан бошқариладиган махсус банк ҳисобварағи бўлиб, бу ҳисобвараққа Давлат бюджети маблағлари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари киритилади. Ягона ғазна ҳисобварағидан Давлат бюджетидан назарда тутилган юридик ва жисмоний шахсларнинг харажатларига мўлжалланган маблағлар тўланади, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари амалга оширилади.

Ягона ғазна ҳисобварағи белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Ғазначилик томонидан очилади.

Ғазначилик Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ва ўзга банкларда бошқа банк ҳисобварақлари очиш ҳуқуқига эга.

Ғазначиликнинг банк ҳисобварақларидан маблағларнинг сўзсиз тартибда ҳисобдан чиқарилишига йўл қўйилмайди.

3. **Ғазначиликнинг бош китоби ва ҳисоб-китоб олиб бориш тизими**, ҳукуматнинг молия ресурсларининг тўлиқ бухгалтерия ҳисобини юритиш ва мутасади ташкилотларга ва жамиятга давлат молия маблағлари оқимлари борасида тўла ҳисобот беришни амалга оширувчи восита шаклида режалаштирилган. Бу тузилма халқаро стандартлар билан мувофиқлаштирилган бухгалтерия ҳисоботи тизимидан иборат бўлиб, у доимий равишда такомиллаштирилиб бориши назарда тутилган. Ғазначиликнинг Бош китоби бюджет операцияларини бухгалтерия ҳисобини юритишнинг компьютерлаштирилган тизимида асосланган. Ғазначиликнинг Бош китобида давлат муассасалари билан бўладиган барча молиявий операцияларни ифода

этади. Ғазначиликнинг Бош китоби Ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами ва субсчётлари билан бўладиган операциялардаги барча бухгалтерия проводкаларини ифодалайди. Ғазначиликнинг Бош китоби ҳам Республика бюджетидан ҳам маҳаллий бюджетдан молиялаштиришнинг ўз вақтида ҳисоб-китоб юритилишини таъминлайди. Ғазначиликнинг Бош китоби жуда кўп бюджет бирликларини ўз ичига бирлаштиради. Ғазначиликнинг Бош китобида бюджет даромадлари ва харажатлари ҳаммаси кўриниши режалаштирилган.

4. Ғазначиликнинг ахборот тизими яратилишининг асосий мақсади бу ғазначилик тизимининг турли жабҳаларида ахборотларга бўлган талабларини қондириш, ва бунинг асосида давлат миқёсида молиявий ахборотларни қайта ишлашнинг янгича автоматлаштирилган ахборот тизимини яратиш натижасида давлат молиявий ресурслар бошқаришини тубдан ўзгартиришга эришишдир. Бу мақсад доирасида ечиладиган вазифаларга ғазначиликнинг асосий бўғинларида ҳаракатга келаётган ахборотлар оқимини автоматлаштириш, яни давлат бюджетинининг касса ижросини – режалаштириш, амалга ошириш, назорат қилиш ва рўйхатдан ўтказиш, даромад ва харажат ижросининг ҳисоботларини ишлаб чиқиш ва бошқа ахборотлар ҳаракатини автоматлаштиришни қамраб олади. Шунингдек тизимнинг барча функционал модуллари ижросини автоматлашган тарзда амалга оширилишини таъминлаш ҳам қамраб олинган бўлиши керак.

Давлат бюджети касса ижросини амалга оширишда ахборот технологиялари қуйидаги асосий вазифаларни ечишга қаратилган:

- Ғазначиликнинг барча миқёсидаги бюджетнинг касса ижроси маълумотларини қайта ишланиш марказлаштириши;
- Маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш, ҳужжатларни қайта ишлаш учун зарур бўлган тезликни таъминлаш;
- бюджет ижросини янада самарали бошқаришни таъминлаш;
- маблағларни тўлиқ, мақсадга мувофиқ ва самарали ҳаражатлашни оператив назорат этиш;
- Ғазначилик баш бошқармаси ва бошқа бошқарув тузилмаларининг ишлаш самарасини ошириш, камчилик ва хатоларни камайтириш, бошқарув аппаратни таъминлашдаги харажатларни қисқартириш;
- Ғазначилик ҳисоб рақамларидаги қолдиқларга мувофиқ молиявий ресурсларларнинг келажакдаги эҳтиёжларини прогноз қилиш;
- давлат бошқарувининг ваколатли муассасаларини бюджетга ижросига доир тезкор маълумотларни етказиб бериш.

5. Ғазначилик тизимининг фаолиятини тартибга солувчи меорий-ҳуқуқий қонунчилик, ғазначилик тизимининг энг муҳим элементларидан. Бунинг асосида Ўзбекистон Республикаси Қомуси ва фуқаролар кодекси хизмат қилади. Ундан ташқари Ўзбекистон Республикаси «БЮДЖЕТ ТИЗИМИ

ТЎҒРИСИДА» қонуни²⁹ ҳам жуда муҳим роль ўйнайди. Келтирилган Қонунлар Ғазначилик тизими қонунчилигига асос солувчи меёр ҳисобланади. Бу қонунлардан ташқари, тизим фаолиятини белгиловчи қатор махсус қонун ва қарорлар хизмат қилади. Булар қаторида:

Ўзбекистон республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида» ги қонуни³⁰, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори³¹, **Вазирлар Маҳкамасининг** «Бюджет ташкилотларини ҳаражатларини молиялаштириш (тўлаш) тартиби» ҳаққидаги **Қарори**³² ЎзР Молия вазирлигининг «Молия органларида бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг ҳаражатлари тўловини назорат қилиш тартиби ҳақида» вақтинчалик низом³³, Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг «Давлат бюджетини ғазначилик ижросининг бухгалтерия ҳисоби тартиби» тасдиқлаш тўғрисида»³⁴, ва бошқа меорий ва ҳуқуқий ҳужжатлар.

1.3.2. Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси тизимида жорий қилинадиган асосий фаолият тузилмалари

Ғазначилик тизимининг фаолиятини тўғри тасаввур қилиш учун бу тизимда юритиладиган асосий фаолият тузилмалар ҳаққида атрофлича тасаввурга эга бўлишимиз шарт. Бу тузилмалар таркибига қуйдагилар киради

- Бюджет ажратмалари бошқаруви
- Мажбуриятлар бошқаруви
- Тўловлар бошқаруви
- Даромадлар бошқаруви
- Кассани режалаштириш ва бошқариш
- Банкдаги қолдиқ маблағларнинг бошқаруви
- Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил қилиш
- Ички аудитни ташкил қилиш

Бюджет ажратмаларини бошқариш

Бюджет ажратмаларини бошқариш бюджет жараёнларининг муҳим қисмидир. Бюджет жараёнлари бюджетни тайёрлаш, муҳокамадан ўтказиш,

²⁹ 14.12.2000 й. N 158-II

³⁰ 26.08.2004 й. N 664-II

³¹ 28.02.2007 й. N ПҚ-594

³² 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарори ЎзР ВМ 19.07.2007 й. 148-сон

³³ 2008 йил 15 августдан кучга киритилган. Молия вазирлиги 80-сон 23.07.2008. Буйруғи билан тасдиқланган

³⁴ 27.06.2006 й. № 60 Буйруғи (Ўзбекистон республикаси адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 24.07.2006 й. №;1601)

тасдиқлаш, ижро қилиш ва ҳисоботини топширишлар амалга оширишни кўзлайди.

Булар қаторида бюджет ижросини амалга ошириш жараёнидаги хазиначиликнинг муҳим фаолиятларидан бири бу бюджет ажратмаларини бошқаришдир. Бу фаолиятни амалга оширишда хазиначиликнинг энг муҳим меорий ҳужжати сифатида ҳар йили қабул қилинади “Бюджет ҳақида”ги қонун хизмат қилади.

Бюджет ажратмаларини бошқаришни амалга оширишда энг муҳим меорий ҳужжат сифатида бюджет таснифи бўлиб баржа ҳаракатлар шу ҳужжат асосида амалга оширилади.

Ғазначилик операциялари тарақий этиш натижаларида мақсадли сертификатларидан воз кечилади Бу хол банк билан боғлиқ операцияларнинг ўзгаришига олиб келади ва бюджетлар ҳисобидан ҳаражатлар тегишли рухсат асосида амалга оширилади.

Булар:

- Республика бюджети ҳаражатлари;
- Маҳаллий бюджетлар ҳаражатлари;
- Давлат мақсадли жамғармалари бюджети;
- Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари;
- Мақсадли грантлар/қарзлар ҳисобидан молиялаштирилувчи ҳаражатлар.

Ҳаражатлар қуидаги холларда ва миқдорларда амалга оширилади

Республика бюджети, маҳаллий бюджетлар ёки давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари	Ҳаражатлар тегишли рухсатнома асосида амалга оширилиши ҳамда уларнинг ҳажми йиллик ажратмалар ва ҳаражатларни амалга ошириш рухсати (ХАОР) миқдоридан ортиб кетмаслигини кўзлайди
Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари	Ҳаражатлар тегишли рухсатнома асосида, бюджетдан ташқари даромадлар ҳажми доирасида амалга оширилади.
Мақсадли грантлар/қарзлар ҳисобидан молиялаштирилувчи ҳаражатлар учун	Ҳаражатлар амалдаги норматив ва қўлланмаларга асосланган холда ажратилган мавжуд маблағлар доирасида ва тегишли рухсатнома миқдорида амалга оширилади.

Тўловларни амалга ошириш жараёни учун уч босқичдан ўтиш назарда тутилган. Буларнинг биринчиси юридик мажбуриятлар бўлиб улар қуидаги шакилларда намоён бўлади:

- Шартномалар;
- Битимлар;
- қарорлар (масалан, имтиёзлар);

- суд қарорлари (масалан, жарималар);
- бир тарафлама қарорлар (масалан , грантлар)

Иккинчиси молиявий мажбуриятлар бўлиб улар қуйдаги кўринишларда намоён бўладилар:

иш ҳақи ведомостлари

- ҳисоб-фактуралар
- ва бошқалар бўлиши мумкин

Учинчиси тўлов мажбуриятлари ҳисобланади ва амалиётда - фуқаролик ҳуқуқий муносабати шаклида намоён бўлади. Унга бир шахс - (қарздор) ва бошқа шахс - (кредитор) тарафига қаратилган ҳаракатни амалга ошириш, яни: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки маълум ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса - қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга (гоҳида мажбур) бўлади. Мажбуриятлар шартномада шартларидан, зиён етказиш натижасидан ва Фуқаролик кодексида кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқиши мумкин.

Мажбуриятни олиш – бу ташкилотнинг ўз зиммасига келажакда молиявий харажатларни келтириб чиқарадиган масъулиятларни олиши билан боғлиқ аниқ хатти-ҳаракатларидир.

Мажбурият қонун ҳужжатлари, ва ёки бунга ҳуқуқи бўлган учинчи шахслар тарафидан ўтказилган қарздорликлар асосида масъулиятлар юкланган шахслар томонидан олинади. Қабул қилинадиган мажбуриятлар суммаси тасдиқланган бюджет ажратмаларидан ортиб кетмаслиги лозим.

Мажбуриятлар концепциясини тушуниш учун, мажбуриятлар ҳисобини юритиш жараёнининг қуйдаги учта асосий элементларини билиш лозим:

- а) Мажбуриятларни қабул қилиш учун асосларнинг турлари;
- б) Мажбуриятни олиш масъулиятларига эга аниқ шахслар;
- в) Мажбуриятларнинг юридик ва молиявий турлари.

- Контракт ёки шартномалар тузиш (тендер савдолари, товар ва хизматларни сотиб олиш, қарз шартномалар, патент ва лицензиялар, суғурта ва бошқалар);

- Қонуний асослар (стипендия, нафақалар ва бошқалар);

- Ваколатли давлат органларининг қарорлари (суд қарорига асосан жарима ва пенялар);

- Бир тарафлама қарорлар (дотация, грантлар, мукофотлар).

Мажбурият олиш бюджет ташкилоти маблағларини бошқарувчиларнинг вазифасига киради. Бюджет ташкилоти маблағларини бошқарувчилари бўлиб бюджет ташкилотининг раҳбари ёки бошқа бу ваколат юклатилган шахс ҳисобланади. Ҳазначилик бўлимларида барча бюджет ташкилотлари

маблағлағларини бошқарувчиларининг ва бош ҳисобчиларининг имзолари намунаси ҳамда бюджет ташкилотларининг муҳрлари намунаси бўлиши шарт.

1. Юридик мажбуриятлар

Юридик мажбуриятлар шартнома рўйхатдан ўтказилганидан кегин пайдо бўлади:

- Бунда шартномани имзолашдан олдин бюджет ажратмаларининг мавжудлигини текширилиши шарт;
- Тўлиқ юридик кучга кириши учун, шартнома Ғазначилик органларида рўйхатдан ўтказилиши керак;
- Юридик мажбуриятни рўйхатдан ўтказиш даври ва амалга оширилган тўлов ўртасида узоқ вақт ўтиши мумкин (бу сармоялар шаклидаги молиялаштиришда оддий хол).

Муҳим жараён бу қабул қилинаётган юридик мажбуриятларнинг аниқ ҳисобига эга бўлиш. Юридик мажбуриятлар ҳисобини юритишдан асосий мақсад бу бюджет назоратини юритиш, яъни ҳаражатларнинг тасдиқланган бюджет ажратмаларидан ортиб кетишини олдини олиш

2. Молиявий мажбуриятлар:

Молиявий мажбурият товар ва хизматлар етказиб берилганидан кегин ҳамда мол етказиб берувчидан ҳисоб-фактура ёки бюджет ташкилотининг кредитор қарздорлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат олинганидан кегин пайдо бўлади;

Молиявий мажбуриятни Бош ғазначилик китобида акс этириш шарт бўлиб, у кредитор қарздорликка тенгдир;

Молиявий мажбурият шартномада ёки бошқа битимларда кўрсатилган муддатлар битишига қадар қопланиши керак.

Молиявий мажбуриятларнинг аниқ ҳисобига эга бўлиш ҳам муҳим. Молиявий мажбуриятлар ҳисобини юритишдан асосий мақсад бу ҳаражатларнинг қабул қилинган юридик мажбуриятлар ҳажмлари, ва ўз навбатида бюджет ажратмаларининг лимитлари доирасида амалга оширилишини таъминлаш, ҳамда бюджет ташкилотларининг кредитор қарздорликлари устидан назорат қилиш.

Даромадларни бошқариш

Даромадларни бошқаришда биринчи навбатда хал қилиниши керак бўлган масалалар қаторида келаётган тушумалар ҳаққида аниқ маълумотга эга бўлиш. Яний бу тушумларнинг келаётган ҳудудлари, уларнинг турлари (солик, бож тўловлари ва ёки бошқа тўлов ва тушумлар) тушумларни олувчи масъул ташкилотлар ҳаққидаги маълумотлар. Бу турдаги маълумотлар белгиланган тасниф кодификацияси асосида автоматик равишда Давлат маблағларини автоматик бошқарув тизимига белгиланган тартибда тушади. Бу турдаги маълумотлар таснифи аввалам бор прогнозлаштирилган даромадлар миқтори ва амалиётда келиб тушган даромадлар миқторини солиштириш,

фарқини аниқлаш ва фарқларини келиб чиқиш сабабларини ўрганб, салбий ҳолатларни бартараф қилиш мақсадида амалга оширилади.

Иккинчи ҳал қилиниши керак бўлган масала бу келиб тушган маблағларни тегишли юқори ва қуйи, мақсадли ва бошқа бюджетларга тақсимланиши. Бу масала амалиётдаги қонун ососида белгиланган нормативларга кўра автоматик равишда тақсимланиши керак.

Бу борадаги муҳим янгилик тушумларнинг йиллик ва ойлик истиқболларини ишлаб чиқиш илгари банклар тарафидан амалга оширилган бўлса, янги шароитда Давлат маблағларини автоматик бошқарув тизимига юкланиб ғазачиликнинг масъул бўлинмалари тарафидан амалга оширилади.

Кассани режалаштириш ва бошқариш

Аввалам бор шуни айтиб ўтиш керак-ки, кассани ижроси бу бюджет ижросининг муҳим босқичи сифатида ҳамиша катта эътибор жалб қилиб келган. Ижроси амалиётида уни режалаштириш, молиялаштириш, касса ижроси ва ҳақиқатдаги амалга оширилган ҳаражат босқичлари кўриб чиқилади. Касса ижроси деганда банкга келиб тушган маблағларнинг ҳаракати кўрилади. Ҳақиқатдаги амалга оширилган ҳаражат деганда бюджет ташкилотининг мақсадларини молиялаштиришга кетган маблағлар кўрилади.

Ғазначилик шароитида кассани бошқаришда қуйидаги асосий мақсадлар амалга оширилиши кўзланади:

1. Бюджет ташкилотлари назорат қилаётган барча ҳаражатларини ўз вақтида ижро қилиш;
2. Бунда амалга оширилиши керак бўлган бюджет ташкилотларининг тўлов муддатларини вақтида ижро этилиши билан боғлиқ хатарларни (тавақалчилик даражасини) камайтириш;
3. Умумий тежамкорликга эришиш, яни давлат бюджети касса ҳаражатларни амалга ошириш ва кассага тушумларни келиб тушиши билан боғлиқ ҳаражатларни, шулар қаторида қарзга олинган маблағлар фоизларини тўлаш билан боғлиқ қўшимча ва ортиқча ҳаражатларни камайтириш.

Бу борада ғазначилик органларига қуйидаги вазифалар ҳам юкланади:

1. Касса бошқарувининг мақсадларига эришишини таъминлаш;
2. Бу борадаги масъул ва мўтадил ташкилотларга амалга оширилаётган бюджет жараёнлари билан боғлиқ, касса ижроси жараёнини енгилаштириш мақсадида, давлат бошқаруви органларига кассанинг ҳолати ва касса оқимлари тўғрисида маълумот етказиб бериш ва давлат молияси сиёсати амалиётини қаёта кўриб чиқишга доир таклифлар киритиш.

Ғазначилик жорий қилиниши билан боғлиқ касса ижросини режалаштириш ва бошқарувини такомиллаштириш натижасида албатта катта самарага эришиш мақсад қилинган. Бу борада аввалам бор Давлат бюджети касса ижросининг ҳамиша ўз вақтида амалга оширилишига эришиш. Бу эришув

кўп ҳолларда “сунний профицити” келиб чиқишини олдини олишга хизмат қилади. Яни қатор харажатлар амалга оширилмай туриб давлат бюджетини профицит билан яқунланиш ҳолларига чек қўилишига ёрдам бериши мумкин.

Иккинчидан, давлат бошқаруви органларининг молия маблағлар билан таъминланганлик даражасининг ўсишига эришиш. Яний бюджетнинг банк ташкилотлари тарафидан бажарилиши шароитидан фарқли, Ғазначиликнинг яғони ҳисоби киритилижа, давлат молия маблағларининг ҳар дақиқада аниқ миқдори ва бўш маблағларидан энг муҳрим ва самарали мақсадларга оператив равишда қўлланиш имкониятининг яратилиши, бошқарув органларининг турли вазибаларини молиялаштириш қобилиятларини к ескин ўсишини таъминлайди.

Шуни ҳам этиборга олиш керак-ки, яғона ҳисоб жорий қилиниши ва касса ижросининг поғоналарининг камаиши бюджетнинг ҳам даромад қисми ва харажатлар қисми харажатларининг сезиларли миқторда камаишини таъминлашига эришиш шарт.

Касса ижросининг бошқарувининг авзалликлари қаторида истокболни кўра-олишдаражасининг ўсиши билан боғлиқ. Бу ҳол келиб тушадиган маблағларининг аниқ муддати ва миқторини билган ҳолда амалга оширилиши керак бўлган харажатларга доир муҳим қарорларни олдиндан қабул қилишда фойдалана олиш имкониятини беради.

Авзалликлар қаторида Кассани режалаштиришнинг вақт параметрларининг қабул қилиниши. Булар қаторида:

1. Касса режалари вақт давомийлиги 57 ҳафтани ташкил қилиши;
2. Касса режалари ҳар ҳафтада расман янгиланиб турилиши;
3. Касса режалари бошланғич 3 ойга ҳар бир иш куни бўйича ҳамда қолган 57 ҳафтагача бўлган муддатга ҳар ҳафта аниқланиб янгиланиб туриши.

Авзалликлар қаторида касса ижросига доир банк бошқарувида ҳам ўзгаришлар амалга оширилади. Булар қаторида барча банк ҳисоб рақамлари Яғона ғазначилик ҳисоб рақамига (ЯҒҲР) бирлаштирилиши. Ўз ўрнида бу банклар хизмат қилаётган ҳисоб рақамларининг сонларини кескиг камайтиради.

Бундан ташқари бюджетни ижро қилишдаги банк ва бухгалтерия билан боғлиқ тадбирлар ўзгаради. Бюджет ижросининг бухгалтерия ҳисоби банк тизимида эмас, ғазначилик органларида амалга оширилади. Аммо бу жараёнлар Давлат маблағларини автоматик бошқарув тизимида амалга оширилиши бухгалтерия ҳисобининг юқори самаасини ва бу билан боғлиқ харажатларнинг тежалишини таъминлайди.

Яғона ғазначилик ҳисоб рақами (ЯҒҲР) сўм ҳисобидаги ҳисоб рақам бўлиб, у Марказий банкда очилади. У давлат бюджетининг барча даромадлари келиб тушадиган ҳамда барча харажатлари амалга ошириладиган ҳисоб рақамдир. Барча бюджет ташкилотлари ўз операцияларини ЯҒҲР орқали амалга оширадилар.

Мавжуд қонун ҳужжатлар асосида, Ғазначилик ЯҲРга қўшимча равишда бошқа сўм ва валюта ҳисобидаги ҳисоб рақамларни Марказий Банкда ёки Ўзбекистон ва ундан ташқарида тижорат банкларида очиши мумкин. Бироқ бу ҳисоб рақамлар Яғона Ғазначиликнинг Ҳисоб Рақамининг бир қисми саналмайди.

Ғазначиликнинг ягона ҳисоб рақамининг жорий қилиниши туфайли турли бюджетлар орасидаги амалга ошириладиган банклараро ҳисоб-китобларни таққослаш, яни клиринг операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ катта харажатларга эҳтиёж йўқолади

Ягона Ғазначилик Ҳисоб Рақамига келадиган тушумлар ва харажатлар турли манбалардан келади ва турли мақсадларга йўналтирилади. Буларни таснифлаш ва маълум қолипга солиш, уларнинг харажатларининг самарасини оширишга ғизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан келадиган тушумлар қуйдагилардан иборат:

- тартибга солувчи умумдавлат солиқлари;
- маҳаллий бюджет даромадлари;
- жисмоний шахсларнинг бюджетга тўловлари;
- божхона тўловлари;
- махсус йиғувчилар маблағлари;
- давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар;
- бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари тушумлари;
- муддатли депозитлар қайтарилган суммалар, шу жумладан фоизлар;
- давлат қисқа муддатли облигацияларини ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни сотишдан тушган тушумлар;
- давлат бюджетининг валюта тушумлари.
- тартибга солувчи умумдавлат солиқлари;
- маҳаллий бюджет даромадлари;
- жисмоний шахсларнинг бюджетга тўловлари;
- божхона тўловлари;
- махсус йиғувчилар маблағлари;
- давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар;
- бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари тушумлари;
- муддатли депозитлар қайтарилган суммалар, шу жумладан фоизлар;
- давлат қисқа муддатли облигацияларини ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни сотишдан тушган тушумлар;
- давлат бюджетининг валюта тушумлари.

Амалга ошириладиган харажатлар қуйдагича таснифланади:

- давлат бюджетининг режалаштирилган харажатлари;
- банк кредитлари учун фоиз тўловлари;
- нотўғри ёки ортиқча тўланган солиқларни қайтариш;
- бюджет ташкилотлари томонидан олинган нақд пул маблағларини коплаш учун маблағлар;
- муддатли омонат жамғармаларига бюджет маблағларини қўйиш;
- қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи

Бухгалтерия фаолияти тузилмасида қатор ўзгаришлар режалаштрилмоқда.

Булар қаторида бухгалтериянинг касса усулидан ҳақиқий ҳаражатлар усулига ўтиш режалаштирилган. Касса усули ҳозирги кунда қўлланаётган усул бўлиб, бунда пул маблағлари банкка келиб тушган пайтдан бошлаб даромад ҳисобланади ҳамда пул маблағларининг тўлови амалга оширилгандан кейин улар ҳаражат ҳисобланади. Ҳақиқий ҳаражат усулига ўтиш қатор тадбирларни ўз ичига олиши керак. Бу улубда пул маблағларининг қачон ҳаракатланишидан қатъий назар, даромад ёки ҳаражат улар билан боғлиқ воқеа ёки операция содир бўлган вақтдан бошлаб ҳисобга олинади.

Бундан ташқари амалга қуидаги ишлар оширилиши керак:

- Бюджет ҳисоби ва ҳисоботини компьютер программасида юритиш;
- ДМС 2001 га мувофиқ тасниф ва ҳисоботни тадбиқ қилиш;
- Бюджет ижроси ҳисоботи ва молиявий ҳисоботларни касса усули ёрдамида юритиш;
- Бош ғазначилик китоби тизимининг янги ягона ғазначилик ҳисоблар режасини тадбиқ қилиш.

Ички аудит

Ички аудит бюджет ижроси устидан назоратни амалга ошириш учун жорий қилинади. Ички аудитни ички назоратдан фарқланишини инобатга олиш керак.

Ички назоратнинг субъекти уни амалга оширувчи бўлим ва ходимлари ҳисобланади. Ички назоратни Ғазначилик бўлимларининг тегишли ходимлари томонидан амалга оширилади.

Ички назоратнинг объектлари бу бизнес-жараёнларда фойдаланиладиган бошланғич ҳужжатлар (кирувчи ва чиқувчи) бўлиб, улар қуйидаги мақсадларда текширилади:

- а) Ҳужжатлар тўлдирилишининг белгиланган тартибларга мувофиқлиги;
- б) Бюджет таснифи кўрсаткичларидан тўғри фойдаланилганлиги;
- в) Белгиланган режали ажратмалар (лимитлар) мувофиқлик;
- г) назоратнинг бошқа кўрсаткичлари.

Ички назорат қуидаги мақсадларга эришиш учун амалга оширилади:

1. Бюджетнинг тасдиқланган параметрлар (лимитлар) доирасида ижро этилишига доир маълумотларни ймғиш таҳлил қилиш ва хулосалар чиқариш;
2. Бюджет ташкилотлари томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган суиистеъмоллик ҳолатлари ҳақида ўз вақтида огоҳлантириш ва олдини олиш

Ички аудитнинг субъектлари бу Ғазначилик департаментининг Ички аудит бошқармаси ҳамда унинг бўлинмалари бўлмиш Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ғазначилик бошқармаларининг бўлим (сектор) ходимлари ҳисобланади ва аудит ишлари улар томонидан томонидан амалга оширилади.

Ички аудитнинг объектлари бу Давлат бюджетининг Ғазначилик томонидан амалга ошириладиган ижроси жараёни билан боғлиқ операциялар ҳисобланади

Ички аудит куйдаги мақсадларга эришиш учун амалга оширилади:

1. Давлат маблағларини автоматик бошқарув тизимидаги бизнес-жараёнларнинг самарадорлигини баҳолаш ва Ҳазначиликнинг турли қонунбузарлик ва суиистеъмоллик рисклари устидан назоратини кучайтириш;

2. Давлат бюджетини Ҳазначилик томонидан ижро қилиниши жараёнида қўлланиладиган ҳужжатларнинг айланиш жараёнини мукамаллаштириш ва оптималлаштириш;

3. Давлат маблағларини автоматик бошқарув тизимининг барча элементрали ва функциялари фаолиятларининг самарадорлигини назорат қилиш

1.4. Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджетининг ғазначилик ижросини жорий этилиши

1.4.1 Республикада ғазначилик тизимини жорий этилишининг объектив асослари

Ҳазначилик жорий қилинаётган муҳид ҳаққида тушунча.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар, бозор муносабатларини яратишга қаратилган муҳим тадбирлар қаторида, давлат бюджетининг тизимини ислохотлаштиришни ҳам талаб этади. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида давлат молиясини ташкил қилиш ва бошқариш планли иқтисодиёт шароитидан кескин фарқланади. Хозирги кунда олиб борилаётган бюджет соҳасидаги ислохотлар қатор йўналишларни ўз ичига олиб, бунда бюджет жараёнларининг ҳамма босқичларини, уни тузиш, қабул қилиш ижро этиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот беришларини, ўз ичига қамраб олган. Шу жумлада ўрта муддатли бюджет тузишга ўтиш, дастурли ва мақсадли бюджет тузишни янада такомиллаштишни давом этиш, бюджетчиликнинг ҳамма босқичларида назоратини янги босқичга кўтариш, давлат молия сектори учин бухгалтерия ҳисоби статистикасини ҳалқаро стандартлари билан мувофиқлаштириш, ХВФ Давлат Молияси Статистикаси бўйича 2001 йилги Қўлланмага асосланган ҳолда бюджет таснифи такомиллаштириш ва хоказолар.

Келтирилган ислохотлар қаторида, давлат бюджетининг ижросини такомиллаштириш ва давлат бюджетининг ижроси самарасини юксалтириш мақсадида Ҳазначиликни жорий қилиш ҳам кўзланган. Ҳазначилик кўп қиррали тизим ва уни жорий қилиш алоҳида ўринни касб этадики, у ташкилий, меёрий-ҳуқуқий, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботни такомиллаштириш ва бу ислохотларни жорий қилиш билан боғлиқ мутахассисларни таъмилаш каби қатор масалаларни ҳал қилинишини кўзлайди. Бу соҳа кўп давлатларда жорий қилинганлиги ва яхши самара кўрсатганлиги маълум. Планли иқтисод ва банк орқали бюджетни ижро қилинишидан тубдан фарқланиши сабабли бу тизим ҳақида аниқ тушунча ва ҳозирги шароитда моҳиятини равшан тасавур қилишимиз зарур.

Ҳазначиликни жорий қилиш кўп укладли иқтисодиёт шакилланиб бораётган шароитида амалга оширилишига тўғри келди. Бу шароитда кўплаб корхоналар ва тармоқлар давлат бюджетидан молиялаштирилувчи муассасалар қаторида ўрин

олиб фаолият юритмоқдалар. Хусусийлаштирилган, хусусий ва давлат корхоналари, молиялаштиришнинг турли манбаларидан шу жумладан бюджет маблағларидан ҳам фойдаланиб келмоқдалар. Улар ҳукумат топшириқлари ва буюртмаларини бажарувчи ташкилотлар сифатида намоён бўлганларида давлат бюджети маблағларидан фойдаланишлари мумкин. Шу билан баробар, бюджет ташкилотлари ҳам хусусий корхоналар сингари тижорат банклар хизматидан фойдаланиб келганлар.

Яний кўп мулкчилик иқтисодиёти шароитида, молия маблағлари, ҳо тижорат соҳасига таалуқли бўлсин ва ёки давлат манбаларидан ишлатилаётган бўлсин, улар турли мулкчилик тасарруфидаги ташкилотларига йўналтирилган бўлиши мумкин. Бу шароитда давлат маблағларининг мақсадли ва самарали ишлатилиши устидан назорат муракаблашганлиги сабабли махсус ташкилот – Ғазначилик жорий қилиниши ва давлат ҳаражатлари шу муассаса орқалигина ҳаражат қилиниши шу даврнинг муҳим ва долзарб мақсадлари қаторида намоён бўлмоқда.

Мисол тариқасида транспорт ташкилотларини кўрадиган бўлсак, уларнинг кўпчилик қисми хусусийлаштирилган ташкилотлар қаторидан жой олган ва тижорат тамойиллари асосида фаолият юритади. Ҳозирда давлат учин транспорт ишларини улар давлат муассасаларининг буюртмалари бўйича бажарадилар ва тўловларини давлат бюджети маблағларидан тижорат шартномалар асосида оладилар. Улар давлат маблағларидан фойдаланар эканлар, аниқ қоида ва тартибга риоя қилишлари, давлат бюджети маблағларидан аниқ мақсадларга мувофиқ фойдаланишлари, ва буни олдиндан режалаштирилган дастлабки ва жорий назорат остида амалга оширишлари лозим.

Бу шарт турли хил корхоналар давлатнинг лойиҳа ва дастурларнинг амалга оширилишида қатнашишини -давлат бюджети маблағларидан фойдаланилишини ўз вақтида ва самарали назоратини жиддий равишда такомиллаштирилишини тақозо этади.

Республика бюджетидан молияланадиган ва Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар бюджетлари ва Тошкент шаҳар бюджетидан маблағ олувчиларнинг бюджет ваколатлари ташкилотлар орасида чегараланганлиги каби, уларнинг ҳисоботлари ҳам шунга яраша чегараланади. Республика бюджети ва маҳаллий бюджетдан маблағ олувчилар молия органларига ҳисобот даврларига мувофиқ бюджет ажратмаларидан фойдаланганликлари тўғрисида ҳисобот тақдим этадилар. Уларнинг ҳисоботлари давлат бюджети ижроси бўйича Молия вазирлигининг консолидациялашган ҳисоботи шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодиётнинг дастлабки ўтиш яни транзит шароитида вазирлик ва кўмиталар бюджет маблағларидан тижорат банклари тизими орқали фойдаланишни давом этдилар. Бу ҳол бир тарафдан тижорат банкларининг ва банк тизимининг, бозор шароитига мувофиқ хизмат кўрсатишлари учин, ривожланишларини тақозо этган бўлса, шу билан баробар бюджет маблағлари ҳаракати устидан назоратнинг сусаиши ҳам кузатилган. Чунки кўп поғонали банк тизими орқали бундай маблағлар қайта тақсимланганда шаффовлик

даражаси пасайиб, маблағларнинг кузатилишини амалга ошириш имкониятини бермайди. Бу тижорат соҳасидаги маблағ бошқарувчиларга (банкларга) маблағларни тижорат мақсадларида ўзлаштириш ва ҳатто улардан мақсадга зид ҳолда фойдаланиш, яни турли суистеъмолликлар учун имконият яратади.

Бунда бюджетнинг бош бошқарувчиси - Молия вазирлигининг маблағлар ҳаракати ва мақсадли фойдаланиш устидан назорат қилиш имконлари, давлат дастурларида қатнашувчи корхоналар доирасининг кенгайганлиги ва масалалар ечимининг кўп қирралийлиги сабабларидан, етишмайди.

Бюджетнинг даромадлар қисми ҳақидаги маълумотлар кўп поғонали банк тизимини кечиш жараёнининг узунлиги вақт бўйича кечикиши, улардан фойдаланиш тезкорлигини чегараловчи сабаблар қаторида ўрин олади.

Маҳаллий молия органлари энг аввало бюджетга солиқ турлари бўйича маҳаллий даромадларнинг ўз вақтида тушишидан манфаатдор. Модомики, ҳудудий солиқ инспекциялари Давлат Солиқ Қўмитасининг тузилмавий бўлинмаси бўлиб ҳисобланар экан, давлат тизимидаги ташкилотлар алоҳидалиги бюджетнинг бош бошқарувчиси маълумотларнинг кечикиброқ тушишига сабаб бўлиши табиий. Ўз ўрнида, тушумларнинг бажарилиши ҳақида аниқ маълумотлар вақтида етказиб берилмаганлиги Республика бюджети маблағлари тасдиқланган бюджетга мувофиқ, уларнинг тўловини ўз вақтида бошқарилишининг кечикиши бюджет ижросини таъминловчи ташкилотларнинг тарқоқликнинг салбий натижаси бўлиб келган.

Бозор иқтисотиётига ўтиш шароитида - транзит даврда, бюджет ижросини банк тизими орқали амалга оширилиши қуйидаги муаммолар билан ўзаро боғлиқдир:

-вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасида даромадлар тушуми ва харажатларни амалга ошириш ҳақида маълумотлар етарли даражада тезкор эмаслиги. Бу ҳолат маблағлар етишмаган ҳолда, лозим бўлган қўшимча давлатнинг қисқа муддатли қарз мажбуриятларини чоп қилиниши керак бўлган миқдорини ва бошқа манбалардан жалб қилиниши зарур бўлган маблағлар миқдорини баҳолашда тезкор тадбирларни амалга ошираолмаслик муаммоларини юзага келтиради;

- банк ҳисоб рақамларига тушумларнинг келган вақти, давлат бюджети даромадларига уларнинг ёзилиши ва бу ҳақида мутасади ташкилотларга маълумот етиб келиши ўртасидаги фарқ сабабли, давлат бюджети ресурсларини самарасиз бошқариш ҳоллари вужудга келиш ҳоллари мавжуд;

-солиқ тушумларининг ҳудудлар аро ва бошқа давлат маблағларини олувчилар орасида тақсимланиши борасида тезлаштириш ва самарали тартибга солиш бўйича услубларнинг заифлиги кузатилади;

-бюджетдан ажратилган харажатлар ҳажми бўйича ва ҳақиқатда вужудга келган тўлов суммалари ҳақидаги кўрсаткичлар келиб тушган ва харажат қилинган маблағлар ҳақида тўлиқ маълумот бераолмайди. Бу биринчидан, бюджет ажратмаларини ўз вақтида ва мақсадли фойдаланилишини назорат қилишни қийинлаштиради ва жойларда бюджет маблағларини бошқарувчилар томонидан турли хил суистеъмоликлар учун имкониятлар яратади, иккинчидан

функционал категория ва вақт бўйича давлат бюджети ижросини оптималлаштириш учун имконият бермайди.

-тижорат банкларидаги бюджет ташкилотлари ҳисобларида бюджет маблағлари қолдиқлари давлат молия органлари ваколатларидан ташқарида бўлади ва бу ҳол қолдиқ маблағларни бошқа долзарб мақсадлар учун ўз вақтида ва бевосита жалб қилишга имкон бермайди;

-бюджет маблағларини ажратувчи ва бюджет маблағларини бошқарувчи бўлиб ҳисобланган ташкилотлар ҳисоб рақамларига келиб тушиш даври ва уларнинг охириги истеъмол қилувчи ташкилотларга келиб тушиш ўртасидаги вақт давлат манбаларидан маблағларнинг кўп поғоналардан ўтиши ҳисобига узаиб кетади. Бу вақтнинг қисқартирилиши давлат маблағларини тежалишининг муҳим омили сифатида хизмат қилиши мумкин;

-Давлат маблағлари оқими ҳаракатининг қийинлашиши ва улар ҳажмининг сезиларли даражада ортиши, олдиндан назорат қилиш самарадорлигини ҳамда, улардан оқилона фойдаланиши устидан жорий мониторинг самарадорлигини янада оширишни талаб қилади. Бу эса, уз ўрнида, мониторингни ташкил қилиш билан боғлиқ қўшимча харажатларга олиб келади.

Келтирилган муаммолар бир-бирига қўшилиб, умумий бюджет ижросининг самарасини сезиларли паст даражага олиб келиши бу вазиятни тубдан ўзгартирилиши кераклиги ҳақида мутахассислар ва мутасади ташкилотларда тушунча яратди. Ва шунинг учун, келтирилган муаммолар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги таркибида бюджетнинг Ғазначилик ижроси тизимини яратиш ва жорий қилиш заруратини ва 2004 йил 26 августдаги “Давлат бюджетининг Ғазна ижроси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилинишини тақазо этди.

Амалга ошириладиган асосий вазифалар.

Юқорида келтирилган Ғазна тизимининг ижросини таъминловчи таркибий қисмлари бюджет ижросининг қуйидаги вазифаларни бажаради:

- давлат бюджетининг даромад қисмини шаклланишини, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ва давлат мақсадли фондларининг Ягона Ғазна Ғисобига тўғри – бевосита тушишини таъминлаш,
- давлат бюджетини, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ва давлат мақсадли фондларини Ягона Ғазна Ғисобидан тўғри ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш.
- Давлат бюджетининг ижросини, мақсадли дастурлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларларининг касса ижросини таъминлаш;
- Ягона ғазна ҳисобига маблағлар тушуми ва маблағлардан тўғри фойдаланиш, бунда дастлабки ва жорий назоратни амалга ошириш, ҳамда уларнинг фойдаланилиши бўйича якуний ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этишни;
- Ягона ғазна ҳисобидан маблағлар сарфланишини, улардан фойдаланишда вақт бўйича ва функционал вазифаси бўйича энг қулай вариантни таъминлаш мақсадида, тезкор назорат қилиш;

- Ғазначилик муомалаларини амалга оширишда компьютерлашган тизимини яратиш ва жорий қилиш.
- Ўзбекистон Республикасининг давлат ички қарзларига бўлган эҳтиёжни баҳолаш, режалаштириш ва ташкил қилиш;
- Давлат ташқи қарзларининг хизматини амалга ошириш.
- Давлат мақсадли дастурларини молиялаштириш, бюджетдан ташқари фондлар, давлат бюджети ҳолатини таҳлил қилиш ва ғазначилик функциясига тегишли услубий низомлар, тартиблар ва режалар ишлаб чиқиш ва тегишли органларга тасдиқлашга тақдим этиш.

1.4.2. Ғазначилик тизими жорий этилиши билан боғлиқ ислохотлар

Давлат молияси ислохотлардан мақсад:

Аввалам бор юқоридигилардан келиб чиқиб шуни такидлаш керак-ки ислохотларни амалга ошириш бу қандайдир мода ва ёки бошқа давлатлар амалга ошириётганлиги учун Ўзбекистонда ҳам Ғазначилик тизими жорий қилинганлиги эмас. Бу ислохотлар босқичма босқич амалга оширилаётган бошқа ислохотлар қаторида ўзининг муҳим ўрнига эга. Ислохотлар – ислохотларнинг ўзи учун эмас улардан муҳим самарага эришиш учун амалга оширилмоқда.

- Давлат молия маблағларидан самарали фойдаланишга эришиш ва бунинг натижасида
 - - аҳоли турмуш даражасини ошириш;
 - - иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш;
 - - ижтимоий муҳофазани кучайтириш;
 - - жамият тараққиётини янги юқори босқичга кўтариш

Ўзбекистонда ғазначилик тизимининг тараққиёти, бу ўлкадаги ҳар қандай бошқа ислохотларнинг амалага оширилиши каби, босқичма босқич, олдиндан кенг назарий ва амалий масаларини муҳокама қилингандан кейин, маҳсуз қонунчилиги ривожланиши ва мутадаси ташкилотлар белгиланиши, ва бошқа дахлдор масалалар ҳал бўлиб шароитлар яратилиши орқали амалга оширилмоқда. Ўтган асрнинг 90чи йилларида илк бор Ўзбекистонда Ғазначилик тизимини жорий қилиш масаласи кўриб чиқилди ва муҳокама қилина бошланди. Бу борада халқаро тажриба ўрганилди ва турли ташкилотлар қаторида, Халқаро валюта фонди, Дунё банки, ва қатор давлатлар Ғазначиликлари билан маслахатлашган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги иш бошлади. Ўзга ўлкалар тажрибасини ўрганаган замон этиборни Франция давлатининг ғазначилик тизимини яратишдаги тажрибаси жалб қилди. Франция бюджет ижросининг ғазначилик тизими унитар давлатлар учун характерли модель бўлиб, бизнинг республикамизда давлат молиясини ислох этишда аҳамият касб этди. Шу билан баробар, Франция тажрибасини мамлақтимизнинг воқелигига тўла юзаки кўчириш мумкин эмаслиги ҳам аниқ эди. Сабаби: бунга бир қатор сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, диний, руҳий ва хо казо бошқа сабаблар мавжуд.

Бу назарий силқинишлар натижасида Ўзбекистон ҳукумати ва Олий мажлисига Ғазначилик жорий қилиниши борасида таклифлар киритилди. Янги ишлар аввалам бор Ўзбекистон Молия вазирлигининг бош бюджет бошқармаси

мутахассислари зиммасига юклатилди ва улар тарафидат амалга оширила бошланди.

Давлат бюджети ғазначилик ижросига босқичма-босқич ўтиш режаси Ўзбекистон Республикаси ғазначилигини ташкил этиш концепциясига асосан ишлаб чиқилди. Уш бу концепция аввалам бор Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий беш тамоилларини қўллаган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, у Ғазначилик тизимини жорий қилиш билан боғлиқ бўлган асосий қуйидаги мақсадларга эришишига йўналтирилган:

- Ғазначиликнинг жорий қилиниши бюджет даромадлари ва харажатлари бўйича барча операциялар турли банкларда очилган кўплаб бюджет ҳисоб рақамлари ўрнига Марказий банкда очиладиган Молия вазирлиги Ғазнасининг Ягона ҳисобварақасига жамлантирилади;

- бюджет ташкилотлари харажатларини ҳисобга олиш ва бюджет маблағларидан фойдаланишни назорат қилиш ҳамда ҳисоботлар тайёрлаш учун уларнинг шахсий ҳисобварақалари ғазначиликда очилади;

- банк ўрнига ғазна томонидан бюджет касса ижросини амалга оширилиши ва бюджет жараёни барча босқичлари яъни даромад тушими, бюджет маблағларни ажратишдан тортиб бюджет ижроси ҳисоботини тайёрлашгача бўлган ишлар бирлаштирилади;

- замонавий ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни қўллаган ҳолда ғазначиликнинг ягона ахборот тизими яратилади ва у банкларнинг электрон тўлов тизимига уланади. Бу эса Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари касса ижросининг кунлик мониторингини таъминлайди ҳамда барча даражадаги бюджетлар аҳволи ҳақида маълумотларни тезкор йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Халқаро валюта жамғармаси ўртасида 2002 йилда имзоланган Меморандумда иқтисодий ислохотларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш ишлари билан биргаликда давлат харажатларини бошқаришни такомиллаштириш масалаларига катта эътибор қаратилган. Улар қаторида республикада ғазначилик тизимини жорий қилиниши энг муҳим вазифа деб эътироф этилиб, у Ҳукуматимизнинг яқин келажақдаги давлат молияси сиёсатининг негизини ташкил этади.

Лойиҳани амалга ошириш ишлари 2002-2006 йилларни камраб олди. Мана шу муносабат билан 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 апрелдаги 144-сонли "Давлат молиясини бошқаришни ислох қилиш лойиҳасини амалга оширишга тайёрланиш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан лойиҳани тайёрлаш ва амалга ошириш учун Вазирлар Маҳкамаси қошида мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил қилинди ва у ҳозирга қадар иш олиб бормокда.

Лойиҳанинг асосий мақсадлари бу давлат молиясини бошқаришни такомиллаштириш, Давлат бюджетини тайёрлаш жараёнини ислоҳ қилиш ва Давлат бюджети ижросини ғазначилик шаклига ўтиш орқали бюджет маблағларини самарали сарфланишини таъминлашдан иборатдир.

Мамлакатимизда ғазначилик тизимини жорий этиш жараёни чет мамлакатлар тажрибасини атрофлича ўрганиш ва республикамизнинг бозор муносибатларини чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган сиёсатига асосланган ҳолда амалга ошириш режалаштирилди.

Кейинги босқич бўлиб, 2004 йил август ойида Ўзбекистон Республикаси “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонунини қабул қилиниши давлат маблағларини тўплаш ва улардан самарали фойдаланишни тартибга келтириш бўйича муҳим қадам бўлди. Бюджетнинг ғазначилик ижросини жорий этилиши бюджет харажатларини режалаштириш, тўплаш, тақсимлаш ва ундан фойдаланиш назоратини кучайтириш имкониятини беради. Ушбу қонунга асосан, ғазначиликнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

- Давлат бюджетининг касса ижроси;
- Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга ошириш;
- Давлат бюджети маблағларини бошқариш;
- Давлат бюджетда маблағлар назарда тутилган юридик ёки жисмоний шахслар номидан ва уларнинг топшириғига биноан тўловларни амалга ошириш;
- Бюджет ташкилотларининг товарлар етказиб бериш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун тузадиган шартномаларини, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш учун тузадиган шартномаларини рўйхатга олиш;
- Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисобини юритиш;
- Давлат бюджети ижросининг қандай бораётганлиги тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси давлат ички ва ташқи қарзларига хизмат кўрсатиш, Ўзбекистон Республикаси кафолатларини бажариш киради.

Ғазначилик органлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни ижро этиш жараёнида давлат бошқарувининг тегишли органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда бажаришиди белгиланган. Белгиланган тартибга кўра мазкур органлар ва ташкилотлар Давлат бюджетининг касса ижросини амалга оширишда, унинг маблағларини

бошқаришда, Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга оширишда ғазначиликка кўмаклашишлари лозим.

Ғазначилик органлари ўз масъулиятини бажариш жараёнида давлат солиқ, божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар, Давлат бюджетда маблағлар олиши назарда тутилган юридик шахслар, шунингдек бюджет жараёнининг бошқа иштирокчилари Давлат бюджетининг ғазна ижросига тегишли маълумотларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда алмашиб турадилар.

Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар, Давлат бюджетда маблағлар назарда тутилган юридик шахслар, шунингдек бюджет жараёнининг бошқа иштирокчилари ғазначиликка тақдим этиладиган маълумотларнинг тўғрилиги ва асослилиги учун жавобгар ҳисобланадилар.

- 2005 йил 1 июндан бошлаб Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятида давлат бюджети ғазначилик ижросининг баъзи элементлари тажриба учун тадбиқ қилинди; Бу ғазначиликнинг жорий қилинишида ўта муҳим босқич бўлиб бунда илк бор қатор ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджетини ғазначилик ижроси” қонунига, ва ҳукумат қабул қилган қатор қарорлага кўра ғазначиликка аста секин ўтиш борасида қатор чора табирлар амалга оширилди. Булар қаторида давлат бюджетини ғазначилик ижросининг бухгалтерия ҳисоби планлар режаси лойиҳасининг тузилиши ва уни қўллаш услубларини тайёрланиши алоҳида аҳамиятга эга. Давлат бюджетини касса ижроси ҳаққидаги йўриқнома ҳам бу босқичнинг муҳим қисми. Шу билан баробар Молия маблағларини режалаштириш ва уларни самарали бошқариш йўриқномаси, бюджет ташкилотларининг давлат бюджети ижроси жараёнида тўлов мажбуриятлари устидан назорат қилиш йўриқномаси ва қатор шунга ўхшаш ҳужжатлар ғазначилик фаолиятини юритувчи меёрий-ҳуқуқий тизимини янги босқич даражасига кўтардилар.

Қабул қилинган меёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар 2006 йилдан давлат бюджетининг ғазначилик ижросини етти вилоятга босқичма-босқич тадбиқ этилишига; (Самарқанд, Наманган, Бухоро, Тошкент шаҳри, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм, Қорақалпоғистон Республикаси), ва- Қолган ҳудудларда ғазначилик органлари фаолиятини 2007 йилдан қамраб олинди. (Андижон, Жиззах, Кашкадарё, Навоий, Тошкент, Фарғона вилоятлари)

Ҳамма ҳудудлар ғазначилик ижроси билан қамраб олинishi Ўзбекистон молия вазирлигида Марказий ғазначиликни жорий қилинишига асос бўлди. Марказий ғазначиликнинг ташкил қилишдан мақсад – Ўзбекистон

Республикаси Давлат бюджетининг ижроси жараёнида маблағларни самарали бошқариш, давлат буюртмаларини ва дастурларини молиялаштиришда тезкорликни ошириш, бюджет даромадлари тушумини ва давлат маблағларидан мақсадли сарфланишини назорат қилишда тезкорликни таъминлашдир.

Марказий ғазначилик – даромадлар ва харажатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижросида, бюджет ҳисобварағлари ва маблағларини бошқаришда аниқ ваколатларга эга ва у Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ташкилий тизими ҳисобланади.

Марказий ғазначилик ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Давлат қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, фармонлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг кўрсатма ва йўриқномалари ҳамда бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида бюджет тизимини ислоҳ қилиш тегишли институционал ислоҳотлар ёки бошқача қилиб айтганда бюджет тизимида ташкилий - ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишни талаб этади.

Давлат бюджетини ғазна ижроси бюджет маблағларининг мақсадли ва самарали ишлатишга ҳамда кредитор тўлов интизомини мустаҳкамлашга ва натижада дебитор ва кредитор қарздорликларни кескин қисқартириш, яъни Давлат бюджети ижроси жараёнини жаҳон андозаларига жавоб берадиган янги сифат поғонасига чиқаришдир.

Ўзбекистон Республикаси ғазначилик тизимини яратиш билан боғлиқ бўлган ислоҳотлар Давлат бюджети ижроси жараёндаги тубдан ўзгариш деб баҳоласа бўлади. Ғазначилик тизимини жорий этилиши билан боғлиқ ислоҳотлар унинг барча элементларини яратиш ва такомиллаштиришга қаратилган. Уларни қуйдаги йўналишларга гурухлаштириш мумкин:

1. Давлат бюджети ижроси самарасини юксалтириш мақсадида Ғазначиликни жорий қилиш.
2. Давлат бюджети ижросининг ғазначилик ахборот тизимини жорий қилиш
3. Давлат молия сектори учин бухгалтерия ҳисоби статистикасини халқаро стандартлари билан мувофиқлаштириш
4. ХВФ Давлат Молияси Статистикаси бўйича 2001 йилги Қўлланмага асосланган бюджет таснифини такомиллаштириш
5. Ўрта муддатли бюджетни режалаштиришга ўтиш
6. Мақсадли ва дастурли бюджетга ўтиш

1. Ғазначиликни жорий қилиш қуйдаги авзалликларга эришини режалаштирган:

- Давлат молия маблағлари устидан назоратни кучайтириш, бюджет ижросидаги мумкин бўлган барча суистемолликларни олдини олишни таъминлаш;

- Давлат маблағларини Ғазначилик Ягона Ҳисобига йиғиш орқали, турли даражадаги бюджетлар ижросининг самарасини кескин ошириш;
- Бюджет маблағлари ажратилган ҳолда, ундан фойдаланувчилар олдидаги масъулият ошириш сабабли бюджет ижроси соҳасидаги сокинликни (стабиллик) орттириш;
- ДМБАТ (ИСУГФ) жорий қилиниши бюджет тизимидаги ахборот алмашиш тезлиги ва ишончилигини ошириш оқибатида, назорат даражаси ва бошқарувга оид қарор қабул қилиниши тезкорлигини ошириш;
- Бюджет ижроси тизимидаги малумотлар шаффофи ва ишончилиги ортиши натижасида, солиқ - бюджет сиёсатининг самарасини юксалтирилиши борасида янги имкониятларни яратиш.

2. Ғазначилик ахборот тизимини жорий қилиш барча мавжуд компьютер дастурларни бир-бирлари билан интеграциялашни хал қилишга қаратилган.

Ҳозирги кунда қуйидаги дастурлар мавжуд:

Молия органларида – “БУККИПИНГ” дастури

Ғазначиликда – “ҒАЗНА 2” дастури

Бюджет ташкилотларида “АСБО” дастури

Мақсад бу дастурларни интеграциялаштириш. Натижада молия органларидаги барча ахборот оқимлари қоғизсиз шаклда – электрон шаклда амалга оширилиши мумкин бўлади. Кейинги босқичда эса солиқ тизими ахборот дастурини интеграциялаштириш, ва солиқдан органларида йиғилиб тушаётган маблағларни бевосита Ғазначиликнинг Ягона Ҳисобига автоматик равишда йўналтириш.

Ундан ташқари бюджет таснифи Ахборот тизимига киритилиши, бюджет ажратмаларини тақсимлаш ва бюджет ижроси ҳақидаги ҳисобот, бу жараёнларнинг назоратини самарасини кескин оширилишига замин яратади.

3. Давлат молия сектори учун бухгалтерия ҳисоби статистикасини халқаро стандартлари билан мувофиқлаштириш ғазначилик ҳисоби ва ҳисоботи самарасини янги босқичга кўтариши ва кескин самарасини оширишини таъминлайди.

Ҳозирги кунда 24+1 та давлат молия сектори учун бухгалтерия ҳисоби статистикасининг стандартлари маълум. Булардан Ўзбекистон Республикасида 21 жорий қилиш учун қабул қилинган. Буларни жорий қилиш борасида асосий қилинадиган ишлар, буларни маҳаллий шароитга мослаштириш ва буларни қўллай оладиган малакали бухгалтерларни қайта тайёрлаш.

4. ХВФ Давлат Молияси Статистикаси бўйича 2001ги Қўлланмага асосланган бюджет таснифини такомиллаштириш ҳам бюджетни тайёрлаш, ижросини амалга ошириш ва уни самарали аудитини ва ҳисоботини амалга оширилишини таъминловчи муҳим омилдир. Бу борада 16 май 2008 йил Молия Вазирининг №80 Буйруғи билан янги “Даромадлар, функционал, иқтисодий, харажатлар ва маблағлар манбалари таснифи” қабул қилинганлиги янги таснифни жорий қилиш борасида муҳим босқичдир. Режа бўйича бу тасниф 2010 йилдан жорий қилиниб унга амал қилина бошлайди.

Бу таснифнинг асосий авзалиги халқаро стандартларга мувофиқлиги ва унинг бухгалтерия ҳисоблар режасига мослаштирилганлиги дир.

5. Ўрта муддатли бюджетни режалаштиришга ўтиш бевосита ғазначилик тизимининг жорий қилиниши билан боғлиқ бўлмасда, бюджет тизимининг ва жараёнларининг такомиллаши натижасида унинг ижросига боғлиқ ислохотдир. Ўзбекистон республикаси макроиқтисодий стабилликга эришганлиги ўрта муддатли бюджетни режалаштиришга имкон яратиб берди. Чунки 90 йилнинг ўрталарида, ностабиллик ва инфляция жараёнларининг ўта юқорилиги уч ойлик бюджет тузишга мажбур қилар эдики, у даврда бу муддатда узокроқнинг истиқболлини режалаштириб ҳам прогноз қилиш ҳам имконлари йўқ эди. Россия ва Туркия уч йиллик бюджетни жорий қилиш муваффақиятига эришганларига 3-4 йил бўлди ва уларнинг тажрибаларини ўрганиш, ислохотларининг самараси аниқлигини кўрсатмоқда. Ўзбекистонда бу ислохотларни жорий қилиш бўйича қарор 2004 йил кейинги йил бюджетини тасдиқлаш маросимида қабул қилинган. Шу билан баробар мақсадли ва дастурли бюджетга ўтиш масаласи ижобий ҳал бўлган.

Мақсадли бюджетдан фарқли ўлароқ ҳозирги бюджет тизимини харажатли бюджет деб баҳоласак бўлади. Чунки одатда бюджет маблағларинининг ўзлаштирилиши бюджет бажарилишига тенглаштириб баҳо берилади.

Дастурли ва мақсадли бюджет илк бор АҚШ муҳофаа тизимида қўлланган. Кейинчалик 80чи йиллар Янги Зеландияда давлатнинг асосий харажатларини шу услубда молиялаштиришга киришилган. Ҳозирги даврда дастурли ва мақсадли бюджетнинг бир нечта асосий кўринишлари кенг тарқалган:

- Франция, Корея, Араб Амрликларида мақсад қилиб йил якунига қадар эришилганликларга баҳо берилади;

- Канада, Австрия, Норвегия давлатларида бюджет маблағлари олувчилар билан йил охирига қадар эришилиши керак бўлган натижалар ҳақида шартномалар тузилади;

- АҚШ ва Литвада Стратегик бюджетлаштириш услуби қўлланилади

Ўзбекистонда бу услуб баъзи дастурларда 2005 йилдан бери эксперимент шаклида қўлланилиши режалаштирилган ва бу борада изланишлар Молия вазирлигининг “Бюджет сиёсати” бўлимида давом этмоқда. Бу улубнинг жорий қилинишида асосий урғу - эришилиши керак бўлган мақсадларга берилади. Бунда маълум дастурни молиялаштиришда харажатлар нормативлари қўлланилиши камайтирилиб, ялпи харажатларни чегаралаш орқали бюджетлаштириш концепцияси илгари сурилмоқда.

Келтирилган молияси соҳаси ислохотлари ва ғазначилик тизимини тўлиқ жорий қилиш давлат молия ислохотлари стратегиясига кўра 2018 йилга қадар амалга оширилади.

1.4.3. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ғазначилик ижросининг ҳуқуқий-меъёрий асослари.

Ғазначилик тизими фаолиятини тартибга солувчи меорий-хуқуқий қонунчилик унинг энг муҳим таркибий элементларидан бири бўлиб, бутун тизимни самарали ҳаракатга келтирувчи ва лозим бўлган қоидаларга бўйсиндирувчи омилар қаторида ўрин олган. Бунинг асосида аввалом бор Ўзбекистон Республикаси бош Қомуси ва фуқаролар кодекси хизмат қилади. Ундан ташқари Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуни³⁵ ҳам, барча бюджет жараёнларини тартибга солувчи қонун сифатида жуда муҳим роль ўйнайди. Ундан ташқари “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03.09.1999 йлда қабул қилинган № 414 Қарори, ва кейинги йилларда унга киритилган ўзгаришлар давлат бюджети тизимидаги барча харажатларни аниқлик, шаффофлик ва самаралиликни таъминлаш мақсадида харажатларни тўрт гуруҳларга тақсимлаб, бир сатрда маблағ билан таъминлаш усулида амалга оширилишини таъминлайди.

Келтирилган қонун ва йўриқномалар Ғазначилик тизими қонунчилигининг меёрини шакллантирувчи асосдир. Бу қонунлардан ташқари, тизим фаолиятини белгиловчи қатор махсус қонун ва қарорлар хизмат қилади. Булар қаторида: Ўзбекистон республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида» ги қонуни³⁶, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори³⁷, Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет ташкилотларини харажатларини молиялаштириш (тўлаш) тартиби” ҳақидаги Қарори³⁸ ЎзР Молия вазирлигининг “Молия органларида бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш тартиби ҳақида” вақтинчалик низом³⁹, Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг “Давлат бюджетини ғазначилик ижросининг бухгалтерия ҳисоби тартиби”⁴⁰, ва бошқа меорий ва хуқуқий ҳужжатлар. Ғазначилик тизимининг тез суратларда таррақий этиши, қабул қилинган баъзи меорий ҳужжатларнинг эскириши ва уларни кейинги чиққан ҳужжатлар билан бекор қилинишини ҳам кўрсатмоқда. (Масалан, Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 22.07.2008 й. N 79 Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг айрим буйруқларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”.

Юқорида қайд этилганидек 2000 йил 14 декабрда Олий Мажлис томонидан тасдиқланган «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуни, давлат бюджетини режалаштириш, харажатларни амалга ошириш ва уларни бошқаришда ҳамда

³⁵ 14.12.2000 й. N 158-II

³⁶ 26.08.2004 й. N 664-II

³⁷ 28.02.2007 й. N ПҚ-594

³⁸ 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарори ЎзР ВМ 19.07.2007 й. 148-сон

³⁹ Молия вазирлиги 63-сон 05.05.2005. Буйруғи Билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 21.05.2005 й. N 1475 рўйхатга олинган

⁴⁰ 27.06.2006 й. № 60 Буйруғи (Ўзбекистон республикаси адлия вазирлиги томонидан 24.07.2006 й. №;1601 рўйхатга олинган)

назоратни амалга оширишда, ва шу жумлада давлат Ғазначилик тизимини жорий қилиниши ва фаолияти яни амалга ошириш бўйича асос ҳисобланади. Бу қонунга, ғазначилик жорий қилиниши билан боғлиқ киритилган ўзгаришлар, ғазначилик фаолиятининг муҳим мезонидир. Қонуннинг 31 моддасидан 39 моддасигача қисми, давлат бюджетининг ижроси ва унинг ижро этилишини назорат қилиш масалаларига бағишланган бўлиб, бунда 36 моддасида давлат бюджети даромадлари ва харажатларини бошқариш тартиби келтирилган. 37 моддасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари Давлат бюджетининг касса ижросини таъминлаши белгиланган. Қонуннинг 38 моддасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқа молия органлари қаторида Ғазначилик Давлат бюджети ижросининг назорати амалга ошириш жараёнида:

- турли даражадаги бюджетлар ижроси яқунларини кўриб чиқади;
- турли даражадаги бюджетларга маблағлар тушуми тўғрисида солиқ ва божхона органларидан, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлардан ахборотлар олади;
- бюджет маблағлари олувчининг товар етказиб берувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи) билан тузилган шартномасини, шунингдек буюртмачининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал курилиш учун тузилган шартномасини ушбу Қонунга мувофиқ рўйхатдан ўтказади;
- товар етказиб берувчининг (иш бажарувчининг, хизмат кўрсатувчининг) бевосита ҳисобварағига бюджет маблағларини олувчилар номидан тўловларни амалга оширади;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ банклардан бюджет маблағлари ҳаракати тўғрисида маълумотлар олади;

Бу қонунда бюджет тизимидаги барча меъёрлар, бюджет муассасалари харажатлари сметаларининг тузилиши, тасдиқланиши, ижро этилиши, ва назорати, ижроси тугрисидаги ҳисоботларни тузиш ва бошқалар курсатиб утилган ва иш жараёнида асосий дастур ҳисобланади.

Давлат бюджетининг ғазна ижросининг жорий қилиниши бюджет маблағларининг мақсадли ва самарали ишлатишга ҳамда тўлов интизомини мустаҳкамлашга ва натижада дебитор ва кредитор қарздорликларни кескин қисқартириш, яъни Давлат бюджети ижроси жараёнини жаҳон андозаларига жавоб берадиган янги сифат поғонасига чиқаришдир.

2004 йил 26 август Ўзбекистон Республикаси “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонунини қабул қилиниши давлат маблағларини жамлаш ва улардан самарали фойдаланишни тартибга келтириш бўйича муҳим қадам бўлди, ғазначилик ижросини жорий этилиши бюджет харажатларинини жамлаш, тақсимлаш, касса ижросини амалга ошириш, самарали фойдаланиш ва улар устидан назоратни кучайтириш имкониятини бермоқда.

Мазкур қонун Ғазначилик тизимини шаклланишининг на фақат энг муҳим босқичи сифатида аҳамиятга эга. Бу Қонун Ғазначилик фаолиятининг барча қирраларини ва тамоилларини белгиловчи ҳужжат сифатида аҳамиятга лоиқ. Қуйдаги келтирилган моддаларининг рўйхати Бу қонуннинг аҳамиятини, моҳиятини ва кўп қирралигини кўрсатиши мумкин:

“Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонунининг моддалари

- 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади
- 2-модда. Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари
- 3-модда. Давлат бюджети ғазна ижросининг асосий принциплари
- 4-модда. Давлат бюджетининг ғазна ижроси
- 5-модда. Давлат бюджетининг ғазна ижроси муддатлари
- 6-модда. Ғазначилик
- 7-модда. Ғазначиликнинг асосий вазифалари
- 8-модда. Ғазначиликнинг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро муносабатлари
- 9-модда. Ғазначиликнинг банк ҳисобварақлари
- 10-модда. Давлат бюджети даромадларини ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларини ҳисобга киритиш
- 11-модда. Солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини қайтариш
- 12-модда. Давлат бюджетининг харажатларини амалга ошириш
- 13-модда. Маблағларни суднинг қарорига биноан ўтказиш, дотациялар ва ссудаларни ўтказиш
- 14-модда. Давлат бюджети маблағларини бошқариш
- 15-модда. Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби
- 16-модда. Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот
- 17-модда. Низоларни ҳал қилиш
- 18-модда. Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Кўриниб турибти-ки Ғазначилик – Давлат бюджетининг касса ижроси, давлат даромадлари ва харажатлари ҳисобини олиб борилиши, давлат харажатларига молиявий ресурсларни етарли бўлишини таъминлаш учун масъул бўлган таркибий бўлиמידир.

Ушбу қонун, хужалик шартномаларини тузишда унга куйиладиган талаблар, шартномага асосан товар, иш хизматларнинг миқдори ва сифати ассортименти ва баҳосини, тарафларнинг жавобгарлиги ва бошқа барча муносабатларни ўз ичига олади.

Мазкур қонунни жорий қилиниши қатор мавжуд мауаммоларни ҳал қилшга қаратилган. Шу жумлада:

- тезкорлик билан бюджет харажатларини амалга ошириш. Бунда маблағларни бюджет ташкилотларининг банклардаги ҳисобваоақларига

туширмасдан, бевосита товар ва хизмат етказиб берувчиларга тушрилиши бу тезликни таъминлайди;

- Бюджет маблағларини мақсадли ишлатилиши устидан назоратни сезиларли даражада яхшиланади;

- давлатнинг вақтинча бўш маблағларини самарали ишлатилиши имконлари ошади;

- бюджет ташкилотларининг кредиторлик қарзларини пасайишини таъминлайди;

- бюджетнинг ҳамма босқичларидаги ахборотлар ахволини тезкорлик билан йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш имконларининг ортиши, ва давлат бюджетининг касса ижросидаги тушум ва харажатларини кундалик назоратини амалга ошириш имконлари яратилади;

- тижорат банкларни уларга дахли бўлмаган давлат бюджетининг касса ижросини бажаришидан, унинг бухгалтерия ҳисоби ва давлат бюджети ижроси ҳақидаги ҳисоботларини тайёрлаш каби ишлардан халос қилинадилар.

Келтирилган қонуннинг амалиётда қўлланилиши учун қатор қарорлар ва йўриқномалар қабул қилинди. Булар қаторида 2005 йил 5 майда 1475-сонли “Бюджетдан маблағ олувчиларнинг товар (иш ва хизматлар) етказиб берувчилар билан тузган шартномаларини рўйхатга олиш ва улар харажатлари тўловини назорат қилиш тўғрисида”ги вақтинчалик Низом қабул қилинди ва унга асосланган ҳолда ғазначилик тизими органлари фаолият кўрсата бошлади.

Ушбу Низомда белгиланганидек, бюджет маблағлари олувчиларнинг иқтисодий тасниф бўйича IV – гуруҳ харажатлари ғазначилик орқали ижро этилиб ва назорати олиб борилади. Низомда молия органларида бюджетдан маблағ олувчилар билан етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва бюджет маблағларини уларнинг харажатларини тўлашга ўтказиш, устидан назорат қилиш Самарқанд вилоятида, шу жумладан республика бюджетидан молиялаштириладиган айрим бюджет ташкилотлари иштирокида амалга оширилиши қайд этилган. Бунда, бюджетдан маблағ олувчилар билан етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилишнинг аниқ механизми қамраб оладиган молия органлари ҳамда бюджетдан маблағ олувчиларнинг рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилаши тасдиқланган.

Бюджетдан маблағ олувчилар билан етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва бюджет маблағларини уларнинг харажатларини тўлашга ўтказиш устидан назорат қилиш бўйича вазифалар ҳамда функцияларни бажариш молия органларининг тегишли бўлинмалари томонидан амалга оширилиши тартиби, шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш ҳамда бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлари тўловини амалга ошириш тартиби, қилинаётган ишлар назорати ва бунинг жавобгарлиги, келтирилган тартибларнинг амага оширилиш қоидалари белгиланган. Низом иловаларига “Бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасида тузилган шартномаларни рўйхатдан ўтказиш

Китобининг меёри, 2-иловада Шартноманинг тўловлар Жадвали, 3-иловада бюджетдан маблағ олувчига хизмат кўрсатувчи банк Бюджет маблағлари бўйича уларнинг банк ҳисобрақамларидан тўланадиган, бюджетдан маблағ олувчилар тўлов топширикномаларининг Реестри, ва 4-иловада Олинган нақд пулларнинг миқдорлари ва бошқа бюджет харажатлари тўғрисидаги Ахборот топшириш шакли келтирилган.

Янги ҳуқуқий тизимнинг тарақиётини белгиловчи босқич, давлат бюджети газна ижроси тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПП-594-сонли қарори бўлиб, унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги “ негизида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Жазначилигини ва унинг іудудий бўлинмаларини молия органлари бўйича белгиланган бошқарув ходимлари сони доирасида ташкил этилди”. Ташкил этилган Ғазначиликга қуйидаги вазифалар юкланди:

Давлат бюджетининг касса ижросининг тушадиган даромадларни турли бюджет ташкилотларига тақсимлаш, бюджетдан маблағ олувчиларининг харажатлар сметаси ижроси, давлат бюджети ижроси тўғрисида ҳисоботларни тузиш;

Давлат бюджет маблағларини ягона ғазначилик ҳисоб рақами, шунингдек тегишли бюджетлар даромадлари ва харажатлари ўртасидаги касса узилишларининг олдини олишни таъминлайдиган ҳудудий ғазначилик ҳисоб рақамларини жорий этиш орқали бошқариш;

Бюджет ташкилотларининг товар етказиб берувчилар (ишларни бажарувчилар, хизматни курсатувчилар) билан шартномаларни шунингдек давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш бўйича буюртмачиларнинг шартномалари харажатлари сметасида кўрсатилган суммалар ва мақсадларга қатъий мувофиқ равишда тузилиши устидан қаттиқ назорат урнатиш асосида мазкур шартномаларни мажбурий рўйхатдан ўтказиш тартибини жорий этиш орқали бюджет ташкилотларини мақсадга номувофиқ, асосиз харажатларини олдини олиш

Бюджет ташкилоти шу жумладан мудофа ва хавфсизлик тузилмаларини молиялаштиришга йўналтириладиган бюджет маблағларидан фойдаланишда макбуллаштириш юзасидан мониторинг олиб бориш бунда улар томонидан тузилаётган шартномаларнинг сифатли таминланишини, уларнинг мақсадга мувофиқлиги ва нарх-наво ечимини мувофиқлаштириш ва шу асосда воситачилик хизматларидан воз кечиш

Харажатлар сметаси ва рўйхатга олинган шартномаларда назарда тутилган қатъий суммалар доирасида товарлар етказиб берувчилар (ишларни бажарувчилар , хизматлар кўрсатувчилар)нинг бевосита ҳисоб рақамларига бюджетдан маблағ олувчилар номидан ва уларнинг топшириги бўйича тўловларни амалга ошириш орқали тўлов интизомига сузсиз риоя этилиши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш юклатилди.

Ундан ташқари Ғазначилик фаолиятини ташкил қилувчи маслалар, унинг раҳбариятини таинлаш тартиблари, Ғазначилик ва унинг

бўлинмаларининг таркиби, ходимларининг сони каби муҳим ташкилий масалалар тасдиқланган.

Давлат бюджетини ғазначилик ижросига доир қатор қонун, қарор ва йўриқномалар қуйдагилардан иборат:

- «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга киритиш ҳақида»ги Олий Мажлис Қарори.
- Ўзбекистон Республикасининг « Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни.
- «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга киритиш ҳақида» ги Олий Мажлис Қарори.
- Ўзбекистон Республикасининг « Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонуни
- Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектларни фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги Қонуни.
- Фуқоролик кодекси (моддалари).
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат молиясини бошқаришни ислох қилиш » лойиҳасини амалга оширишга тайёрланиш чора – тадбирларни тўғрисида »ги қарори.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги қарори.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Махсулотлар, хом-ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги қарори.
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Нақд пулсиз ҳисоб - китоблар тўғрисида» ги қарори.
- Ўзбекистон Республикасининг нақд пулсиз ҳисоб – китоблар тўғрисида Низоми.
- Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирилигининг «Молия органларида бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш тартиби ҳақидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш тўғрисида» ги Буйруғи.
- «Молия органларида бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш тартиби ҳақида» ги Вақтинчалик Низом.
- Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирилигининг «Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган бинолар ва иншоотларни капитал таъмирлашни маблағ билан таъминлаш ва аниқ рўйхатларни шакллантириш тартиби тўғрисида» ги Низоми.

Келтирилган теоретик ҳуқуқий ҳужжатлар ғазначилик тизимини ҳаракатга келтирувчи ҳужжатларнинг асосий бўлсада, атиги бир қисмини қамраб олади ҳолос. Чунки бу тизим такомиллашиб бориш жараёнида ва унинг бошқа бюджет соҳасидаги муассасалар ва жараёнлар билан ҳамбарчас боғлиқ бўлганлиги учун, бу тизимга таъсир қиладиган мерлар қатор бошқа йўриқномаларда ҳам учрайди.

МУНДАРИЖА

II ҚИСМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ҒАЗНАЧИЛИК ИЖРОСИНИНГ АМАЛИЁТИ

2.1. Ғазначилик тизимида юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш

2.2. Ғазначиликда молиявий мажбуриятларнинг қабул қилиниши ва тўловларнинг амалга оширилиши

2.3. Ғазначилик тизимида нарх наво мониторингини амалга ошириш

2.4. Давлат бюджетининг ғазначилик ижросида бюджет маблағлари харажатларининг касса ижроси ва назоратини амалга ошириш

2.5. Ғазначиликда бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларига ўзгартиришлар киритиш тартиби

II ҚИСМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ҒАЗНАЧИЛИК ИЖРОСИНИНГ АМАЛИЁТИ

2.1. Ғазначилик тизимида юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш

Режа: 2.1.1. Мажбурият тушунчаси ва унинг ҳуқуқий жиҳатлари. 2.1.2. Шартномалар ижросини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари. 2.1.3. Шартномаларни рўйхатга олиш. 2.1.4. Юридик мажбуриятларнинг мазмуни ва аҳамияти.

2.1.1. Мажбурият тушунчаси ва унинг ҳуқуқий жиҳатлари.

Давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий вазифаларини амалга оширишда, биринчи навбатда, давлат молия маблағларини тўплаш, тақсимлаш ва бозор муносабатларига мос ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани яратишда давлат бюджетининг аҳамияти каттадир. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда давлат бюджети орқали мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 1/3 қисмидан кўпи тақсимланади ва қайта тақсимланади. Шунинг учун ҳам давлат бюджетига алоҳида аҳамият берилади ва ушбу молиявий институт ислохатлар асосида такомиллаштирилиб борилади.

Давлат бюджетининг касса ижросини самарали тарзда ташкил этиш, давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни янада кучайтириш, давлат бюджети маблағларини самарали бошқариш орқали давлат бюджетининг иқтисодиёт тимиздаги ўрнини янада мустахкамлаш мақсадида 2004 йил 26 август куни Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонунга биноан республикада ғазначилик тизими жорий этилиши учун ҳуқуқий асос яратилди.

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармаларининг) ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг ғазна ижроси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Мазкур қонунга мувофиқ, давлат бюджети ғазна ижроси қуйидаги асосий тамойилларга таянилган ҳолда амалга оширилади:

- кассанинг ягоналиги;
- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш ягоналиги тамойили.

Давлат бюджетининг ғазна ижроси Давлат бюджетининг барча даромадларини ягона ғазна ҳисобварағига киритишдан, шунингдек Давлат бюджетининг харажатларини шу ҳисобварақдан амалга оширишдан иборат.

Ғазначилик ўзининг бир қатор вазифа ва функцияларини бажариш билан биргаликда давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисобини юритиш, давлат бюджети ижросининг қандай бораётганлиги тўғрисида тезкор ҳисоботларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш билан ҳам шуғулланади.

Ғазначиликда бюджет ташкилотларининг мажбуриятларини ижро этилишига алоҳида эътибор берилади.

Мажбурият - бу одатда ёзма равишда расмийлаштирилган сўзсиз бажарилиши талаб қилинувчи келишувдир.

Иқтисодий мазмунига кўра мажбурият бу фуқаролик ҳуқуқий муносабат бўлиб, маълум бир шахс (қарздор) бошқа бир шахс (кредитор) манфаати ҳисобига маълум бир ҳаракатларни амалга ошириши, яъни: мол-мулкни бериш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш, пул тўловларини амалга ошириш ёки маълум ҳаракатлардан воз кечиш ва бошқа шу кабиларни амалга оширилишини англатади.

Шартномаларга асосан вужудга келадиган мажбуриятлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси талабларидан келиб чиқади.

Бюджет тизимида:

Бюджет мажбуриятларини қабул қилиш – бу бюджет ташкилоти томонидан смета харажатларида кўзда тутилган маблағлар доирасида келажакда молиявий харажатларни амалга ошириш масъулиятидир.

Мажбурият ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларга асосан мажбурият қабул қилиш ҳуқуқи бўлган шахс томонидан қабул қилинади (ташкилот раҳбари ёки унинг буйруғи билан ваколат берилган масъул шахс);

Қабул қилинадиган мажбуриятлар суммаси тасдиқланган бюджет маблағлари меъёридан ошиб кетмаслиги лозим.

Мажбуриятларни ҳисобга олиш тизимида уч асосий омил мавжуд:

Мажбуриятларни қабул қилиш учун асослар:

- контракт ва шартномалар имзолаш асосида (тендер бўйича харидлар, товар ва хизматлар сотиб олиш, қарздорлик бўйича шартномалар, патентлар, лицензиялар, суғурта ва бошқалар);

- қонуний асос мавжудлиги (стипендия, нафақа пуллари ва бошқалар);

- давлат ваколатли органлари қарорлари (жарималар ва суд қарорларига асосан пенялар);

- бир томонлама қарорлар (дотациялар, грантлар, мукофотлар).

Мажбуриятларни қабул қилиш ҳуқуқига эга маъсул шахслар:

- мажбуриятларни қабул қилиш бюджет маблағларини олувчи вазифасига киради;

- бюджет маблағлари олувчи бюджет ташкилоти раҳбари ёки бу вазифа юклатилган шахслар ҳисобланади;

- ғазначилик бўлимларида ғазначилик томонидан хизмат кўрсатиладиган барча бюджет маблағ олувчи ташкилот раҳбарлари ва бош ҳисобчи имзо намуналари, ҳамда бюджет ташкилоти муҳри намуналари бўлиши керак. Ушбу намуналар ғазначиликнинг махсус карточкаларида сақланади.

Мажбуриятнинг икки хил тури мавжуд:

- юридик мажбурият;

- молиявий мажбурият.

2.1.2. Шартномалар ижросини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари.

Икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, узгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви ШАРТНОМА дейилади.

Тарафлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф эса товарларни (ишларни, хизматларни) қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишув ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАСИ дейилади.

Шартномаларни тузилиши ва бажарилиши жараёни бир қатор қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Жумладан, Республикаси Фуқаролик Кодекси ва 1998 йил 29 августдаги N 670-I-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий - ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни бу жараёни тартибга солувчи энг асосий қонун ҳужжатлари бўлиб ҳисобланади.

Қонунга кўра, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги шартномавий муносабатларнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- хўжалик шартномаларини тузишнинг эркинлиги;

- тарафларнинг ўзаро манфаатдорлиги;

- шартнома интизомига риоя этиш;

- тарафларнинг ўзаро мулкӣ жавобгарлиги.

Хўжалик шартномаси, қоида тариқасида тарафлардан бирининг оферта (шартнома тузиш ҳақида таклиф) йўллаши ва иккинчи тараф уни акцептлаши (таклифни қабул қилиши) йўли билан тузилади.

Агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари бўйича келишувга эришилган бўлса, хўжалик шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

Хўжалик шартномалари уларни имзолашга тайёрлаш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текшириб кўрилиши керак. Шартномаларни уларнинг имзоларисиз ёки хулосаларисиз тузишга йўл қўйилмайди.

Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги хўжалик шартномалари хўжалик юритувчи

субъектлар юридик хизматининг ёки жалб этилган адвокатларнинг ёзма хулосасидан кейингина тузилади.

Хулосада, қоида тариқасида қуйидагилар кўрсатилади:

- хўжалик шартномасида кўрсатилган муносабатлар қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши;

- хўжалик шартномаси шартларининг қонун ҳужжатлари талабларига мос келиши;

- тарафларнинг жавобгарлиги меъёри ва низоларни ҳал этиш тартиби қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги.

Хўжалик шартномаси шартнома шартларига ҳамда қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ равишда, бундай шартлар ва талаблар бўлмаган ҳолларда эса иш муомаласи одатларига мувофиқ бажарилиши лозим.

Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси шароитида бюджет ташкилотлари билан товар етказиб берувчилар (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи) ўртасида тузилган шартномаларни бошқаришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 21 майда 1475 - рақами билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 63-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Молия органларида бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш тартиби ҳақида вақтинчалик Низом”и ҳисобланади.

Низомга кўра, бюджетдан маблағ олувчилар етказиб берувчилар билан шартномалар тузадилар, шунингдек шартномаларга бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметаларида назарда тутилган тегишли режали бюджет маблағлари доирасидагина қўшимча ва ўзгартиришлар киритадилар.

Бюджетдан маблағ олувчилар билан етказиб берувчилар ўртасида тузиладиган шартномалар тегишли молия органларида мажбурий рўйхатдан ўтказилиб, уларга тегишли рақамлар берилиши ва рўйхатдан ўтказиш санаси кўрсатилиши керак.

2.1.3. Шартномаларни рўйхатга олиш.

Шартномани ҳисобга олиш молия органи томонидан бюджетдан маблағ олувчи ва етказиб берувчининг номи ҳамда реквизитлари, шунингдек шартнома суммаси, унинг рақамлари ва тузиш санаси, молия органи томонидан Вақтинчалик низомга кўра бюджетдан маблағ олувчилар билан етказиб

берувчилар ўртасида тузилган шартномаларни рўйхатдан ўтказиш китобида рўйхатдан ўтказиш рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда амалга оширилади.

Шартномани рўйхатдан ўтказиш учун бюджетдан маблағ олувчи молия органига шартноманинг битта асл нусхаси ва битта кўчирма нусхасини тақдим этади. Шартномаларга Вақтинчалик низомда кўрсатилган шаклда тўловлар жадвали илова қилинади. Тўлов графигига ҳеч қандай узгартириш киритиш мумкин эмас.

Молия органи бюджетдан маблағ олувчи томонидан шартнома тақдим этилган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида бюджетдан маблағ олувчининг харажатлар сметасида назарда тутилган тегишли режали бюджет маблағлари мавжудлиги масаласида шартномада кўрсатилган суммани текширади.

Агар тузилган шартномага кўра тўланадиган пул маблағлари суммаси бюджетдан маблағ олувчининг харажатлари сметасида назарда тутилган режали бюджет маблағлари суммасидан ошиб кетса, мазкур шартнома бюджетдан маблағ олувчига рўйхатдан ўтказилмасдан қайтарилади.

Шартномани рўйхатдан ўтказиш бюджетдан маблағ олувчи томонидан шартнома тақдим этилган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида шартнома асл нусхаси ва кўчирма нусхасининг биринчи varaгига “Рўйхатдан ўтказилди” ёзувини қўйиш ва рўйхатдан ўтказиш рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда амалга оширилади, уларни молия органининг мансабдор шахси ўз имзоси ва молия органининг муҳри изи билан тасдиқлайди. Рўйхатдан ўтказилгандан кейин рўйхатдан ўтказилган шартноманинг кўчирма нусхаси ҳисобга олиш ва сақлаш учун молия органида қолади.

Ҳазначиликнинг жавобгар ходими шартномани рўйхатдан ўтказиш тўғрисида сўровнома қабул қилгандан кейин қуйидагиларни текшириши керак:

- тўлов графигидаги харажатлар моддаси шартнома шартларига тўғри келиши;
- шартномаларга асосан қабул қилинган мажбуриятлар бўйича харажатлар сметасида маблағларнинг мавжудлигини;
- бюджет ташкилоти муҳри ва масъул шахслар имзоларининг борлиги;
- шартномада ҳуқуқшуноснинг имзоси (лицензия номери ёки қайси ташкилотнинг ҳуқуқшуноси эканлиги) ёки хулосаси борлиги;
- шартномада Президент Фармойишига асосан олдиндан тўлов қилиниши ёзилганлиги;
- шартнома нусхаси;
- шартнома муддати;
- етказиб берувчининг мазкур турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариши ёки сотиши (ишлар бажариши, хизматлар кўрсатиши) учун тегишли рухсатномалари мавжудлиги ва сифати талаб даражасида эканлигини текширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Бунда тегишли рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномалар, фаолият тури билан шуғулланиш учун лицензиялар ёки патентлар, шунингдек, товарнинг мувофиқлик сертификати, сифат сертификати ва бошқа тегишли талаб қилинувчи ҳужжатлар мавжудлиги текширилади ва уларнинг нусхалари илова қилинади. Товарлар хориждан келтирилганда, божхона юк баённомалари нусхаси ҳам талаб қилинади.

Ушбу соҳада тузиладиган кўшимча келишувлар шартлари асосий шартномага асосан тузилган бўлиши шарт.

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12 - моддасига асосан таққослаш вараги ёки тендер хулосалари бўлиши шарт. Хар бир шартномага бир нечта (энг камида 3 та) етказиб берувчининг тижорат таклифи илова қилиниши, бунда хар бир етказиб берувчининг реквизитлари (номи, манзили, телефон рақамлари, рахбари тўғрисидаги маълумотлари) аниқ кўрсатилиши, етказиб берувчилар шу соҳада узоқ йиллик иш тажрибасига эга булган, юқори мавқели корхоналар бўлиши тавсия этилади. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилувчи товарлар воситачиларсиз, ишлаб чиқарувчининг ўзидан сотиб олиниши, четдан келтирувчи товарлар эса бевосита импортни амалга оширувчидан сотиб олиниши нархларнинг ортиб юборилишини олдини олади.

Юқоридагилардан кўрииб турибдики, бюджет ташкилотларининг юридик мажбуриятлари ижросини сметада тасдиқланган харажатларнинг бюджет таснифи бўйича харажат қилинишини назорат қилиш, бюджет ташкилотлари учун олинадиган ёки кўрсатиладиган хизматлар учун тузиладиган шартномаларни қонуний тузилиши, товарлар ёки хизматлар сифатли бўлиши учун тендерлар орқали шартномалар тузиш, бюджет маблағини аниқ мақсадларга сарфланишини назорат қилишлилик юқори самара беришидан далолатдир.

Ғазначилик тизимини жорий қилиш эвазига Республикада давлат молияси, жумладан маҳаллий бюджет ресурсларини бошқариш самарадорлигини оширишда жиддий илгари силжиш юз беради. Республикада давлат бюджетини Ғазначилик ижроси жорий қилиниши бюджетни тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш, солиқлар йиғиш фаолиятини такомиллаштириш ва харажатларни Ғазначиликнинг ягона ҳисоб рақами тамоили асосида амалга ошириш, қиска муддатли молиявий режалаштириш, яъни тўловлар режасини жорий қилиш, ягона ахборот тизимини жорий этиш эвазига бюджет ижросининг ҳисобини олиш ва ҳисобот тайёрлашни яхшилаш, давлат қарзларига хизмат кўрсатиш, таҳлил қилиш ва режалаштиришни такомиллаштириш имконини беради.

2.1.4. Юридик мажбуриятларнинг мазмуни ва аҳамияти.

Юридик мажбурият - шартнома тегишли тартибда рўйхатдан ўтказилганидан кейин вужудга келади.

Юридик мажбуриятларни ҳисобга олишнинг асосий мақсади бюджет назоратининг самарадорлигини янада ошириш, яъни харажатларнинг тасдиқланган режадан ошиб кетмаслигига йўл қўймаслик.

Давлат бюджетининг ғазначилик ижросига ўтишнинг асосий мақсадлари:

- Давлат бюджети маблағларини самарали бошқариш;
- Бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни янада кучайтириш;
- Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар сифатини ошириш ва уларни тайёрлаш муддатларини қисқартириш бўлиб ҳисобланади.

Молиявий назорат қуйидаги уч босқичда амалга оширилади:

- дастлабки назорат;
- жорий назорат;
- якуний назорат.

Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими жорий этилиши билан дастлабки ва жорий молиявий назоратни амалга ошириш бюджетдан маблағ олувчилар билан биргаликда ғазначилик органларига ҳам юклатилади.

Якуний назоратни икки турга бўлиш мумкин. Биринчиси молия органлари тарафидан бюджет маблағларини самарали ишлатилганлигини баҳолаш мақсадидаги иқтисодий таҳлил шаклида амалга оширилади. Иккинчи тури, Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда бошқа ваколатли давлат органлари томонидан турли суистеъмолчилик холларини аниқлаш ва бартараф қилиш мақсадида амалга оширилади.

Дастлабки ва жорий молиявий назоратни амалга ошириш бюджет маблағлари олувчилари мажбуриятларини ҳисобга олинишини тақозо этади.

2.2. Ғазначиликда молиявий мажбуриятларнинг қабул қилиниши ва тўловларнинг амалга оширилиши

Режа: 2.2.1. Молиявий мажбуриятлар тушунчаси. 2.2.2. Бюджетдан маблағ олувчи ташкилотлар тўловларини амалга ошириш тартиби. 2.2.3. Молиявий мажбуриятларнинг лимитини баҳолаш.

2.2.1. Молиявий мажбуриятлар тушунчаси.

Юридик мажбурият бюджет ташкилоти билан контрагент ўртасида маълум бир муддатдан сўнг маълум бир маҳсулотни етказиб бериш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) тўғрисида шартнома имзоланганидан ва бу шартнома тегишли тартибда Ғазначиликда рўйхатдан ўтказилганидан кейин вужудга келади.

Молиявий мажбурият - бу ғазначиликда рўйхатдан ўтказилган шартномага мувофиқ маҳсулотлар етказиб берилгандан (ишлар, хизматлар) кейин вужудга келади. Молиявий мажбуриятнинг юзага келиши тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланишини талаб этади. Масалан, счет фактуралар, ишлар бажарилганлиги ёки хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи қабул қилиб олиш-топшириш далолатномалари (акт приема-сдачи), иш ҳақи қайдномалари (ведомостлар) ва бошқа шу каби ҳужжатлар. Мазкур ҳужжатлар тегишли ваколатга эга бўлган масъул шахслар томонидан имзоланиши ва ташкилот муҳри билан тасдиқланиши шарт. Бюджет ташкилотлари амалдаги қонунчилик талабига кўра энг камида олдиндан 15 фоиз тўлов амалга оширилишини таъминланишига алоҳида эътибор қаратишлари талаб қилинади.

Молиявий мажбурият Ғазначиликнинг Бош китобида қайд қилинади. Молиявий мажбурият шартнома ёки бошқа келишувларнинг муддати ўтгунга қадар қопланиши лозим.

Молиявий мажбуриятларни ҳисобга олишни асосий мақсади қабул қилинган юридик мажбуриятлар, тасдиқланган бюджет режаси меъёрида

харажатларни амалга оширишни таъминлаш, ҳамда бюджет ташкилотлари кредиторлик қарзларини назорат қилиш ҳисобланади.

Демак, молиявий мажбурият – маҳсулот (иш, хизмат) етказиб берилгандан кейин счет-фактура ёки бюджет ташкилотининг кредиторлик қарзи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлган шароитда вужудга келади ва у ғазначиликнинг Бош китобида қайд қилинади.

Молиявий мажбурият шартнома ёки бошқа келишувларнинг муддати ўтгунга қадар қопланиши лозим.

Молиявий мажбуриятларни ҳисобга олишнинг асосий мақсади - қабул қилинган юридик мажбуриятлар, тасдиқланган бюджет режаси меъёрида харажатларни амалга оширишни таъминлаш, ҳамда бюджет ташкилотлари кредиторлик қарзларини назорат қилиш ҳисобланади.

Бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш уч босқичли назоратни тўлиқ жорий қилишни тақозо этади. Яъни, бюджет ташкилоти контрагентдан маҳсулотлар сотиб олиш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) тўғрисида офертани (таклифни) қабул қилиб олгандан сўнг, шартномани акцептлайди (қабул қилганлигини тасдиқлаб имзолайди) ва ғазначиликка рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этади. Юридик мажбурият вужудга келиши учун бу шартноманинг рўйхатдан ўтказилиши талаб қилинади.

Бюджет ташкилоти ва таъминотчи ўртасида тузилган шартнома ғазначилик бўлимида рўйхатдан ўтказилиб, таъминотчи рўйхатдан ўтган шартномани олгандан кейин, шартнома шартларига асосан маҳсулот ва хизматлар етказиб беришни бошлайди. Ғазначилик бўлимида рўйхатдан ўтмаган шартномалар бўйича таъминотчи маҳсулот ва хизматлар етказиб беришга ҳаққи йўқ.

Маҳсулот ва хизматлар етказиб берилгандан сўнг таъминотчи бюджет ташкилотига счет-фактура (бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси)ни тақдим этади.

У ёки бу томоннинг шартнома шартларини бажармаган тақдирда шартнома суммаси камайтирилиши ёки шартнома умуман бекор қилиниши мумкин. Масалан, етказилган маҳсулот ва хизматлар шартномада кўрсатилган маҳсулот ва хизмат талабларига (сифати, ҳажми ва бошқалар) жавоб бермаган тақдирда бюджет ташкилоти ғазначилик бўлимига шартномани бекор қилиш ҳақида сўров ҳужжат тайёрлаб тақдим этиши лозим.

Бекор қилиш ҳақидаги сўровномада кўзда тутилган шартномани бекор қилиш мақсадида, рўйхатдан ўтказилган шартнома бўйича барча маълумотлар тўлиқ акс этирилиши лозим. Шартномани бекор қилиш сўровномаси қабул қилинган мажбурият суммасини қисман ёки умуман бекор қилади.

Маълум суммага бекор қилинган юридик мажбурият шу суммага бюджетда тикланади.

Тўлов аризаси – счет фактура асосида тайёрланадиган бухгалтерия ҳужжати. Тўлов аризаси – бу бюджет ташкилотини кредиторга маълум суммани тўлаш учун Ғазначиликка тақдим этиладиган топшириқнома.

Тўлов аризасини (тузиш) тайёрлаш бюджет ташкилоти вазифасига киради. Бюджет ташкилоти счет – фактурани қабул қилган пайтнинг ўзида 2 нусхада тўлов аризасини тегишли Ғазначилик бўлимига қонунчиликда белгиланган

вақтда тақдим этиши лозим. Аризага қонунчиликда асосланган мажбурий ҳужжатлар (масалан, счет – фактура, бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома ва бошқалар) илова қилинади. Бюджет ташкилоти счет фактурада уни қабул қилган санасини акс эттириши шарт.

Ғазначилик томонидан амалга ошириладиган назорат турлари:

Бюджет маблағлари олувчилар ва бошқа жавобгар шахсларнинг имзо ва муҳрларини солиштириш;

Юридик мажбуриятнинг рўйхатдан ўтиш рақами мавжудлигини текшириш;

Бюджет таснифидан тўғри фойдаланилганлигини назорат қилиш;

Ҳисоб - китобларнинг тўғрилигини назорат қилиш;

Кредиторнинг реқвизитлари аниқлигини назорат қилиш;

Бюджет ташкилоти сметасида ушбу маҳсулотларни (маҳсулотлар, хизматлар) учун маблағлар мавжудлигини таҳлил этиш.

2.2.2. Бюджетдан маблағ олувчи ташкилотлар тўловларини амалга ошириш тартиби.

Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси шароитида тўловлар:

республика бюджетидан - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан рўйхатдан ўтказилган шартномалар ёки бюджет маблағларини юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиш мажбуриятини юклайдиган бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади;

Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлардан - Молия вазирлиги Ғазначилигининг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан рўйхатдан ўтказилган шартномалар ёки бюджет маблағларини юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиш мажбуриятини юклайдиган бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Ҳудудий ғазначилик ҳисоб рақамларига ўтилгандан кейин бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар тўловлари бюджетдан маблағ олувчиларнинг тижорат банкларидаги бюджет ҳисоб рақамларига эмас, тўғридан-тўғри маҳсулот етказиб берувчиларининг ҳисоб рақамларига ўтказилади.

Ғазначиликка ўтгандан кейин бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатларини амалга ошириш тўлов топшириқномалари асосида қуйидаги талабларга асосланган ҳолда:

- молия органларида рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметалари ва штат жадвали ўрнига тузилган калькуляциялари, ҳамда харажатларни амалга ошириш руҳсатномалар асосида ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатларининг тегишли гуруҳлари бюджет маблағлари қолдиқларининг суммалари доирасида;

- агар тўлов топшириқномасида кўрсатилган сумма молия органида рўйхатдан ўтказилган шартномага кўра тўланадиган пул маблағлари суммасидан ошмаса;

- маҳсулот (ишлар, хизматлар) етказиб берилишини ва бюджетдан маблағ олувчининг етказиб берувчидан қарзи мавжудлигини тасдиқлайдиган

ҳисобварақ-фактуралар ёки бошқа ҳужжатлар, шунингдек бюджетдан маблағ олувчи зиммасига етказиб берувчига бўнак тўловини ўтказиш мажбуриятини юклайдиган ҳужжатлар бўлганида;

- етказиб берувчининг тўлов топшириқномасида кўрсатилган номи ва реквизитлари етказиб берувчининг шартномада кўрсатилган номи ва реквизитларига мувофиқ бўлса;

- тўлов топшириқномаси “Тўлов мақсади” устунда бюджет таснифининг тегишли кодлари тўғри кўрсатилган бўлса амалга оширилади.

Ушбу юқорида келтирилган талаблар тўлиқ бажарилган тақдирда бюджетдан маблағ олувчиларнинг тўлов топшириқномалари ғазначиликнинг ҳудудий бўлинмаларидан ўтказилиб, уларнинг харажатлари қоплаб берилади.

Ғазна ижросига ўтгандан кейин бюджет ташкилотлари бўйича ҳисобот чорагининг охириги иш куни охирида бюджет ташкилотларининг Молия вазирлиги Ғазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида очилган ҳисоб рақамларида тежаб қолинган қолдиқ маблағлар (капитал қўйилмалар бўйича харажатларни тўлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно) олиб қўйилмайди, Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади ва ундан мазкур Тартиб талабларига мувофиқ фойдаланилади;

Тежаб қолинган бюджет маблағларини ўтказиш бюджет ташкилотлари томонидан юридик ва молиявий мажбуриятлар олинмаган бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида ҳисобот чорагидан кейинги ой мобайнида амалга оширилади. Агар бюджетдан маблағ олувчи ташкилот ўзининг смета харажатларида кўрсатилган моддалар бўйича иқтисод қилган моддаларига юридик мажбуриятлар қабул қилган ҳолларда, ушбу маҳсулот етказиб берувчи ташкилотлар билан қўшимча келишув қилган ҳолда ғазначиликдан қайта рўйхатдан ўтказгандан кейингина тежалган маблағ ҳисобланади ва бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади.

Ғазна ижросига ўтган бюджет ташкилотларининг харажатлари Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ягона ғазна ҳисоб рақамидан, шунингдек юқорида кўрсатилган харажатлар гуруҳларининг ҳар бир моддаси бўйича ҳудудий ғазначилик ҳисоб рақамидан амалга оширилади.

Харажатларини молиялаштириш бюджет ижроси жараёнида харажатлар рўйхати ва сметасига киритиладиган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда тегишли йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига ҳамда бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларига мувофиқ тузилган бюджет харажатларининг чораклар бўйича тақсимланган йиллик рўйхатига биноан амалга оширилади.

Бюджет ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган бюджетдан маблағ билан таъминлаш нормативлари асосида смета ва штатлар жадвалини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил равишда ишлаб чиқадиладар ва тасдиқлайдилар.

Сметалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг амалдаги

таснифномасига мувофиқ харажатларнинг тўлиқ ёйилмаси илова қилинган ҳолда харажатларнинг тўрт гуруҳи бўйича тузилади.

Ўзбекистон Республикасининг меъёрий ҳужжатларига асосан халқ таълими муассасалари бўйича харажатлар сметаси ва штатлар жадвали ҳудудий молия органлари билан биргаликда тузилади.

Бюджет ташкилотлари тасдиқланган смета ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ёки унинг ҳудудий молия органларига тақдим этадилар.

Тасдиқланган смета ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш, иловаларни келишиш тақдим этилган ҳужжатларнинг тасдиқланган бюджет харажатлари лимитларига ва нормативларига ҳамда бюджет параметрларига мувофиқлиги таҳлили асосида тегишли молия органларида қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларининг тасдиқланган сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш мазкур бюджет ташкилоти харажатларини молиялаштириш, бюджет параметрлари тасдиқланган пайдан бошлаб 40 кундан кечиктирмай тегишли молия органлари томонидан амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларининг тасдиқланган харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини, шунингдек амалдаги смета ва штатлар жадвалига киритиладиган ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида ёки ҳудудий молия органларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга киритилади.

Харажатлар сметаси ва штатлар жадвалига киритиладиган ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда албатта Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари билан келишилади.

Олдинги даврда харажатларнинг I - ва II - гуруҳларига киритилган бюджет ташкилотлари харажатлари биринчи навбатда молиялаштирилар эди ва бунда II - гуруҳи харажатларни тегишли маблағлари ўтказмасдан I - гуруҳ харажатларини амалга ошириш тақиқланган эди.

Ягона ғазна ҳисоб рақамида, шунингдек ҳудудий ғазначилик ҳисоб рақамида биринчи ва иккинчи гуруҳлар бўйича тўланмаган харажатлар суммасидан ортиқ маблағлар мавжуд бўлганда ортиқча сумма миқдорида учинчи ва тўртинчи гуруҳлар бўйича харажат қилишга рухсат этилади. Яъни ягона ғазна ҳисоб рақамидаги маблағлар молиялаштирилмасдан турган I - ва II - гуруҳ харажатларидан ортиқча бўладиган бўлса, бошқа бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларнинг учинчи ва тўртинчи гуруҳ харажатларини молиялаштиришга, уларнинг биринчи даражали харажатларини қоплаб беришга рухсат қилинади.

Капитал қўйилмаларга ажратмалар жорий бюджет йили учун тасдиқланган Республика Инвестиция Дастурига мувофиқ қурилишларнинг аниқ рўйхатларига ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ажратилади.

Ғазначилик томонидан хизмат кўрсатиладиган буюртмачилар объектлари қурилишига Давлат бюджетида назарда тутилган харажатлар Ғазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг жорий

йилга тасдиқланган Инвестиция дастурига ҳамда қурилишларнинг аниқ рўйхатига мувофиқ, буюртмачиларнинг Молия вазирлигининг Ғазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган шартномаларга асосан тўланади. Яъни ғазначиликда олдинги даврдаги талаблар сақланиб қолган ҳолда, қўшимча равишда буюртмачи ва пудратчи ташкилотлар ўртасида тузилган шартномалар ҳам ғазначиликдан рўйхатдан ўтган бўлиши керак.

Харажатларнинг I - ва II - гуруҳларини республика ва маҳаллий бюджетлардан харажатларини молиялаштириш сметаларга ва бюджет харажатлари рўйхатларига, уларга киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек олдинги ҳисобот даври учун белгиланган баҳолаш кўрсаткичларининг бажарилишига мувофиқ ҳар ойда амалга оширилади.

Капитал қўйилмаларни ва бошқа харажатларини молиялаштириш бюджетга маблағлар тушишига қараб ҳар ойда амалга оширилади.

2.2.3. Молиявий мажбуриятларнинг лимитини баҳолаш.

Бюджет ташкилоти тасарруфида бўлувчи пул маблағлари миқдори молия органи томонидан тасдиқланган смета билан чекланган. Юридик мажбуриятлари ҳам сметада кўрсатилган харажат моддалари доирасидан четга чиқмаслиги назорат қилинади. Бюджет ташкилотлари молиявий мажбуриятлари лимити уларнинг тасарруфида бўлган пул маблағлари билан белгиланади. Бюджет ташкилоти йил давомида қўплаб таъминловчи ташкилотлар билан шартномалар тузади. Уларни бажарилишини таъминлаш учун пул тўловларини амалга оширади. Молиявий мажбуриятлар лимитларини баҳолашда 1 - ва 2 - модда харажатлари ўз вақтида молиялаштирилишига алоҳида эътибор қаратилиши зарур. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ўз вақтида, кечиктирмасдан берилиши, иш ҳақи фондидан ажратмалар тўланиши шарт. Бошқа харажатларни амалга оширилишида ҳам бюджет ташкилоти тежамлилик, оқилоналик тамойилларига амал қилиши талаб этилади. Харажатлар тегишли рухсат асосида амалга оширилиши ҳамда уларнинг ҳажми йиллик ажратмалар ва харажатларни амалга ошириш рухсати миқдоридан ортиб кетмаслиги шарт.

2.3. Ғазначилик тизимида нарх-наво мониторингини амалга ошириш

Режа: 2.3.1. Нарх-наво мониторинги тушунчаси ва уни амалга ошириш тартиби. 2.3.2. Нарх-наво нарх мониторингининг чет эл тажрибаси ва унинг зарурияти.

2.3.1. Нарх-наво мониторинги тушунчаси ва уни амалга ошириш тартиби.

Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси шароитида бюджет маблағларидан самарали фойдаланишнинг энг асосий механизмларидан бири бу нарх-наво мониторингини жорий этиш ҳисобланади.

Бизнинг республикамизда ғазначилик тизими жорий этилиши муносабати билан бюджет маблағлари олувчиларнинг юридик мажбуриятлари вужудга келишидан аввал дастлабки назоратни амалга ошириш имконияти туғилди ва бу **нархлар мониторинги** орқали амалга оширилмоқда.

Бунда бюджет ташкилоти сотиб олмоқчи бўлган маҳсулот (ишлар, хизматлар) нархи муқобил етказиб берувчилар нархлари билан таққосланади. Муқобил етказиб берувчилар тўғрисида маълумот тўплашнинг турли усуллари мавжуд. Масалан, товар хом-ашё биржалари, бозорлардан маълумотномалар, рақобатчи ташкилотлардан тижорат таклифларини олиш, оммавий ахборот воситалари ва ихтисослаштирилган реклама нашрларидаги маълумотларни умумлаштириш мумкин.

Ҳар бир шартномага бир нечта (энг камида 3 та) етказиб берувчининг тижорат таклифи илова қилиниши, бунда ҳар бир етказиб берувчининг реквизитлари (номи, манзили, телефон рақамлари, раҳбари тўғрисидаги маълумотлари) аниқ кўрсатилиши, етказиб берувчилар шу соҳада узоқ йиллик иш тажрибасига эга бўлган, юқори мавқели корхоналар бўлиши тавсия этилади. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилувчи маҳсулот воситачиларсиз, айнан ишлаб чиқарувчининг ўзидан сотиб олинishi, четдан келтирилувчи маҳсулот эса бевосита импортёрдан сотиб олинishi нархларнинг асоссиз ўсишининг олдини олади.

Молия органларида нархлар мониторингини ташкил этишнинг ҳукукий асоси бўлиб Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли Қарори билан тасдиқланган “Хом ашё, материаллар, бутловчи қисмлар ва жиҳозларни сотиб олиш юзасидан тендер савдоларини ўтказиш тўғрисидаги Низом” бўлиб ҳисобланади.

Мазкур Низом давлат бюджети, давлат бюджетида консолидациялашувчи давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондлари маблағлари, Ҳукумат кафолати бўйича олинган хорижий кредитлар, Жаҳон банки гуруҳи, ЕТТБ, ОТБ, Халқаро ҳамкорлик Япон банки, "KfW" банки каби халқаро ва хорижий молия институтлари томонидан тақдим этилган хорижий грантлар маблағлари эвазига импорт қилинган ёки Ўзбекистон республикасида ишлаб чиқарилган хом ашёлар, материаллар, бутловчи қисмлар ва жиҳозларни сотиб олиш бўйича тендер савдоларини ташкил қилиш механизмини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида бошқача тартиб белгиланган бўлса ёки хорижий грантлар ва кредитлар тақдим этилишида бошқача шартлар белгиланган бўлса, бундай ҳолларда мазкур Низом тартиби қўлланилмайди.

Битта контракт бўйича 100 минг АҚШ доллари эквивалентидан кўпроқ суммага товар етказиб берилиши (ишлар бажарилиши, хизматлар кўрсатилиши) режалаштирилганда тендер савдолари ўтказилади. Бундан кам суммадаги контрактлар энг яхши таклифларни конкурс асосида танлаб олиш йўли билан қуйидаги тартибда тузилади:

- озиқ-овқат маҳсулотлари бюджет маблағлари олувчилари томонидан сотиб олинганда, молия Вазирлигининг 2007 йил 9 апрелдаги 798-сонли буйруғи асосида нархлар мониторинги;
- Ҳазначилик ҳудудий бўлинмалари томонидан бюджетдан маблағ олувчилар томонидан харид қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари мониторинги молия Вазирлиги томонидан тақдим қилинадиган асосий

истеъмол маҳсулотларининг ойлик ўртача нархлари тўғрисидаги маълумотларга биноан;

- бюджетдан маблағ олувчилар томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш бўйича тузилган шартномаларни рўйхатдан ўтказиш жараёнида Молия вазирлиги томонидан тақдим қилинган маълумотда кўрсатилган нархлардан юқори бўлган нархларда тузилган шартномалар Ғазначилик худудий бўлинмалари томонидан рўйхатга олинмайди.

Белгиланган тартибга кўра, бюджетдан маблағ олувчилар етказиб берувчилар билан шартномалар тузадилар, шунингдек шартномаларга бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметаларида назарда тутилган тегишли режали бюджет маблағлари доирасидагина кўшимча ва ўзгартиришлар киритадилар.

Бюджетдан маблағ олувчилар билан етказиб берувчилар ўртасида тузиладиган шартномалар тегишли молия органларида мажбурий рўйхатдан ўтказилиб, уларга тегишли рақамлар берилиши ва рўйхатдан ўтказиш санаси кўрсатилиши керак.

2.3.2. Нарх-наволар мониторингининг чет эл тажрибаси ва унинг зарурияти.

Ривожланган мамлакатларда давлат бюджетининг ғазначилик ижросида нарх-наво мониторингига алоҳида эътибор берилади. Масалан, Жанубий Кореяда бюджет ташкилотларига маҳсулот (иш, ҳизмат) етказиб берувчиларнинг реестри жорий этилган бўлиб, унга синовдан ўтган ва барча талабларга жавоб берадиган маҳсулот (иш, ҳизмат) етказиб берувчилар киритилади. Ушбу таъминотчилар бюджет маблағлари олувчилар билан тўғридан-тўғри маҳсулот (иш, ҳизмат) етказиб бериш бўйича шартнома тузишлари мумкин.

Жанубий Кореяда бюджет маблағлари самарадорлигини оширишга қаратилган давлат сиёсатининг асосида марказлашмаган харидлар сонини қисқартиришга йўналтирилган, яъни маҳсулотни (иш, ҳизмат) танлаш бюджет маблағлари олувчилар томонидан амалга оширилиб, тўловлар эса марказлаштирилган ҳолда ғазначилик органлари орқали ижро этилади. Бу усул **прокьюремента** усули деб аталади.

Ушбу усулнинг моҳияти қуйидагидан иборат. Ҳозир Жанубий Кореяда ихтисослашган ташкилот – **Марказлаштирилган давлат харидлари агентлиги** ташкил этилган ва унинг асосий вазифаси давлат бюджети маблағлари ҳисобига давлат сектори эҳтиёжлари учун маҳсулот (иш, ҳизмат) харид этиш ҳисобланади.

Ушбу агентликнинг асосини бюджет маблағлари олувчилар ва маҳсулот (иш, ҳизмат) етказиб берувчилар тўғрисида маълумот тўпланган электрон база ҳисобланади. Унга маҳсулот (иш, ҳизмат) етказиб берувчи фирмалар тўғрисида барча маълумотлар киритилган бўлиб, бу ўз навбатида бюджет маблағларидан фойдаланиш жараёнини доимий назорат қилиш имкониятини беради. Ушбу электрон базага 30 мингдан ортиқ давлат ташкилотлари ва 110 мингдан ортиқ маҳсулот (иш, ҳизмат) етказиб берувчи тижорат ташкилотлари тўғрисида маълумотлар киритилган.

Ушбу электрон система on-line тизимида Internet орқали ишлайди ва 200 га яқин белгиланган хужжатлар асосида электрон имзо орқали тўлов жараёнини амалга ошириш имкониятини беради. Масалан, 2007 йилда ушбу марказлаштирилган электрон “магазин” орқали 24 млрд. АҚШ доллари миқдорида тўловлар амалга оширилган.

Электрон система орқали тендерлар ва конкурслар амалга оширилиши ҳамда унинг иштирокчиларига тегишли маълумотлар етказиб берилиши мумкин. Бу ўз навбатида “битта дераза” орқали харидларни амалга ошириш, танлов муддатларини қисқартириш, хужжатлар сонини камайтириш ва давлат эҳтиёжлари учун қилинаётган харидларни ошкоралигини (шаффофлигини) таъминлайди ҳамда тадбиркорларга тенг имконият яратади.

Республикамизда ғазначилик тизимини жорий этилишининг асосий мақсади бюджет маблағлари самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Бу борада биз чет мамлакатларда жорий этилган самарали усуллардан фойдаланишимиз лозим.

Шунинг учун келгусида ғазначиликда бюджет ташкилотлари томонидан сотиб олинувчи маҳсулот нархлари тўғрисида электрон маълумотлар базасини шакллантириш, уни тузиш ва янгилаб боришда Республика товар хом ашё биржасидаги нархлар котировкасини, Давлат Божхона кўмитаси маълумотлар базасини маълумотларини ҳисобга олиш ҳамда республикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни (иш, хизматлар) харид этиш тавсия этилади.

Шу билан бирга республикада чоп этилаётган ихтисослаштирилган реклама нашрларини кўпайтириш, унинг турларини (электрон, телевидения, радио ва бошқалар) кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

2.4. Давлат бюджетининг ғазначилик ижросида бюджет маблағлари харажатларининг касса ижроси ва назоратини амалга ошириш

Режа: 2.4.1. Ғазначиликда бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш тартиби. 2.4.2. Ғазначиликда бюджет ижросини назоратга олиш тартиби. 2.4.3. Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси назоратида Ягона ғазначилик ҳисоб рақамининг ўрни. 2.4.4. Ғазначилик тизими жорий этилишининг дастлабки натижалари.

2.4.1. Ғазначиликда бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш тартиби.

Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси жорий этилиши муносабати билан бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш ва касса ижроси тартибига ўзгартиришлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414 – сонли "Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида" қарори билан:

- бюджет ташкилотлари харажатларини Давлат бюджетидан маблағ билан таъминлаш тартиби;

- бюджет ташкилотлари томонидан Давлат бюджетидан олинган маблағларнинг сарфланиши тартиби;

- бюджет ташкилотини ривожлантириш жамгармасини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби;
- бюджетдан ажратилган маблағларни ва бюджетдан ташқари маблағларни ҳисобга олиш тартиби;
- бюджет ташкилотлари харажатлари ижросини назорат қилиш тартиби;
- бюджет ташкилотлари раҳбарлари ва молия органлари ваколатли ходимларининг жавобгарлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Халқ таълими муассасаларини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида" 2007 йил 26 февралдаги ПФ-3857-сон Фармонида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 19 июлдаги 148-сонли қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг "Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида" 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ҳукуматнинг ушбу қарорига биноан бюджет ташкилотларини харажатларини молиялаштириш (тўлаш) тартибига ўзгартиришлар киритилди.

Мазкур Тартиб Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларга татбиқ этилади. Мустақил равишда хўжалик ҳисоби фаолиятини юритувчи, бюджетдан белгиланган тартибда дотация ва маблағлар олувчи вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларга нисбатан мазкур Тартиб ижро тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш (тўлаш) нинг тартиби:

- бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва аниқ фойдаланиш ҳамда бюджет интизомини мустаҳкамлаш учун бюджет ташкилотлари раҳбарларининг мустақиллигини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш;
- бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш (тўлаш) механизмини соддалаштириш ва ушбу маблағлардан фойдаланишда юқори натижаларга эришиш мақсадида мавжуд маблағларни оқилона тақсимлаш учун имкониятлар яратиш;
- иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни, иш ҳақиға қўшимчалар, капитал қўйилмалар ва бошқа харажатларни гуруҳлаган ҳолда бир сатрда маблағ билан таъминлаш усулида бюджет ташкилотларини нормативлар бўйича (фаолият турига кўра) бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш (тўлаш)нинг янги тартибини жорий этиш, ғазна ижросига ўтган, харажатлари моддалар бўйича амалга ошириладиган бюджет ташкилотлари бундан мустасно;
- Давлат бюджетидан маблағ олувчиларнинг маблағларни сарфлашлари устидан дастлабки ва жорий назоратни таъминлаш;
- бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш (тўлаш)ни уларнинг фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятини кенгайтириш билан бирга қўшиб олиб бориш;

• бюджет ташкилотлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш ва кадрларнинг ўрнашиб қолиши учун шарт-шароитлар яратишни назарда тутади.

Давлат мудофаа қобилиятини, хавфсизлигини таъминлаш, мамлакатда ички тартибни сақлаш ва бошқалар билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш (тўлаш) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Давлат бюджети маблағи ҳисобига харажатларнинг қуйидаги гуруҳлари таъминланади:

I. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (болали оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, стипендиялар ва бошқалар);

II. Иш ҳақига қўшимчалар;

III. Капитал қўйилмалар (Давлат инвестиция дастурида назарда тутилган аниқ рўйхатларга мувофиқ);

IV. Бошқа харажатлар.

Ғазна ижросига ўтган бюджет ташкилотларининг харажатлари Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ягона ғазна ҳисоб рақамидан, шунингдек юқорида кўрсатилган харажатлар гуруҳларининг ҳар бир моддаси бўйича ҳудудий ғазначилик ҳисоб рақамидан амалга оширилади.

Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш (тўлаш) бюджет ижроси жараёнида харажатлар рўйхати ва сметасига киритиладиган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда тегишли йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига ҳамда бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларига мувофиқ тузилган бюджет харажатларининг чораклар бўйича тақсимланган йиллик рўйхатига биноан амалга оширилади.

Бюджет ташкилотлари смета ва штатлар жадвалини бюджетдан маблағ билан таъминлаш нормативлари асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил равишда ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар.

Сметалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг амалдаги таснифномасига мувофиқ харажатларнинг тўлиқ ёйилмаси илова қилинган ҳолда харажатнинг иқтисодий таснифига биноан харажатларнинг тўрт гуруҳи бўйича тузилади.

Илова сметанинг ажралмас қисми ҳисобланади, у сметанинг прогноз ҳисоб-китобларини асослаш учун хизмат қилади ва ҳисобот мақсадлари учун фойдаланилади.

Халқ таълими муассасалари бўйича харажатлар сметаси ва штатлар жадвали ҳудудий молия органлари билан биргаликда тузилади.

Бюджет ташкилотлари тасдиқланган смета ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ёки унинг ҳудудий молия органларига тақдим этадилар.

Тасдиқланган смета ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш, иловаларни келишиш тақдим этилган ҳужжатларнинг тасдиқланган бюджет харажатлари

лимитларига ва нормативларига ҳамда бюджет параметрларига мувофиқлиги таҳлили асосида тегишли молия органларида қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларининг тасдиқланган сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш мазкур бюджет ташкилоти харажатларини молиялаштириш (тўлаш), бюджет параметрлари тасдиқланган пайтдан бошлаб 40 кундан кечиктирмай тегишли молия органлари томонидан амалга оширилиши лозим.

Бюджет ташкилотларининг тасдиқланган харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини, шунингдек амалдаги смета ва штатлар жадвалига киритиладиган ўзгартиришлар улар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида ёки ҳудудий молия органларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг ижро учун киритилади.

Харажатлар сметаси ва штатлар жадвалига киритиладиган ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари билан келишилади.

Биринчи навбатда бюджет ташкилотларининг I - ва II - гуруҳларига киритилган харажатлари молиялаштирилади (тўланади). Бунда харажатларнинг II - гуруҳига тегишли маблағ ўтказилгандан кейин I - гуруҳ харажатларини амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Бюджет ташкилотининг ягона ғазна ҳисоб рақамида, шунингдек ҳудудий ғазначилик ҳисоб рақамида биринчи ва иккинчи гуруҳлар бўйича тўланмаган харажатлар суммасидан ортиқ маблағлар мавжуд бўлса, шу сумма миқдорида учинчи ва тўртинчи гуруҳлар бўйича харажат қилишга рухсат этилади.

Капитал қўйилмаларга ажратмалар жорий бюджет йили учун тасдиқланган Республика инвестиция дастурига асосан қурилишларнинг аниқ рўйхатларига ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ажратилади.

Ғазначилик томонидан хизмат кўрсатиладиган буюртмачилар объектлари қурилишига Давлат бюджетидан назарда тутилган харажатлар Ғазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг жорий йилга тасдиқланган Инвестиция дастурига ҳамда қурилишларнинг аниқ рўйхатига мувофиқ, буюртмачиларнинг Молия вазирлигининг Ғазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган шартномаларига асосан тўланади.

Харажатларнинг I - ва II - гуруҳларини республика ва маҳаллий бюджетлардан харажатларини молиялаштириш (тўлаш) сметаларга ва бюджет харажатлари рўйхатларига, уларга киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек олдинги ҳисобот даври учун белгиланган баҳолаш кўрсаткичларининг бажарилишига мувофиқ ҳар ойда амалга оширилади.

Капитал қўйилмаларни ва бошқа харажатларини молиялаштириш (тўлаш) бюджетга маблағлар тушишига қараб ҳар ойда амалга оширилади.

Бюджет ташкилотлари харажатларини:

республика бюджетидан маблағ билан таъминлаш (тўлаш) - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида белгиланган шаклдаги мақсадли сертификат (унда бюджет таснифномаси параграфлари ва харажатлар гуруҳларини

кўрсатган ҳолда) ва харажатларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича бир сатрда маблағ ўтказиш учун тўлов қоғози билан расмийлаштирилади;

маҳаллий бюджетлардан маблағ билан таъминлаш (тўлаш) - тегишли молия органларида белгиланган шаклдаги тайинлаш сертификати ва харажатларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича бир сатрда маблағ ўтказиш учун тўлов қоғози билан расмийлаштирилади.

Ғазна ижросига ўтган бюджет маблағи олувчилар бўйича харажатларни тўлаш:

республика бюджетидан - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан рўйхатдан ўтказилган шартномалар ёки бюджет маблағларини юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиш мажбуриятини юклайдиган бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади;

Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлардан - Молия вазирлиги Ғазначилигининг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан рўйхатдан ўтказилган шартномалар ёки бюджет маблағларини юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиш мажбуриятини юклайдиган бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Ўтган йиллар дебиторлик қарзларининг қайтарилган суммаси, асосий воситаларни ва бошқа товар-моддий бойликларни сотишдан тушган сумма (бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига сотиб олинганлари бундан мустасно) тегишли бюджетлар даромадига ўтказилади.

2.4.2. Ғазначиликда бюджет ижросини назоратга олиш тартиби.

Давлат бюджетининг ғазначилик ижросида бюджет маблағлари ижроси назоратига ва касса ижросига алоҳида эътибор берилади.

Ғазначилик тизимида Давлат бюджети ижроси устидан дастлабки ва жорий назорат амалга оширилади.

Дастлабки назорат:

1. Бюджет маблағлари олувчилар харажат сметалари ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинишида ва харажат сметаларига ўзгартириш киритилганда ғазначиликнинг тегишли ходимлари томонидан амалга оширилади. Дастлабки назоратни амалга ошириш молия ва ғазначилик органларининг узаро ҳамкорлик билан ишлашларини талаб этилади. Улар ўртасидаги вазифаларни тақсимлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 30 августдаги 119 - сонли буйруғига асосан қуйидаги тартибда амалга оширилади.

1. Жорий назорат ва уни субъекти:

Жорий назорат Ғазначилик бўлимларининг тегишли ходимлари томонидан юридик мажбуриятларни рўйхатга олишда ва тўловларни амалга оширишда амалга оширилади.

2. Жорий назорат объекти:

Жорий назорат объеклари бу тўлов жараёнларида фойдаланиладиган бошланғич ҳужжатлар (кирувчи ва чиқувчи) бўлиб, улар қуйидаги мақсадларда текширилади:

- ғазначиликга тақдим этилаётган хужжатларни белгиланган тартибларга мувофиқлиги (реквизитлар, манзиллар ва бошқалар);
- уларда бюджет таснифи кўрсаткичларидан тўғри фойдаланилганлиги;
- белгиланган режали ажратмаларга (лимитларга) мувофиқлиги;
- назоратнинг бошқа кўрсаткичлари.

3. Жорий назорат мақсадлари:

Бюджетнинг тасдиқланган параметрлар (лимитлар) доирасида ижро этилишини таъминлаш.

Бюджет маблағлари олувчилар томонидан бюджет маблағларидан тўғри фойдаланишини таъминлаш ва молиявий суистеъмолликларни олдини олиш.

Жорий назорат ғазначилик бўлинмаларининг тегишли бўлим (сектор) ходимлари томонидан амалга оширилади.

4. Назорат объектлари:

Назорат объектлари - Давлат бюджети ижроси мабойнида ғазначилик томонидан бюджет ижроси жараёни билан боғлиқ барча молиявий операциялар ҳисобланади.

5. Назоратнинг мақсадлари:

- Давлат бюджетининг ижроси мабойнида бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш, суистеъмолликни олдини олиш, бюджет ижроси жараёнлари самарадорлигини доимий мониторинг қилиш ва бюджет харажатлари устидан назоратни кучайтириш;

- Давлат бюджетини ижро қилиниши жараёнида қўлланиладиган хужжатларнинг айланиш жараёнини мукамаллаштириш ва мужассамлаштириш;

- Давлат бюджети ижросида иштирок этадиган барча тизимлар фаолияти самарадорлигининг оширишдан иборат.

Ғазначилик органлари томонидан ушбу вазифаларни амалга оширишда давлат бошқарувининг тегишли органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда ижро этади. Белгиланган тартибга кўра мазкур органлар ва ташкилотлар Давлат бюджетининг касса ижросини амалга оширишда, унинг маблағларини бошқаришда, Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга оширишда ғазначилик органларига кўмаклашиши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Ғазначилик органлари ўз иш фаолиятида давлат солиқ, божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар, Давлат бюджетида маблағлар олиши назарда тутилган юридик шахслар, шунингдек бюджет жараёнининг бошқа иштирокчилари Давлат бюджетининг ғазна ижросига тегишли маълумотларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда алмашиб турадилар.

Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар, Давлат бюджетида маблағлар назарда тутилган юридик шахслар, шунингдек бюджет

жараёнининг бошқа иштирокчилари ғазначиликка тақдим этиладиган маълумотларнинг тўғрилиги ва асослилиги учун жавобгар ҳисобланадилар.

Давлат бюджетининг ғазна ижросини амалга оширишда ташкил этиладиган ягона ғазна ҳисобварағининг алоҳида ўрни бор.

Ягона ғазна ҳисобварағи Ғазначилик томонидан бошқариладиган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очиладиган махсус банк ҳисобварағи бўлиб, бу ҳисобвараққа Давлат бюджети маблағлари (шу жумладан давлат мақсадли жамғармаларини маблағлари) ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари киритилади. Ягона ғазна ҳисобварағидан Давлат бюджетидан маблағлар берилиши назарда тутилган юридик ва жисмоний шахсларнинг харажатлари тўланади, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари амалга оширилади.

Ғазначилик Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ва бошқа банкларда тегишли банк ҳисобварақлари очиши ва у орқали тўловларни амалга ошириши мумкин.

Ғазначиликнинг банк ҳисобварақларидаги бюджет маблағларидан сўзсиз тартибда тўловларни амалга ошириш ва ҳисобдан чиқаришга йўл қўйилмайди.

Ғазначилик тизимида давлат бюджетига тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар ягона ғазна ҳисобварағига киритилиб, улар белгиланган тартибда республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари даромадларида акс эттирилади. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳам ягона ғазна ҳисобварағига киритилиб, улар мазкур ташкилотларнинг даромадларида акс эттирилади.

Давлат бюджетига чет эл валютасида тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек бюджет ташкилотларининг чет эл валютасида тушадиган бюджетдан ташқари маблағлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилган бўлмаса, Ғазначиликнинг банкдаги валюта ҳисобварақларига киритилади ва унинг назорати амалга оширилади.

Давлат бюджетининг ғазначилик ижросида бюджет харажатларини назоратга олишга алоҳида эътибор берилади. Бу борада Давлат эҳтиёжлари хариди учун қилинадиган тўловлар муҳим аҳамият касб этади. Давлат бюджетининг харажатлари ягона ғазна ҳисобварағи ёки Ғазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидан белгиланган муддатларда ва тегишинча республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджет, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг қолдиқлари доирасида амалга оширилади.

Ғазначилик органлари тамонидан ягона ғазна ҳисобварағидаги ва Ғазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидаги Давлат бюджети маблағлари бюджет маблағлари тўловлари кўзда тутилган харажатларни белгиланган муддатларда ва тартибда амалга оширилади. Шунингдек, Давлат бюджети бўш маблағлари банк депозитлари ва бошқа активларга вақтинча жойлаштириш ҳамда улар ҳисобидан республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси

бюджетига, маҳаллий бюджетга, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларига бюджет ссудалари бериш орқали ҳам бошқариб борилади.

Республикада ғазначилик тизими жорий этилиши вақтинчалик ҳаракатда бўлмаган бюджетнинг эркин маблағларини, самарали молия бозорларида жойлаштириб, ундан олинган даромадни эса бюджет харажатларини тўлиқ молиялаштиришга, бюджет тақчиллигини камайтиришга ва давлат қарзлари тўловига йўналтириши мумкин.

Ғазначилик тизимининг фаолияти давлат молиявий ресурсларини сафарбар қилиш орқали давлат харажатларини бошқаришни мувофиқлаштиришдан ташқари, улар устидан самарали назорат ташкил қилиш имконини ҳам беради. Ғазначилик тизимида қилинаётган харажатларнинг юқори даражадаги тиниклиги (шаффофлиги) ва ҳисоботга тортилишлигига эришилади.

6. Ғазначиликда бюджет рухсатномаларини бошқариш:

Давлат бюджетини тайёрлаш, тасдиқлаш, ижро қилиш ҳалқаро андозаларга мос келувчи янги бюджет таснифи асосида қабул қилинади;

Банк тизими билан боғлиқ операцияларни ўзгариши муносабати билан мавжуд тайинлаш сертификатларини бекор қилинади.

Бюджет харажатларини амалга ошириш бошқарилишини мужассамлаштириш мақсадида:

- тегишли бюджет ва Давлат мақсадли жамғармаларидан харажатларнинг тегишли рухсат орқали амалга оширилиши ҳамда уларнинг ҳажми йиллик ажратмалар ва харажатларни амалга ошириш рухсати (ХАОР) миқдоридан ошмаслиги керак;

- бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари харажатлари тегишли рухсат асосида амалга оширилиши ҳамда бюджетдан ташқари даромадлар ҳажми доирасида амалга оширилади;

- мақсадли грантлар ва давлат қарзлари ҳисобига молиялаштирилувчи харажатлар учун харажатлар тегишли рухсат ва амалдаги ҳуқуқий меъёрлар ва қўлланмалар асосида амалга оширилади ва мавжуд маблағлар доирасида ғазначилик органларининг тегишли рухсати асосида амалга оширилади.

7. Тўловни амалга ошириш. Ғазначиликда тўловларини амалга ошириш бюджет маблағлари олувчиларнинг юридик мажбуриятларни олиши асосида молиявий мажбуриятларни бажариш деб тушунилади.

Ғазначилик тизимида Давлат бюджети даромадларини бошқаришга ҳам алоҳида эътибор берилади ва унинг асосий механизми қуйидагичадир.

Амалга оширилаётган операциялар бўйича кодлаштирилган ва таснифланган маълумотлар Давлат Молиясини Бошқариш Автоматик Тизими (ДМБАТ) автоматик равишда юкланади, бу эса даромадларни таснифлар, ҳудудий белгилари, солиқ тўловчилар ва ташкилотлар бўйича аниқлаш имконини беради.

Даромадлар автоматик равишда тегишли бюджетларга белгиланган нормативлар асосида ўтказилади.

Даромадларнинг йиллик ва ойлик прогноз қилиш билан боғлиқ тадбирлар механизми ўзгаришсиз қолади, тушумларни ўтказиш эса давлат молиясини бошқаришни ахборот тизими (ДМБАТ) орқали амалга оширилади.

Ғазначиликда кассани режалаштириш ва бошқаришдан асосий мақсад:

- бюджет ижросининг ўз вақтида бажарилиши;
- бюджет маблағлари олувчиларнинг кредит қобилиятини ўсишини таъминлаш;
- бюджет харажатларини оптималлаштириш;
- кассанинг ҳолати ва касса оқимлари тўғрисида тезкор маълумотга эга бўлиш ва молиявий қарорларни қабул қилишда улардан фойдалана олиш имкониятини беради.

8. Кассани бошқаришни такомиллаштириш:

- бюджет ташкилотларининг барча бюджетларини ўз вақтида ижро қилишни таъминлаш;
- маҳсулот (иш, хизмат) етказиб берувчиларга бюджет тўловларини ўз вақтида амалга ошириш ҳисобига уларнинг молиявий аҳволини мужассамлаштириш:
- бюджет ташкилотларининг кредиторлик қарзларини, маҳсулот (иш, хизмат) етказиб берувчиларни дебиторлик қарзларини ошишини олдини олиш:
- харажатларни ва тушумларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни, шу жумладан фоизларни тўлаш билан боғлиқ қўшимча харажатларни камайтириш имкониятини беради.

Ғазначилик тизимида касса ижросини амалга ошириш банк бошқаруви тизимида қуйидаги ислоҳатларни амалга оширилишини талаб этади:

- бюджет ташкилотларининг барча банк ҳисоб рақамлари Ягона ғазначилик ҳисоб рақамига (ЯҒҲР) бирлаштирилади;
- бюджетни ижро қилишдаги банк ва бухгалтерия билан боғлиқ тартиблар ғазначилик тизими хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади;
- бюджет ижросининг бухгалтерия ҳисоби ғазначилик (ДМБАТ) орқали амалга оширилади;
- бюджет ташкилотларининг банк ҳисоб рақамлари сони кескин қисқаради;
- бюджет ташкилотларини банклараро ҳисоб-китобларини таҳлил этиш эҳтиёжи қолмайди.

2.4.3. Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси назоратида Ягона ғазначилик ҳисоб рақамининг ўрни.

Давлат бюджетининг ғазначилик ижросида Ягона ғазначилик ҳисоб рақами муҳим ўрин тутади. Ягона ғазначилик ҳисоб рақами (ЯҒҲР) – бу сўм ҳисобидаги ҳисоб рақам бўлиб, у Марказий банкда очилади. У давлат бюджетининг барча даромадлари келиб тушадиган ҳамда барча харажатларни амалга оширадиган ҳисоб рақамдир. Яни, барча бюджет ташкилотлари ўз операцияларини ЯҒҲР орқали амалга оширадидлар.

Мавжуд қонунчилик асосида, ғазначилик ЯҲРга қўшимча равишда бошқа сўм ва валюта ҳисобидаги ҳисоб рақамларни Марказий банкда ёки Ўзбекистон ва чет мамлакатлардаги тижорат банкларида очиши мумкин. Бироқ бу ҳисоб рақамлар ЯҒҲРнинг ажралмас қисми ҳисобланмайди ва ундаги маблағлар ҳаракати алоҳида назорат қилинади.

ЯҒХРга қуйидаги тушумлар келиб тушади ва харажатлар амалга оширилади:

ТУШУМЛАР:

- умумдавлат солиқлари;
- маҳаллий бюджет даромадлари;
- жисмоний шахсларнинг бюджетга тўловлари;
- божхона тўловлари;
- махсус йиғимлар маблағлари;
- давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар;
- бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари тушумлари;
- муддатли депозитлар қайтарилган суммалар, шу жумладан фоизлар;
- давлат қисқа муддатли облигацияларини ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни сотишдан тушган маблағлар;
- давлат бюджетининг валюта тушумлари.

ХАРАЖАТЛАР:

- давлат бюджетининг режалаштирилган харажатлари;
- давлат қарзлари бўйича банк кредитлари учун фоиз тўловлари;
- нотўғри ёки ортиқча тўланган солиқларни қайтариш;
- бюджет ташкилотлари томонидан олинган нақд пул харажатларини қоплаш учун маблағлар;
- муддатли омонат жамғармаларига бюджет маблағларини қўйиш;
- қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш.

2.4.4. Ғазначилик тизими жорий этилишининг дастлабки натижалари.

1. Ғазначиликнинг элементларини жорий этиш, яъни шартнома ва ҳисоб-фактураларни рўйхатдан ўтказиш тартиби орқали:

- бюджет маблағлари олувчилар шартномаларининг уларнинг харажатлар сметасига мутаносиблиги таъминланди;
- бюджет маблағлари олувчиларнинг кредиторлик қарздорлиги даражаси каттиқ назоратга олинди;
- бюджетда белгиланган мақсадларга зид харажатларга барҳам берилди ва бюджет маблағларининг фақат харажатлар сметасида кўзда тутилган мақсадларга йўналтирилиши таъминланди;
- шартномаларда нархлар даражаси назоратга олинди ва уларнинг ўрнатилган меъёрий талабларга жавоб бериши таъминланди;
- бюджет маблағларини ишлатиш устидан дастлабки ва доимий жорий назорат ўрнатилди;
- бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш муддатлари қисқарди

Давлат бюджетининг ғазначилик ижросида касса нақдлиги кирим ва чиқимлари оқимини мутаносиблигини бюджетдаги харажатлар ва бюджет ижроси (ёйилма-смета) режаларини истиқболлаш асосида таъминлаб борилади. У касса нақдлигини меъёрлаштириш ҳисобига харажатлар сметасига ўзгартиришлар киритишни олдини олади. Аммо иқтисодий шароитларни

ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда касса нақдлиги ҳар ойда мувофиқлаштириб бориш лозим.

Бунинг учун ҳар ойда касса нақдлиги режалари тайёрланади ва бу ҳақда бюджет ташкилотлари белгиланган тартибда хабардор қилиб борилади. Айрим мамлакатларда бюджет ташкилотларини касса лимитлари ҳақида хабардор қилиш учун йўриқномалар/сертификатлар амалиёти жорий қилинган. Ғазнанинг Бош бўғини (ёки вилоятлар ва туманлар бюджетлари бўйича ҳудудий бўғинлар) барча агентлари учун (тармоқ вазирликлари, вилоятлар тармоқ департаментлари) ҳар ойда касса лимитини кўрсатадиган сертификатлар чиқариб боради.

Бюджет ташкилотлари келгусида ҳам тўловларни амалга ошираверади, аммо бу тўлов хабарномалари банкларга туғридан-туғри топширилиши ўрнига ғазна бўлимларига назорат учун жунатилади. Ғазна назорати фақат мувофиқлаштирувчи назорат бўлади. Ғазна мазкур тўловни амалга ошириш учун ҳақиқатда тўлов хабарномаси туғри асосланганлигини (сметалар, касса лимитлари ва х.к) текширади.

Ғазна рухсатини олгандан сўнг бюджет ташкилотлари иш ҳақини тўлаш учун ғазнанинг фискал агенти қилиб аниқланган банкдан нақд пул олишлари керак.

Бюджет бўғинлари минтақавий равишда узоқ ёки етиб бориш қийин бўлган жойларда жойлашган ва донорлар томонидан молиялаштириладиган лойиҳалар бўлган алоҳида ҳолатларда қайд қилиб ўтилган амалиётни қўллаши мумкин, яъни ҳар ойлик аванс тўлови аввал ўтказилган маблағ қўлланилишини тасдиқлайдиган ҳисобот олингандан сўнг ўтказилади.

Юқоридагилар билан биргаликда ғазна томонидан юқори ҳажмлардаги шартномавий мажбуриятларни молиявий томондан назорат қилишлик ҳам таклиф этилади, шу жумладан касса нақдлигига бўлган кейинги эҳтиёжларни режалаштириш учун ҳам. Ғазна назорати ажратмалар, сметалар, касса лимитлари, белгиланган ҳажмларга мос келишини ва тўлов ҳужжатларини туғри тўлдиришлиги назоратидан иборат бўлади.

Давлат бюджетининг Ғазначилик ижросига ўтиш иқтисодиёт учун, бюджет тизими учун қуйидаги ижобий натижаларни беради.

Биринчи навбатда қуйи бюджет ташкилотларига маблағларни босқичма – босқич молиялаштириш механизми бекор қилинди. Яъни, маблағларни Молия вазирлигидан вазирликка, вазирликдан вилоят бошқармасига ва ниҳоят бюджет ташкилотига кетма-кет ўтиб келиш механизми тугатилди.

Бугунги кунда бюджет ташкилоти тўловни амалга ошириш учун молиядан ёки ўзининг юқори бюджет ташкилотидан маблағлар келишини кутмасдан туғридан-туғри Ғазначиликка мурожаат қилади ва Ғазначилик бюджет ташкилотининг топшириғига биноан тўловни амалга оширади.

Бундан ташқари, бюджет маблағларининг банклардаги кўплаб ҳисоб-рақамларда сочилиб ётишининг олди олинади ва маблағлар Ғазначилик ҳисоб-рақамларида жамланади. Бу эса бюджет ташкилотлари фаолиятини ўз вақтида молиялаштириш имкониятини беради. Натижада товар (маҳсулот, хизмат) етказиб берувчилар тўловлари ўз вақтида амалга оширилади, бу эса кредитор ва

дебитор қарзларни камайтириш ва ишлаб чиқарувчи ҳамда тадбиркорлар хизматларига ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкониятини беради.

Давлат бюджетининг банк ижроси тизимида бюджет ташкилотларининг 110 мингдан ортиқ банк ҳисоб-рақамлари бўлиб, бу ҳисоб рақамларда ҳар куни ўртача 60 млрд. сўмдан ортиқ бюджет маблағлари қолдиқ сифатида қолар эди.

Ҳазначилик ижросида бюджет ташкилотларининг банклардаги ҳисоб рақамлари ёпилади ва маблағлар Ҳазначилик ҳисоб рақамларида жамланади.

Маблағларнинг Ҳазначилик ҳисоб-рақамларида жамланиши бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасидаги касса узилишларини олдини олиш билан бирга тўловларни амалга ошириш муддатларини, шу жумладан иш ҳақи бўйича тўлов муддатларининг қисқаришига олиб келади.

Амалда бўлган тизимда тўловни амалга оширишга 3 кундан 5 кунгача, иш ҳақини тўлашга 4 кундан 1 ҳафтагача вақт кетган бўлса, Ҳазначиликда тўловлар 1 кунда, иш ҳақини тўлаш 2 кунда амалга оширилади. Иш ҳақини тўлашда 1 - навбатда ягона ижтимоий тўлов ва ходимларнинг даромад солиғи тўланади.

Тўлов муддатларининг қисқариши ўз навбатида бюджет маблағларини айланиш жараёнини тезлаштиради.

Шартномаларни рўйхатдан ўтказиш тартибини жорий этилиши натижасида аввало, шартномаларни харажатлар сметасига мутаносиблиги таъминланади. Яъни, бюджет ташкилотлари қатъий харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар миқдори доирасида шартнома тузадилар.

Шунингдек, бюджет маблағларини фақат харажатлар сметасида кўзда тутилган мақсадларга йўналтирилиши таъминланиб, мақсадсиз харажатларнинг олди олинади.

Бундан ташқари, шартномаларда нархларнинг ошириб кўрсатилишининг олди олинishi билан бирга, шартномаларни ўрнатилган меъёр ва талабларга жавоб бериши таъминланади.

Энди бевосита шартномани рўйхатдан ўтказиш тартиби қандай ишлаши ҳақида гапирадиган бўлсак, бунда аввало бюджет ташкилоти товар (маҳсулот, хизмат) етказиб берувчи билан тузган шартномасини рўйхатдан ўтказиш учун Ҳазначиликка олиб келиб топширади.

Ҳазначиликда шартнома тўғри расмийлаштирилганлиги текширилиб, ҳуқуқшунос хулосаси ўрганилади. Зарур ҳолларда тендер ёки бошқа танлов ҳужжатларини талаб қилинади.

Шартнома белгиланган талабларга жавоб берганда, Ҳазначилик ходими шартноманинг асосий кўрсаткичларини махсус ахборот дастурига киритади.

Ахборот дастури шартномадаги мақсадлар учун шу бюджет ташкилотининг харажатлар сметасида тегишли маблағлар борлигини автоматик равишда текширади ва маълумотлар мувофиқлиги тасдиқлангач шартномани рўйхатдан ўтказиши ва шартномага рўйхатдан ўтказиш рақами беради.

Рўйхатдан ўтказилган шартноманинг бир нусхаси бюджет ташкилотига берилади.

Тўловни амалга ошириш жараёни. Бунда, Ҳазначиликда рўйхатдан ўтган шартномага асосан етказиб берилган товар ва хизматлар бўйича тўловни амалга

ошириш учун бюджет ташкилоти ҳисоб-фактура ва тўлов сўровномасини Ғазначиликка тақдим этади.

Ғазначилик ходими ҳисоб-фактура ва тўлов сўровномасини тўғри расмийлаштирилганлигини текширади ва тўғри бўлса ҳисоб-фактуранинг асосий кўрсаткичларини ахборот дастурига киритади.

Ахборот дастури автоматик равишда ушбу ҳисоб-фактурада ва шартномада кўрсатилган товар ва хизматларнинг тури, баҳоси, миқдори ва умумий қийматининг бир-бирига мослигини ҳамда товар етказиб берувчининг банк реквизитларини солиштириб, уларнинг бир-бирига мослигини текширади.

Ушбу талаблар бажарилгандан кейин, ахборот дастур автоматик равишда электрон тўлов топшириқномасини шакллантиради ва бу тўлов топшириқномаси бўлим бошлиғининг компютерида кўринади.

Бўлим бошлиғи электрон имзосини қўйгандан кейин тегишли маблағ Ғазначиликнинг банкдаги ҳисоб-рақамидан ечилади ва товар етказиб берувчининг ҳисоб-рақамига ўтказилади.

Бу тартибнинг жорий этилиши аванс тўловлари муддатларини назорат қилиш билан бирга, асосиз дебитор қарздорликни юзага келишини ҳам олдини олади.

Мисол учун, шартномага асосан аванс тўлови амалга оширилгандан кейин етказилган товар бўйича белгиланган муддатда ҳисоб-фактура тақдим этилмаса, яъни компютер Дастурига тегишли маълумот киритилмаса Ғазначилик Ахборот дастури бу ҳақда хабар бера бошлайди.

Энди иш ҳақи бўйича тўловларни тўлаш, нақд пул олиш тартиби ҳақида гапирадиган бўлсак, бюджет ташкилоти иш ҳақи учун нақд пул олишга нақд пул сўровномасини расмийлаштириб Ғазначиликка тақдим этади.

Ғазначилик ходими нақд пул сўровномасини тўғри расмийлаштирилганлигини текширади ва тўғри расмийлаштирилган бўлса, маълумотларни Ахборот дастурга (программага) киритади.

Ахборот дастури биринчи навбатда, кўрсатилган мақсад учун харажатлар сметасида маблағларни мавжудлигини ва иккинчидан, иш ҳақидан ажратмалар ва солиқлар бўйича тўловларни тўланганлигини автоматик тарзда текширади ва талаблар бажарилса, барча маълумотлар автоматик равишда тегишли бўлим бошлиғининг компютерида кўринади.

Маълумотлар мувофиқлиги тасдиқланиб, талаблар бажарилгандан кейин, Ғазначилик ходими нақд пул олиш учун чекни расмийлаштиради ва чек маълумотларини ҳам компютерга киритади.

Расмийлаштирилган чекнинг назорат маркаси йиртиб олинади ва чек банкка, унинг назорат маркаси бюджет ташкилотига берилади.

Бюджет ташкилоти чек назорат маркасини банкка тақдим этиб, нақд пул маблағларини олади.

Бу ерда банк ҳам нақд пул бериш жараёнида назоратни амалга оширади, яъни Ғазначиликдан олинган чек ва бюджет ташкилоти тақдим этган чек назорат маркасини бир-бирига мувофиқлигини текширади.

Ҳозирги кунда республикамизда бюджет ижросининг барча босқичлари, яъни харажатлар сметасидан тортиб, шартномаларни рўйхатдан ўтказиш,

ҳисоб-фактураларни ҳисобга олиш, тўловни амалга ошириш ва ҳисоботларни тайёрлаш жараёнларини қамраб олган Ғазначиликнинг махсус ахборот дастури яратилди.

Шартномани рўйхатдан ўтказиш, ҳисоб-фактурани ҳисобга олиш ва тўловни амалга оширишда автоматик назорат йўлга қўйилди.

Ушбу ахборот дастуридан фойдаланиш орқали Ғазначилик-банк ҳисоб-рақамини электрон бошқаришга эришилди.

Яъни тўловлар электрон тўлов топшириқномаси орқали тўланадиган ва банкдаги ҳисоб-рақамдан кўчирмалар ҳам электрон тарзда олинадиган бўлди.

Бунда тўлов топшириқномаларини банкка олиб бориш, ундан банк кўчирмаларини олишга барҳам берилди ва бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш масалалари енгиллаштирилди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган натижаларга тўлиқ эришиш учун замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда Ғазначиликнинг марказлашган ахборот тизими яратилади ва барча жараёнлар автоматлаштирилади. Бу эса ўз навбатида бюджет ижроси самарадорлигини ошириб, бюджет маблағлари олувчилар харажатларининг тўловини ўз вақтида амалга ошириш, бюджет ташкилотларларини кредиторлик қарзларини бартараф этиш имкониятини беради.

Давлат бюджетининг Ғазначилик ижроси бўйича барча маълумотларнинг ягона ахборот базасида жамланганлиги биринчидан, ҳисоботларни тайёрлаш муддатларини қисқартириб, сифатини ошишига олиб келса, иккинчидан, қисқа муддатларда турли даражадаги бюджетларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотларни таҳлил этиш, уларни назорат қилиш ва тезкор бошқариш имкониятини юзага келтиради.

2.5. Ғазначиликда бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларига ўзгартиришлар киритиш тартиби

Режа: 2.5.1. Харажатлар сметасининг тузиш тартиби. 2.5.2. Харажатлар сметасини қайта кўриб чиқиш тартиби. 2.5.3. Харажатлар сметасининг тасдиқлаш. 2.5.4. Харажатлар сметасининг чораклик, йиллик миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тартиби.

2.5.1. Харажатлар сметасининг тузиш тартиби.

Ҳар бир ташкилот, муассаса молиялаштириш манбаси қайси даражадаги бюджет бўлишидан қатъий назар (республика бюджети, ҚР, вилоятлар, Тошкент шаҳри бюджети ёки шаҳар ва туман маҳаллий бюджети) муайян бир давр учун тасдиқланган харажатлар сметаси асосида молиялаштирилади.

Бюджет маблағларнинг корхона ва муассасалар ўз асосий фаолиятини амалга ошириши, тўлақонли ўзига юклатилган мажбуриятларни бажариши улар тузаётган сметаларни эҳтиёждан келиб чиқиб, талаб даражасида, маблағларнинг мақсадли ва бу маблағларда самарали фойдаланиш асосида режалаштирилаётган смета харажатларига боғлиқ.

Ташкилот ва муассасалар ўз ҳисобхонасига эга бўлиши ёки марказлашган ҳисобхоналар томонидан ҳисоб китоб ишлари юритилишидан қатъий назар ўз индивидуал харажатлар сметасига эга бўладилар.

Бюджет ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 19 июлдаги 148-сонли қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарорига киритилган ўзгартириш ва кўшимчалар асосида амалга оширилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги томонидан тасдиқланган бюджетдан молиялаштириш нормативларига асосланган ҳолда тасдиқланган намунавий штатлар асосида сметалар, шунингдек штатлар жадваллари мустақил ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Бюджет маблағларининг тасдиқланган сметалари бўлмаган ҳолда, ёки сметаларда кўрсатилмаган тадбирларга маблағлар йўналтирилишга ундалса, ҳамда умумий смета бўйича, харажатларнинг алоҳида турлари бўйича смета йўналишидан ортиқча бўлган суммалар харажатлари - тақиқланади.

Доимий фаолият кўрсатувчи бюджет ташкилотлари бўйича сметалар бир йиллик муддатга 1 январдан 31 декабргача тузилади ва амал қилади. Жорий йилда ишга тушириладиган ёки мавсумий ташкилотлар бўйича эса уларнинг бюджет йилида ишлаган муддатига тузилади.

Бюджет маблағини олувчилар Ғазначилик тизими билан босқичма босқич камраб олинаётганлиги сабабли харажатлар сметалари ойма-ой тақсимланиши керак бўлади. Ғазначилик бўлинмаларида йил бошида жорий йил учун смета харажатлари тасдиқланиб рўйхатдан ўтгунга қадар ўтган йилги 4-чорак харажатлари режасидан келиб чиқиб тузилган Вақтинчалик сметалар асосида иш олиб борилади. Ушбу Вақтинчалик сметалар ҳам молия органи томонидан тасдиқланган ҳолда ўтган йилнинг декабр ойи охиригача Ғазначилик органига кўндирилиши шарт.

Сметалар Ўзбекистон республикаси Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг амалдаги таснифига мувофиқ харажатлар гуруҳи бўйича бошқа харажатлар ва уларнинг ҳисоб-китобинини ўз ичига олган тўлиқ ёйилмаси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган шакллар асосида тузилади.

Сметалар бўйича харажатларни ҳисоблаб чиқиш маблағларга бўлган эҳтиёжга мувофиқ иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш кўрсаткичларини ва иқтисод қилишнинг қатъий тартибини амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Бюджет харажатларни ҳисоблаб чиқиш қуйидаги ҳуқуқий-меърий ҳужжатлар асосида:

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Президент фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг идоравий меърий ҳужжатларига;

- бюджет ташкилотларини харажатларини реаллаштиришнинг норматив услубига;

- товар ва хизматларнинг давлат томонидан тартибга солинадиган баҳолари ва тарифларига, шунингдек нодавлат корхоналари ва ташкилотларининг айрим товарлари ва хизматлари баҳоларига;

- Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идораларининг раҳбарлари тегишли ҳокимиятларнинг бошқармалари ва бўлимлари раҳбарларининг ўзига қарашли ташкилотларнинг келгуси йил учун сметаларини тузиш масалалари бўйича кўрсатмалари ва таклифларига, агарда улар қонун ҳужжатларига зид бўлмаса, амалга оширилади.

Жумладан:

- сметага иш ҳақи учун маблағлар бюджет тўғрисидаги маошлар ва иш ҳақи ставкалари ва уларга қўшимча тўловлардан, амалдаги намунавий штатлар ва нормативларга риоя қилишдан келиб чиқиб, киритилади. Хўжалик усули билан бажариладиган ишлар учун иш ҳақи сметаларига бюджет йили харажатлар сметасида кўзда тутилган иш ҳажмларидан келиб чиқиб киритилади;

- педагоглар иш ҳақи учун маблағларни ажратишда, қонун ҳужжатларида белгиланган иш ҳақи ставкаларидан ҳамда ўқув ҳажмига мувофиқ тузилган ўқув режаси, тасдиқланган тарификацияга мувофиқ дафтар текшириш ва синф раҳбарлиги учун қўшимча ҳақ тўлаш меъёрларидан ва хоказолардан келиб чиқиши керак;

- ходимларнинг иш ҳақидан давлат ижтимоий суғуртасига ўтказиладиган харажатлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган барча иш ҳақидан олинадиган, қайсики қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ижтимоий суғурта бадаллари тўланадиган суғурта тўловлари тарифларига асосан сметага киритилади.

- коммунал хизматлар учун хўжалик харажатлари коммунал хизматлар учун амалдаги баҳо ва тарифлар асосида ҳисобланади;

- олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, касб-хунар техника билим юртлари, курслар ўқувчилари ва талабалари, аспирантлар ва докторантлар стипендияларига кетадиган харажатлар, стипендиялар миқдори ва амалдаги стипендия таъминоти тартибидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади;

- даволаш, болалар ва бошқа ижтимоий маданий ташкилотларда овқатланишга кетадиган харажатлар қонун ҳужжатлари билан тасдиқланган ташкилотларнинг айрим турлари учун белгиланган овқатланиш меъёрлари овқатланиш кунининг сонидан келиб чиқиб ҳисобланади;

- дори-дармонларга кетадиган харажатлар қонун ҳужжатлари билан белгиланган пул харажатлари меъёрига қараб;

- ижтимоий-маданий ташкилотларнинг айрим гуруҳи учун кийим-кечак, пояфзал, чойшаб, ётиш анжомлари ва бошқа юмшоқ буюмлар сотиб олишга кетадиган харажатлар, моддий таъминотнинг амалдаги меъёрлар нормалари асосида, лекин ажратилган маблағлар доирасида ҳисобланади;

Юридик шахс мақомига эга бўлган ва харажатларнинг бюджет маблағларидан ташқари қоплашнинг бошқа манбаъларига эга бўлган ташкилотлар ҳам қўшимча даромадлар ва улардан келиб чиқадиган харажатларга сметалар тузадилар.

Туман, шаҳар, шаҳарга бўйсинувчи туманлар бюджетларида турувчи ва марказлашган бухгалтериялар орқали хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар бўйича, айрим холларда умумий харажатлар сметалари (умуман бюджет таснифининг тегишли параграфи бўйича):

- бир турдаги кичик ташкилотлар бўйича – ветеринария участка ва пунктлари, қишлоқ клублари, кутубхоналар, фельдшер-акушерлик пунктлари ва кичик ташкилотлар бўйича;

- бир турдаги йирик ташкилотлар бўйича, қачонки уларга хўжалик хизматларини кўрсатиш марказлашган холда хўжалик хизматларини кўрсатишнинг махсус гуруҳлари орқали амалга оширилса;

- тегишли ҳокимиятларнинг аппаратини ва уларнинг бўлимларини сақлашга тузилиши мумкин.

Умумий смета бир турдаги ташкилотлар гуруҳини сақлаш харажатларига бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг ҳажмини мақсадли йўналишини ва чораклар бўйича тақсимотини белгиловчи хужжат бўлиб ҳисобланади.

Туманлар, шаҳарлар ҳокимиятларининг тегишли бошқарма ва бўлимлари раҳбарлари умумий сметаларда кўрсатилган маблағларни тақсимот қилувчилар бўлиб ҳисобланадилар.

Умумий сметалар, хизмат кўрсатиладиган ташкилотларнинг раҳбарларидан олинган буюртмалар марказлашган бухгалтерияда мавжуд бўлган иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш кўрсаткичларига мувофиқ қабул қилинган ҳисоб-китоб ва ҳисобот маълумотлари асосида марказлашган бухгалтерия томонидан тузилади:

Умумий сметаларни тузиш учун ҳокимиятларнинг бошқарма ва бўлимлари томонидан белгиланган шакллар ёки кўрсаткичлар рўйхати бўйича харажатларнинг гуруҳлари бўйича ва сметаларга қилинган ҳисобларни илоа қилган холда ташкилотлар томонидан тақдим қилинади.

Ташкилотлар томонидан берилган буюртмалар марказлашган бухгалтериялар томонидан тегишли ташкилотларнинг вакиллари иштирокида олдиндан кўриб чиқилади ва умумий сметаларни тузишда ҳисобга олинади.

Иш ҳақи бўйича умумий сметага белгиланган тартибда тасдиқланган штатлар жадвали ва тарификация рўйхатлари илова қилинади.

Марказлашган бухгалтерия томонидан тузилган умумий сметаларнинг лойиҳалари туман, шаҳар ҳокимиятларининг тегишли бўлимлари раҳбарлари томонидан тегишли ташкилотларнинг раҳбарлари иштирокида кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Марказлашган бухгалтериялар томонидан хизмат кўрсатиладиган ташкилотларнинг харажатлар сметалари марказлашган бухгалтериялар бош (катта) бухгалтерии ёки иқтисодчиси иштирокида тузилади.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақолпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари ва ҳокимиятлар бошқармалари ва бўлимлари

томонидан ўтказиладиган бюджетдан молиялаштириладиган марказлашган тадбирларнинг харажатлар сметаси тегишинча вазирликлар, идоралар, хокимиятлар бошқарма ва бўлимлари томонидан ҳар бир тадбир бўйича алоҳида тузилади.

Инвентарлар, асбоб-ускуна ва ташкилотларнинг ўқув қўлланмаларини сотиб олиш учун маблағлар тегишли ташкилотларнинг сметаларида кўзда тутилиши керак.

Чорак (йил) охирида бюджет ташкилотларидан ишлатилмай қолган маблағларнинг қолдиғи олиб қўйилмайди, балки бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади а Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” ги Қарори иловасининг 22-23 бандларига мувофиқ белгиланган тартибда харажат қилинади.

Келгуси йилга очилиши керак бўлган ташкилотларни ташкил этиш, сақлаш бўйича харажатлар сметаси тегишли хокимиятларнинг бошқарма, бўлимлари томонидан ҳар бир ташкилотга алоҳида ҳолда, иш ҳақининг ўртача ставкаси ва фаолият кўрсатаётган тегишли ташкилотларда мавжуд бўлган харажатларнинг ўртача меъёрларидан келиб чиққан ҳолда тузилади.

2.5.2. Харажатлар сметасини қайта кўриб чиқиш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари, тегишли хокимиятларнинг бошқарма ва бўлимлари ва сметаларни тасдиқлаш ҳуқуқига эга булган бошқа ташкилотлар уз каромокларида булган ташкилотлардан келиб тушган умумий ва алоҳида харажатлар сметасини куйидаги тартибда кўриб чиқилишини таъминлайдилар:

а) Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар, туман бюджетни лойиҳаси тегишли идораларда кўриб чиқилиши ва Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирликлари, маҳаллий молия бошқармалари ва бўлимлари Ўзбекистон республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирликлари ва идораларига, тегишли хокимиятларнинг бошқарма ва бўлимларига Ўзбекистон Республикасининг тегишли вазирлик ва идоралар бўйича харажатларини коплашга белгиланган маблағларнинг суммасини, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар, туман бўйича эса жами тармоқлар бўйича, бюджетни куришда қабул килинган суммаларни, иш ҳақи, иш ҳақиға ажратма капитал қўйилмалар ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан бюджетни тасдиқлаш пайтида энг куп микдорлари белгиланадиган бошқа харажатлар ҳақида зудлик билан хабар киладилар;

б) Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари ва идоралари, тегишли хокимиятларнинг бошқармалари ва бўлимлари молия идоралари томонидан хабар килинган тегишли тармоқлар бўйича маблағлар доирасида, бюджет ташкилотларининг буйсунувидан ва харажат меъёрларидан келиб чиқиб, уз каромокларидаги ташкилотларга республика, вилоят (Тошкент шаҳар) бюджетни ва вилоят буйсунувидаги туман ва шаҳар, шунингдек шаҳар

буйсунувидаги туманлар бюджетлари бўйича мааблагларнинг ҳажмини алоҳида етказди.

в) Ўзбекистон Республикаси ва Қорақолпоғистон Республикаси Молия вазирликлари ва идоралари, хокимиятлар бошқарма ва бўлимларининг раҳбарлари уларга буйсунувчи, тегишинча Ўзбекистон Республикаси, Қорақолпоғистон Республикаси республика бюджетида, вилоят, туман ва шаҳарлар (шаҳарга буйсунувчи туманлар) бюджетларида турувчи ташкилотлар сметалари лойihalарини кўриб чиқадилар ва харажатларини ташкилотлар сметалари бўйича тегишли бюджетларда (бу банднинг "а" ва "б" кичик бандлари) турган вазирлик, ташкилотлар, бошқарма ва бўлимлар учун белгиланган мааблаглар доирасида қабул қиладилар.

Ташкилотлар томонидан тақдим этилган сметалар керак булган холларда тегишли ташкилотларнинг раҳбарлари иштирокида кўриб чиқилиши керак. Бунда сметаларни кўриб чиқувчи ташкилотлар куйидагиларни таъминлашлари зарур:

- амалдаги конун ҳужжатларига шунингдек келгуси йил сметаларини тузиш бўйича курсатмаларга катъий амал қилиш;
- заруратсиз ажратмаларни сметаларга киритилишига йўл қуймаган холда иктисод қилиш тартибига амал қилиш;
- харажатлар сметасида қабул қилинган курсаткичларни мазкур бюджет ташкилотнинг режалаштирилаётган йилги иктисодий ва ижтимоий ривожлантириш лойихаи кўрсаткичларига тулик мос қелиши;
- сметаларда белгиланган мааблагларни айрим тадбирларнинг утқизиш муддатларни ва уларни молиялаштиришни таъминлаш имкониятларини ҳисобга олган холда, чораклар бўйича тақсимлаш;
- Ҳисоб-китоблар ва асослар билан тақдирланмаган суммаларни харажатлар сметаларда қабул қилишга йўл қуймаслик.

Агар ташкилотларнинг бюджет бўйича қабул қилинган сметаларини кўриб чиқиш натижасида Ўзбекистон Республикаси, Қорақолпоғистон Республикаси вазирликлари, идораси, хокимиятнинг бошқарма ва бўлимлари бўйича харажатлар суммаси ёки иш хақи, иш хақиға ажратмалар, капитал қўйилмалар ва харажатларнинг бошқа турлари бўйича харажатлар суммаси, бунда уларнинг ҳажми Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан бюджетни таққлашда белгиланган миқдордан ошиб кетган бўлса, вазирлик, идора, хокимиятнинг бошқарма ва бўлими раҳбари баъзи бир ташкилотларнинг сметалари бўйича харажатларни қисқартириши шарт.

Ўзбекистон Республикаси, Қорақолпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари, ва хокимиятларнинг тегишли бошқармалари ва бўлимлари томонидан қабул қилинадиган харажатлар суммаси қарамокларидаги ташкилотларнинг сметаларини кўриб чиқиш пайтида вазирликлар, идоралар, бошқармалар ва бўлимлар томонидан фақат уларга мўлжалланган нусхасида "жами таққланган" сатри бўйича кўрсатилади.

Ўз қарамоғида бўлган бюджет ташкилотлари сметаларининг марказлаштирилган харажатлар сметасини, вазирликлар, идоралар, хокимликларнинг бошқарма ва бўлимлари бўйича сметаларни кўриб чиққандан

кейин Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари идоралари, хокимиятлар бошқармалари ва бўлимлари давлат бюджетининг харажатлар таснифига мувофик, тегишли бюджет боблари параграфлари, объектлари ва кичик объектлари бўйича харажатларнинг умумлаштирилган умумий сметасини тузадилар, харажатларни амалга ошириш муддати ва мавсумийлигига қараб умумлаштирилган смета харажатларини хар бир параграфи, объектлар тури ва кичик объектлар бўйича ва йилнинг чораклари бўйича тақсимотларини белгилайдилар.

Бир вақтнинг ўзида смета ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳисобланади ҳамда уларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш кўрсаткичларига мослиги текширилади.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари, хокимиятларнинг бошқармалари ва бўлимлари ташкилотларнинг сметалари бўйича ишларни яқунлар экан, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон молия вазирликларига ва тегишли молия бўлимларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва хокимиятлар томонидан белгиланган муддатларга келгуси йил бюджети бўйича куйидаги материалларни:

а) барча сметалар бўйича харажатлар йигиндисини бюджет таснифининг боблари, параграфлари, турлари, объектлари ва кичик объектлари бўйича ва йилнинг чораклари бўйича бўлинган ҳолатда;

б) йиллик бюджет билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги белгилаган шаклларга (тармоқлар, штатлар, ва контингентлар) асосан ташкилотлар гуруҳи бўйича умумлаштирилган кўрсаткичлари бўйича тақдим этадилар.

Бундан ташқари молия органларининг талабига қараб айрим бюджет ташкилотлари бўйича харажатлар сметасига иловалар ҳамда ҳисоб-китоблар текшириш ва таҳлил этиш учун тақдим этилади ҳамда улар кейинчалик молия органларига қайтарилади.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси молия вазирликлари, тегишли молия бошқармалари ва бўлимлари тақдим этилган материалларни умумий харажатлар сметаси, яъни ҳукумат томонидан ёки юқори ташкилот томонидан белгиланган иш ҳақи, уларга ажратмалар бўйича, капитал қўйилмалар ва бошқа харажатлар турларининг ҳажмини Ҳукумат томонидан бюджет тасдиқланаётганда, бюджетни тузиш бўйича амалдаги конун ҳужжатлари юзасидан белгиланган ҳажмлари доирасида текширадилар.

Бу талаблар бажарилмаган тақдирда молия органлари вазирликлар, идоралар, хокимият бошқармалари ва бўлимларига, тасаруфларидаги муассасаларнинг сметалари бўйича харажатларини қисқартиришни таклиф қилиши керак.

2.5.3. Харажатлар сметасининг тасдиқлаш.

Давлат бюджети тасдиқлангандан кейин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, тегишли хокимиятларнинг молия бошқармалари Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари идораларига тегишли

хокимиятларнинг бошқармалари ва бўлинмаларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгеси сессиялари Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сессияларига кўриб чиқиш учун тақдим этилиб бюджетга киритилган умумлаштирилган сметаларининг чораклар бўйича тақсимотини, шунингдек иш ҳақи, уларга ажратмалар, капитал қўйилмалар ва бошқа харажатлар суммасини бюджетда белгиланган энг юқори миқдорларини ажратиб кўрсатга ҳолатда хабар берадилар.

Бундан ташқари шаҳар молия бўлимлари шаҳарга бўйсунадиган туман хокимиятларининг бўлинмаларига юқорида кўрсатилган харажатларни халқ депутатлари шаҳар кенгаши сессияси томонидан тасдиқланган уларнинг бюджетлари ҳажмлари доирасида ажратиб кўрсатиб хабар берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгеси, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг сессияларида бюджетнинг тасдиқлаш пайтида бюджетга ўзгартиришлар киритилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари, тегишли хокимиятларнинг бошқармалари ва бўлимлари ўз тасарруфларида бўлган ташкилотлар сметаларига керакли ўзгартиришлар киритадилар.

Юқоридагилар асосида Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирликлари, идоралари, тегишли хокимиятларнинг бошқармалари ва бўлимлари улар томонидан илгари белгиланган ташкилотлар сметалари бўйича йиллик маблағлар миқдорларини бюджет бўйича барча сметалар харажатлари умумий суммаларига мос келадиган қилиб аниқлик киритилади.

Бунда тегишли тузатишлар ўзларида қоладиган нусхаларга киритилади.

Ундан кейин Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари, тегишли хокиятларининг бошқармалари ва бўлимлари белгиланган йиллик бюджетни чораклар бўйича тақсимотига амал қилган ҳолда ҳажмлари бюджет билан ҳар бир чоракга алоҳида белгиланган смета харажатларининг умумий суммаси, шунингдек иш ҳақи, иш ҳақиға ажратмалар, капитал қўйилмалар ва бошқа турдаги харажатлар суммасини бюджетнинг тасдиқланган чораклар бўйича (ташкилотлар томонидан бюджет харажатларини чораклар бўйича тақсимотини тузишда) тақсимотига тўғри келишини таъминлашлари керак.

Шунга мувофиқ, смета бланкасининг тасдиқланган графасида 1,2,3 ва 4 чораклар сатрлари тўлдирилади.

Ташкилотларнинг сметаларида тасдиқланган харажатларнинг йиллик ва чораклик суммалари муассасалар томонидан тақдим этилган сметаларни 2 нусхаларига ўтказилади.

Харажатлар сметасини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ёки тегишли вилоят, шаҳар, туман халқ депутатлари кенгашлари сессияларининг тегишли бюджетларда турувчи ташкилотлар учун харажатлар таснифи моддалари бўйича бўлган бюджет ҳақида қарор қабул қилган кундан бошлаб 2 ҳафта ичида (рўйхатдан ўтказиш эса 40 кун муддат ичида) амалга оширилади (агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса) ва

сметалдарни тасдиқлаган ташкилот раҳбар (ёки ўринбосари) имзоси билан, тасдиқланган куни кўрсатилган ҳолда ҳамда бу ташкилотнинг муҳри сметанинг бошқа нусхаларига босилиб, бир пайтнинг ўзида смета харажатлари бўйича умумий суммаси юқори ўнг бурчагида кўрсатилган (штатдаги ва штатдан ташқари ходимларнинг иш ҳақи фондининг умумий суммаси ажратиб кўрсатилган) ҳолда расмийлаштирилади.

Сметаларда бюджет маблағларини йил чораклари бўйича тақсимоти тегишли бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари чораклар бўйича тақсимотини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Ташкилотнинг сметалари ҳамда марказлаштирилган харажатлар сметалари тасдиқланиши билан харажатларни йиллик умумлашмаси боблар, параграфлар, харажатлар ткрлари, бюджет таснифининг объектлари ва кичик объектлари бўйича чоракларга бўлинган ҳолда аниқланади ва тегишли молия органига тақдим этилади.

Шу билан бир вақтда тармоқлар, контингентлар ва штатлар бўйича умумлаштирилган кўрсаткичлар тақдим этилади.

Умумий сметалар тасдиқланганидан сўнг марказлаштирилган ҳисобхоналар бу сметалар бўйича молиялаштириладиган бюджет муассасаларига қуйидаги кўрсаткичлар:

- штатлар ва ташкилот ходимлари иш ҳақи ставкалари ҳақида маълумотни;
- ишлаб чиқариш кўрсаткичлари (ўқувчилар, синфлар, болалар, жойлар, жой-кун, бола-кун ва ҳаказолар) бепул ёки имтиёзли ўқувчиларининг сони, 1-синф ўқувчиларининг сони, аҳолининг кам таъминланган қисмидан бепул қишки кийим ва пойафзал ажратиладиган бошланғич синф ўқувчиларининг сони ва бошқа тармоқ кўрсаткичларини;
- овқатланишга, дори-дармонларга кетадиган харажатларнинг меъёрини;
- бюджет маблағлари доирасида сотиб олишга мўлжалланган инвентарлар ва асбоб ускуналар рўйхатини;
- капитал таъмирлаш бўйича асосий ишлар рўйхатини;
- хокимиятларнинг тегишли молия бошқармалари ва бўлимлари томонидан юқори молия органлари билан келишилган ҳолда белгиланган ташкилотларга хабар бериладиган кўрсаткичлар ва шакллар рўйхатини бўйича хабар қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси молия вазирликлари жойлардаги молия органлари умумлаштирилган харажатларнинг ва алоҳида сметаларнинг тасдиқланган бюджетга, шунингдек бюджетни тузиш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ келиши текшириб кўрилади.

Эътирозлар бўлмаган тақдирда, молия органи харажатлар умумлашмасини биринчи бетида “Келишилган” деган белги қўйилади ва бу белги билан харажатлар умумлашмасининг тегишли вазирлик, идора, хокимиятнинг бошқарма ва бўлимига қайтарилади.

Агар харажатлар умумлашмаси бўйича эътирозлар бўлса Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси молия вазирликлари молия органлари, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси

вазирликлари идоралари тегишли ҳокимиятларининг бошқарма ва бўлимлари раҳбарларидан харажатлар умумлашмаси ва тегишинча алоҳида ташкилотларнинг сметаларига тегишли тузатишлар киритишни талаб қилади.

Алоҳида ва умумий сметаларнинг асосий нусхаси Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирликлари ва идоралари, тегишли ҳокимият бошқармалари ва бўлимлари томонидан ҳисоби қатъий юритиладиган ҳужжат тариқасида сақланади.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари молия органлари текширилган умумлаштирилган сметалари асосида, бюджетда кўрсатилган тадбирларни молиялаштириш учун асос бўлиб ҳисобланадиган тегишли бюджет харажатларини чоракларга бўлинган йиллик ёйилмасини тузадилар.

Бюджет ташкилотларининг белгиланган тартибда тасдиқланган сметалари ва штат жадваллари шунингдек амалдаги сметаларга ва штат жадвалларига киритиладиган ўзгартиришлар молия органларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга киритилади.

Бюджет ташкилотларининг штат жадваллари ва харажатлар сметаларини рўйхатдан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли молия органлари томонидан амалга оширилади.

2.5.4. Харажатлар сметасининг чораклик, йиллик миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тартиби.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида” ги Қонунининг 34 - моддасида бюджетдан ажратиладиган маблағларга ўзгартириш киритиш кўрсатиб ўтилган.

Харажатлар сметаси ва штатлар жадвалига киритиладиган ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда албатта Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари билан келишилади.

Бюджетдан ажратиладиган маблағларга молия йили мобайнида ўзгартиришлар киритиш бир бюджет маблағлари олувчиси учун бюджет маблағларининг камайтирилиши бошқа бюджет маблағлари олувчиси учун бюджет маблағларининг тегишли равишда кўпайтирилишини назарда тутган тартибда:

1) Тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмининг ўн фоизига қадари:

Давлат бюджетида кўрсатиб ўтилган бюджет маблағлари олувчилар учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

Республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган тегишли молия органларининг тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси

Вазирлар Кенгаши ва тегишли ҳокимлар томонидан (капитал қўйилмалар моддалари бундан мустасно);

2) Тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмининг ўн фоизидан ортиғи:

Давлат бюджетида кўрсатиб ўтилган бюджет маблағлари олувчилар учун - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан;

Республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан белгиланадиган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар учун тегишли молия органларининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда жойлардаги тегишли ҳокимият вакиллик органлари томонидан (капитал қўйилмалар моддалари бундан мустасно) амалга оширилади.

Бюджет маблағлари олувчининг сўровига биноан молия йили учун унга назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар айрим моддалар бўйича (капитал қўйилмалар моддалари бундан мустасно) бошқа моддалар бўйича бюджетдан ажратиладиган маблағлари тенг миқдорда камайтирилган ва мазкур бюджет маблағлари олувчи учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг умумий ҳажми сақлаб қолинган ҳолда дастлабки ҳажмининг ўн беш фоизига қадар кўпайтирилиши мумкин. Бюджетдан ажратилган маблағларга мазкур ўзгартиришлар:

1) Республика бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан;

2) Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан ажратиладиган бюджет маблағларига - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилаган тартибда тегишли молия органлари томонидан киритилади.

Молия органларининг бюджет бўлимлари Ғазначиликка даромадлар ва харажатлар ёйилмасини, тегишли бюджетларнинг бюджет маблағларини тақсимловчи (олувчиларнинг) харажатлар сметаларини, ҳамда молия йили мобайнида харажатлар сметасига ва ёйилмага киритиладиган ўзгаришларни тақдим қиладилар.

Тегишли бюджетларнинг даромадлар ва харажатлар ёйилмасига, ҳамда бюджет маблағларини тақсимловчи (олувчи) ларнинг харажатлар сметасига киритиладиган ўзгаришлар тўлиқ расмийлаштирилгандан кейин бир иш куни муддатида Ғазначиликка етказилади ва унда бюджет ташкилотларининг харажатлар сметасига тегишли ўзгартиришлар киритилиб, тўловлар шунга асосан амалга оширилади.

Таянч сўзлар ва иборалар: мажбурият, юридик ва молиявий мажбуриятлар, мажбуриятлар лимити, шартнома, шартномаларни рўйхатга олиш, ягона ғазначилик ҳисоб

рақами, бюджет ижроси назорати, нарх-наво мониторинги, тўловлар, бюджетнинг касса ижроси, касса ижро назорати, харажатлар лимити, харажатлар сметаси.

Назорат саволлар ва топшириқлар

1. Ҳазначилиқда юридик ва молиявий мажбуриятлар ижросини таъминлашнинг аҳамияти ?
2. Ҳазначилиқда шартномаларни рўйхатга олишнинг моҳияти ?
3. Ҳазначилиқда тўловларни ўз вақтида амалга оширилишининг иқтисодий моҳияти ?
4. Нарх наво мониторингининг Ҳазначилиқдага ўрни ва аҳамияти ?
5. Ҳазначилиқда бюджет маблағлари харажатларининг касса ижроси ва назоратини амалга ошириш тартиби хусусиятлари ?
6. Ўзбекистон Республикасида Ҳазначилиқ тизимининг жорий этилишининг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат ?
7. Ҳазначилиқ тизимининг ижобий натижаларини кўрсатинг ва уларга баҳо беринг.
8. Ҳазначилиқ тизимида касса ижроси ва назоратининг хусусиятларини санаб ўтинг.
9. Ҳазначилиқ тизимининг бюджет харажатлари самарадорлигини оширишдаги ўрнини изоҳланг.
10. Ҳазначилиқ тизимида бюджет харажатлари сметаларига ўзгартириш киритиш тартибини изоҳланг.

Қисмининг информацион таъминоти ва мавзунини ўзлаштириш назоратини амалга ошириш тартиби: ҳар бир боб учун махсус слайдлар тайёрланиб, тингловчиларга тақдим этилади ва курс якунида махсус мавзулар бўйича мустақил иш тайёрланади ҳамда тест синовлари топширилади.

3 ҚИСМ


ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ҲАЗНА ИЖРОСИ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ


3.1. Ҳазначилиқ тизимини ташкилий – фунқционал ривожланиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-594 сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг ташкилий тузилмаси тасдиқланди ва унинг минтақаларда жойлашган ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди.

Ғазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмалари Давлат бюджетининг, унинг даромад ва сарфлари ғазна ижросини, бюджет ҳисобварақларини ва Давлат молия ресурсларини бошқариш функцияларини амалга оширадиган махсус ваколатли молия органлари ҳисобланади. Ғазначилик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тизимида таркибий бўлинма сифатида киради ва унга бўйсунадиган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Ғазначилик бошқармалари ҳамда туманлар (шаҳарлар) Ғазначилик бўлимларидан иборат.

Ғазначилик органлари тизимини ташкил этиш бўйича тегишли қонунчилик ҳужжатларни тайёрлаш ва ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан (4-бўлим, 16-боб “Ўзбекистон Республикасининг маъмурий – ҳудудий тузилиши”) унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туманлар (шаҳарлар)да тегишли ҳудудий органларини ҳам ташкиллаштиришни ўз ичига қамраб олган.





Расм 3.1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг таркибий бўлинмалари тузилмаси.

Ғазначиликнинг бўлинмалари ҳудудий принципда ташкил этилган ягона марказлаштирилган тизим бўлиб у Молия вазирлиги Ғазначилиги таркибига киради. Ғазначиликнинг ҳудудий органлари тузилмаси уч даражали кўринишда шаклланади:

биринчи даража - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги;

иккинчи даража - Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ғазначилик Бошқармалари;

учинчи даража - туманлар (шаҳарлар) бўйича Ғазначилик бўлинмалари.

Молия вазирлиги Ғазначилиги юридик шахс эмас ва бошқа кўп бўлинмалар қаторида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги таркибидаги бўлинмалардан бири сифатида ташкил этилган. Россия давлатининг тажрибаси шунини кўрсатади – Ғазначиликни шакллантиришнинг бир неча вариантларидан амалиётда айнан шу ёндашишни танланиши энг тўғри қадам бўлган. Сабаби – давлат бюджети ижроси янги тизимга ўтиши молия органларининг ягона тизимида амалга ошаётганлиги учун бу жараён камроқ қийинчиликларга дуч келади. Ғазначиликнинг ташкилий – ҳуқуқий мақоми, унинг вазифалари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва фаолияти билан боғлиқ бошқа маъмурий масалалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартдаги 53-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги тўғрисидаги Низом билан белгиланган.

Ғазначиликнинг иккинчи даражадаги бўлинмалари - юридик шахслар бўлиб, ҳокимлик ижроия органларига тааллуқли. Лекин Ғазначиликнинг учинчи даражадаги шаҳар (туман) бўлинмалари юридик шахслар эмас, аммо ўз муҳрига эга, жойларда давлат бюджетининг даромад ва сарфларини ҳамда маблағлар ҳаракатига оид операцияларни ҳисобга олади.

Таъкидлаш жоизки, бошқа вазирлик ва идораларнинг бюджет ижросига оид барча ҳужжатлари Ғазначилик органлари учун раҳбарлик мақомига эга эмас. Шундан хулоса – бюджет ижроси бўйича барча амаллар Ғазначилик бўлинмалари томонидан фақат бюджет ижроси масалалари бўйича ваколатли

органлар билан ҳуқуқий муносабатлар доирасида қабул қилинган ҳужжатлар асосида бажарилиши мумкин. Мустақил қарорларни қабул қилишга ва кераксиз ҳужжатлардан фойдаланишга Ғазначилик бўлинмалари ҳақли эмас.

Ғазначилик қуйидаги мақсадларда ташкил этилди:

Давлат бюджети ижроси жараёнида унинг маблағларини бошқариш;

Давлат бюджети ижроси назоратини кучайтириш;

Давлат буюртма ва дастурларни амалга оширишдаги тезкорликни ошириш;

Давлат бюджети даромадларини ўз вақтида ҳисобга олиш ва давлат маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан тезкорлик назоратни таъминлаш;

Давлат бюджети ғазначилик ижроси ҳисоби ва ҳисоботи сифатини ошириш.

Ғазначилик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Олий Мажлис Сенатининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг кўрсатма ва тушунтиришлари ҳамда Давлат бюджети ижроси билан боғлиқ бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилади.

Ғазначилик тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ғазначиликни лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ўринбосари ҳисобланадиган бошлиқ бошқаради.

Ғазначилик бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг тақдими билан Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Ғазначилик бошлиғи ўринбосарлари Ғазначилик бошлиғининг тақдими билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазири томонидан лавозимга тайинланадилар.

Ғазначиликнинг ҳудудий бўлинмалари бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда Ғазначилик бошлиғи тақдими билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Ғазначиликнинг ҳудудий бўлинмалари тўғрисидаги Низомлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазири томонидан тасдиқланади.

Ғазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмалари ягона марказлаштирилган тизимни ташкил қилади ҳамда қуйи бошлиқларнинг юқори бошлиқларга ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирига бўйсунуши ва ҳисобот бериши асосида фаолият кўрсатади.

Ғазначилик ўзига берилган ваколатларга мувофиқ ўз ҳудудий бўлинмалари фаолияти устидан тезкор бошқарувни ва назоратни амалга оширади.

Ғазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолияти билан боғлиқ харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Ғазначилик ходимлари Ўзбекистон Республикаси давлат хизматчилари деб ҳисобланади.

3.1.1. Давлат бюджети ғазна ижросини тўла ривожлантириш ва жорий этиш стратегияси

“Давлат бюджети ижроси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Молия вазирлигининг 2005 йил 29 декабрдаги 186 сонли ва 2007 йил 27 сентябрдаги 128 сонли буйруқлари билан “Давлат бюджети ғазначилик ижросини тўла жорий этиш бўйича чоралар комплекси” тасдиқланган. Бу чоралар комплекси асосий қисмлар бўйича босқичма-босқич ва ўзаро боғланган ҳолда амалга ошириладиган, Давлат молияси стратегияси ва унинг бошқариш тизимини босқичма-босқич ислоҳ қилишга оид тадбирлар рўйхатини ўз ичига қамраб олган.

Давлат бюджети ғазначилик ижросини шакллантириш давлат молия тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим қисми бўлган ва Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 апрелдаги “Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш” лойиҳасини амалга оширишга тайёрланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 144 сонли қарорини амалга ошириш доирасида бошланган. 2005 йил 1 июндан бошлаб Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси механизми республиканинг минтақаларида жорий этиш бошланди. Ўрнатилган тартибга биноан, Давлат бюджетининг ғазначилик ижросига ўтиш функцияси Молия вазирлиги ва унинг ҳудудий органларида ташкил этилган махсус бўлинмаларга юклатилди. 2005 йилнинг охирига келиб бюджетнинг ғазначилик ижросига Самарқанд вилоятининг бюджет маблағлари олувчилари ва республика бюджетини ташкил этувчи Тошкент шаҳрида жойлашган маблағ олувчилар ўтказилди. 2006 йилда Давлат бюджети ижроси механизмлари яна 7 минтақаларда жорий этилди, 2007 йилда эса давлат бюджети ғазначилик ижросига республиканинг қолган 6 минтақаси ҳам ўтказилди.

Ғазначилик тизимини ташкил этиш стратегияси молиялаштиришнинг аввалги тизимидан янги тартибга босқичма-босқич ўтишни назарда тутди. Бу тартибда бюджет маблағлари олувчилар ҳисобварақлари ёпилгандан кейинги харажатларни молиялаштириш ҳоллари аста секин батамом йўқолиши керак. Даромадлар ва харажатлар ижроси тегишли равишда Ягона ғазначилик ҳисоби орқали, ёки ўтиш даврида – ҳудудий ғазначилик ҳисоблар орқали амалга оширилади. Натижада бюджет маблағларидан фойдаланиш транспарент (тиник) ҳамда бошқарув ва назорат остида бўлиши керак. Ғазначиликни ташкил қилишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

а) Давлат бюджети ижроси операцияларини тўла қамраб олиниши. Бу принципни мазмуни барча бюджет маблағлар олувчиларга Ғазначилик хизмат кўрсатишида ўз ифодасини топади. Принципнинг битта мустасноси бор: бюджетнинг касса (нақд – пул) ижроси (иш ҳақи, нафақалар, хизмат сафари харажатлари ва ҳоказолар) ваколатли банклар томонидан амалга оширилади. Бюджет маблағлари олувчилари учун банкларда ҳисобварақларни очиш фақат Молия вазирлиги рухсати билан амалга оширилади. Қонунчилик талабларига

мувофиқ равишда Давлат бюджети ижроси ахборот тизимида Ғазначилик рухсати билан маблағ олувчилар учун шахсий ҳисобварақлар очилади;

б) Ғазначилик тизимини кўп поғонали ва марказлаштирилганлиги. Бу ҳолда ғазначилик бўлинмаларининг турли даражали давлат бошқаруви молия органлари ёки маҳаллий ҳокимлик органларидан мустақиллиги назарда тутилади;

в) Бюджетнинг ғазна ижроси меъёрий базасининг ягоналиги. Ягоналик принципи ягона услубий базани, ҳисобнинг умумий стандартларини, умумий операцион стандартларни ва иш регламентини; товар етказувчилар (ишлар ва хизматларни бажарувчилар), капитал қурилиш буюртмачилари билан тузиладиган шартномаларнинг бир хил андазадаги шакллари ва талаблари ҳамда бошқа бутун ғазначилик тизимининг изчил ва бир қолипдаги ишлашини таъминлайдиган элементлар;

г) бюджет оқимларининг ойдинлиги. Ягона ғазначилик ҳисобварағи ва ҳар бир ғазначиликнинг ҳудудий ҳисобварақларининг мавжудлиги, бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини олиб борилиши тегишли бюджетнинг ижросини жорий ҳолати ҳақида доимий равишда маълумот олишга имконият беради;

д) ғазначилик бўлинмалари ҳаракатларининг объективлиги. Бюджет маблағларнинг сарф қилиниши ғазначилик бўлинмалари томонидан ўрнатилган тартибга кўра амалга оширилади. Ғазначилик бўлинмаларининг ходимлари бюджет маблағларни сарф қилинишда курснинг қисқа муддатли зарарига тебранишлар таъсири остида ўрта ва узоқ муддатли дастурларни ҳозирги заруратларини амалга оширилишини таъминлаб эмас, балки тасдиқланган сметага, рўйхатга олинган шартномаларга мос йўналишларига афзаллик беришлари керак

е) ғазначилик бўлинмалари функционал манфаатларининг бир бирига мослиги ва ўзаро ахборот алмашиш. Ғазначилик Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси олдида Давлат бюджетининг ижроси ҳамда ўз фаолиятининг натижалари ҳақида мунтазам равишда ҳисобот беради. Ғазначиликнинг ҳудудий бўлинмалари молия органлари ва маҳаллий ҳокимиятнинг органлари олдида фақат бюджет ижроси масалалари бўйича ҳисобот беради. Шу билан бир вақтда, Ғазначиликнинг қуйи даражадаги бўлинмалари Ғазначиликнинг юқори даражадаги бўлинмалари олдида бюджет ижроси ҳақида ҳисобот беради;

ж) бюджет маблағлари айланишининг ишончлилиги, улар ижросини таъминлаш. Ғазначилик бўлинмаларининг фаолияти бюджет маблағларининг йўқотишларга йўл қўймасликка қаратилиши керак. Бу аснода бюджетнинг касса ижросида қатнашаётган банкларни танлашда улар қаторидаги энг ишончли банкларга мўлжал олиш керак. Ғазначилик банд бўлмаган бюджет маблағларни банк депозитлари ёки ўзга молия активларга (масалан, давлат қимматли қоғозларни харид қилиш ёки бозорда давлат қимматли қоғозлар билан таъминланган қисқа муддатли банклараро кредитларни жойлаштириш) ёки депозит сифатда Марказий банкка жойлаштириш керак.

3.1 2. Стратегияни амалга ошириш бўйича ҳаракатлар режаси.

Ривожланиш стратегиясини амалга ошириш ҳужжатининг лойиҳасига биноан Ғазначилик Давлат бюджети ижроси тизимига аста-секин ўтиш, Ғазначилик ва унинг жойлардаги бўлинмалари тизимини ривожлантиришга оид тадбирларни режалаштириши керак. Бу тадбирлар бюджетнинг даромад ва сарф қисмлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда аниқ босқичларга бўлиниши мумкин.

Мазкур стратегияни амалга ошириш қуйидагиларни назарда тутати:

а) даромадларнинг ижроси соҳасида:

бажарилаётган иш ҳажмидан ва бу бўлинмаларнинг қўшимча ходималарга бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда Ғазначиликнинг ҳудудий бўлинмалари ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш;

давлат бюджети ғазна ижроси элементлари сонини кўпайтириш мақсадида республика минтақаларида бу элементларни жорий қилиш натижаларини таҳлил қилиш ва ўрганиш, хусусан, бюджет даромадларини ижроси ғазначилик тизимининг функционал тартибини янада такомиллаштириш. Бунинг учун дастурий таъминотни ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳамда бошқа услубий ҳужжатларнинг маромига етказиш;

ғазначилик бўлинмаларини керакли компьютер ва бошқа техник воситалар, алоқа воситалари ҳамда дастурий маҳсулотлар билан таъминлашини кучайтириш;

даромадларни бюджетнинг турли даражалари ўртасида тақсимот қилиш функцияларини банк муассасаларидан босқичма-босқич Ғазначилик бўлинмаларига ўтказиш;

Давлат бюджетига тушадиган солиқ ва божхона тушумларини Давлат бюджети ғазна ижросига ўтказиш;

Ғазначилик билан солиқ органлари ва банкларнинг ўзаро ҳаракатини аниқ тартибини ишлаб чиқиш;

Давлат мақсадли фондларига даромадларни тушиш устидан назоратни олиб боровчи ташкилотларни Ғазначилик билан ўзаро ҳаракат тартибини ишлаб чиқиш ҳамда улар ўртасида ахборот алмашуви дастурий таъминотини янада такомиллаштириш;

амалда фаолият кўрсатаётган бюджетдан ташқари фондлар негизида мақсадли бюджет фондларини ташкил этиш;

б) харажатлар ижроси соҳасида:

бюджетдан маблағ олувчиларнинг банклардаги ҳисобварақларини ёпиш ва уларнинг шахсий ҳисобварақларини Давлат бюджети ғазна ижросининг ахборот тизимида очиш;

Ғазначилик бўлинмаларининг бюджетдан маблағ олувчиларга нақд пул бериш бўйича махсус ҳисобварақлар билан ишлайдиган банклар билан ўзаро муносабатлар тартибини янада такомиллаштириш;

Ғазначиликда тармоқли ва ҳудудий бошқариш органларига Давлат мақсадли фондлар маблағларини сарф қилиш бўйича шахсий ҳисобварақларни очиш;

Давлат бюджети ғазна ижроси элементларини жорий қилиш натижаларини умумлаштириш ва Давлат бюджети ғазна ижроси тартибини ва дастурий комплексларни саноат кўринишда кўпайтириш мақсадида янада такомиллаштириш;

бюджет мажбуриятлари (шартномалар ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг ҳамкорлари олдида пайдо бўладиган юридик мажбуриятларини асословчи ҳужжатлар) ҳисобини олиб бориш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда бюджетдан маблағ олувчиларнинг молиявий мажбуриятлари ҳисобини олиб бориш ва бошқариш;

Ўзбекистон Республикаси бюджети ҳисобварақлардаги пул маблағларини кундалик жамлама балансини тузиш билан марказлаштирилган ҳолда бошқариш тизимини жорий қилиш.

Бундан ташқари, Ғазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмалари олдида 2008 ва кейинги йилларга қўйилган қисқа муддатли вазифаларни амалга ошириш ва ечиш бўйича ҳаракатлар Режаси куйидагиларни назарда тутди:

ДМБАТ жорий қилингунга қадар – мавжуд модулларнинг замонавийлаштиришни, шунингдек ҳозирги вақтда қўлланилаётган “Ғазначилик-2” ёки “Treasure (TRS)” дастурий жамламалар учун қўшимча модулларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

Ғазначилик учун ахборот хавфсизлиги тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш устидан мониторингни амалга ошириш учун Ғазначилик бўлинмалари билан биржалар ўртасида ахборот алмашуви бўйича чоралар қабул қилиш ва тегишли тартибни ишлаб чиқиш;

Ғазначилик бўлинмаларини компьютер техникаси ва асбоб-ускуна, мебель, канцелярия анжомлари билан тўла жиҳозлаш; бинолар ва хоналар билан таъминлаш, хоналарни таъмирлаш ва уларни мослаштириш ишларини амалга ошириш;

Ғазначилик бўлинмаларини малакали кадрлар билан тўла таъминлаш, уларни ўқитиш ва қайта ўқитиш;

ғазна ижроси механизми билан махфий фаолият олиб боровчи давлат бюджетидан маблағ олувчилар (ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар ва кучишлатар идоралар (рус. тилида – “силовые структуры”), Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасидан ташқари) доирасини кенгайтириш;

ДМБАТ ташкил этиш учун амалий дастурий таъминот, компьютер техникаси, сервер ва бошқа асбоб-ускуналарни сотиб олиш мақсадида тендер процедураларини бошлаш ва ўтказиш;

Молия вазирлиги Ўқув марказида ўқитиш мақсадида дарсликлар ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш;

хар бир модул учун ўқув дастурлар ишлаб чиқиш;

Давлат бюджети ғазна ижроси бўйича амалдаги дастурий комплекслар (“Ғазначилик-2” дастурий комплекси) негизида ўқитадиган компьютер дастур ишлаб чиқиш;

Молия вазирлиги Ўқув марказини компьютер техникаси ва бошқа асбоб-ускуналар билан жиҳозлашни давом эттириш;

Ўқув марказида малака ошираётган шахсларни тест синовларидан ўтказиш амалларни автоматлаштириш ва шу мақсадда тегишли дастурий маҳсулотни ишлаб чиқиш;

Ўқув маркази кутубхонасини, шу ҳисобда электрон кутубхонасини, янада бойитиш;

Ўқув марказини қувватини ошириш ва унга “Халқаро” мавқеини бериш бўйича АДЕТЕФ (Франциянинг техник ҳамкорлик бўйича агентлиги) билан олиб борилаётган ишларни давом эттириш;

Давлат бюджети ғазна ижроси, Давлат бюджети ғазна ижроси бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини янада такомиллаштириш бўйича лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, халқаро стандартлар (ДМСҚ-2001 ва ДСБҲХС) асосларини Давлат секторида жорий этиш ишларига Халқаро валюта фонди (ХВФ), Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки (ОТБ) ва бошқа халқаро молия ташкилотлари кўмагида халқаро маслаҳатчиларни жалб қилиш.

3.1.3. Давлат бюджети ғазна ижросини жорий қилишни янада кенгайтириш бўйича чора тадбирлар комплекси

Молия вазирлигининг 2007 йилнинг 27 сентябрдаги 128 сонли буйруғи билан Давлат бюджети ғазна ижросига тўла ўтишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплекси тасдиқланган. Бу комплексда қуйидаги амаллар бажарилиши мўлжалланган:

I. Давлат молияларини бошқариш ахборот тизимини яратиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар.

II. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини норматив-ҳуқуқий ва услубий таъминлаш.

III. Кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш.

IV. Ғазначилик бўлинмаларини жой ва моддий-техника воситалари билан таъминлаш.

I. Давлат молияларини бошқариш ахборот тизимини яратиш бўйича ташкилий чора - тадбирлар қуйидагилардан иборат:

Давлат молияларини бошқариш ахборот тизимини яратиш бўйича ташкилий чора – тадбирларни амалга ошириш;

“Осиё тараққиёт банки иштирокида “Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республиканинг Президенти қарорини ижро этиш бўйича чораларни амалга ошириш;

Давлат молияларини бошқариш ахборот тизимини (ДМБАТ) яратиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг ҳудудий бўлинмаларини жиҳозлашни давом эттириш мақсадида Давлат бюджети маблағлари ҳисобига компьютер ва оргтехника воситаларини харид қилиш, жумладан, серверлар ва аппарат ускуналар билан таъминлаш бўйича тадбирлар комплексини амалга ошириш;

Ғазначиликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятлардаги худудий бўлинмалари билан алоқани таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг ягона ахборот тармоғини яратиш;

Давлат молиясини бошқариш ахборот тизимини (ДМБАТ) яратиш; ДМБАТ учун амалий дастурий таъминотни (АДТ) ишлаб чиқиш;

Давлат молиясини бошқариш ахборот тизимини Марказий банк, Давлат солиқ ва божхона кўмиталарнинг ахборот тизимлари билан интеграция ва ўзаро муносабатларини экспертиза қилиш ва бу масала бўйича хулосаларни бериш;

Марказий банк, Давлат божхона кўмитаси (ДБК), Давлат солиқ кўмитаси (ДСК)нинг ташқи ахборот тизимлари ва бошқа ҳамкор ахборот тизимлар билан (Глобал интеграциялашган ахборот тизими – ГИАТ) ахборот масалалари бўйича ўзаро муносабатларига оид маълумотлар форматларини ишлаб чиқиш ва келишиш;

бюджет ижроси жараёнининг ташқи қатнашувчилари (МБ, ДСК, ДБК) билан ахборот масалалари бўйича ўзаро муносабатлари ҳақидаги битимларни тайёрлаш ва келишиш;

амалий дастурий таъминотни (АДТ) сотиб олиш, ишлаб чиқиш, параметрлар ва тест синовларидан ўтказиш;

АДТни Тошкент шаҳрида синовли фойдаланишга жорий этиш;

АДТни кўпайтириш ва ишлаб чиқариш шароитида фойдаланишга жорий этиш;

ДМБАТни аппарат ускуналар билан таъминоти;

аппарат ускуналар билан таъминотни сотиб олиш, созлаш ва тест синовларидан ўтказиш;

аппарат таъминотини автоном равишда Тошкент шаҳрида синовларини ўтказиш;

аппарат таъминотини инсталляция қилиш ва ишлаб чиқариш шароитида фойдаланишга жорий этиш;

Корпоратив ҳисоблаш тармоғини яратилиши қуйидагилардан иборат:

“ДМБАТнинг аппарат ускуналар таъминоти” тендери натижаларига кўра етказиб берилган телекоммуникация ускуналарни созлаш ва тест синовларидан ўтказиш;

аппарат ускуналар билан таъминотни автоном равишда Тошкент шаҳрида синовли фойдаланишдан ўтказиш;

инсталляция қилиш ва ишлаб чиқариш шароитида фойдаланишга жорий этиш.

Локал ҳисоблаш тармоғини (ЛХТ) яратиш қуйидагилардан иборат:

ЛХТни, БХМ (Бош ҳисоблаш маркази) – ЗХМ (Захира ҳисоблаш маркази) – МАБ (Марказий алоқа боғламаси)дан иборат тола-оптик тармоғини сотиб олиш, монтаж қилиш ва тест синовларидан ўтказиш ҳамда тўғри симлар ва муҳандислик таъминот тизимларини инсталляция қилиш ва созлаш;

ЛХТни автоном равишда Тошкент шаҳрида синовли фойдаланишдан ўтказиш;

инсталляция қилиш ва ишлаб чиқариш шароитда фойдаланишга жорий этиш.

II. Ўз навбатда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини норматив-ҳуқуқий ва услубий таъминоти қуйидагилардан иборат:

амалдаги қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий актларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш;

“Давлат бюджетининг ғазна ижроси тартиби тўғрисидаги Низом”ни тасдиқлаш, жумладан, ҳарбийлаштирилган ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар тизимини ташкиллаштириш учун (2006 йил 24 июлда 1599 сон билан янги таҳрирда рўйхатга олинган);

“Давлат бюджетининг ғазна ижросини бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Низом”ни тасдиқлаш (2006 йил 24 июлда 1601 сон билан янги таҳрирда рўйхатга олинган);

“Давлат бюджетининг ғазна ижросини бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар ягона режаси”ни ва унинг иловасидаги Йўриқномани қабул қилиш (2006 йил 3 майда 1570 сон билан янги таҳрирда рўйхатга олинган);

ҳалқаро стандартларга (Давлат молияси статистикаси бўйича қўлланма (ДМСҚ 2001) ва Давлат секторида бухгалтерия ҳисоби ҳалқаро стандартларига (ДСБҲХС) мос равишда бюджет таснифини ишлаб чиқиш;

Давлат молиясини бошқариш ахборот тизими (ДМБАТ) учун Давлат бюджети ижроси бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи шакллари рўйхатини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Давлат бюджети ғазна ижросини жорий этилиши муносабати билан Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот бўйича ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Давлат бюджети ғазна ижросини жорий этилиши муносабати билан Давлат молиялари сектори учун Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш (ҳалқаро консалтинг фирмалар ва экспертларни жалб қилиш эҳтимоли билан);

Давлат молиясини бошқариш ахборот тизимида (ДМБАТ) Давлат бюджети даромадларини бошқариш бўйича Йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Давлат молиясини бошқариш ахборот тизимида (ДМБАТ) режали бюджет маблағлари ва пул маблағларини бошқариш бўйича Йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

III. Кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш қуйидагилардан иборат:

Ғазначилик Марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг раҳбар ва ишлаб чиқариш ходимларининг малакасини ошириш;

ўқув-услубий материаллар, масофавий ўқитиш дастурий маҳсулотларини, “он-лайн” тарзда тест синовлардан ўтказиш тизимини ва ходимлар ҳисобини автоматлаштирилган усулда олиб бориш тизимини ишлаб чиқиш;

минтақа даражасидаги бюджет ташкилотларнинг молия-ҳисоб бўлинмалари ходимлари малакасини ошириш ва масофавий ўқитиш;

Давлат бюджети ғазна ижросини такомиллаштириш бўйича ўқув дастурларни ва ўқув модулларини тайёрлаш;

Ўқув марказининг учта минтақавий филиалларини очиш (Хоразм, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларда);

Ўқув марказининг минтақавий филиалларини моддий-техника воситалари билан таъминлаш;

IV. Ғазначилик бўлинмаларини хоналар ва моддий-техника воситалар билан таъминлаш қуйидагилардан иборат:

айрим ҳудудий молия органлар ва ғазначилик бўлинмаларни ўзининг хоналари билан таъминлаш;

Молия вазирлиги Ғазначилиги захира серверини жойлаштириш учун уни бино билан таъминлаш;

Ғазначилик бўлинмаларини моддий – техника воситалари билан таъминлаш.

3. 2. Давлат молиясини бошқариш ахборот тизими (ДМБАТ)ни яратиш ва ривожлантириш

3.2.1. Ғазначиликнинг хусусий ахборот тизимини яратишнинг долзарблиги ва зарурлиги

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида давлатнинг молия тизимининг ва мос равишда Молия вазирлигининг қайта ташкил этилиши ўтказилмоқда. Бу жараённинг муҳим йўналиши - вазирликнинг автоматлаштирилишини ривожлантириш. Ахборотлаштиришнинг базавий элементларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Глобал интеграллашган ахборот тизимини (МФ ГИАТ) яратиш деб белгиланган.

Минтақавий даражада Ягона ғазначилик ҳисобварағини жорий қилиш учун қатор ташкилий ва услубий мазмунли тадбирларни ўтказиш керак. Бинобарин бу тизим ишлаши учун тегишли ахборот-техник таъминот, жумладан, алоқа каналлари ва тизимлари мавжуд бўлиши зарур. Бошқа мамлакатлар амалиётининг кўрсатишича, Ягона ғазначилик ҳисобварағини тегишли ахборот-техник таъминотисиз амалга ошириш мумкин эмас.

Ягона ғазначилик ҳисобварағини самарали ишлаб туриши учун асосий шароит – бу минтақавий даражада бюджет жараённинг қатнашчилари ўртасида электрон тўлов ҳужжатлар алмашувини мавжудлиги.

Давлат молияларини ахборотлаштириш тизимининг асосий вазифаси. Ўзбекистон Республиканинг Молия вазирлиги Ҳайъатининг 1999 йил 19 январдаги 1/1 сонли “ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Глобал интеграллашган ахборот тизимини (МФ ГИАТ) яратиш ва маълумотлар узатиш мустақил тармоғини шакллантириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ мамлакат Давлат бюджетини бошқариш бўйича жорий жараёнларни автоматлаштиришни таъминлаш; барча даражаларда молия ахборотларни максимал равишда автоматлаштирилган тарзда йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш учун Молия вазирлигининг ахборот-таҳлилий тизимини яратиш дастури ишлаб чиқилди.

ГИАТни яратишнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси молия тизимининг ишлаб туриши самарадорлигини ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси ва Молия вазирлиги раҳбариятини мамлакатнинг молия тизими ҳолати ҳақидаги ишончли ахборотлар билан таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ходимлари меҳнатининг сифати ва унумдорлигини ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида ахборот тизимларини мустаҳкам маълумот узатиш муҳитини яратиш;
- Ўзбекистон Республикаси давлат ва нодавлат ташкилотларининг компьютер тизимларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг компьютер тизимлари билан ахборот масалалари бўйича ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қилишни таъминлаш.

Бюджет фаолияти доирасида мазкур дастур вазирлик фаолиятининг куйидаги жараёнларини автоматлаштириш учун мўлжалланган:

- барча даражадаги бюджетларни режалаштириш, тузиш ва ижро этиш;
- бюджетни прогнозлаш;
- давлат бюджети активларини бошқариш;
- сарфларни бошқариш;
- давлат қарзини бошқариш;
- бюджет ижроси ҳақида ҳисоботни тузиш;
- бюджет ижросини назорат қилиш ва баҳолаш.

ГИАТни яратишнинг якуний мақсади Ўзбекистон Республикаси молия тизимлари ҳолатини мониторинг билан таъминлаш.

Мазкур дастур Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ахборот-ҳисоблаш маркази билан Молия вазирлиги мутахассисларининг биргаликдаги ҳаракатлари билан амалга оширилади.

Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Давлат молияларининг ахборотлар тизимларини замонавийлаштиришдаги ўзига хос мақсади – бу тарқатиб юборилган катта ҳажмдаги ахборотларни бирлаштириш учун керак бўлган шароитда бошқарув қарорларни қабул қилиш учун Молия вазирлигини ишончли ва ўз вақтида таъминловчи компьютерлаштирилган бухгалтерия ва бюджет ижроси тизимини яратиш. Хусусан, Молия вазирлиги Давлат молиясини бошқариш ахборот тизимини (ДМБАТ) яратишни режалаштирди. Бу тизим ахборот жараёнларни амалга оширувчи маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлашни таъминлаш ҳамда Давлат молиялари бўйича, шу ҳисобда, давлат бюджети маблағлари бўйича ахборотларни бошқариш, тарқатиш, узатиш ва тақдим этиш мақсадида технологик занжирга бирлаштирилган дастурий, техник ва телекоммуникация воситалари ҳамда ҳисоблаш техника тизимлари мажмуидан иборат. ДМБАТ тизими бюджет ва ғазначилик масалаларига жавобгар ғазначилик органларида жорий этилади.

ДМБАТни ташкил этиш куйидагиларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни ўз ичига қамраб олади:

- а) бухгалтерия ҳисоби базавий тизими. Бу тизимда давлат секторининг барча молия операциялари рўйхатга олинади (ёки давлат секторининг барча

давлат молия операцияларининг натижаларни, ёки янги ҳисобварақлар режасига биноан тайёрланган барча давлат молия операциялар ва ҳодисалар натижалари), жумладан Ғазначиликнинг Бош молия китобини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

б) қуйидагилардан иборат Ғазначиликнинг ташкилий тузилмасига мўлжалланган кўп даражали тизими:

бюджет ечимларини бошқариш;

мажбурият ва тўловларни бошқариш;

даромадларни бошқариш;

касса режалаштириш;

банк бошқаруви (Ягона ғазначилик ҳисобварағи);

қарз ва молия активларини бошқариш;

Ғазначиликнинг Бош молия китобини олиб бориш;

ахборот хизматлари;

маъмурий услубда тизимни бошқариш;

қуйидаги тизимлар ўртасида электрон алоқани ташкил этиш: 1) ДМБАТ, банк тизими, ДСҚ, ДБҚ ва бошқа идоралар билан; 2) бюджетни тайёрлаш тизими билан (ишлаб чиқилганда), ҳозирги вақтда эса - Глобал интеграллашган ахборот тизими (ГИАТ) билан; 3) узоқ муддатли келажақда - бюджет ташкилотлари тизими билан.

Иқтисодиятнинг ўтиш даври шароитида ҳар бир давлатда бюджетнинг шакллантириш ва бюджет ресурсларидан фойдаланиш жараёнида муаммолар пайдо бўлади. Энг муҳим муаммо – бу маблағларнинг давлат сарфларини молиялаштириш учун маблағларнинг етишмаслиги (бюджет соҳасидаги ходимларга иш ҳақини тўлаш, ижтимоий сиёсат бўйича харажатлар, бюджет муассасаларнинг керакли харажатларини тўлаш ва кўп бошқа муаммолар). Бу шароитларда давлат бошқарув органлари олдида мавжуд давлат молияларини самарали ва оқилона бошқариш муаммоси гавдаланади.

Халқаро тажриба ва Ўзбекистон Республикаси давлат молиялари тарихи мазкур муаммонинг амалда деярли ягона ечимини беради – бу бюджет ижроси ғазначилик тизимини яратиш.

Ғазначилик тизимини яратиш қийинчилиги мазкур жараёнда банклар, солиқ органлари ва солиқ тўловчилар иштирок этишини таъминлашдан иборат. Ягона ғазначилик ҳисобварағи шароитида аниқ ва мувофиқлаштирилган фаолият қилиш учун қуйидаги қатор ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш зарур:

Ташкилий тадбирлар:

янги шароитда банклар, солиқ органлари билан ишлаш тартибини келишиш;

Ғазначиликнинг Бошқарма ва бўлимлари томонидан бажарилаётган функцияларни қаттиқ регламентга солиш йўли билан уларнинг иш тартибини ўзгартириш;

солиқ органлари билан биргаликда солиқ тўловчилар томонидан тўлов ҳужжатларни тўғри тўлдириш бўйича ишларни олиб бориш;

Техник тадбирлар:

банк ва солиқ органлари билан ишончли телекоммуникация алоқасини ташкил этиш;

банклар аксариятини қамраб олувчи кенг ёйилган электрон тўловлари банк тизимини минтақада кенгайтириш;

Ягона ғазначилик ҳисобварағида (ЯҒҲ) даромадлар ҳисобини олиб бориш учун дастурий воситаларни тайёрлаш; электрон тўлов ҳужжатларни самарали ва ишончли ҳимоялаш тизимини ташкил этиш.

Бюджет жараёнининг барча қатнашчилари электрон ҳужжатлар алмашувида иштирок этиши керак. Минтақавий электрон тўлов ҳужжатлари алмашув тизимидан ташқарида фаолият қилувчи тижорат банклар ҳужжатларни қоғоз ҳужжатлар кўринишда узатяптилар. Бу усул янги ғазначилик технологиялар талабларига мос келмайди. Ягона ғазначилик ҳисобварағи шароитида Давлат бюджети ғазна ижросини сифатли бўлишини таъминлаш муаммосини ҳал этилиши фақат бюджет жараёнининг барча қатнашчиларини тегишли ахборот-техник таъминотини шакллантириш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Ягона ғазначилик ҳисобварағи ишлашининг муҳим шартларидан бири – бу аппарат-дастурий воситалар негизида Ягона ғазначилик ҳисобварағи фаолиятини ахборот хавфсизлигини таъминлаш.

Ғазначилик органлари томонидан криптографик ва электрон-рақам ҳимоялаш воситаларни ўрганиш ва танлаш бўйича тегишли ишларни амалга ошириш керак. Лекин молия, солиқ органлари, давлат бюджетдан ташқари фондлар, Давлат мақсадли фонди (ДМФ), бюджетдан маблағ олувчиларни бу воситалар билан таъминланмасдан узатилаётган ахборотнинг ҳимояси таъминланмайди. Масаланинг бир томонлама ечими - бу муаммонинг умуман ечими эмас.

Ягона ғазначилик ҳисобварағини минтақаларда жорий этишнинг ўта жиддий муаммоси – бу ҳам даромадлар, ҳам харажатлар бўйича ягона ғазначилик ҳисобварағи шароитида давлат бюджети ижросининг барча талабларига жавоб берувчи интеграллашган марказлаштирилган дастурий маҳсулотнинг йўқлиги.

Таъкидлаш муҳимки, Ғазначиликнинг фаолияти ҳамкор идоралар билан, биринчи навбатда, бюджетни режа сифатида даромад ва харажат қисмларини шакллантирувчи Молия вазирлигининг бюджет бўлинмалари билан, яқин ўзаро ҳаракат қилишни назарда тутди.

Шунингдек бу ўзаро ҳамкорлик ҳаракатлари Марказий банк, ваколат банклари ҳамда солиқ тизимининг органлари билан амалга оширилиши лозим (2-чи ва 3-чи иловалар). Бу муаммони ҳал этишда 2004 йил 26 августда қабул қилинган “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги қонуннинг Ғазначиликнинг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро муносабатларини тартибга солувчи 8-чи моддаси ёрдам берди.

3.2.2. ДМБАТнинг функционал, техник ва амалий имкониятлари.

МФ ГИАТ таркибида (корпоратив даражадаги ҳар бир бошқа интеграллашган ахборот тизимига ўхшаб) иккита нисбатан мустақил қисмлар мавжуд:

Компьютер инфратузилмаси (КИ) - компьютерлар, локал тармоқлар, телекоммуникацион тармоқлар, тизимли дастурий таъминот, яъни, Корпоратив тармоқ (КТ) деган умумлаштирилган ном билан белгиланади.

Амалий ахборот тизимлари (ААТ) - бизнес-масалаларни бевосита ечиш ва вазирлик мақсадларига эришиш учун керакли дастурий таъминот. Ахборот атамаларда бу қисм одатда **Ахборот инфратузилмаси (АИ)** деган ном билан белгиланади.

Корпоратив тармоқ (компьютер инфратузилмаси) барча интеграллашган ахборот тизимнинг тизимли ва техник тарафларини акс эттиради ҳамда амалий ахборот тизимлари ишлаш учун асос кўринишда шаклланади. Корпоратив тармоққа ўрнатилган талаблар ягона ва стандартлаштирилган, уни тузиш усуллари эса халқаро ва мамлакатимиз амалиётида яхши маълум.

Замонавий ахборот технологиялари амалий ахборот тизимларни, айниқса уларнинг асосида саноат стандартлари жойлашган бўлса, интеграциялашни талаб қилади ва бунга имконият беради. Ахборот тизимларини интеграциялашиши ва стандартларга риоя қилиши бу тизимларни жорий қилиш ва уларни ишлатиш билан боғлиқ харажатларни жиддий камайтиришга имкон беради. Ундан ташқари шуни таъкидлаш керакки улар давлат миллатчилигининг ўзига хослигини инобатга олган ҳолда, давлат молияларини бошқариш халқаро принципларига риоя қилиши керак.

Тахминан, биринчи босқичда функцияларнинг фақат минимал миқдордаги энг зарур тўплами автоматлаштирилади. Бундай ёндашув тизимни тезкорлик билан ва қийинчиликсиз жорий қилишни таъминлайди, Ҳазначилик бўлинмалари ходимларни янги технология бўйича тўла қонли ишлаши учун имкон беради ва ДМБАТни тўла миқёсда жорий этиш учун шарт-шароитлар яратади. ДМБАТ локал функцияларни автоматлаштириш ва дастурий таъминот тарафдан амалдаги “Ҳазначилик-2” ДКдан фарқланади.

Бошқариш босқичларига қараб Ҳазначилик ижросини автоматлаштириш ДМБАТ тизими тузилмасида қуйидаги қуйи тизимларга (ягона тизимнинг ташкил этувчи қисмлари) ажратилади:

режалаштириш;

ижро этиш ва ижро этишни назорат қилиш;

ҳисоб ва ҳисобот қилиш;

таҳлил қилиш.

Бу қуйи тизимларнинг функционал имконлари, тузиш ва жорий қилиш услублари ҳар хил. Улар ечиладиган масалалар таркиби, норматив-сўров маълумотлар тузилмаси, ишлаш регламенти, кириш-чиқиш тартиби ва бошқа хусусиятлари билан бир биридан фарқланади. Аммо уларни ишлаб чиқишда назарий базанинг ягона бўлиши зарур, чунки Ҳазна ижроси бюджетни бошқаришнинг барча босқичларини юқори даражадаги интеграциялашганлигини назарда тутади.

Бюджетнинг ижроси Ҳазначиликнинг ҳисоб-таҳлил регистрлар тизимида барча операциялар ва бюджет маблағларини акс эттириш йўли билан амалга оширилади. Барча операциялар бу тизим орқали бажарилади. Хусусан, бу

тизимда бюджетдан маблағ олувчиларнинг ҳисобварақлари олиб борилади ҳамда ғазна ижросининг барча параметрлари назорат қилинади.

Бюджетни режалаштириш жараёнида ҳужжатлар айланишини автоматлаштирувчи ва ҳисобот берувчи бюджетдан маблағ олувчиларнинг шартнома муносабатларини дастлабки назорат қилувчи шартномалар ҳисобини олиб борадиган қуйи тизими катта роль ўйнайди. Ғазначиликнинг маълумотлар ягона базасида барча бюджетдан маблағ олувчиларнинг ҳуқуқий мажбуриятлари ва шартномалар, уларнинг ижро этилиш даражаси ва улар бўйича тўлаш ҳолати ҳақидаги маълумотлар жамланади. Бу ахборот тизим томонидан бюджетни режалаштириш, тегишли ҳисобот ва ҳужжатларни шакллантириш, ҳамда бюджет рўйхатини тузиш пайтида ишлатилади.

ДМБАТ режалаштирилган бюджет маблағлар бошқаришининг барча босқичларини, бюджетнинг тасдиқланган дастлабки параметрлар, харажатлар сметалари ёки бошқа уларга тенглаштирилган ҳужжатларни киритишдан бошлаб то кейинчалик бюджет ижроси жараёнида пайдо бўладиган ўзгартиришларни инобатга олишгача, автоматлаштиришга имкон беради.

Мониторинг ва бюджет ижроси

ДМБАТ тизими бюджетнинг чиқим моддалари ғазна ижросини тўла автоматлаштиради – бюджетдан маблағ олувчилар томонидан харажатларни тўлашга тайинланган сертификатни Ғазначиликка юборишдан тортиб то бухгалтерлик ҳисобварақларини бир бири билан боғлаш амали ва тўловларни амалга оширилгунга қадар. Бюджет маблағларини охириги олувчи ташкилотда ўрнатиладиган қуйи тизим маъмурий бошқаришга имкон беради, жумладан, ўрнатилган тартиб талаблари ёки меъёрий база ўзгарганда тайинлаш сертификатларни масофавий янгиланади.

Операцион назорат ва бюджетнинг ойдинлиги

Тегишли қонунчиликка мос ва бюджетдан маблағ олувчилар томонидан тасдиқланган бюджет маблағларини олиш тартиби бузилишга ҳамда маблағларни мақсадсиз харажат қилишга имкон бермайдиган ғазна ижроси бюджет ижросини жорий операцион назорат қилиш усулидан фойдаланган ҳолда муваффақиятли амалга оширилади. Бу назорат ҳам амалга ошириладиган операцияларни барча бюджетдан маблағ олувчигача етказилган бюджет маблағларининг лимитларига мослигини, ҳам маблағларни мақсадли харажат қилишни доимий мониторингини назарда тутди. Модомики текшириш маблағлар харажат қилиш босқичигача, яъни, тўлов ҳужжатлар бюджетдан маблағ олувчи томонидан олингунча, амалга оширилса, демак бу назорат Ғазначиликда бюджет жараёнининг доимо янгиланаётган тўла ҳолатини тасаввур этишга имкон беради. Бюджетдан маблағ олувчига етказилган товарлар (хизматлар, ишлар) учун ҳар бир тўлашга тақдим этилган ҳужжат тўлов ҳужжатларнинг стандарт реквизитларидан ташқари бюджет таснифининг қўшимча майдонлари билан таъминланади.

ДМБАТ тизими тўлов топшириғи бўйича ҳужжатни қабул қилиш вақтида тўлов ҳужжатлар параметрларини тегишли классификаторлар бўйича автоматлаштирилган равишда солиштирилади ҳамда тасдиқланган бюджет маблағлар доиралигини ва тўлов тайинланган мақсадга мослигини аниқлайди.

Шу билан бирга Ғазначиликнинг маълумотлар базаси билан солиштирилади. Бу маълумотлар базаси ўз ичига фойдаланувчи (ғазначилик бўлинмасининг ходими) томонидан бериладиган, тўловнинг зудлик билан бажарилиши ёки унинг устуворлиги ёки ҳар бир бюджетдан маблағ олувчининг бошқа мезонларига қараб белгиланган ихтиёрий параметрларни қамраб олган.

Молия назорати процедуралари. Нархларни назорат қилиш.

Нархларни назорат қилиш - бу бюджет маблағлари устидан молия назорати процедураларининг бир варианты. Бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш устидан назоратни автоматлаштириш бюджетдан маблағ олувчиларнинг тўлов ҳужжатларини қабул қилиш босқичида сотиб олинаётган товарлар нархларини маълумотлар базаси билан (шундай база мавжуд бўлган ҳолда) солиштириш йўли билан текширишга имкон беради. Бундай процедура бюджет маблағларини охириги нуқтада олувчилар тўловларини тезкорлик билан назорат қилишга ва натижада нархлари оширилганлиги олдиндан аён бўлган товарларни сотиб олиш ҳолларини аниқлашга имкон беради.

Бундан ташқари, Товарлар каталоги ва Товар етказувчилар ва хизмат кўрсатувчилар маълумотномаларидан ҳам фойдаланиш мўлжалланмоқда. Бу маълумотномаларни Ғазначиликнинг тегишли маълумотномалари билан бирга бир вақтда ишлатиш бюджет маблағларини охириги олувчиларнинг харид қилиш фаолиятини ҳам товарлар, ҳам нархлар, ҳам товар етказувчилар томонларидан назорат қилишга имкон беради.

Нархларни назорат қилиш Ғазначиликка бюджет маблағларини охириги олувчиларнинг савдо-харид фаолиятига уларга ишончли товар етказувчиларни таклиф қилиш ва нарх сиёсатини етказиш йўли билан таъсир этишга имкон беради. Нархларни назорат қилиш қуйи тизими товарлар етказувчилар ўртасида автоматлаштирилган тендерлар ўтказишни таъминлайди. Товарлар ва хизматлар нархларининг мавсумий тебранишлари бўйича йиғилган маълумотлар асосида бюджетнинг келгуси харажатларни ойлар, йил чораклари ва бошқа даврлар бўйича баҳолаш имкони пайдо бўлади. Олинган натижалардан бюджетни прогноз қилиш қуйи тизимида фойдаланилади.

Шартномалар ҳисобини олиб бориш қуйи тизими.

ДМБАТ комплексининг муҳим функционал қисми – бу бўйсунадиган бюджетдан маблағ олувчиларнинг ҳужжатлар айланмаси ҳамда шартнома ва хўжалик фаолиятининг назоратини автоматлаштирувчи шартномалар ҳисобини олиб бориш қуйи тизими.

Қуйи тизим билан ишлаш икки поғонали схема бўйича ташкил этилади ва айланма алоқани назарда тутлади. Дастлабки маълумотлар (шартномалар ҳақидаги маълумотлар, шартнома бажарилиш босқичлари, уларнинг бошланиш ва тугатиш муддатлари, шартноманинг умумий ва айрим босқичларининг нархи, тўловни амалга ошириш жадвали) тегишли бюджетдан маблағлар олувчиларга хизмат кўрсатаётган ҳуқуқий мажбуриятларни қайд этувчи бўлимларда киритилади. Кейин маълумотлар Ғазначиликнинг маълумотлар ягона базасига узатилади ва у ерда пухта текширувидан ўтказилади. Назорат қилиш натижаларига кўра шартномалар ёки тасдиқланиб ижро этилишга қабул

килинади, ёки бюджетдан маблағ олувчиларга шартномалардаги нуқсонлар тўғрисида маълумот жўнатилади. Камчиликлар бартараф этилгандан сўнг шартнома яна бир марта рўйхатдан ўтказилишга тақдим этилиши мумкин.

Шундай қилиб, Ҳазначиликнинг маълумотлар ягона базасида барча бўйсунадиган бюджетдан маблағ олувчиларнинг жорий рўйхатга олинган ва ижро этилган шартномалари, уларнинг ижро этилиш даражаси ва тўлов ҳолати ҳақидаги маълумотлар йиғилиб борилади. Бу маълумот кейинги йилги бюджетни режалаштириш, бюджет рўйхатини тузиш, ҳамда, масалан виждонсиз буюртмачилар ва бажарувчиларни аниқлаш учун керак.

Шартномалар ҳисобини олиб бориш қўйи тизими бюджет воситаларни охириги олувчиларда ўрнатилади. У ваколатга эга ходимнинг автоматлаштирилган иш жойи кўринишда шаклланади. Маълумотларни саралаш, “элақдан” ўтказиш, қидириш ва яққол тасвирлаш йўл билан ҳам жорий, ҳам келажак даврларга сотиб олишлар ва тўловларнинг муддатли режаларини тузиш мумкин. Агарда шартномалар ҳисобини олиб бориш қўйи тизими маълумотларни автоматлаштириш йўли билан алмашиш асосида ишлатилса ғазначилик бўлинмаларининг ходимлари барча бюджетдан маблағ олувчиларнинг шартнома муносабатларининг ҳозирги вақтдаги ҳолатини (турли тараф ва шаклларда) тезкорлик билан аниқлаши мумкин.

Демак, Ҳазначилик маълумотларининг ягона базаси қўйидагиларга қодир:

- шартномалар шартлари ҳамда нархларини текшириш йўли билан уни тузиш жараёнини назорат қилиш;
- бюджетдан маблағ олувчиларнинг олиб бораётган фаолиятини реал вақт кўринишда баҳолаш, бу жараённи келажак даврларга режалаштириш.

Қўйи тизим таркибида буюртмалар, шартномалар, тўловлар, маблағ манбалари ва уларни товар (ишлар, хизматлар) етказувчиларга, капитал қурилиш пудратчиларига турли шартнома муносабатларни қувватлаш негизида тўлаш тўғрисидаги дастлабки маълумотларни киритилиш ва сақланиши ташкил қилинган. Шунингдек, шартномаларни ижро этиш босқичларига бўлиш назарда тутилган. Ҳар бир босқич бўйича ишларни бажариш ёки хизматларни кўрсатиш ва улар учун пул тўлаш муддатларини белгилаш, масъул бажарувчи ходимни тайинлаш мумкин.

Бошқарув ҳисобини олиб бориш.

ДМБАТ комплексининг имконлари бюджетдан маблағ олувчиларининг тўлов ҳужжатларини тўлашни назорат қилиш билан кифояланмайди. Агарда бу тизимлар бюджетни ижро этишнинг барча даражаларида – бюджетдан охириги маблағ олувчилардан тортиб то Ҳазначиликнинг назорат қилувчи органигача - ишлаб чиқилса ва ишлатилса, у ҳолда бюджетдан маблағ олувчининг фаолиятини реал вақт кўринишда тўла назорати таъминланади. Ҳазначилик операциялари назорати билан шуғулланувчи Ҳазначилик бўлинмаларининг ходимлари ўз ишчи ўринларида барча бюджетдан маблағ олувчиларнинг тўлов ҳолати ҳақида тўла ахборотни олиши, уларнинг битимларини кузатиш ва тўхтатиш, уларнинг даромадларини ҳисобга олиш, савдо-сотик ва тижорат фаолиятни назорат қилиши мумкин. Бошқарув ҳисоби доирасида бу ходимларга бюджетдан маблағ олувчи ҳақида барча даражадаги ахборотдан

хабардор бўлиш, хаттоки аниқлаштирилган режали бюджет маблағлари қолдиқлари ва уларнинг ҳисобварақларидан тўланган бюджет маблағларининг миқдорлари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланишга имкони бор.

Ҳисобот ва таҳлил

ДМБАТда бюджет ҳисобини олиб бориш ва барча жараёнлар учун ҳисоботни шакллантириш ўзгарувчан солашни қўллаб, давлат бюджетининг ғазна ижроси Бухгалтерия ҳисобининг ягона режасига биноан амалга оширилади.

Бухгалтерия ҳисоби

ДМБАТ дастурий комплекс таркибидаги бухгалтерия ҳисоби қуйи тизими Ғазначиликнинг ёки ғазначилик бўлинмасининг бухгалтерия ишларини автоматлаштиришдек, бўйсунувчи бюджетдан маблағ олувчилар бўйича бирлаштирилган ахборот комплекс равишда қайта ишлаш учун ҳам мўлжалланган. Фойдаланувчига ёки функцияларнинг тўла тўплами ёки унинг айрим қисмлари берилиши мумкин. Аниқ фойдаланувчи томонидан ишлатиладиган функциялар таркибини тизимнинг бошқарувчиси (администратори) белгилайди ва хоҳлаган пайтда ўзгартирилиши мумкин. .

Бухгалтерия ҳисобининг стандарт масалаларини ечиш учун қуйи тизим фойдаланувчига қуйидаги имконларни беради:

1) йўналишларга ажратилган ҳисобварақлар режасини солаш ва бухгалтерия операцияларини ҳисобварақлар бўйича бажариш; бирламчи бухгалтерия ҳужжатларини шакллантириш ва бошқа қуйи тизимлардан келувчи, кейинроқ фойдаланишга қолдирилган ҳужжатлар ҳисобини олиб бориш;

2) таҳлилий ҳисобни олиб бориш;

3) чекланмаган миқдорда бухгалтерлик ҳисобварақларни бир бири билан боғлаш амалини бажариш (шу ҳисобда, ҳам стандарт, ҳам мураккаб кўринишдаги, жумладан сўм билан қопланиш ва валюта курси фарқини ҳисоблайдиган ҳисобварақлар, ҳамда кейинроқ фойдаланишга қолдирилган ҳужжатлар бўйича битта-биттадан ёки тўпландан);

4) балансдан ташқаридаги ҳисобварақлар бўйича ҳисоб олиб бориш;

5) ҳисобварақлар ҳолати ва ҳужжатларни назорат қилиш (ҳисобварақлар ва таҳлилий ҳисоб олиб бориладиган объектлар бўйича ойма-ой ва йил даврларда қолдиқлар ва айланмаларни кўриб чиқиш); маълумотлар базасининг мантиқий бутунлигини текшириш учун тафтиш муоложасини бажариш;

6) бухгалтерия балансини тузиш ва бўйсунувчи бюджет маблағларини тасарруф этувчилар ва бюджетдан маблағ олувчилар бўйича бирлаштирилган балансни тайёрлаш;

7) барча жараёнлар бўйича турли шаклдаги ҳисоботларни чиқариш (бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва ҳоказо).

Таҳлил.

Худди бюджетни режалаштиришдек, унинг ғазна ижроси жараёнида вужудга келадиган тенденцияларга тезкорлик билан жавоб ҳаракат қилиш учун ҳам таҳлилий ахборот зарур. Бундан ташқари, шундай ахборот бюджет соҳасини стратегик режалаштириш учун ҳам керак.

ДМБАТнинг ягона маълумотлар базаси молиявий таҳлил ва фаолиятни бошқариш жараёнларини автоматлаштиришга мўлжалланган предметларга қаратилган тизим кўринишда гавдаланади. ДМБАТнинг ягона маълумотлар базаси ДМБАТнинг таҳлилий кўйи тизимларини, яъни таҳлил учун ҳар тарафлама қамраб олувчи ахборотлардан иборат интеграллашган иловаларни, ишлаб чиқиши ва фаолиятига шароитлар яратиб беради.

ДМБАТнинг ягона маълумотлар базасида сақланувчи асосий объектлар бу - бюджетдан маблағ олувчилар фаолиятини амалга оширишда шаклланадиган бирламчи ҳужжатлар, бюджетдан маблағ олувчилар ҳисобварақларининг ҳолати. Тизимга барча бирламчи маълумотлар Ғазначилик ҳамда унга бўйсунувчи субъектлар фаолиятини автоматлаштирадиган иловалардан тушади. Бу маълумотлардан таҳлил ва қайта ишлаш мақсадида фойдаланишга имконият пайдо бўлади. Тушган маълумотлар негизида таҳлилий ишларни амалга ошириш учун ДМБАТнинг ягона маълумотлар базаси асосий таҳлилий услубларни амалга оширишга имкон яратувчи базавий механизмлар ва стандартлар бизнес-қоидаларни (тизимга аввал жойлаштирилган) беради.

Ўзгарувчан соझашдан фойдаланган ҳолда ДМБАТ ёрдамида бюджет ҳисоботларининг барча шакллари яратиш мумкин. Қонуний ўрнатилган шакллар ўзгарган ҳолда янги турдаги таҳлилий ҳисоботлар билан ишлаш мақсадида тизим тезкорлик ва кам меҳнат сарфлари билан қайта соझаш таъминланади.

ДМБАТнинг аппарат-дастурий томондан амалга оширишнинг асосий принциплари куйидагилардан иборат:

ДМБАТнинг аппарат-дастурий томондан амалга оширилиши “мижоз – сервер”, “мижоз - иловалар сервери - маълумотлар базаси сервери” ва “браузер - WEB-сервер - маълумотлар базаси сервери” тизимларини ишлашига шароит яратади. Охириги икки тизим “нозик мижоз” концепциясини амалга оширади.

"On - line" режими учун маълумотларни марказлаштирилган кўринишда сақлаш концепцияси таклиф этилади. Барча сақланаётган ахборотларнинг ҳар бири алоҳида номга эга. ДМБАТга бир марта жойлаштирилган барча маълумотлардан уни қайта ишловчи барча модуллар фойдаланиши мумкин. Маълумотлар базасининг тузилмаси турли бюджет йилларга тааллуқли ахборотларни тегишли даврларга боғлашни ва турли вақт жараёнларига тегишли ахборотларни параллел равишда қайта ишлашни таъминлайди. Маълумотлар базасининг аппарат сервери локал тармоғи ва узокда жойлашган фойдаланувчилар учун тизимга масофавий уланишни ташкил этиш орқали маълумотлардан фойдаланиш мумкин. ДМБАТнинг барча фойдаланувчилари (улар жойлашган манзилдан қатъи назар) мажбурий равишда ДМБАТда рўйхатга олинади.

Бюджет жараёнининг барча иштирокчилари ишчи станциялари ДМБАТнинг ягона корпоратив тармоғига бирлаштирилади.

Бюджет жараёнининг узокда жойлашган қатнашчиларини улашни таъминловчи маълумотлар базасининг аппарат серверлари, иловалар

серверлари ва тармоқли асбоб-ускуна ўрнатиладиган хоналарнинг локал тармоқ ўтказиш қобилияти 100 мбит/с ташкил этади.

ДМБАТнинг ҳудудий даражадаги аппарат-дастурий таъминоти қуйидаги асосий параметрлар билан таърифланади:

фойдаланувчиларнинг сони: 20-50та (бу ерда ва кейинчалик фойдаланувчи деб маълумотлар базалари сервери ишини бошловчи ишчи станция назарда тутилади);

маълумотлардан фойдаланиш: маълумотлар базаси серверининг локал тармоғи орқали;

фойдаланиш схемаси: “мижоз-сервер” ёки “мижоз-иловалар сервери-маълумотлар базаси сервери”;

маълумотлардан фойдаланиш режими: on-line.

Маълумотлар базаси серверига талаблар (50-та фойдаланувчилар):

операцион тизим: “Oracle” ахборотлар жамламасини бошқариш тизимини (АЖБТ) ишлашини таъминловчи барча тизим. ТСР/ІР тизими баённомалар оқимини ва ДМБАТнинг яратиш бўйича техник ҳужжатларга мувофиқ бошқа талабларни қувватлаш.

3.2.3. ДМБАТни фаолияти орқали боғланган вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимлари билан ўзаро муносабатлари.

“Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 8-чи моддасига мувофиқ Ғазначилик унга юклатилган вазифаларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, давлат солиқ ва божхона хизматлари, давлат мақсадли фондларини тасарруф этувчи идоралар, давлат бюджетида уларга маблағ ажратилишини режалаштирилган юридик шахслар ҳамда бюджет жараёнининг бошқа қатнашувчилар билан биргаликда ўзаро ҳаракат қилади. Барча номлари келтирилган идоралар Ғазначиликка Давлат бюджетининг касса ижросида, унинг маблағларини бошқаришда, давлат бюджетини маблағлари тушуми ва сарфи назоратини амалга оширишда кўмаклашиши шарт.

Ғазначилик, давлат солиқ ва божхона хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, давлат мақсадли фондларини тасарруф этувчи идоралар, давлат бюджетида уларга маблағ ажратилиши режалаштирилган юридик шахслар, ҳамда бюджет жараёнининг бошқа қатнашувчилари қонунчиликда ўрнатиладиган тартибда Давлат бюджетининг ғазна ижроси масалалари доирасида ўзаро маълумот алмашишни амалга оширадilar.

Давлат бюджетида уларга маблағ ажратилиши режалаштирилган юридик шахслар, ҳамда бюджет жараёнининг бошқа қатнашчилари Ғазначиликка тақдим этиладиган маълумотларнинг ишончлилиги ва асослигига жавобгар бўлади.

Ҳозирги вақтда идораларнинг ўзаро ҳаракат қилиши ва ахборот алмашув масалаларида қуйидаги камчиликлар мавжуд:

а) банк тизими билан:

ғазначилик бўлинмаларнинг ҳисобварақларида маблағларни марказлаштириши мавжуд эмас;

Ғазначилик бўлинмалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг электрон ҳисоб-китоблар тизимига амалда киритилмаган;

банк тўлов ҳужжатларида уларни автоматлаштириш йўли билан қайта ишлашни таъминлашга имкон берувчи қатор реквизитлар мавжуд эмас.

б) солиқ ва божхона органлари билан:

ғазначилик бўлинмалар ва солиқ органлари томонидан давлат бюджети даромадларини ҳисобга олиш бўйича бир хил функцияларни такрорлаш холлари мавжуд;

тегишли ҳудудий даражада божхона тўловлари давлат бюджетининг даромадига киритилмайди.

Ғазначилик бўлинмалари ва бошқа молия органлари ўртасида ахборот алмашуви услуги ва технология ҳолати такомиллаштиришни талаб қилади.

в) бюджет маблағларини тасарруф этувчи ва олувчилар билан:

бюджет маблағларини тасарруф этувчи ва олувчиларнинг ягона реестри мавжуд эмас;

барча бюджет маблағларини тасарруф этувчи ва олувчиларнинг шахсий ҳисобварақлари орқали бюджет маблағларини сарфланишни амалга ошириш бўйича ягона ҳуқуқий асоси мавжуд эмас;

Ғазначиликнинг ҳисобварақларига бюджет ташкилотлари ва давлат мақсадли фондларининг бюджетдан ташқари маблағлари ўтказилмаган;

бюджет мажбуриятларини қабул қилиш, тасдиқлаш ва тўлаш бўйича масъулият доираси чегараланмаган.

Давлат бюджетининг ғазна ижроси жараёнида Ғазначилик ва юқорида номлари келтирилган органлар ўртасида қонунчилик базасини мукамал эмаслиги ва шу органлар ўртасида мувофиқлаштиришнинг йўқлиги натижасида маълум кўринишдаги мунозарали вазиятлар ва англашилмовчиликлар вужудга келади.

“Давлат молияларини бошқариш ислоҳоти” лойиҳасини тайёрлаш ва амалга оширишни ташкил этишга жавобгар Молия вазирлиги ва Молия вазирлигининг Ғазначилиги томонидан, халқаро маслаҳатчилар кўмагида, Давлат молияларини бошқариш ахборот тизими бўйича тендер ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жамламасини ишлаб чиқиш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда. Молия вазирлигининг стратегиясига биноан бу тизимни бутун республика бўйича фойдаланишга топшириш 2010 йилдан кейинги давра режалаштирилган.

Ғазначиликнинг Давлат молияларини бошқариш ахборот тизими ташкилий маънода ҳужжатларнинг тартибга солинган жамламаси ва ахборот технологияларидан иборат. Бу технологиялар ҳисоблаш техникаси ва алоқа воситаларига асосланади, ахборот технологияларини амалга оширади ҳамда Давлат молияларига оид маълумотларни, жумладан, бюджет даромадлари ва бошқа маълумотларни, сақлашга, қайта ишлашга, бошқаришга, тарқатишга, узатишга ва тақдим этишга мўлжалланган.

Ишлаб чиқарилаётган Ғазначиликнинг Давлат молияларини бошқариш ахборот тизими лойиҳасининг талаблари давлат солиқ ва божхона органлари, Марказий банк фаолияти билан чамбарчас боғланганлиги сабабли Молия вазирлиги Давлат солиқ кўмитаси, Давлат божхона кўмитаси, Марказий банк билан биргаликда қонунчиликдан келиб чиқувчи ва ДМБАТни ишлаб чиқиши билан боғлиқ талабларни икки томонлама инобатга олишлари керак.

1. Ғазначилик бўлинмаларини банк муассасалари билан ўзаро ҳаракат қилиши:

а) Ғазначилик тижорат банкларининг жойлардаги бўлинмалари билан ўзаро муносабат ўрнатмайди (таснифлаш бўйича маълумотномаларга ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳамда Давлат бюджети ёки Давлат мақсадли фондлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари фондларига хато ёки ортиқча тушган даромадларни аниқлаш ҳолатлар бундан мустасно). Тижорат банклари асосан солиқ тўловчилар, Давлат бюджети, Давлат мақсадли фондлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари фондларига тушумлар бўйича ўзаро муносабат ўрнатадилар;

б) марказ даражасида Ғазначилик Марказий банк билан “банк – миждоз” усули орқали, тижорат банклари билан эса - валюта ҳисобварақларининг очилиши ва вақтинча ишлатилмаётган пул маблағларнинг бу банкларда депозит ҳисобларда жойлаштиришда ҳамкорлик қилади;

в) жисмоний шахслардан нақд пулларни йиғиб олиш билан шуғулланувчи алоҳида банкларнинг (масалан “Халқ банки”) муассасалари ёки тушумларнинг бошқарувчиси (ДСҚ, ДАН ва бошқалар), ёки бевосита ғазначилик бўлинмалари билан ўзаро муносабатда бўлиш, ахборот алмашуви ва тўлов ҳужжатлар (квитанциялар, нақд пулларни жойлаштириш бўйича эълонлар) нусхаларини узатиш масалалари кўшимча равишда ишлаб чиқилади.

Энг муҳим масала – ғазначилик бўлинмаларида бюджетлар (ёки маблағлар олувчиларнинг) ҳисобварақларини ҳамда солиқ ва божхона органлари, Давлат мақсадли фондларининг бошқарувчилар ва махсус йиғувчиларни ҳисобга олиш учун зарур бўлган реквизитларини ҳисобга олиш учун керакли ахборотни тўлов ҳужжатлар (ҳам даромадлар, ҳам чиқим операциялар бўйича) шаклида акс эттириш имконини яратиш. Бундан ташқари, бу реквизитларни тўлов ҳужжатларда ҳам жисмоний, ҳам юридик шахслар томонидан тўғри акс эттириш учун ва республикадаги тегишли банкларнинг ҳар бир бўлинмаси фойдаланишига имкон берувчи ва тушунарли шаклда етказиш керак бўлади (қоғоз ҳужжатлар кўринишда, яъни таснифлаш бўйича маълумотлар киритилган брошюралар, ва электрон кўринишда, яъни ҳамма қабул қилган форматда (Microsoft Excel) ёки банклар билан биргаликда фойдаланилаётган бошқа форматда тайёрланган жадваллар).

Муқобил вариант сифатида маблағлар олувчиларнинг тегишли ҳисобварақларининг рақамларини бюджетга тўловни бажариш учун ишлатиладиган тўлов ҳужжатларнинг “Тўловнинг батафсил маълумотлари” номли жойида акс этилиши таклиф қилинади.

2) Ғазначиликни ДСҚ ва ДБҚ билан ўзаро муносабатлари.

Давлат бюджети даромадига тушаётган барча маблағлар, жумладан ДМФ ва БТ БТФ даромадлари ҳам, ЯҒХга киритилиши, пул маблағларнинг ҳаракати бўйича кўчирмалар эса Ғазначиликда Марказий даражада жамланиши муносабати билан, тўловлар реквизитлари ва тўловчилар ҳақидаги маълумотларни ДСҚ, ДБК, ДМФ, БТларнинг қуйи органлари ва тушумларни махсус йиғувчиларга етказиш зарурати пайдо бўлади.

Ҳозирги вақтда тўловлар реквизитлари ва тўловчилар ҳақидаги маълумотлар электрон кўчирмаларнинг қоғозга туширилган кўринишида ва республика бюджетининг транзит турдаги даромад ҳисобварақлари очилган банк муассасаларининг тўлов топшириқларини ҳамда банкларнинг тегишли бўлимларидан жисмоний шахслар томонидан амалга оширилган нақд пул тўланганлиги ҳақидаги квитанциялар нусхаларини солиқ ва божхона органларига тақдим этиш йўли билан етказилади.

Ғазначилик тегишли таснифлар бўйича маълумотномаларга ўзгартиришлар ва кўшимчалар ҳамда қоидалар ва уларни қўллаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги ахборотни солиқ ва божхона органлари ва бошқа махсус йиғувчиларга ҳар хил усуллар билан (қоғозда ёки электрон турларда) етказди. Шу маълумотномалар ва ҳисобварақларидаги маълумотлар асосида бу органлар томонидан Тўлаш ҳақидаги ҳужжатлар шаклланади. Кейинчалик бу ҳужжатлар ўрнатилган миқдор ва муддатларда бюджетга тушадиган тўловларни ЯҒХга киритиш учун тегишли тўловчиларга етказилади.

Бюджет ижросини ғазначилик шаклига ўтказилгандан кейин ҳам Ғазначилик, ҳам бошқа солиқлар, йиғимлар ва тўловларни йиғувчи органлар учун барча керакли ахборотни ўз ичига қамраб олган ЯҒХдаги операциялар бўйича кўчирмаларни Марказий банкдан олиш назарда тутилмоқда. Агар кўчирмаларда барча керакли ахборотни акс эттиришга имкон бўлмаса Марказий банк томонидан алоҳида ҳар бир тўловчи бўйича электрон тўлов топшириқларни тақдим этилиш имконини кўриб чиқиш мумкин.

Банкдан тегишли электрон ҳужжатлар олингандан сўнг ДМБАТ модулининг тегишли блоки олинган ҳужжатларни қуйидаги кўрсаткичлар бўйича сараланиши керак:

- йиғувчи идора тури бўйича;
- ҳудудий таснифланиш бўйича;
- даромадлар таснифланиши бўйича;
- бошқа керакли кўрсаткичлар бўйича.

Сараланганлар электрон ҳужжатлар тегишли ҳудудий белгилар бўйича тақсимланиши ва улардан Ғазначиликни тегишли ҳудудий бўлинмалар томонидан фойдаланишга имкон берилиши керак. Бу бўлинмалар, ўз навбатида, шу маълумотларни электрон ёки қоғоз ҳужжатлари кўринишида тушумларни тегишли ҳудудий бошқарувчилари (ДСҚ ва ДБК) ҳамда йиғувчи идоралар бўлинмаларига етказиши керак.

Даромадлари бюджетга тушган тўловлар ажратмаларидан шаклландиган баъзи ДМФ ва бюджетдан маблағ олувчиларга ажратилган даромадлар ва уларнинг ҳисобварақларига тушган маблағлар миқдори тўғрисидаги

маълумотларни етказиш зарурати пайдо бўлиши мумкин. Бунинг учун ДМБАТда идоралар ва ҳудудларнинг ҳисобварақларига ажратилган даромадлар турлари ҳамда уларнинг миқдорлари ҳақида ахборот шаклланади.

Солиқ ва божхона органлари ўрнатилган тартибда ва муддатларда, мунтазам равишда тегишли даража ва бюджетлар бўйича даромад тушумлари тўғрисидаги ҳисоботни, давр бўйича топширилган ҳисобот маълумотларини тегишли ғазначилик бўлинмалари билан солиштиришни амалга оширади. Махсус йиғувчилар тегишли давр бўйича тегишли бюджетларга тушган даромад миқдорларини Ғазначилик билан солиштиради.

Ахборотни ҳимоялаш муаммолари

Ғазначилик органларида ривожланаётган автоматлаштирилган ахборот тизимлари молиявий ахборотни қайта ишлаш ва узатиш муаммосини ҳал этишда янги даражага ўтишга имкон берди. Хусусан, ғазначилик органларида масалалар ечимини автоматлаштириш ва электрон телекоммуникация технологиялари ғазначилик тизимида маълумотларни қайта ишлаш ва узатиш жараёнлари самарадорлигини ошириш бўйича кўп масалаларни ҳал этишга имкон берди.

Аммо ҳисоблаш техникаси ва ахборот узатиш тизимларини интенсив ривожланиши билан ахборот хавфсизлиги ва ҳимоясини таъминлаш муаммоси янада долзарб масалага айланмоқда.

Охирги йилларда чет эл матбуотида чоп этилган мақолалар шундан далолат берадики, алоқа каналлари бўйича узатилаётган ахборотни суиистеъмол қилиш имкониятларининг ривожланиш ва такомиллаштирилиш суръатлари бу имкониятни олдини олиш ривожланиши суръатларига нисбатан паст эмас. Шунинг учун ахборотни ҳимоя қилиш мақсадида ҳимоялашнинг фақат баъзи бир механизмларини ишлаб чиқиш эмас, балки чораларнинг бутун бошли комплексини ташкил этиш керак бўлади, яъни ахборот йўқотишнинг олдини олиш учун махсус воситалардан, усуллар ва тадбирлардан фойдаланиш зарур бўлади. Демак, бугунги кунда янги замонавий технология - автоматлаштирилган ахборотлар тизимлари ва маълумотларни узатиш тармоқларида ахборотни ҳимоялаш технологияси пайдо бўлмоқда.

Қўлланилаётган қиммат чораларга қарамай, ғазначилик органларининг автоматлаштирилган ахборот тизимларининг фаолияти ахборотни ҳимоялашдаги заиф жойларни кўрсатди. Қўлланилган чоралар самарали бўлиши учун ахборот хавфсизлигига таҳдид нималигини, маълумотларни ташқарига чиқиб кетиши ва ҳимоя қилинаётган ахборотдан рухсатсиз фойдаланиш йўллари аниқлаш зарур.

Хавфсизликка таҳдид сифатида ахборотнинг, жумладан сақланаётган ва қайта ишланаётган ахборот ҳамда дастурий ва аппарат воситаларининг йўқолиши, бузилиши ёки ундан рухсатсиз фойдаланишга олиб келувчи ҳаракат ёки ҳодиса тушунилади⁴¹.

Жаҳон амалиётида икки хил таҳдид ажратилади: тасодифий (атайин қилинмаган) ва жўрттага қилинган. Атайин қилинмаган таҳдидларнинг

⁴¹ Акперов И.Г. Казначейская система исполнения бюджета в Российской Федерации, с.297.

сабаблари қуйидагича: дастурий таъминотнинг хатоси; аппарат воситаларининг ишдан чиқиши; фойдаланувчи ёки бошқарувчиларнинг нотўғри ҳаракатлари. Жўрттага қилинган таҳдидлар автоматлаштирилган ахборот тизимига зарар етказишни кўзлайди ва ўз навбатда икки турга бўлинади – фаол ва пассив таҳдидлар.

Пассив таҳдидлар ахборот ресурслардан улар ишлашига таъсир кўрсатмасдан рухсатсиз фойдаланишга қаратилган. Уларга мисол тариқасида алоқа каналларида айланувчи ахборотни уни эшитиш йўли билан олишга уринишни келтириш мумкин.

Фаол таҳдидларнинг мақсади - аппарат, дастурий ва ахборот ресурсларига мақсадли равишда, тизимнинг нормал ишлаб туришининг бузилишига қаратилган таъсир кўрсатиш.

Фаол таҳдидларга, масалан, алоқа каналларини бузиб ташлаш ёки радиоэлектрон йўли билан ишдан чиқариш, ишчи станцияларни бузиш, маълумотлар базаси ёки тизимли ахборотларни бузиб кўрсатиш ва ҳоказолар.

Фаол таҳдидларнинг манбалари сифатида ёвуз ниятли одам ҳаракатлари, компьютер вируслари бўлиши мумкин.

Ғазначилик органлари автоматлаштирилган ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлигининг асосий таҳдидлари қуйидагилардан иборат:

- махфий ахборотнинг очилиши;
- ахборотнинг обрўсизлантирилиши;
- ахборот ресурсларидан рухсатсиз фойдаланиш;
- ахборот ресурсларидан нотўғри фойдаланиш;
- рухсатсиз ахборот билан алмашиш;
- ахборотдан воз кечиш;
- хизмат кўрсатишдан бош тортиш.

Чет эл матбуотидаги материалларнинг таърифи бўйича, ахборотдан берухсат фойдаланишни асосий йўллари қуйидагилардан иборат:

- электрон нурларини тутиб олиш;
- кераксиз тебранишларни шакллантириш мақсадида алоқа линияларни мажбурий равишда электромагнит нурлантириш (озгина ёритиш);
- яширинча эшитиш мосламаларини (“хатчўпларни) қўллаш;
- масофавий суратга олиш;
- акустик нурланишларни тутиб олиш ва принтер матнини тиклаш;
- ахборот тарқатувчи сифатида ҳужжатлар “чиқиндиларини ўғирлаш;
- рухсат берилган сўровларни бажаргандан кейин тизим хотирасидаги қолдиқ ахборотни ўқиш;
- химоялаш чораларни бартараф қилиб ахборот тарқатувчи воситалардан нусха кўчириш;
- рўйхатга олинган фойдаланувчи сифатида ниқобланиш (маскировкалаш);
- мистификация, алдаш (тизим сўровларига мослашиш учун маскировкалаш);
- дастурий тузоқлардан фойдаланиш;
- дастурлар тузиш тилининг ва амаллар бажарувчи тизимларнинг камчиликларидан фойдаланиш;

дастурлар кутубхонасига “Троян оти” каби махсус блокларни (ёвуз ниятли шахснинг манфаатлари учун берухсат ҳаракат қилувчи махсус дастур) жойлаштириш;

аппаратура ва алоқа каналларига қонунга зид равишда уланиш;

ҳимоялаш механизмларини ёвуз ниятда ишдан чиқариш;

компьютер вирусларини жорий қилиш ва фойдаланиш.

Ҳозирги вақтда алоҳида муаммони компьютер вирусларнинг таҳдиди касб этади, чунки уларга қарши самарали ҳимояни ишлаб чиқиш ҳар доим ҳам қўлдан келмайди.

Ғазначилик бўлинмаларида автоматлаштирилган ахборот тизимини ташкил этиш тижорат ёки давлат сири каби ахборотларни ҳимоялаш ҳамда ахборот тизимини ўзининг хавфсизлиги бўйича муаммоларни ҳал қилишни талаб қилади.

Ғазначилик органларининг автоматлаштирилган ахборот тизимлардаги ахборот хавфсизлигини таъминлаш усулларига тўсиқ, фойдаланишни бошқариш, ниқобланиш, регламентга солиш, мажбурлаш ва ундаш киради.

Ғазначилик бўлинмаларининг амалий фаолиятида ахборотни ҳимоялаш чора ва воситаларни қўллашни қуйидаги мустақил йўналишлари мавжуд:

ахборотни рухсат берилмасдан фойдаланишдан ҳимоялаш;

алоқа каналларидаги ахборотни ҳимоялаш;

электрон ҳужжатларнинг ҳуқуқий аҳамиятини ҳимоялаш;

махфий ахборотни қўшимча электромагнит нурланиш ва “наводка” (электромагнит тўлқинлар ёрдамида алоқа линияларга уланиш) каналлари орқали ташқарига чиқиб кетишдан ҳимоялаш;

дастурлар ва махфий молия ахборотлардан рухсатсиз нусха кўчириш ҳамда тарқатишдан ҳимоялаш;

ахборотни дастурлар ва файлларни тарқатиш каналлари орқали компьютер вирусларидан ва бошқа хавфли таъсирлардан ҳимоялаш.

3.2.4. ДМБАТ ишлашини таъминлаш ва бу тизим билан ишлайдиган ходимларни ўқитиш.

Қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларини, жумладан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 27 сентябрдаги 128 сонли буйруғини амалга ошириш доирасида қуйидаги чораларни бажариш назарда тутилган:

Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг маъмурий-бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимларининг малакасини ошириш;

ўқув-услубий материаллар, масофавий ўқитишнинг дастурий маҳсулотлари, “он-лайн” тест синовларини ўтказиш ва ходимларни ҳисобга олиш автоматлаштирилган тизимларни ишлаб чиқиш;

минтақавий даражадаги бюджет ташкилотларининг молия-ҳисоб бўлинмалари ходимлари малакасини ошириш ва ўқитиш;

давлат бюджетининг ғазна ижросини такомиллаштириш бўйича ўқув дастурлари ва ўқув модулларини тайёрлаш;

Хоразм, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида Ўқув марказининг учта минтақавий филиалларини очиш;

Ўқув марказининг минтақавий филиалларини моддий-техника томондан жиҳозлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-594 сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг штати 144 ходимдан иборат бўлиб, улардан бошқарув ходимлари - 30 киши, ишлаб чиқариш ходимлари - 63 кишини ташкил этади. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ғазначилик органлари ходимларининг бюджетнинг ғазна ижроси асослари ва принципларига ўқитиш ва қайта ўқитишга зарурият мавжуд. Давлат бюджетининг ғазна ижросига ўтиш жараёни бюджетдан маблағ олувчиларга ҳам тааллуқли бўлганлиги учун ҳисобчилар ва бош ҳисобчиларни ҳам давлат бюджетининг ғазна ижроси асослари ва принципларига қайта ўқитишга зарурият пайдо бўлади.

Давлат бюджетининг ғазна ижроси асослари ва принциплари тўғрисида беҳабарлиги охир оқибат моддий сарфларга олиб келиши мумкин.

Ғазначилик бўлинмаларда кадрлар билан ишлаш муайян муаммоларга дуч келади. Бу жабҳадаги энг кескин умумий муаммолар қуйидагилардан иборат:

ҳисобчилар ва бош ҳисобчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш;
давлат хизматчиларининг касбий маҳорати ва омилкорлигини ошириш.

Европадаги қатор мамлакатлар ва АҚШни тажрибасининг кўрсатишича, Европа мамлакатларининг, хусусан Франциянинг ғазначилик борасидаги амалиёти ҳукуматнинг Ғазначилик олдига қўйилган вазифаларини амалга оширишда ёрдам бериши мумкин.

Кадрларни тайёрлаш соҳасидаги Франция тажрибаси ғазначиликнинг ва унинг ҳудудий ғазначилик бўлинмаларининг ходимларини ўқитиш ва қайта тайёрлаш принципларини ишлаб чиқишда жуда фойдали бўлди.

Францияда ўқитишнинг икки йўналиши мавжуд: биринчиси - ғазначилик тизимига ишга жойлашиш учун керакли бўлган бошланғич тайёрланиш; иккинчиси - малакани ошириш, хизмат поғоналари бўйича янада илгари юриш ва тегишли мансаб поғонасининг юқори тоифасига ўтиш мақсадида қайта тайёрланиш.

Барча ходимлар (уларнинг сони тахминан 60 минг киши) уч тоифага бўлинади:

- А) етакчи лавозимлар (жами ходимларнинг 18 фоизи);
- В) катта лавозимлар (32 фоизи);
- С) кичик лавозимлар (50 фоизи).

Ҳамма тоифалар учун (шахсан иқтисодиёт, молия ва ишлаб чиқариш вазирлари ёки уларнинг топшириғи билан Давлат молиялари ҳисобини олиб бориш бошқармаси бош директори томонидан лавозимга тайинланадиган “А”

тоифадаги хизматчилардан ташқари) ташқи танлов тартиби ўрнатилган. Бундан ташқари, давлат хизматининг баландроқ даражасига ўтишни хоҳловчи ходимлар учун ички танлов ҳам қўлланилади.

Танлов ёзма ва оғзаки кўринишда аттестация ўтказишни кўзда тутди. Саводхонликка нисбатан умумий талаблардан (грамматик ва орфографик хатоларнинг йўқлиги) ташқари танлов иштирокчилари санъат, адабиёт, география, табиий фанлари асослари бўйича имтиҳон топширадilar. Танловнинг даражаси қанча баланд бўлса, ташқи муҳит ходисаларни таърифлаш маҳоратига, иқтисодиёт ҳамда молияни роли ва ўрнини таҳлил қилиш қобилиятига бўлган талаблар шунчалик юқори бўлади. Танлов ёзма ишининг бу қисми иншо ёки тақлиф қилинган матнга тақриз-шарҳ ёзиш кўринишда топширилади. Шунингдек, одатда, танлов қатнашувчиларининг математика, ҳуқуқ, бухгалтерия ҳисоби каби фанлар бўйича ўқув юртларда олинган билимлари кўшимча равишда текширилади. “С” тоифадаги танловдан 100 кишидан бир киши муваффақиятли ўтади, “В” тоифадаги танловдан – 10 кишидан бир киши, “А” тоифадаги танловдан – 50 кишидан бир киши ўтади.

Танлов очилиши ва бўш ўринлар сони вазир томонидан белгиланади. Танлов қатнашчиларига тақлиф қилинган тестлар у ёки бу лавозимларни эгаллашга даъвогар бўлган мутахассисларнинг билимлари ва қобилиятларини текшириш имкониятини беради.

Ҳар бир департаментда мазкур департамент ходимларига тақлиф қилинадиган малакани ошириш ва қайта тайёрланиш курслари режаси мавжуд. Бу режада курсларнинг давомлилиги, берилаётган материалнинг ҳажми ва бошқа маълумотлар кўрсатилган. Департаментнинг ходими ўзи у ёки бу курсга бориш ташаббуси билан чиқиши мумкин, ёки раҳбарият ходимга маълум курсни ўтишни тавсия қилади.

Ўқув жараёнининг мониторинги ғазначиликнинг махсус танлаб олинган ходимларнинг кучлари билан амалга оширилади. “В” ва “С” тоифадаги мактабларда “А” тоифадаги мансабларга тааллуқли ўқишдан ўтган инструкторлар таълим беради. Одатда бундай одамлар ўзини касб устаси, малакали мутахассис ва тажрибали ходим сифатида кўрсатган кишилар. Бундан ташқари инструкторларга нисбатан педагогик тажриба борлиги ва компьютердан бенуқсон равишда фойдаланиш қобилияти талаблари ўрнатилади.

Ғазначиликда “Интранет” ички корпоратив тармоқ ишлайди. Унга 59 мингга яқин ходимлар уланган. Замонавий компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда масофавий таълим беришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу усул ўқитувчи ва тингловчилар ўртасида икки томонлама ахборот алмашишни таъминлайди. Тингловчи ва ўқитувчи ўртасида мулоқот ўрнатиш мақсадида фақат электрон почтадан эмас, балки оддий ва овозли “чат”лардан ҳам фойдаланилади.

Ўзоқ шаҳарларда яшовчи шахсларга барча саволларни муҳокама қилишда реал вақт кўринишда қатнашиш учун видеоконференциялар ўтказиш имкони бор. Ўқув жараёни ҳар бир таълим олувчига максимал равишда яқинлаштирилган. Тингловчи машғулотлар вақти ва уларнинг интенсивлигини

мустақил равишда танлашга ҳақли. Бинобарин тингловчи ва ўқитувчи ўртасида минг километрли масофа ётишига қарамай, улар виртуал тарзда доимий мулоқотда бўлади.

Аммо бу усулнинг салбий тарафларини ҳам айтиш керак. Масалан масофавий таълим бериш тизимининг камчилиги сифатида таълим олувчи шахс шу вақтда ўз иш жойида бўлишини келтириш мумкин, чунки таълим олиш билан бир вақтда ходим бошқа нарсаларга чалғишга мажбур бўлади (телефон кўнғироқлар, ҳамкасабалар муурожаатларига жавоб бериш).

Дастурни ишга туширишдан илгари ходимларнинг тайёргарлик даражаси аниқланади. Таълим бериш ва малака ошириш жараёнини мониторинг қилиш учун Франция Ғазначилигида 1998 йилда амалиётга тадбиқ этилган “Сафир” дастури ишлатилади. Бу дастур йиллик режаларни тузишдан бошлаб то статистик таҳлил қилишга ва йилнинг охирида хулоса чиқаришгача бўлган бутун ўқув жараёнини кузатишга имкон беради.

Ҳар бир департаментда таълим бериш бўйича маслаҳатчи лавозими мавжуд бўлиб, унинг вазифасига тармоқ ва ўқитиш дастурларини бошқариш киради. Йил охирида Ғазначилик ходимлари ўртасида кейинги йил таълим бериш дастурлар режаси жамланган каталог тарқатилади. Режа ҳужжат кўринишда расмийлаштирилиши ёки Ғазначиликнинг локал тармоғи орқали тарқатилиши мумкин. Январь ойида ходимлар уларни қизиқтираётган курсда ўқиш ҳақида ариза тақдим этадилар, департаментнинг раҳбарияти эса тушган аризаларни кўриб чиқади ва тегишли резолюция орқали ўз муносабатини билдиради. Сўнгра таълим бериш бўйича маслаҳатчи устувор масалалар кўрсатилган (масалан, янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки янги дастурларни кўриб чиқиш) таълим бўйича режа тузади. Ноябрь ойида кейинги йилда таълимга бўлган эҳтиёж аниқланади. Режа ташкил этилган махсус комиссия томонидан тасдиқлангандан сўнг охириги вариантда Ғазначилик ходимларига етказилади.

Ўқиш муддати одатда уч кундан ошмайди. Бунинг сабаби: стажировка қилаётган ходимларни узоқроқ муддатга асосий ишдан ажратиш иш жараёнига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бинобарин у ёки бу курсларнинг самарадорлиги, таълим олаётганларнинг машғулотларни ўзлаштириши, талабномалар сонининг статистик таҳлили ўтказилади. Шунингдек, қайси бўлимлар ва лавозимлар кўпроқ талабномалар бериши ҳақида ахборот йиғилади.

“Сафир” дастури томонидан департаментнинг барча ходимлари қамраб олинган. Ҳар бир ходимга унинг исми ва фамилияси, жинси, лавозими ва бошқа қўшимча маълумотлар кўрсатилган карточка очилади. Карточкага ходим томонидан ўтилган ҳамма курс ва таълим берувчи дастурлар ҳамда ходим олган баҳолар киритилади.

Франция тажрибаси, у ерда қўлланаётган Ғазначилик тизими учун кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ўрганиб чиқиб шуни таъкидлаш жоизки, бу тизим кадрларнинг билим даражасини ошириш бўйича ўзгараётган сўровларга тезкорлик билан жавоб қайтаришга, ишда юқори кўрсаткичларга эришишга имкон беради. Шунингдек бу тизим ходимлар

бошқарувига оқилона ёндашиш мисоли сифатида хизмат қилади ва шу муносабати билан Франция мутахассисларининг тажрибасидан Ғазначиликнинг ҳамда унинг ҳудудий ғазначилик бўлинмаларининг ходимларига таълим бериш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

3.3. Бухгалтерия ҳисоби ва Давлат бюджети ғазна ижросининг ягона тизимини ташкил этишнинг хусусиятлари

Бюджет ҳисоби давлат молиялари соҳасидаги бухгалтерия ҳисоби бўлиб бюджет ҳисоботини шакллантиришни таъминлайди ва бинобарин бюджет маблағларини сақланиши ва бутлигига нисбатан назорат функцияларни бажаради.

Давлат бюджетининг ғазна ижроси механизмлари ва уларни амалга ошириш учун ташкил қилинаётган органлар молия тизимининг таркибий қисмлари сифатида бюджет харажатлари устидан дастлабки ва жорий назоратни амалга ошириш, Давлат бюджетининг даромад ва харажатларини таъминлаш ҳамда пул маблағларни бошқаришда асосий роллардан бирини бажариши керак.

Амалдаги қонунчилик норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Давлат бюджети ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг ғазна ижроси хусусиятларини аниқламайди. Давлат бюджети ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг ғазна ижроси жараёнига Ғазначилик каби янги субъектни киритилиши бюджет жараёнининг ҳамма қатнашчиларидан ўзаро муносабатларнинг алоҳида механизмини талаб қилади. Давлат бюджети ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг ғазна ижросини амалга оширилиши билан боғлиқ ҳамма молия жараёнларни янада батафсилроқ регламентга солиш талаб қилинади.

“Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни Давлат бюджетининг ғазна ижроси билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади ва “Давлат бюджетининг ғазна ижроси”, “Ғазначилик”, “Ягона ғазначилик ҳисобварағи”, “Давлат бюджетининг ғазна ижросини бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар ягона режаси” каби қатор янги тушунча ва атамалар киритади.

Қонунда барча масалаларни қамраб олувчи ҳисоб тизимининг мавжуд бўлиш зарурияти талаб қилинган. Бу тизимни белгиланишича, бюджетнинг барча даромадлари, бюджет камомадини (дефицитини) молиялаштириш манбалари, бюджетнинг харажатлари, ҳамда бюджетнинг ижроси жараёнида бажариладиган операциялар Давлат бюджетининг ғазна ижросини бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар ягона режасига асосланган бюджет ҳисоби томонидан қамраб олиниши керак.

Бюджет жараёнида кўрсатилган ўзгаришларни ўрнатилган муддатда жорий қилиш учун фақатгина бюджет маблағларнинг тўғри харажат қилишини эмас, балки ҳар бир бюджет йили бўйича маблағлардан фойдаланишнинг самарадорлигини ва бутун молия йилнинг натижаларини ҳам кузатишга ҳамда давлатнинг активлари ва мажбуриятларини баҳолашга имкон берувчи бюджет ҳисоби ва ҳисоботи тизими яратилиши кераклиги аниқ кўриниб турибди.

Масалан, Ҳисобварақларнинг ягона режа лойиҳаси давлат бошқаруви секторига кирадиган институционал бирликларнинг операциялар ҳақидаги сифатли ва тиниқ ҳисоботни шакллантириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг барча институционал бирликларининг бухгалтерия ҳисобини олиб бориш бўйича ягона тизимни ташкил этиш мақсадларда ишлаб чиқилган.

Давлат бюджетининг ижроси жараёнида, бюджет ҳисоби унга юклатилган функцияларга қараб бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги икки турига бўлинади:

бюджетлар ижроси бўйича операциялар ҳисобини олиб бориш (Давлат бюджетининг, жумладан республика ва маҳаллий бюджетларнинг маблағларини ҳисобини олиб бориш);

бюджет ташкилотларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар харажатлар сметалари ижроси бўйича операциялар ҳисобини олиб бориш.

Давлат бюджети, Давлат мақсадли фондларини бошқарувчи органларнинг бюджетлари, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларини бухгалтерия ҳисобини тегишли бюджетларни бошқарувчи ва ижро этувчи ғазначилик бўлинмалари олиб боради (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари).

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметаси ижросининг бухгалтерия ҳисобини бу ташкилотларнинг тегишли молия бўлинмалари ёки бюджет маблағларининг бош бошқарувчиларнинг марказлаштирилганлар бухгалтериялари олиб боради. Маориф ва соғлиқни сақлаш тизимлари бундан мустасно, чунки бу соҳалардаги марказлаштирилган ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисобини олиб бориш молия органларининг тегишли бўлинмаларига юклатилади.

Ғазначилик бўлинмалари давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисобини олиб боради, жумладан тегишли бюджетларнинг даромад ва харажатлари ижроси операциялари, бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметасининг касса ижроси операциялари ҳамда қонунчиликда кўрсатилган бошқа операциялар бухгалтерия ҳисобини олиб боради.

3.3.1. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботнинг ягона тизимини яратишнинг долзарблиги ва зарурлиги

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботни ислоҳ қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг давлат секторида қўлланилаётган халқаро стандартларга босқичма-босқич ўтиш давлат молияларини бошқариш тизимини ислоҳ қилишдан бошланган ва Ўзбекистон Республикаси “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги қонунининг 3-чи моддасида баён этилган унинг иккинчи принципида, яъни “Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишнинг ягоналиги”да, мустаҳкамланди.

“Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишнинг ягоналиги” принципининг моҳияти юқорида кўрсатилган қонуннинг биринчи “кассанинг ягоналиги”, яъни Давлат бюджетининг барча даромадлари тушумини ва барча харажатларининг сарфланиши Ягона

ғазначилик ҳисобварағи орқали ўтказилиши кўзда тутилган принципини амалга оширишдан келиб чиқади.

Аниқлаштириш лозимки, кассанинг ягоналиги Ғазначилик учун банк фақат битта ҳисобварағи очилишини назарда тутмайди. Ғазначилик ҳар хил турдаги бюджет маблағларни сақлаш учун бир нечта ҳисобварақларни очиши мумкин. Бу ҳисобварақлардан Ғазначилик бюджетдан маблағ олувчиларнинг номидан товар етказиб берувчиларнинг (ишлар бажарувчи ва хизматлар кўрсатувчилар) ҳисобварақларига ёки қонунчиликда кўзда тутилган мақсадлар учун тўловларни бевосита амалга оширади.

Буланинг ҳаммаси, ўз навбатида, амалдаги бюджет ҳисоби тизимига ўзгартиришлар киритилиш заруриятига олиб келади, яъни ислохотни амалга ошириш ва Давлат секторидида халқаро стандартларига мос равишда бюджет ҳисобининг янги тизимини яратишда, ҳамда қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритишда ўз ифодасини топади. Натижада ягона форматлар ва ҳисобни олиб бориш қоидалар асосида Давлат бюджетининг ғазна ижроси билан қамраб олинган бюджет жараёнининг барча субъектларга Давлат бюджети ижросини ҳисоби ва ҳисоботини олиб боришни таъминлаш учун имкон беради.

Бу мажмуага Давлат бюджети, давлат мақсадли фондлари, бюджетлар ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ижросининг ҳисоби ва ҳисоботи киради.

Бу ёндашув бухгалтерия ҳисобини ягона бюджет таснифлашга, Давлат бюджетининг ғазна ижросини Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларнинг ва ҳисоб-бухгалтерия ҳужжатларнинг ягона режасига асосланган ҳолда ташкил этишда ягона стандартлар қўллашни кўзда туттади.

Халқаро тажрибани кўрсатишича⁴², аслида бюджет соҳасининг ислохоти ва у билан боғлиқ бюджет ҳисоби ислохоти биринчи навбатда жамиятга давлат молиялари билан ўтказиладиган операцияларнинг ойдинлиги ва очиқлигини ташкил этишга; ҳокимлик органларининг ўзи олиб бораётган бюджет сиёсати учун масъулиятини ўрнатишга қаратилган. Натижада, охир оқибат бюджет ислохоти фуқароларнинг ушбу ҳокимликка бўлган ишонч муҳитининг шаклланишига кўмаклашади.

Йирик дастурларни амалга ошириш мобайнидаги халқаро иқтисодий ҳамжамиятнинг молиявий интеграцияси инвесторларга қўшимча ахборот бериш заруриятига олиб келади. Сабаби шундаки, чет элга инвесторга жорий даромадлар ва харажатлар ҳақидаги маълумотлар етарли эмас. Вахоланки, бу

⁴² Масалан қаранг: Зеленский В.А. Базовые экономические понятия, формирующие концепцию организации бюджетного учёта в Российской Федерации; «Реформирование бюджетного учёта и отчетности в Российской Федерации. Место и роль финансовых органов субъектов РФ в процессе реформирования» (сборник материалов регионального рабочего совещания);

даромад ва харажатлар амалдаги ҳисобни олиб бориш тизимида пул маблағларининг тушуми ва кетиши билан боғлиқ. Маблағ қуйилмаларининг қалтислигини аниқлаш учун йиғилган активлар ва мавжуд мажбуриятлар ҳақидаги ахборот зарурлиги аниқ кўриниб турибди.

Бюджет ҳисоби тизимини ривожлантиришнинг сабаблари:

- иқтисодиёт ва ижтимоий ривожланиш тизиминини бошқаруви ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги давлатнинг муҳим аҳамияти;
- давлат фаолиятида ойдин ва ишончли ахборотлардаги эҳтиёж;
- ташқи фойдаланувчилар (чет эл инвесторларнинг) эҳтиёжлари.

Бундан ташқари, мазкур жараёнда капитални жаҳон молия бозорларига интеграция қилиш зарурлиги катта роль ўйнайди. Бу эса мамлакатларнинг ташқи мажбуриятлар бўйича тўлаш қобилияти ва уларнинг тўлашга қодирлигини таҳлил қилиш учун маълумотни талаб қилди.

Шу билан бирга мамлакатнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва таққослаш учун яроқли унинг молиявий ҳисоботини ташкил этишга зарурият пайдо бўлди.

Шунингдек, жамиятнинг ойдинлигини ошиши билан сайловчилар учун улар танланган ҳокимият органлар фаолиятини баҳолаш учун объектив, ҳаммабоп ва ойдин ахборотга эҳтиёж ошмоқда.

Шу сабабларнинг барчаси давлат молиялари ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби соҳадаги тасаввурларни қайта кўриб чиқишга замин бўлди.

Бу иш давомида барча ҳисоб ва ҳисобот принциплари уч йўналиш бўйича ўзгаради.

Аксарият мамлакатларда давлат молиялар ҳисобининг ривожланиши айнан шу йўналишлар бўйича ўтган.

Давлат молияларнинг ҳисоб-китобнинг ривожланишнинг йўналишлари:

- ҳисобни олиб бориш субъектларни аниқлаш;
- ҳисобни олиб бориш объектларга аниқлик киритиш;
- асосий ёндашувлар ва ҳисоб ҳамда ҳисобот принципларни стандартлаштириш.

Биринчи йўналиш – ҳисоб ва ҳисобот субъектларни қайта кўриб чиқиш. Албатта, молиявий-хўжалик фаолият қилувчи субъектлар ва уларни иқтисодиётнинг маълум секторига мансублигини аниқламасдан давлат бошқаруви секторини ўзининг фаолияти ҳақида ишончли ахборотни шакллантириш мумкин эмас. Масалан, давлат корхоналарни (масалан, “Ўзбекнефтегаз” ДАК ва бошқалар) давлатнинг бирлаштирилган ҳисоботига киритилиш ёки киритилмаслик масаласи. Бундан келиб чиқиб, ҳисоботнинг кўрсаткичлари сезиларли даражада ўзгариши мумкин. Аммо бу ҳолат ҳисобот хато ёки ишончсиз эканлигидан далолат бермайди. Фақат бу ҳисоботга асосан давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини баҳолаш мумкин эмас.

У ёки бу бирликларни давлат бошқаруви сектори таркибига киритилиши қонуний равишда мустаҳкамланиши ва давлатнинг ҳар бир субъектининг (институционал бирликнинг) ҳуқуқларида инобатга олинишга керак.

Лекин шу билан бирга иқтисодиётнинг секторларга бўлинишнинг асословчи принциплари давлат субъектларнинг барчасига умумий бўлиши ва халқаро амалиётни эътиборга олиши керак.

Иккинчи йўналиш - ҳисоб тизимларнинг қамровини кенгайтириш билан боғлиқ объектлар ҳисобини қайта кўриб чиқиш. Амалдаги тизимда давлат молияларнинг бухгалтерия ҳисоби тақдим этувчи ахборот самарали бошқарув учун етарли эмас, чунки бу ахборотда активлар, мажбуриятлар ҳақида маълумотлар йўқ ва ҳисоблаш усули қўлланмайди. Шу билан бирга бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатларини Давлат бюджети ҳисобига тўлашнинг процедуралари ҳақида, яъни бюджет ассигнованиялари, олувчилар олдидаги мажбуриятлар, ахборот олиш зарурати пайдо бўлди. Шунингдек, тўла олинмаган даромадлар ва бажарилмаган харажатлар ҳақида ҳам маълумотлар керак бўлди. Бу барча ахборотлар давлат молия ресурсларини бошқариш учун ғоят керакли бўлиб қолди.

Шу муносабати билан ҳисоб объектларни фақат аниқлаштириш эмас, балки уларни кенгайтиришга зарурат пайдо бўлди. Бу эса бюджет жараёни бошқариш ҳамда бу бошқаришнинг самарадорлигини баҳолаш учун керакли ва тўла ахборотни олишга имкон беради. Албатта, шунгача на активлар, на мажбуриятлар ҳақида ахборот йўқлигини таъкидлаш нотўғри. Бундай ахборот шубҳасиз бўлган, лекин фақатгина бюджетнинг режалаштириш босқичида ишлатилган ва бухгалтерия ҳисоби доирасига киритилмаган.

Шундай маълумотлар рўйхатга олиш ва назорат тизимларда мавжуд бўлган, масалан, таҳлилий ҳисобда (ягона ёзув, инвентарли ҳисоб). Улар бюджетнинг ижроси ҳақидаги ҳисоботларга дебиторлик ва кредиторлик қарздорлик, номолиявий активлар ҳолати ҳақидаги маълумотномалар кўринишда илова қилинган. Бундай ҳисобни олиб бориш тизимларнинг катта камчилиги сифатида тегишли ойдinлик ва назорат йўқлигини таъкидлаш мумкин.

Ҳозирги босқичда барча активлар ва мажбуриятларни тўла бирлаштирадиган, интеграллашган бухгалтерия ҳисоби тизимини яратиш қатъий зарурат пайдо бўлди.

Учинчи йўналиш – биринчи навбатда аксарият давлатларни ягона молия ҳамжамиятга интеграциялаш жараёни билан боғлиқ ҳисоботни стандартлаштириш. Таъкидлаш жоизки, бухгалтерия ҳисобини стандартлаштириш мумкин эмас, яъни айнан бухгалтерия ҳисоби бўйича халқаро стандартлар бўлиши мумкин эмас, чунки бу алоҳида кўринишдаги назорат механизмлар ва улар турли мамлакатларда ҳар хил бўлиши мумкин, стандартлаштиришга эса фақат ҳисобот шакллантиришнинг асосий ёндашувлари лойиқ.

Молия ҳисоботнинг халқаро стандартларини ўрганишдан хулоса қилиш мумкинки бу стандартлар улар асосида тўла бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш даражада батафсил эмас, аммо иқтисодий ҳодисаларни баҳолашнинг умумий принципларга риоя қилиш керак. Демак, ҳисоб ривожланишнинг учинчи йўналиши бўлиб стандартлаштириш бўлади.

3.3.2. Давлат секторида қўлланаётган халқаро стандартларнинг моҳияти.

Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимига ўтиш бюджет жараёнида қўлланаётган бюджет таснифлаш, давлат бюджетининг ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларнинг ягона режаси ва бошқа асбобларнинг уларни давлат секторида қўлланаётган халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш мақсадида сифатли янгидан ишлаб чиқишни талаб қилади, Шу йўл билан бюджет жараёнининг қатнашчилари фаолиятини янада юқорироқ даражага кўтаришга, уларнинг Давлат бюджетининг ғазна ижроси жараёнидаги ҳаракатларини тизимлаштиришга ва тартибга солишга шароитлар яратилади.

Иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва ойдинлигининг асосий хусусиятларидан бири – бу бюджетнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот тизимларини давлат сектордаги халқаро стандартларга мослиги.

Жаҳон амалиётидаги давлат молияларни ҳисоби соҳасидаги асосий халқаро стандартлар қуйидагилардан иборат:

Халқаро стандартлар кўмитаси (IFAC) томонидан ишлаб чиқилган Давлат секторида қўлланиладиган бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлари (ДСБХХС);

Давлат молиялари секторида статистик амалиётнинг ишончли нормаларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишда самарали раҳбарликни таъминлаш мақсадида Халқаро валюта фондининг (ХВФ) статистика департаменти томонидан ишлаб чиқилган “Давлат молиялари статистикаси бўйича қўлланма” (ДМСҚ 2001).

Иқтисодиётнинг реал секторида Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини (БХМС) қабул қилиниши “ҳисобчи” фикрлашининг ўзгаришига ва бухгалтер касбнинг янги философиясига мослашишига асос бўлди. Таъкидлаш жоизки, БХМС бозор иқтисодиётига ўтиш даврида муайян роль ўйнади. Кўрсатилганлар БХМСлар ДСБХХС билан келишган Молия ҳисоботининг халқаро стандартлари асосида ишлаб чиқилган.

Кўрсатилганлар ДСБХХС ва ҳозирги вақтда қўлланаётган бюджет ҳисоби тизими ўртасидаги асосий фарқлар қуйидагилардан иборат. Биринчидан, ДСБХХС талаблари хўжалик субъектларнинг хўжалик ҳисобига максимал равишда яқинлаштирилган ва бу уларни бир бирига яқинлаштиришдаги биринчи қадам. Иккинчидан, агар аввал бюджетдан маблағ олувчилар бухгалтерия ҳисобини ҳисоблаш усули элементлари кўшилган касса усулини қўллаган бўлса, ДСБХХСда ҳисобни олиб бориш ҳисоблаш усулига асосланган.

Ҳазначиликнинг Давлат молияларни ахборот бошқарув тизимини яратиш ва жорий этиш, ҳамда шаклланган жаҳон тенденцияси Давлат секторидаги бюджет жараёнининг қатнашчилари томонидан қўлланаётган ДСБХХСни қабул қилиш ва унга ўтишни талаб қилади.

Биринчи стандартлар 2000 йилнинг май ойида эълон қилинди ва Халқаро стандартлар кўмитаси (IFAC) томонидан чоп этилди. Ҳозирги вақтда ривожланган, ҳамда ўтиш даврдаги иқтисодиётли мамлакатларнинг давлат секторининг ҳисоб тизимларида қўллаш учун ҳисоблаш усулига 24 стандарт ва

касса усулига битта стандарт чоп этилди. Лекин уларда кўпгина ҳал этилмаган муаммолар мавжуд, масалан, давлатнинг пенсиялар бўйича мажбуриятлари тўғрисидаги ҳисоботни баҳолаш бўйича стандарт йўқ. Натижада қолган стандартларни жорий этган кўп давлатлар бу масаланинг объектив баҳосини ололмайдди.

Шунинг учун ҳозирги кунда бу стандартлар соф кўринишда қўлланилмайди ва улар барча операцияларни қамраб олмайди.

Молия вазирлиги томонидан халқаро маслаҳатчилар (жаноб Барри Рид ва жаноб Джон Зоҳраб) кўмагида ва улар билан биргаликда юқорида кўрсатилган ДСБҲҲСларни давлат секторнинг ҳисобини олиб боришда қўлланиш имкони таҳлил қилинди ва ишлаб чиқилди. Натижа куйидаги лойиҳалар ишлаб чиқилди:

чоп этилган ДСБҲҲСлар асосида Давлат секторида қўлланиладиган бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлар (ДСБҲМС) йиғиндиси;

“ДСБҲҲСларни қўллаш бўйича ҳисоб сиёсати” номли ҳужжат; бу ҳужжат ДСБҲҲСларга мувофиқ равишда ишлаб чиқилган ва иқтисодий атамалардаги ўзгаришлар ҳамда Давлат секторда ҳисобни олиб боришнинг қоидалари ва тартибидаги глобал янгиликларни бюджет жараёнининг ҳамма субъектларига етказиш кўзда тутилган;

“Давлат секторида бухгалтерия ҳисобини ривожлантириш стратегияси” номли ҳужжат.

ДСБҲҲСларга босқичма-босқич ўтиш 2009 – 2015 йиллар даврини қамраб олади. Шу муддат ичида ДСБҲҲСлар асосида Давлат секторида қўлланиладиган бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлар (ДСБҲМС) йиғиндиси, ҳамда уларнинг қўллаш бўйича Тавсиялар ва Ҳисобни олиб бориш сиёсати батамом ишлаб чиқилиши керак.

ДСБҲҲСлар – бу нозик созланувчи асбоб. Халқаро стандартларга ўтиш узоқ вақтни талаб қилади. Бу стандартлар тайёрланган кейин ҳам улар дарров қабул қилинмасдан, балки касбий ҳамжамиятнинг кенг муҳокамасига узатилади. Албатта, буларнинг ҳаммаси кўп вақтни талаб қилади.

Навбатдаги Давлат секторда қўлланаётган халқаро стандартлардан бири – бу мазмунида Давлат молиялари тизимида ишлатиладиган атамалар, таснифлашлар ва статистикасини тақдим этиш принципларга асосий эътибор қаратилган “ДМСҚ 2001” стандарти.

Стандартлаштириш жараёнида Халқаро валюта фонди (ХВФ) томонидан янги кадам қўйилди. Бу нуфузли ташкилот “ХВФ 2001” номли “Давлат молиялари статистикаси бўйича қўлланма”ни ишлаб чиқди. Бу қўлланмада иқтисодиёт секторларининг ташкил этилиши батафсил таърифланган, ҳамда ҳисоблаш усулининг асосий принциплари солинган. Шу билан бирга бу принциплар асос қилиб олинмаган, чунки бу барибир статистик стандартларку. Бу қўлланмада активлар ва мажбуриятлар, даромадлар ва харажатлар каби тушунчаларга аниқлик киритилганликка қарамадан статистика ишонч даражаси жуда паст. Статистик маълумотлар макроиқтисодий таҳлил учун фойдаланилади, инвесторлар эса одатда бу маълумотлардан фойдаланишмайди.

Давлатнинг солиқ-бюджет сиёсатини ишлаб чиқиш ва баҳолашни ўсаётган мураккаблиги солиқ-бюджет таҳлилнинг жўшқин ривожланишини таъминлайди. Вужудга келган янги эҳтиёжларни қондириш учун “ДМСҚ 2001”да ҳисоблаш усули бўйича иқтисодий ҳодисалар ҳисобини олиб бориш киритилди. Ресурсларни барча оқимларини акс эттириш мақсадларда активлар ва пасивлар баланслари операциялар ва бошқа оқимлар билан интеграциялашади. Аниқ таҳлилий масалага мос мувозанат сақлаётган моддани танлаш имконни яратиш учун кўп мувозанат сақлаётган моддалар аниқланади. Шунингдек, Давлат молиялари статистикасидан бошқа макроиқтисодий статистика билан биргаликда фойдаланиш мумкин бўлиши учун “ДМСҚ 2001” баён қилинган концепция ва принциплар “Миллий ҳисобварақлар тизимлари 1993 (СНС 1993)”нинг концепция ва принциплари билан мувофиқлаштирилган.

“ДМСҚ 2001” асосида ишлаб чиқилган тўла интеграллашган тизимнинг жорий қилиниши маълум вақт талаб қилади. Бу ишнинг суръатлари мамлакатимизнинг хусусиятлари ва ўзига хослигидан келиб чиқувчи турли эҳтиёж ва жиҳатлар билан белгиланади. Хусусан, “ДМСҚ 2001”да кўзда тутилган ҳисоблаш усули бўйича ҳисобни олиб бориш ва янги таснифлашларни жорий этиш учун амалдаги бюджет таснифлашига ҳамда бюджет ҳисобини олиб бориш тизимларга тегишли ўзгартиришлар киритиш керак бўлади.

“ДМСҚ 2001”нинг асосий мақсади - солиқ-бюджет сиёсатни, айниқса давлат бошқаруви сектори ва анча кенгроқ давлат сектори фаолияти натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш учун яроқли комплексли концептуал ва ҳисобни олиб бориш асосни таъминлаш. “ДМСҚ 2001” бўйича, Давлат сектор таркибига давлат бошқаруви сектори ва назорат қилинаётган давлат бошқарув органлари ҳамда асосий фаолияти тижорат операцияларни ўтказишдан иборат давлат ташкилотлари киради. “ДМСҚ 2001”да қўлланилган асосий концепциялар, таснифлар ва атамалар иқтисодий асослар ва принциплардан келиб чиққан. Бу асос ва принциплар, қайси шароитларда қўлланишдан қатъи назар, барча ҳолларда ўз кучини сақлаб қолади. Шу сабабли “ДМСҚ 2001” тизими мамлакатнинг давлат бошқарув органларнинг институционал ёки ҳуқуқий тузилмаси, статистикасининг ривожланиш даражаси, давлат молия ҳисоби ва ҳисобот тизими ҳамда давлатни тижорат корхоналарнинг капиталида иштирокидан қатъи назар барча турдаги иқтисодиётларга қўлланилиши мумкин.

“ДМСҚ 2001”да халқаро миқёсида тан олинган, солиқ-бюджет таҳлили учун керакли статистикани ташкил стандартларини янгиланган варианты тақдим этилган.

Қайта кўриб чиқилган стандартлар халқаро даражада тан олинган бошқа макроиқтисодий статистика тизимларнинг тегишли стандартлари билан мувофиқлаштирилган. Бу мувофиқлаштиришнинг даражаси давлат бюджетининг ижроси ва режалаштиришни сифатлилигини таъминлаш учун солиқ-бюджет таҳлил ўтказишни кўмаклашишдан иборат уларнинг мақсадига зид бўлмайди.


Биобарин, мамлакатимизнинг Давлат секторида бухгалтерия ҳисобини ривожлантириш стратегияси лойиҳасига мувофиқ бухгалтерия ҳисоби тизимининг асосий мезонлари аниқланди:

бухгалтерия ҳисоби тизимини бюджет таснифланиш билан интеграциялаши;

бюджетнинг ижросини ҳисоби ва бюджет ташкилотлардаги ҳисобни бирлаштириш;

Давлат секторида бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари (ДСБҲҲС) ва “Давлат молиялари статистикаси бўйича қўлланма” (ДМСҚ 2001) талаблари асосида ҳисоблаш усулидан фойдаланиш (1-чи схема).

1-чи схема.



Давлат молиялар бўйича операциялар ҳақидаги ҳисоботнинг сифатли ойдинлигини шакллантириш учун бухгалтерия ҳисоби қоидалари бўйича ҳисоб ахборотни бирлаштиришга имкон берувчи бюджет тизимининг барча қатнашчилари томонидан қўлланиладиган Давлат бюджетнинг ижро этилиши бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ягона тизимнинг мавжудлиги зарур.

Бюджет таснифлаш билан интеграциялашган туфайли Давлат бюджетининг ижросини бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларнинг ягона режаси қуйидагиларга имкон беради:

харажатлар ва даромадларнинг бюджет таснифининг кодлари асосида аниқ турдаги активлар ёки пасивларнинг ҳисобот даврининг бошланишдаги захиралар ҳисобини олиб бориш;

бу захиралардаги операциялар таъсирида пайдо бўлган ўзгаришларни ҳисобини олиб бориш ва тегишлича уларнинг ҳисобот даврининг охиридаги қолдиқлари аниқлаш.

Ҳисобни олиб боришнинг бундай тизими давлат бошқаруви секторида ёки умуман давлат секторидаги аниқ иқтисодий ҳодисаларнинг асоратларини тўла таҳлил қилиш имконини беради.

Албатта, бизнинг олдимизда мураккаб масала турмоқда: амалдаги бюджет ҳисоби тизимини халқаро форматлари талабларига мослаштириб, жумладан хўжалик ҳисоби қоидаларига (БҲМС) яқинлаштириб, бюджет ҳисоботни янада ойдинроқ ва ишончлироқ қилиш. Ахир давлатни қандайдир маънода йирик корпорация билан солиштириш мумкин – давлат бир вақтда ҳам йирик мулкдор, ҳам йирик иш берувчи, ҳам хизматлар кўрсатувчи. Узоқ вақт давомида давлат сектордаги ҳисобот бўйсунган ҳолатда бўлган, аммо тижорат ҳисобида эса ҳисобот барча қарорлар учун ҳал этувчи асос булади.

Ҳозирги вақтда қабул қилинаётган ҳужжатларнинг ДСБҲХСларига мослиги ҳақида гапириш барвақт. Молия вазирлиги ва Молия вазирлигининг Ғазначилиги бу йўналишда муайян ишларни олиб бормоқда - халқаро тажриба ўрганилмоқда, тажриба алмашиш бўйича халқаро идоралараро ишлар олиб борилмоқда (Франция Молия вазирлиги ва бошқалар).

Янги ҳужжатларга маълум ўзгартиришлар киритилмоқда. Масалан, Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 5 декабрда 1476 сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларида бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини юргизиш қоидалари”да “ҳуқуқий мажбуриятлар”, “молиявий мажбуриятлар” каби қатор тушунчалар киритилган. Бу қадам бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботнинг норма ва элементларини босқичма-босқич киритилишдан далолат беради.

Ишлаб чиқиладиган ҳужжатларнинг лойиҳаларида ҳам аввал қўлланаётган ҳисобни олиб боришнинг касса усулидан босқичма-босқич модернизацияланган ҳисоблаш усулига ўтишни белгиловчи салмоқли ўзгартиришлар киритилиши кўзда тутилмоқда. Бюджет ташкилотларнинг даромадлари ва харажатлари, молия натижаси деган тушунчалар пайдо бўлади.

Асосий воситалар бўйича емирилишни ҳисоблаш масаласи қайта кўриб чиқилади. Унинг ўрнига асосий воситаларнинг эскириши, уларнинг емирилиши тартибига ўзгартиришлар киритилиши тахминламоқда. Ўзгартиришнинг моҳияти қийматни пасайиш ажратмаларни бюджет ташкилотнинг харажатларига қўшишдан иборат.

Бугунги кундаги энг долзарб ва муҳим масала - ДСБҲХС ва “ДМСҚ 2001”ларга максимал равишда яқинлаштирилган бюджет ҳисоби стандартларини ишлаб чиқиш.

Эътиборга лойиқки, халқаро нормалар асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси янги Солиқ кодекси 2008 йилдан бошлаб кучга киргандан сўнг Бюджет таснифлаш тузилмалардаги даромад позициялар ҳам қайта кўриб чиқилиши керак. Бу чоранинг амалга оширилиши Давлат бюджетининг ғазначилик ижросини бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари ягона режасининг тақлиф қилинган органиграммасида ҳам акс эттирилиши керак.

Албатта, стандартлар бугунги бюджет ҳисобни ҳуқуқий тартибга солиш тизимни ўзгартиради. Халқаро стандартларни босқичма-босқич жорий этилиши бюджет жараённинг маълум субъектлари томонидан объектлар ва қоидаларни (жумладан, бухгалтерия “проводкалари”, бюджет ҳисоби ва ҳисоботнинг янги

тизими) қўлланилиши билан боғлиқ меъёрий ва методологик ҳужжатларни ишлаб чиқиш йўли билан амалга оширилади.

Шундай қилиб ДСБҲХСларни қўллаш халқаро стандартларнинг талаблари асосида ҳисоботларни ҳамда сифат жиҳатдан янги асосда давлат сектори ҳақида ҳар томонлама қамровчи ва тўлиқ ахборотни шакллантиришга имкон беради. Яъни, бюджетнинг касса ижросига оид кўрсаткичлардан ташқари “давлат активлари ва мажбуриятлари”, “фаровонлик даражасини ўзгариши”, давлатнинг молиявий фаолиятини таърифловчи “қолдиқ соф қиймат” каби кўрсаткичлар киритилади.

Транспарентлик (инглиз тилидан “transparence” – ойдинлик), ёки ойдинлик, тегишли равишда бошқарувнинг ажралиб турувчи хусусияти. Бу хусусият давлатнинг операциялари ҳақидаги ахборотдан жамоатчилик учун фойдаланиш имконияти борлиги ва қарорларни қабул қилиш жараёнларининг ойдинлиги билан боғлиқ. Бошқарувни демократик шаклининг афзаллиги шундан иборатки у ахборотни эркин алмашувини таъминлайди ва шу орқали истаганча, англаган ҳолда танлашга имкон беради.

Бундан ташқари, давлат сектори фаолиятининг ажралиб турадиган хусусияти, унинг доимо жамоатчилик назоратида бўлиши. Ҳисоботлар бериш шarti давлат органларни улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар таъсирини сезувчи субъектлар олдида ҳисобот беришга кўмаклашувчи механизмларда ифодаланди.

Давлат бошқарув сектори операциялари ҳақида тўла ва ҳар томонлама қамраб олувчи ахборотни ички фойдаланувчилар учун шакллантириш жиддий таҳлил предмети бўлиши мумкин. Бу таҳлил солиқ-бюджет сиёсатини режалаштириш ва ишлаб чиқиш ҳамда давлат бошқарув сектори фаолиятини умуман мамлакатнинг иқтисодиёти ва хусусан унинг алоҳида секторларига таъсир этишни баҳолаш учун асос бўлади.

Бундан ташқари, бундай ахборот жамиятнинг ўтказилаётган иқтисодий сиёсат ҳақида хабардор бўлишига ва ҳукуматнинг фаолиятига бўлган ишончнинг мустаҳкамланишига кўмаклашади

Ташқи фойдаланувчилар учун шундай турдаги ахборот мамлакатларнинг давлат бошқарув сектори фаолияти натижаларини ҳолисона таққослашга имкон беради.

3.3.3. Давлат бюджетининг ғазна ижроси ҳисоби ва ҳисоботи ягона тизимини яратиш бўйича амалга оширилаётган ислохотнинг элементлари ва асбоблари

Қўлланманинг бу бандида Давлат бюджетининг ғазна ижроси бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини олиб боришнинг субъектлари ва объектлари, элементлари ва усуллари ҳақида фикр юритилади.

Мамлакатнинг бутун иқтисодиёти бешта катта секторларга бўлиниши мумкин.

Биринчиси – бу номолиявий корпорациялар сектори. Бу сектор товарларни ишлаб чиқариш ва номолиявий хизматлар, яъни пул маблағларнинг тақсимооти билан боғланмаган хизматлар (банк фаолиятидан ташқари хизматлар) кўрсатиш мақсадида фаолият кўрсатади.

Иккинчиси - бу бозорда молиявий хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи молиявий корпорация (кредит ташкилотлари, нодавлат нафақа фондлари ёки оддий инвестицион фондлар) сектори.

Учинчиси - бу асосий фаолияти сифатида давлат функцияларини бажариш билан шуғулланаётган барча тузилмаларни бирлаштирувчи давлат бошқаруви сектори.

Тўртинчиси – бу уй хўжаликлари ва ўз таркибига сиёсий партиялар, диний бирлашмалар ва бошқа ижтимоий ташкилотларни қамраб олган ташкилотларга хизматлар кўрсатувчи нотижорат сектори. Уларнинг фаолиятини ишлаб чиқариш деб бўлмаслигига қарамай уларни алоҳида қисмга ажратиб қўйиш зарур, чунки улар давлат бошқаруви секторида ҳисобга олинадиган субъектлар бўлмаса ҳам, бюджет билан маълум муносабатларга эга.

Бешинчиси - бу уй хўжаликлари деб аталувчи сектор бўлиб, мамлакатнинг бутун аҳолисини ўз ичига қамраб олади (бирга яшайдиган ва тўла ёки қисман ўз даромадларини маълум товарлар ва хизматларни биргаликда истеъмол қилиш учун қўшадиган жисмоний шахслар гуруҳлари).

Ўз навбатида, бешта секторнинг ҳар бири институционал бирликлар бирлашмасида ифодаланади. Шу билан бир вақтда институционал бирлик – бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда инобатга олинган асосий тушунча ҳам.

Институционал бирлик - бу ўз активларига эгалик қилувчи, ўзи ва ўзининг номидан мажбуриятлар қабул қилувчи, ўзи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи ва ўзи иқтисодиётнинг бошқа секторлари билан операцияларни амалга оширувчи тузилма. Бу тушунчадан келиб чиққан ҳолда давлат бошқаруви сектори таркибида шундай бирликларни ажратиш қийин, баъзан эса мумкин эмас, чунки улар бюджет муассасаларнинг ҳуқуқий нормалари доирасида ўз номларидан мажбуриятлар қабул қилишмайди ва ўз номларидан активларга эга бўлмайдилар. Шундай қилиб тўла ишонч билан таъкидлаш мумкинки, бизнинг вазиятда институционал бирлик – бу ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи органлари томонидан қабул қилинган маълум бюджетдан ажратилаётган пул маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган давлат тузилмалари йиғиндиси. Шундан келиб чиққан ҳолда бюджет ҳисобининг субъекти – бу давлат бошқаруви сектори ва шу секторни шакллантирувчи жами бирликлар йиғиндиси демакдир. Унинг таркибига давлат томонидан назорат қилинадиган ва молиялаштириладиган барча давлат бирликлари, барча бозордан ташқари ва нотижорат ташкилотлар киради.

Бу ташкилотлар мулкдорлик ҳуқуқига эга эмас ва улар зиммасидаги барча мажбуриятлар бўйича субсидиар масъулиятни давлат олиб боради. Яъни, шуни айтиш мумкинки давлат бошқаруви секторини шаклланишининг биринчи принципи айнан шу – уларни ташкил этувчи барча бирликлар давлатнинг назоратида туради ва давлат томонидан молиялаштирилади.

Давлат бошқаруви сектори шаклланишнинг иккинчи принципи – бу кўрсатилаётган хизматларнинг бозорга тааллуқли эмаслиги ва ўзига хослиги, яъни, давлат бошқаруви секторининг бирликлари ўзининг асосий фаолияти доирасида қандайдир бозор хизматларини кўрсатиш билан шуғулланиши

мумкин эмас ва керак эмас. Агар бундай ҳодисалар рўй берганда ҳам (масалан, статистик ҳужжатларни тақдим этиш) улар алоҳида хизмат деб ҳисобланади. Бозорга алоқаси бўлмаган ва алоҳида кўрсатиладиган хизматлар турига ижтимоий дастурларни киритиш мумкин. Яъни, давлат беғаразлик асосида ижтимоий хизматлар кўрсатади ёки айрим ижтимоий хизматларни қандайдир иқтисодий тарафдан хизматлар бозорига ва рақобатчилик даражасига таъсир кўрсатмайдиган паст нархларда сотади.

Иккита асосий принциплар шулар: биринчиси – давлат томонидан назорат қилиш ва молиялаштириш ва иккинчиси - кўрсатилаётган хизматларнинг бозорга тааллуқли эмаслиги ва алоҳидалиги, давлат бошқаруви секторини ажратилиб чиқариш кераклиги ва муҳимлигини белгилайди.


Давлат бошқаруви сектори товарлар ва хизматларни сотиш бозори қатнашувчиси сифатида умуман майдонга чиқиши керак эмас. Бу асосий қоида ва шунинг учун бу иккита принциплардан келиб чиққан ҳолда давлат бошқаруви секторининг таркибини аниқлаш жуда муҳим.

Давлат бошқаруви сектори маъмурий ва ҳуқуқий механизмларга қараб қуйи секторларга бўлиниши мумкин. Таклиф қилинаётган схемада қуйи секторларга бўлиниш республикамизнинг бюджет қонунчилигига ва “Бюджет тизими тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида белгиланган бюджет тизимини даражалари бўйича бўлиниши кўрсатилган.

Биринчи қуйи сектор – бу республика бюджети ва мақсадли давлат фондлар бюджетларини қамраб олувчи марказий Ҳукуматнинг қуйи сектори.

Иккинчи қуйи сектор – бу маҳаллий бюджетларни қамраб олувчи маҳаллий бошқарув органлари қуйи сектори.

Давлат бошқарув секторини қуйи секторларга ажратиш – бу жуда муҳим масала, чунки ҳар бир қуйи секторлар ваколатлари ва мажбуриятларини аниқ тақсимланиши таъминланганда барча ўзаро оқимларни кузатишга имкон пайдо бўлади.



«Давлат бошқаруви сектори» ва «Давлат сектори» деган тушунчалар тез-тез аралаштирилади.

Давлат сектори - бу хосила, умумлаштирадиган тушунча бўлиб, муайян ташкилотлар йиғиндисини таърифлаш учун ишлатилади, лекин ўз таркибига иқтисодиётнинг ҳар бир сектори қисмларини қамраб олишига қарамай, иқтисодиётнинг беш секторлари таркибига шубҳасиз қирмайди. Яъни, давлат сектори иккита катта қисмлардан иборат. Биринчиси – уч қуйи секторлардан иборат давлат бошқаруви сектори. Иккинчиси - давлат томонидан молиялаштирилмайдиган, лекин давлат назорати остида турадиган, бозорда хизматларни сотиш билан шуғулланаётган барча давлат корпорациялари, давлат корхона ва давлат ташкилотлари.

Бу корхоналар қаторига давлат корхоналари ва акциялар назорат пакети давлат тасарруфида бўлган давлат акциядорлик компаниялари ҳам киритилади. Бу гуруҳга молиявий ва номолиявий, яъни молиявий-кредит, давлат муассасалари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қармоғидаги Марказий банк ҳам қиради.

Таъкидлаш жоизки, Марказий банкнинг функциялари давлат бошқаруви билан унчалик боғлиқ эмас, чунки у пул-кредит сиёсатини амалга оширади, миллий валютани қувватлаш билан шуғулланади ва аввал қайд этилгандек давлат бошқаруви белгиларига мос тушмайди.

Давлат сектори - бу “давлат бошқарув сектори” деган тушунчага нисбатан анча кенгроқ маънодаги тушунча, чунки давлат секторига хизматларни бозор нархлар бўйича сотиш билан шуғулланаётган ва давлат назорати остида жойлашган ташкилотлар ва уюшмалар қиради. Шунинг учун улар давлат бошқарувига киритилиши мумкин эмас.

Натижада савол пайдо бўлади – нима мақсадда давлат секторини алоҳида ажратиш керак? Ахир иқтисодиётнинг секторларга аниқ бўлиниши бор-ку! Нима учун “давлат сектори” деган тушунчани киритиш зарур?

Шундай тушунча давлатнинг иқтисодиётга бўлган таъсирини ажратиш ва уни баҳолаш учун киритилган, чунки, масалан, давлат иқтисодиётга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган табиий монополияларга эгалик қилади. Ўз навбатда, давлат табиий монополияларга субсидиялар бериши мумкин. Бу жараёнларни эса ажратиш ва кузатиш керак. Давлат эгалигида нималар жойлашганлигини ҳам кузатиш ва буни аниқ белгилаш лозим. Масалан, номолиявий уюшмалар секторида давлат нечта номолиявий уюшмаларга эгалик қилишини билиш керак.

Энди ҳисоб объектлари, ҳисобнинг олиб бориш усуллари ва ҳисоботни тузиш масалаларига мурожаат қилинади.

Бухгалтерия ҳисобини олиб бориш амалиётида тўртта усул маълум. Бу усуллар Давлат секторда молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларни ишлаб чиқиш билан шуғулланаётган Бухгалтерия халқаро федерацияси томонидан аниқланган.

Касса усули	Модификациялашган касса усули	Модификациялашган ҳисоблаш усули	Ҳисоблаш усули
----------------	----------------------------------	-------------------------------------	-------------------

Касса усули бир нечта аср мобайнида қўлланыпти ва бу вақт ичида такомиллаштирилган ва мукамал даражагача етказилган. У пул маблағлар ҳаракат бўйича ҳамма ҳодисаларнинг қайд этилишни кўзда тутди, яъни, аслида бюджет ҳисобварақларга касса тушумлари ва касса чиқимларни ҳисобини олиб боришда ифодаланади.

Бинобарин бухгалтерия ҳисоби доирасида бюджет маблағларидан ташқари ҳеч қандай активлар ва мажбуриятлар ҳисоби олиб борилмайди. Шунингдек, касса ҳисобига бюджет мажбуриятлари ва бюджет маблағларини ҳисоби олиб бориш ҳам жорий этилган, яъни, санкциялар бериш босқичлари. Чунки ҳисобни олиб боришнинг касса усули касса асосида тузилган бюджетнинг касса тизими асосланган принципларда асосланади. Шунинг учун бюджетнинг ижроси ҳолатини назорат этиш учун ҳисобни олиб боришнинг касса усулида бюджет харажатларига санкция беришнинг барча босқичларида ҳисобварақлар албатта интеграциялашиши керак.

Мисол сифатда касса усулини яна бир турини келтириш мумкин. Бу турда ҳисобот ойдан кейин келадиган йилнинг биринчи ойи ажратилади ва бу ойдаги ҳамма операциялар аввалги йилнинг операциялари қаторига киритилади, яъни, бу даврда давлат ўтган йил давомида қабул қилинган ўзининг ҳамма мажбуриятларини бекитяпти ва аввалги йилда олинмаган ҳамма даромадларини оляпти деб ҳисобланади.

Шундай модель амалда мавжуд ва ҳаттоки маълум даражада ҳисоблаш усули бўйича ҳисобот тузишга имкон беради. Бу эса қандайдир даражада активлар ва мажбуриятларни баҳолашга шароит яратади.

Кейинги усул - бу ҳисоблаш усулининг модификацияланган усули. Бу усулда операция пул маблағларнинг оқимлари бўйича эмас, балки, аввалги ҳолдагидек, операциялар амалга ошириш пайтида дарҳол рўйхатга олинади. Яъни операцияни амалга ошириш мобайнида даромадлар ва харажатлар ҳисобга ёзилади, қандайдир активлар ва мажбуриятлар тан олинади.

Бу усулнинг бир хусусияти бор – у эскиришни ҳисобга олишни кўзда тутмайди, яъни, ҳисоблаш усулининг модификацияланган усули қўлланиланаётганда харид қилинаётган номолиявий активлар ёки активлар сотиб олингандан кейин дарров харажатларга қўшилади.

Бу ҳисобни енгиллаштириш учун қилинган. Ахир ҳисоблаш усулининг модификацияланган усулига ўтишдаги энг катта муаммо – бу номолиявий активлар ҳисобини олиб бориш, уларни баҳолаш ва эскиришни ҳисоблаш.

Шундай механизмларнинг қўлламаган мамлакатларда ҳисоблаш усулини жорий қилишга ўтиш жуда мураккаб иш. Улардан фаркланадиган бизнинг тизимда бу ўтиш жараёни сезиларли даражада осонлаштирадиган негиз мавжуд.


Лекин бу учун барча мулкни уни фойдали хизмат қилиш муддатини аниқлаган ҳолда махсус йўл билан баҳолаш керак, аммо бу жуда мураккаб иш. Шунинг учун айнан модификацияланган усул ўйлаб топилган, яъни, номолиявий активларни бирданига харажатларга ўтказиш. Бинобарин мажбуриятлар ҳақида объектив тасаввур берувчи активлар тўғрисида объектив тасаввур олиш мумкин. Лекин юқори таърифланган айнан шу ўзига хос хусусият ва соддалаштириш мавжуд.

Ҳисоблаш усули. Бу усулда ҳамма операциялар пайдо бўлган вақтда тан олинади, лекин ҳамма активлар ишлатиладиган вақтда пропорционал равишда, фойдали хизматнинг бутун муддатида, харажатларга ўтказилади. Яъни бу усул ейилишни харажатга қўшиш билан боғлиқ. Касса усулидаги даромадлар ва харажатлар, касса даромадлари ва харажатлари каби тушунчаларни аниқ таърифлаб уларни солиштириш ҳамда чалкаштиришга йўл қўймаслик учун уларни бир биридан ажратиш керак.

Ҳисобнинг касса усули – бу операцияларни пул маблағларни олиш ёки тўлаш пайтида тан олиш усули. Ҳисобни олиб боришнинг ҳисоблаш усули - бу операцияларни пайдо бўлган ёки активлар ва мажбуриятларнинг иқтисодий қиймати ўзгариш вақтда тан олиш усули. Айнан шу икки тушунчада касса усулида ва ҳисоблаш усулида даромадлар ва харажатлар нималиги, яъни уларнинг маъноси, жойлашган.

Касса усулидаги ҳисоботнинг мисолнинг сифатда бюджетнинг соддалаштирилган кўринишдаги ижро этилиши тўғрисидаги бизнинг ҳисоботни келтириш мумкин. Ҳисобот уч қисмдан иборат: даромадлар, харажатлар ва молиялаштириш манбалари. Мазмунан буларнинг ҳаммаси - пул маблағлар қолдиқларнинг ўзгариши, ёки соддароқ гапирилса, даромадлар ва харажатлар – бу маблағларнинг ҳисобварақлардаги тушумлари ва чиқимлари.

Касса усули ва ҳисоблаш усули ўртасидаги фаркланишлар



Қолдиқ ҳисоблаш усулида “қолдиқлар” (номолиявий, молиявий активлар, мажбуриятлар қолдиқлари) деган тушунча пайдо бўлади ва даромадлар ва харажатлар алоҳида-алоҳида ажратилади, яъни, захиралар ҳаракати билан боғланмаган ҳамма операциялар ичидаги барчалар – бу даромадлар ва харажатлар.

Агарда ҳисоблаш усули ҳақида гап кетганда этиш жоизки бу усул бошқарув учун катта имконлар беради, чунки у давлат активлари ва мажбуриятлари ҳақида тўла ахборотни беради.

Бинобарин, бу усулнинг кўп мамлакатларга ундан фойдаланишга ҳалақит берувчи битта катта ва принципиал камчилиги бор - пул маблағларнинг ҳаракати ҳақидаги кўчирмалар асосида Ғазначиликнинг бюджет ҳисобварақларида касса оқимларнинг оддий қайд этиш усулига нисбатан ҳисоблаш усулининг мураккаблиги ва кўп меҳнат талаб қилишлиги. Ҳисоблаш усули қатъий регламентлаштирилиши керак.

Шу ҳолда даромадлар ва харажатлар, номолиявий ва молиявий активларни баҳолаш, бозор нарх бўйича баҳолаш, дастлабки нарх бўйича баҳолаш каби масалалар кўтарилади.

Касса усулида ҳисобни олиб боришда шундай муаммолар мутлақо пайдо бўлмайди. Биттаю-битта муаммо - пул маблағларни чет эл валютада қайта баҳолаш, аммо бу муаммо бемалол ечилиши мумкин, чунки валюталарнинг курслари расмий равишда қонунчиликда ўрнатилган тартибда рўйхатга олинади ва тегишлича қолдиқлар ўзгаради.

Ҳисоблаш усулида қатъий равишда тартибга солиниши зарур бўлган талайгина масалалар пайдо бўлади. Ҳисоблаш усулида даромадлар – бу активларнинг соф қийматини оширувчи операциялар, харажатлар эса - активларнинг соф қийматини камайтирувчи операциялар.

Активларнинг соф қийматини ва давлат бошқаруви секторнинг фаолиятининг натижаси - давлат бошқаруви секторнинг активлари ва мажбуриятлари ўртасидаги фарқ. Содда айтганда, бу маълум даражада айнан давлат фаровонлигининг ўсиши.

Активларнинг соф қиймати нималигини ва айнан нима сабабдан шундай аталашини кўрсатувчи бир нечта мисоллар.

Биринчи мисол - солиқ даромадларни ёзиб бориш.

Бу ҳолда актив пайдо бўлади ва солиқ тўловчига талаб қандайдир битим туфайли эмас, балки солиқ ҳуқуқи асосида пайдо бўлади, яъни, солиқ тўловчига талаб гўё йўқ жойда пайдо бўлади, чунки, у давлатга солиқларни тўлаши керак. Шунда активлар қиймати солиқ тўловчига нисбатан талабномалар кўринишда ошади ва ҳеч қандай мажбуриятлар пайдо бўлмайди. Шунинг учун активларнинг соф қиймати кўпаяди ва буни биз учун даромадлар деб таснифлаш мумкин.

Иккинчи мисол – акциялар сотишдан пул маблағлари тушуми. Касса усули бўйича – бу пул маблағлари тушуми, бошқа сўзлар билан, акциялар сотишдан олинган даромадлар тушуми.

Ҳисоблаш усули бўйича - бу даромадлар эмас, чунки бу акциялар бўйича қолдиқларнинг камайишига олиб келади, ғазна камаяди ва пул маблағларнинг қолдиқлари кўпаяди. Бу эса даромад деб ҳисобланмайди.

Ҳисоблаш усули бўйича харажатлар ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Масалан электроэнергия учун тўлаш бўйича харажатларни ҳисобга олиш. Электроэнергияни истеъмол қилиш мобайнида тўлов бўйича мажбурият пайдо бўлади ва бу ҳолда ҳеч қандай актив пайдо бўлмайди.

Охирги мисол - бинонинг қурилиши. Бинонинг қурилишига пул маблағлари сарфланади ва шу билан гўё бинонинг қиймати ошадиганидек. Лекин касса усулида активлар қиймати ўзгармайди, касса усулининг нуқтаи назаридан - бу харажатлар. Аслида эса давлат активлари ўсиб боради, давлат пул маблағларни активларга, яъни бинонинг қурилишига, сарфляпти.

Ҳисоблаш усулида оддийгина қанча миқдорда пул маблағлар сарфланганлигини аниқлаш эмас, балки қайси миқдорда активлар олинган ва қайси миқдорда сарфланганлигини, яъни, пул маблағлари қолдиқларини балансга келтирилганлигини баҳолаш мумкин.

Масалан, номолиявий активларни бозор ёки дастлабки нарх бўйича баҳолаш катта миқдорда фарқланиши мумкин. Натижада баҳолашга турли ёндашувлар қўлланиб тузилган ҳисоботлар ниҳоят даражада фарқ қилиши мумкин.

3.3.4. Давлат бюджетининг ғазна ижросини

бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини ислоҳ қилишнинг босқичма-босқич амалга ошириш бўйича ҳаракатлар режаси.

Бюджет ҳисоби ва ҳисобот тизимини ислоҳ қилиш – сунъий равишда кўйилган мақсад эмас. Бу ислоҳот сиёсатчилар солиқ-бюджет соҳасида вазиятни англаган ҳолда қарорларни қабул қилишга ва давлатнинг вазифалари ҳамда функцияларини энг самарали усуллар фойдасига танлашга асос бўладиган ҳисобот маълумотларни шакллантиришга имкон берувчи ҳисоб процедураларни яратишга қаратилган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2007 йил 28 февралдаги “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-594 сонли қарори, ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Молия вазирлигининг 2007 йил 27

сентябрдаги 128 сонли буйруғи билан Давлат бюджетининг ғазна ижросини тўла жорий қилиш бўйича чоралар комплекси тасдиқланди. Бу чоралар комплекси бюджет ҳисоби ва ҳисоботи тизимини ислоҳ қилиш масаларини ҳам камраб олган.

Шунингдек, Давлат секторида халқаро форматларга ўтиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги “Республикани халқаро амалиётида қабул қилинган ҳисобни олиб бориш ва статистика тизимига ўтиш Давлат дастури тўғрисида”ги 433 сонли қарор қабул қилингангандан кейиноқ бошланди. Шу дастур халқаро стандартлар ва форматларни босқичма-босқич жорий этилишни, жумладан, давлат сектордаги бюджет ҳисоби тизимини халқаро нормалар талабларига жавоб берувчи ҳолатда келтиришни, кўзда тутди.

Аниқ тушуниш керакки, ислоҳотни конкрет одамлар амалга оширади, бюджет ҳисобини ислоҳ этиш соҳасида эса – асосан бюджет бухгалтерлари. Шу муносабати билан бюджет ҳисоби билан шуғулланаётган мутахассисларнинг касбий даражаси замонавий талаблар ва бюджет соҳасидаги ислоҳотда белгиланган вазифаларга мос бўлиши керак.

Мамлакатимизда қабул қилинган давлат секторда бухгалтерия ҳисобини ривожлантиришнинг стратегиясига мувофиқ янги тизимнинг асосий мезонлари аниқланган, хусусан:

бюджет таснифланиши билан интеграциялаш;

бюджетнинг ижроси ҳисоби ва бюджет ташкилотлардаги ҳисобни бирлаштириш;

Давлат секторида бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари (ДСБҲҲС) ва Давлат молиялари статистикаси бўйича 2001 йил қўлланмаси (ДМСҚ 2001)нинг талаблари асосида ҳисоблаш усулидан фойдаланиш.

Бу стратегия куйидагиларга қаратилган:

(i) ўзгартиришларни боғланган ҳолда, кетмакетликда ва амалий тартибда юз беришини таъминлаш. Масалан, қайсидир ўзгартиришлар дарҳол киритилиши мумкин, қайсидирларини амалга ошириш учун эса катта қонунчилик ва процессуал тайёргарлик, ҳамда кенг билим ва ўрганишлар зарур;

(ii) ҳисобни олиб боришдаги маълум ўзгаришлар бир неча йилга кечиктирилишини инобатга олган ҳолда перспективада Давлат молиясини бошқариш ахборот тизими (ДМБАТ) ҳам бошланғич, ҳам ўрта муддатларда қандай талабларга мос бўлиши кераклигини аниқлаш.

Бухгалтерия ҳисобининг мазкур стратегиясида акс эттирилган ислоҳотнинг умумий мақсадлари куйидагича:

(i) бухгалтерия ҳисобот ва молиявий ҳисоботни то ДСБҲҲСнинг ҳисоблаш усулига тўла мослигига эришишга ўтиш даври тарихида ДСБҲҲСнинг касса усулига мос ҳолатига келтириш;

(ii) бухгалтерия ҳисоби амалдаги тадбирларини модификацияланган ҳисоблаш усули бўйича олиб бориш. Бу жараёнга молиявий ҳисоботларда тайёрланган қўшимча очилиш кўринишдаги ҳисоблаш услуги бўйича ДСБҲҲСнинг мажбурий элементларини аста-секин киритиш.

(iii) халқаро стандартларга бевосита асосланган ҳолда ҳисоб стандартларини аниқлашда маҳаллийлаштиришни (децентрализацияни) кучайтириш ва куч сарфларни қисқартириш;

(iv) солиқ ҳисоботини ДМСҚда баён қилган услубиётга мос келтириш. Аммо бунга бир неча йил вақт кетади, чунки ДМСҚ тўла ҳисоблаш усулида асосланган тизим.

Шунингдек, давлат бюджетининг ғазна ижроси асослари ва принциплари ҳақида беҳабарлик охирида маълум сарфларга олиб келиши мумкин.

Шу муносабати билан Давлат бюджетининг ғазна ижросини жорий этиш бўйича Чоралар комплексини, айниқса, бюджет ҳисобини ислоҳ қилиш қисмини, амалга оширишнинг энг афзал йўналишлари қуйидагилардан иборат:

ҳисобчилар, бош ҳисобчиларни ўқитиш, тайёрлаш ва малакасини қайта тайёрлаш;

ғазначилик ва молия органлари ходимларнинг касбий маҳорати ва чуқур билимларга эгаллигини ошириш;

ҳисоб жараёнини техникавий томондан таъминлаш, чунки ишлаб чиқилган ҳужжатлардан автоматлаштирилган жараёнларга боғланмаган ҳолда фойдаланиш мумкин эмас;

фойдаланилаётган дастурий маҳсулотларнинг самарали ишлашини таъминлаш мақсадида дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқувчи ва етказувчи мутахассислар билан ишлаш.

Хулоса.

Ҳар бир давлатнинг иқтисодиётини муваффақиятли ривожланиши сезиларли даражада давлат молиялари ва моддий ресурслари ҳолати ҳақида аниқ ва тезкор ахборот олиш, ҳамда уларни самарали бошқаришга боғлиқ. Ҳукумат учун бу ахборотни етказувчи асосий тузилма - Давлат Ғазначилиги.

Ўзбекистонда Давлат бюджетининг ижросини ғазначилик тизимида босқичма-босқич ва тўла ўтиш бўйича етарли даражада функционал, ташкилий, техник-технологик шарт-шароитлар мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, бюджетнинг ижросини амалдаги тизими иқтисодият ишлаб туриш мутлақо бошқа шароитлар учун ишлаб чиқилган ва етарли даражада чекланган функцияларни бажаришга мўлжалланган эди. Ҳозирги вақтда мазкур тизим унга ўрнатилган ўсган талабларни удалашга имкон бермайдиган яққол кўринишдаги камчиликларга дуч келди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тарафидан давлат молиялари устидан назоратнинг ўрнатиш бўйича биринчи босқич сифатида Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимида ўтишда Ҳукумат унда қанча пул маблағлари борлиги, шулардан қанчасини бериш кераклиги, ҳамда қайси вақтда ва қанча даромадлар олишини тахминлаш керак.

Ғазначилик томонидан йиғилган маълумотлар ҳукуматга давлат бошқарув органларининг ишлашини баҳолашга ва ўзи томонидан олиб борилаётган бюджет сиёсатнинг иқтисодий асоратлари ҳақида тасаввур олишга имкон беради. Ҳукуматнинг барча тушумлар ва тўловлари устидан назоратни олиб бориб Ғазначилик давлат ижроия ҳокимияти тузилмасида “кассир” ва “бош ҳисобчи” вазифаларини бажаради. Шу билан бирга бу вазифа фақат

бюджет пуллар билан ишлаш доираси билан чекланмайди. Гап давлатнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳақида кетади, охирида – барча давлат молиявий ресурслари ҳақида.

Бюджет муассасалари томонидан қайси вақтда ва қандай харажатлар қилиниши ҳақида хабардор бўлиб, Ғазначилик, маблағларнинг айланмага жалб қилинмаган қолдиқларини тезкорлик билан бошқариб, касса ичидаги узилишларни қоплашнинг қисқа муддатли манбаларини жалб қилишнинг қисқартириш бўйича таклифлар киритиши мумкин. Натижада, охириги нуқтада давлат қарзини қоплашга йўналтириладиган бюджет маблағлари тежаллади.

Давлат молияларини бошқариш функциясини самарали амалга ошириш учун Ғазначиликда ягона ғазначилик ҳисобварағи бўлиши керак. Бу ҳисобварағи орқали давлат бошқарув органларининг ҳамма операциялари амалга оширилади ва барча давлат ресурслари жамланади. Молия бошқаруви фаолиятдан ташқари Ғазначилик маблағлар сарфланиши жараёнининг ҳамма босқичларида барча даражадаги бюджетларнинг ижросини назорат қилиши мумкин ва керак. Фақат шу йўл билан давлат молияларнинг бирлигини ва уларнинг самарали фойдаланишини таъминлаш мумкин.

Давлат маблағларини касса орқали харажат қилишдан илгари босқичда Ғазначилик томонидан амалга оширилаётган назорат шу маблағлардан мақсадли фойдаланишни таъминлашнинг самарали воситасидир, чунки бундай назорат фақатгина молиявий интизомни бузувчиларни аниқлашга эмас, балки энг муҳими шундай бузилишларни олдини олишга имкон беради.

Республика даражасидаги Ғазначиликка юклатилган яна бир ниҳоятда муҳим функция – бу давлат бошқарув органларнинг операцияларини бухгалтерия ҳисобини олиб бориш. Бухгалтерия ҳисоби ҳамма операцияларнинг ишончли автоматлаштирилган механизмини таъминлайди. Айнан шу механизм давлатнинг молиявий ресурслари ҳаракатининг актуал, яъни, ҳозирги вақтни акс эттирувчи, ҳолати ҳақида ахборотни узлуксиз таъминлайди.

Ғазначиликнинг роли фақат бошқарув ва назоратнинг расмий процедуралари ижро этиш билан чекланмайди. Ғазначилик ижроия ҳокимият органларнинг таркибида жойлашган аудитор сифатида чиқиши мумкин. Ғазначилик бюджет ҳақидаги қонун талаблари доирасида маблағларнинг харажат қилиниши самарасини назорат қилишга қодир.

Ҳозирги пайтга Давлат бюджетининг ғазна ижроси механизмларини бутун республика бўйича амалга оширилиши қуйидагиларга эришишга имкон берди:

бюджетдан қуйи маблағ олувчиларнинг кўп бўғинли молиялаштиришни тўхтатилиши;

бюджет маблағларни бюджетдан маблағ олувчиларнинг кўпгина бюджет ҳисобварақларига сочилишини олдини олиш;

бюджет маблағларини Ғазначиликнинг ҳудудий бўлинмалари ҳисобварақларида жамлаш ва тўловларни ўтказиш ҳамда иш ҳақини тўлаш муддатларини қисқартириш;

бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатларини ғазначилик ҳисобварақларидан харажатлар сметасида кўзда тутилган миқдорида тўлаш;
бюджет ташкилотлари томонидан бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш.

Масалан, ғазначилик бўлинмалари ишининг натижалари бўйича 2007 йилда Давлат бюджетининг ғазна ижроси жараёнида умуман олганда 9,0 млрд. сўм миқдорида бюджет маблағларини мақсадсиз ва асоссиз фойдаланишнинг олди олинди. Шулардан:

4,1 млрд. сўм миқдорида бошқа мақсадда ва лимитдан ташқари бюджет маблағларидан фойдаланиш;

4,3 млрд. сўм миқдорида кредитор қарздорликни асоссиз ўсиши;

0,6 млрд. сўм миқдорида товарлар (ишлар, хизматлар)нинг ўртача нархларини асоссиз оширилиши.

Санаб ўтилган кўрсаткичларнинг Молия вазирлигида мавжудлиги вазирликка ва бюджет маблағларнинг бош бошқарувчиларига бюджет ресурсларини тезкорлик билан бошқариш учун кенг имконлар яратади.

Ғазначилик тизимини шакллантиришнинг асосий босқичлари биринчи навбатда қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

тизимнинг норматив-ҳуқуқий базасини шакллантириш;

Ғазначиликнинг ташкилий-функционал тузилмасини ишлаб чиқиш;

мазкур тизимнинг ахборот базаси ва уни ҳимоялаш тизимини ташкил этиш;

Ғазначиликнинг дастурий ва технологик томондан таъминлашни ишлаб чиқиш.

Халқаро тажрибаси ва республикадаги молия тизимини ишлаб туришининг амалиёти юзага келган вазиятда деярли ягона йўлни танлашни тақозо этади - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида давлат ғазначилик тизимини ташкил этиш.

Амалга оширилган тадқиқотлар қуйидаги асосий хулоса ва таклифларга олиб келди:

- Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимининг янада кенгайтиришга ва шу тизимга тўла ўтишга маълум даражада негиз мавжуд;

- Давлат бюджетининг ғазна ижроси услубиёти ҳамда функционал модулларини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш керак;

- ғазначилик тизимининг асосий элементи, яъни, ягона ғазначилик ҳисобварағини, босқичма-босқич (“пилот” варианты ва барча ҳудудларга тарқатилиш) жорий этилиши лозим;

- бюджетга ғазначилик хизматини кўрсатишнинг самарадорлигини интеграциялашган Давлат молиясини бошқариш ахборот тизими (ДМБАТ)ни яратиш йўли билан ошириш зарур;

- тўловлар тизими ислоҳоти ва мажбуриятлар ҳисобини олиб боришни амалга ошириш билан боғлиқ ягона ғазначилик ҳисобварақни ташкил этилиши ДМБАТнинг таркибий қисми сифатида яқунланиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 апрелдаги 144 сонли қарори чиқиши ва уни амалга оширилиши доирасида республикамизда давлат молиялари бошқаруви тизимини комплекс равишда ислох қилиш ишларни амалга ошириш бошланди. Кўпгина мураккаб ва сермашаққат ишлар бажарилди. Олдинда амалга ошириладиган янада кўпроқ ва қийинроқ ишлар турибди.

Аммо шубҳасиз, белгиланган устувор йўналишлар ва вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши республика давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар бошқарувини сифат жиҳатдан янги даражага кўтарилишини таъминлайди. Давлат молиялари бошқарувининг прогноз тузиш ва режалаштиришдан бошлаб то давлат харажатлари самарадорлигини назорат қилишгача деярли ҳамма процедуралари янада мукамаллашган ва самаралироқ, Давлат сектордаги халқаро нормалар ва стандартларга жавоб берадиган даражагача кўтарилади.

ҚЎЛЛАНИЛГАН МАНБАЛАР (библиография):

1. Қосимова Г. Ҳазначилик фаолиятини ташкил этиш. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод-молия. 2005.
2. Принципы организации казначейского исполнения государственного бюджета Республики Узбекистан. - Т.: "Мир экономики и права", 2005. – 318 с.
3. Дроздов О.И. Оценка зрелости казначейской системы //Финансы, № 2, 2007.
4. Пахомов С.Б. Секьюритизация доходов бюджета территориального образования и облигационные займы: опыт Нью-Йорка //Финансы, № 12, 2006.
5. Цыденмункуева Т.Ч. Доходы бюджетных учреждений от предпринимательской и иной деятельности //Финансы, № 12, 2006.
6. Ананенко С.А. Повышение эффективности бюджетных расходов с помощью аналитических возможностей БОР //Финансы, № 11, 2006.

7. Крохина Ю.А. Конституционные основы казначейской системы исполнения бюджетов субъектов РФ //Финансы, № 11, 2006.
8. К вопросу о сущности казначейского исполнения бюджетов //Финансы, № 11, 2006
9. Пансков В.Г. Аудит эффективности расходования государственных средств //Финансы, № 5, 2006.
10. Чичелёв М.Е. О дальнейшем совершенствовании бюджетного процесса //Финансы, № 2, 2006.
11. Нестеренко Т.Г. О развитии федерального казначейства //Финансы, № 12, 2005.
12. Никитина Т.Р. Применение ответственности за нецелевое использование бюджетных средств // Финансы, № 11, 2005.
13. Лаврова А.М. Бюджетная реформа 2001-2008 гг.: от управления затратами к управлению результатами.
14. Костюченко В.Ф. Пути реализации реформы местного самоуправления казначейскими органами //Финансы, № 9, 2005.
15. Кучкарова Т.С., Терехиленко Б.Н. Выбор казначейской системы исполнения бюджета в странах СНГ //Финансы, № 9, 2005.
16. Бородин А.Н. О результативности расходования бюджетных средств // № 9, 2005.
17. Шахова Г.Я., Боженко И.П. Государственные расходы и социально-экономическое развитие // Финансы, № 8, 2005.
18. Тимирханова Л.Р. Новый порядок финансирования расходов федерального бюджета // Финансы, № 7, 2005.
19. Сабитова Н.М. Некоторые вопросы реформирования бюджетного процесса в РФ //Финансы, № 7, 2005.
20. Зуева И.А. Пути внедрения государственного аудита //Финансы, № 5, 2005.
21. Нестеренко Т.Г. Федеральное казначейство на новом этапе //Финансы, № 4, 2005.
22. Дубинина И.В. Реформирование бюджетной классификации РФ // Финансы, № 12, 2004.
23. Гусев С.И., Швецов Ю.Г. О роли федерального казначейства в финансовой системе государства // Финансы № 11, 2004,
24. Ананенко С.А. Повышение эффективности бюджетных расходов с помощью системы сбалансированных целевых показателей // Финансы, № 9, 2004.
25. Бережная Л.А. Будущее управления государственными финансами – за казначейской системой // Финансы, № 9, 2004.
26. Нестеренко Т.Г., Бушмин Е.В. Технология единого счета бюджета: необходимость и преимущества // Финансы, № 5, 2004.
27. Король Е.А. открытие и закрытие лицевого счетов в органах федерального казначейства // Финансы, № 4 2004

28. Нестеренко Т.Г. Казначейское исполнение бюджетов и развитие системы учёта в государственном секторе Российской Федерации // Финансы, № 3, 2004.
29. Артамонов Г.Ф. О возможности увеличения доходов бюджета с помощью регламентированного электронного обмена данными и отчетностью // Финансы, № 3, 2004.
30. Barry Potter, Jack Diamond. Building Treasury Systems. 1999.
31. Иванова Н. Г., Маковник Т.Д., Казначейская система исполнения бюджетов. «Питер» Санкт-Петербург. 2001. стр. 29.
32. Рудовол И. П. Правовое регулирование казначейского исполнения бюджета. Финансы. № 8, 2003. стр. 25.
33. Allen Schick, Robert Keith, Edward Davis. Manual on the Federal Budget Process. CRS Report for the Congress. 1991. 201 Pages T.C.
34. Halil Karatas, Туркия молия вазирлиги ходими. Basbakanlik Hazine Mustasarligi Ташкил қилган семинар материаллари 15.04-23,04. 2008 йил.
35. Н. Alper Memis, Туркия Давлат Хазиначилик Қўмитаси ходими. Т.С. Basbakanlik Hazine Mustasarligi Ташкил қилган семинар материаллари 15.04-23,04. 2008 йил.
36. Bruce J. Perlman and Gregory Gleason. Comparative Perspectives on Third Generation Reform. 2003.

ҚЎЛЛанилган МЕЁРИЙ ХУҚУҚИЙ МАНБАЛАР

2. Қўшимча дарсликлар

1. Давлат молияси тизими. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўплами. 1,2,3-жилдлар. –Т.: Ўзбекистон, 2002.
2. Давлат бюджетининг ғазна ижроси. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўплами. Казначейское исполнение государственного бюджета. Сборник нормативно-правовых документов / - Тошкент, 2006.- 271 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2003.
4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 29.08.1996 й. 257-І-сон қарорига мувофиқ 1997 йилнинг 1 мартидан қучга киритилган.

2.1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги 14.12.2000 й. № 158-ІІ сонли Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги 26.08.2004 й. № 664-ІІ сонли Қонуни.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва фармонлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”. 28.02.2007 й. № ПҚ-594 сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Осиё тараққиёт банки иштирокида "Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш" лойиҳани

амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида». 01.11.2007 й. № ПҚ-721 сонли қарори.

2.3.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Молия органларида бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш тартиби ҳақида Вақтинчалик низоми». 21.05.2005 й. № 1475 сонли.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.03.2007 й. 53-сонли «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ғазначилиги тўғрисидаги низоми»ни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.03.2007 й. 54-сонли «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида молия органлари ҳамда бюджет ташкилотларининг молия-ҳисоб бўлинмалари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори.

2.4.Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйруқлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар

1. Самарқанд вилояти маҳаллий бюджети ғазна ижросининг ҳисоби бўйича вақтинчалик қоидалар (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 24 июлда 1599-сон билан рўйхатга олинган).
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси бўйича молия органлари ва ғазначилик бўлинмалари функцияларини фарқлаш бўйича Низом»ни тасдиқлаш бўйича 30.08.2007 й. 119-сонли буйруғи.
3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «2008 йилни муваффақиятли яқунлаш ва 2009 йилги Давлат бюджети параметрларини ижроси жараёнида бюджет интизомига қатъий риоя этишни таъминлаш чоралари тўғрисида»ги 01.01.2009 й. 1-сонли буйруғи.
4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сонли қарорида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш тўғрисида» ги 01.01.2009 й. 2-сонли буйруғи.
5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида юритиш Қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 05.12.2007 й. 1746 сонли буйруғи.
6. Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ғазначилиги ходимининг кундалик қўлланмаси. Тошкент. 2009.

КИ - компьютер инфратузилмаси
КТ – корпоратив тармоқ
ЛХТ - локал ҳисоблаш тармоқни
МАБ - Марказий алоқа боғламаси
МБ – Марказий банк
МФ ГИАТ - Молия вазирлигининг Глобал интеграллашган
ахборот тизимини
ОТБ - Осиё тараққиёт банки
ҲВБ - Ҳалқаро валюта банки
ХВФ - Ҳалқаро валюта фонди
ЯҒҲ - Ягона ғазначилик ҳисобварағи